

«ҚАТАФОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ» МУЗЕЙИ

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

*II
жилд*

Тошкент
«Akademnashr»
2018

**УЎК: 821.512.133
КБК: 84(5Ў)1
Б65**

Б65 Беҳбудий, Маҳмудхўжа
Танланган асарлар. Ж.2. – Тошкент: Akademnashr,
2018. – 312 б.

ISBN 978-9943-4299-6-3 УЎК: 821.512.133
КБК: 84(5Ў)1

XX аср ўзбек миллий уйғониши даври адабиётининг буюк намояндаси, миллат қаҳрамони Маҳмудхўжаси Беҳбудий “Танланган асарлар”ининг ушбу иккинчи жисидига адабий-танқидий ва публицистик мақолалари, сафар хотиралари, хатлари, шунингдек, замондошлигининг ўзбек ва рус тилларидағи эсдалик ва бағишловлари киритилди.

Ушбу нашр XX асрдаги миллий уйғониши даври тарихи ва адабиёти билан қизиқувчи мутахассислар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Сўзбоши муаллифи, тўплаб, изоҳлар ва лугат билан нашрга тайёрловчи:
Сирожиддин АҲМАД, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, санъатшунослик фанлари номзоди

Таҳрир ҳайъати: **Наим КАРИМОВ, Сайдбек ҲАСАНОВ,**
Санжар НАЗАРОВ, Баҳодир КАРИМОВ,
Сирожиддин АҲМАД,
Зайнобиддин АБДИРАШИДОВ

Масъул муҳаррир: **Баҳодир КАРИМОВ,**
филология фанлари доктори

ЭСКИ ФИКРЛАРДАН¹

Бир қоронғу охшом әди, ўғлым Масъудхұја бир неча газета келтурди. Бан-да олдим ва ўқырға шуруй этдим. Мутолаа этдим, ҳеч бирини маълумоти күнглумни очмади.

Құлумні «тоқча» я узотдим, тизилмиш китоблардан бири келди. Күрдимки, «Тұхфат ул-ақрор» дир. Очдим. Сурхи (қызил сиёхи) ила форсча шу мазмунли бир унвон ёзилубдур: «Тұртингчи наът, иқтибос нур ва илтимос ұзури онқазрат (соллаллоқ алай-хи васаллам)дан». Бунинг олтинда (остиңда) эса шүйла байтлар күрүлди:

*Эй басарро пардаи Ясриб баҳоб,
Хезки шүд машриқу магриб хароб.*

«Әй Ясриб (Мадина) құногинда ёткан (ётқон) зот! Құб (үрнинг-дан қолқ)ки Шарқ ва Farb хароб ўлди!»

*Тавбада аз саркаш айёмро,
Боз харъаз нохуш эсломро.*

«Замонани бош қолдирмоқдан тавба бер (итоатсизлиги учун замонани тавба қилдир)! Исломни заъф ва мараздан сотун ол!»

*Хомаи муфтеке чу ангушт аз,
Шүд зинай белуқмаи рибои дароз.*

¹ Нашрга тайёрловчы: филология фанлари доктори Баҳодир Каримов.

«Муфтининг қалами тамаъли одамнинг қўли каби, луқма чек-мак учун узалди (узунайди)».

*Дасти сиёсат бекаш ва бешиканаш,
Ҳам чуни андар бин ноҳун зилаш.*

«Сиёсат қўли-ла қаламини синдируб, тирноғи олтинда қамиш (қомиши) каби ур!»

*Воиз саргўки пасти аст банд,
Пояи худ карде з-минбари бўланд.*

«Чўқ сўйлагувчи олчоқ воиз-да ўз рутбасини минбардан олий этмиш!»

*Чун не бузург аст з-шарињаш сухан,
Минбар ў бар саре хўрд кан.*

«Азбаски они (анинг) сўзи шариатдан буюк дагил, минбар ила бошина ур!»

*Мумањаро қоидай тозена,
Рахт харобот бедару азена.*

«Ибодатхонага янги қоида қўй, харобат нарсаларни эшикка от!»

*Хирқаи тазвир басад пора кўн!
Жон мазури зи тан авора кўн.*

«Фириб хирқаларини юз пора жир, алдовчиларни(нг) жонин ол!» (Кийимлари ила ҳалқни алдаб юрувчиларнинг кийимларин йиртиб ташла!)

*Зулмати бидъат ҳаме олам гирефт,
Балке жаҳон жомаи мотам гирефт.*

«Бидъат қоронгуси барча оламни тутди, балки дунё аза тутди» (Бутун жаҳон мотам кийимлари кийди).

*Коши фитод зи умуружсат ружсувъ²
Боз қунад нури жамолат тулуъ.*

«Кошки сенинг нуринг янадан шуҳуд этса!»

Бу сўзларни(нг) эгаси Мавлоно Нуруддин Абдураҳмон («Кофия» шориҳи) Мулла Жомийдурки, тўққизинчи аср ҳижрияда Самарқандий Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрор исмина ёзган «Тұхфат ул-аҳрор» ном асари муборакинда мундариж афкор ва манзу маи олам баҳосидир. Буни тасвидидан мақсад эски ва янгилик тарафдори мусулмон биродарларға янги фикрларни(нг) мукаммали ҳукминдаги дўрт асрлик эски бир фикрни ёзуб арз ибрат этмақдан иборатдир. Боқий қорилара салом. Ақраб ойи қоронги оҳшоми.

*Самарқандда дорулқазо муфтилардан:
Маҳмудхўёса бин Беҳбулхўёса
«Шўро». 1911 йил. № 22*

«МУНОЗАРА» ҲАҚИНДА

Усули жадида мактабларини(нг) нафълиги ва фунуни замония таҳсилиниң бухорийлар учун лузуми тўғрисинда фарангти афанди ила мударрис бухоройи жанобларини ораларида бўлган баҳс ва сұҳбат «Мунозара» исмида бир рисола шаклинда форсий тилга табъ ва нашр бўлубдур. Биз-да кўздан кечурдукки, ҳақиқатан бухорийлар учун нофеъдур.

Фарангий ва мударрис тилидан бу муҳим баҳслик рисолани таҳrir эттувчи ва ҳам тобеъига арзи ташаккур қилурмиз. Иншо-

² Тушкунлик ҳолатингни тутатишга интилсанг-у, жамолинг нурини янада тўлароқ кўрсатсанг, кошки эди.

оллоҳ, бу рисола бухороиларни уйғотмоқиға боис бўлуб, «Мунозара» муҳарририни раҳмат ила ёд этсалар.

Ва ал-он бу рисола туркий тилда жаноб муаллим ҳамشاҳри-миз Ҳожи Муъин афанди тарафиндан таржима ва ушбу газет ила нашр бўлуб турубдур. Ва аммо бизни фикримизча, Бухоро учун энг муҳим бир баҳсни фарангти афанди фаромуш этубурлар: ва ул муҳим баҳс бухорийларни русча ўқумоқ ва рус маданияти-дин нафъдор бўлмоқға тарғиб этмоқдан иборат эди. Хайр, балки фарангти афанди фаромуш этмай, эҳтимолки, бухорийларни та-ассублари қўзғолмасун ва мунозара рисоласидан умид этилган манфаати маънавия фавт бўлмасун таваҳҳуми ила³ русча ўқу-моқ баҳсидин кўз юмгандур, деб зан қилурмиз. Ва илло фарангий афанди натижай маълумотиға назаран, русча ўқумоқға та-рафдор деб истидлол қилинадур; ва ҳар бир кўзи очуқ киши-да бухорийларни русча ўқумоқларини, албатта, лозим билур. Бухо-ройи қариндошларимизни русча ўқумоқлари тўғрисида мухта-сар бироз ёзмоқни биз мунда керак билдук ва, умид қилурмизки, «Мунозара» ношири иккинчи табъига русча ўқумоқни лузумини ҳам рисолага илҳақ этдирса. Русия ҳукумати 150 миллиён халқ-лик ва ер юзини қавий давлатларидан бири ва Бухоро ҳукумати ани ҳимоясида ва аниг учун бухорийларни русча ўқумоқлари ўзлари учун лозим ва нофеъдир.

Бухорийларни савдо ишлари Русия иладирки, тижорат ишла-рини тараққий қилдирмоқ учун, албатта, русчага эҳтиёж томалари бордир. Бухорода телегроф, почта – темир йўли – бонк ва мол ат-тижоранинг ҳамли ва нақли, оптек-дўхтурхона ва ҳифз ас-сиҳата тейишли ишлар ва лавозимоти мадания ва замония ва хорижа мутааллиқ барча мавод коффатан руслар воситаси-ла жорий бўлурга бул тўғриларидан бухорийларни русчага эҳтиёжлари шадиддир. Русия ила тижорати бор ҳар бир бухорий ва Бухорони ҳар бир ҳукумат доираларини русчага бор эҳтиёжини ҳар кимдан аввал бухорийларни ўзлари иқрор эдарлар. Киши йўқлигидан ал-он Бухоро ҳукуматини хизматидаги таржимон-лар кафказий ва туркистонийлардан иборатдир.

³ Маънавий манфаат нобуд бўлмасун ваҳимаси билан.

Бухорийларни русча ўқумоқлари учун далил лозим бўлса, фақат Русияни ўқпурт жиҳатидан Бухороға ҳамсоялиги энг олий далилдир. Ҳолбуки, Бухоро Русия ҳукуматини ҳимоясида, яъни ҳовучидадир. Насоро ва мажус давлатларини айтмай қўйдук, бул вақт Усмонли ислом давлати катта мактабларига русча ўқутадур ва Русияга талаба юборадур.

Турк қариндошларимизни ҳар бири Русия мусулмонларини русча ўқумоқга ташвиқ этарлар; Истанбул шайхулисломи ҳазратлари Русия мусулмонларини русча ўқумоқга буюрадирлар. Чунончи, ўтган сана Самарқанд ҳожиларидан икки нафар мударрис шайхулислом жанобларини хизматларига мушарраф бўлуб эканларки, усули жадида ва русчани лузумидан баён қилуб, туркистонийларга русча ўқумоқни ташвиқ этмоққа буюрубдурлар.

Мисрдан, Шом ва Арабистондан ва Эрондан Русия мактабларига талаба келганда, Бухородан на учун талаба келмайдур? Бунинг сабаби бухорийларни фафлати ва замондан хабарсизлиги, деюрлар.

Бул бобга бухорийлар у қадар каҳолат этдиларки, ҳатто расмий доираларида ярардек таржимонлари йўқдур. Хўб, Бухорода усули жадидани қўймаганларидек, русчани-да қўймадилар, дедук, эй шогирдларини Самарқандга, Туркистонга ва ё дохилий Русияга на учун юборилмайдир? Самарқандга Бухородан гадо, ўгри, қиморий, жавонбача келур. Ҳатто деюрларки, фоҳишалар ҳам келур, буларга уламо бир шай демас ва хабардор бўлмас. Талабаларгами, монеъ бўлурлар? Йўқ, бул бобга уламога ёпишишмоқ керак эмас, балки бошқаларга лозимдур. Бухоронинг муҳтарам ҳукмронларина, Бухоронинг тужжори киромига биз, ман гайри ҳад арз қўлurmизки, русча ўқутмоқни муборак фикрларига келтурсалар. Русия давлати Бухоронинг фақат бир ҳимояси эмас, балки ҳомийси – васий ва мураббийи давлатидур. Онинг учун русча билмоқ ва Русиянинг олий ва катта мактабларина кирмоқ бухорийларни ҳаёти ва саодати учун алзумдир. Икки миллиён бухорийлардан нисфи аср зарифида бир нафар таржимон чиқмаганлиги, бухорийларни лоқайдликларига далил бўлур. Бу нимадан келур? Бинобарин, Русия ила Бухоро байниндаги муносабати сиёсияни ҳар замон аҳолига билдурмоқ керакдур.

Биз сиёсий киши эмас ва, илло, бул түғридаги фикримизни очуқ сурат ёзар эдук. Шу қадар биларманки, расман Бухоро ҳукумати Русия давлатини ҳимоятигайдир. Бухоронинг бош ҳукмрони жаноби олий амир ҳазратларини аморатлари Русия давлати тарафидан тасдиқ қилинадур. Бухорони хорижия ишлари Русия давлати тарафидан ижро қилинадур. Хорижия давлатлари, масалан, Эрон, Афғон ва Усмонли давлатлари ила Бухоро ҳукуматини хат-хабар қўлмоги лозим келса, Русия давлат воситаси-ла муомала қиласур. Бухоро аҳли хорижияга чиқмоқчи бўлса, Русия рижол ҳукуматини рухсати лозим. Бухоро учун бож ва пошлина Русия давлатини ихтиёри ила бўлур. Билмоқ керакки, русча ўқумоқ ила киши коғир бўлмайдур ва ё руслар бизларга динларини таълим бермайдир.

Масалан, бу кун Самарқанд мухталиф мактабларига юздан зиёда мусулмон боласи бор ва аларни ҳеч бирига насоро динини таълим бермайдир. Самарқанд эъдодий гимназия мактабида бу кун ўндан зиёда мусулмон боласи бор, у жумладан, бири маним ўғлумдир. Ва на вақткни, болаларга насоро динини таълим берурлар, ғайрирусларни хоҳ мусулмон ва ё яхудий ва ҳатто армани бўлсун, мактабдан чиқорадурлар, ҳатто насоро ақидасини таълим вақтида яширин мактабда қолган ғайрирус болаларга жазо бериладир.

Ғайрируслар русча ўқуганда илми дунёвий ва ҳаётга мутааллиқ фунун ўқиийурлар. Ва ҳар бир мусулмон-да русча ва ё фаранеча шуни ўқиийурлар.

Бухорони ўрта миллати учун авомча сўйлайинки: турклар, эронийлар, туркистонийлар, қазоний ва оренбургий ва кафказийлар ҳам чунонки русча ўқусалар ҳам коғир бўлмадилар. Бухорийлар ҳам русча ўқуган ила коғир бўлмайдурлар.

Афғон ҳукумати ила англис давлати орасида муносабати сиёсия мавжуд ва ҳамсоядур. Ани учун афғонлар Ҳиндистонни англisisийга ва нафси Англияда ўз нафи учун талаба юборадур. Ҳолбуки, ҳеч бир афғон англис бўлган ийӯқ. Инчунин бухорийлар-да Туркистон устига ва ё Русияга ўз нафлари учун талаба юборсалар, хотиржам бўлсунларки, ўрус бўлмайдурлар. Шуни-да ёзайин, бухоройи қариндошларимиз билсунларки, бу сўзларни биз мусулмонлигимиз учун ва Бухорони тараққийсини хоҳлаганимиз учун ёзамиз. Гумон қилинмасунки, ўруслар бизга ёздурадур.

Фарангى жанобларини фикрига биз ҳам тобе ва биз ҳам деймизки Истанбул, Миср, ҳатто Кафказ ва Қозонға Бухородин талаба борсун. Ва аммо бу қаторда русча ўқумоқ учун Туркистон ва Петербургға ҳам.

**Самарқанд дорулқазо муфтиларидин:
Маҳмудхўёжса бин Беҳбудхўёжса
ТВГ. 1911 иил 29 сентябрь. №73**

МУҲТАРАМ МУСО АФАНДИ ШАРАФИНА⁴

Хейли вақтдирки, зеҳнан ва руҳан хастаман. Хасталигимга давони ва иложни «Маснавий шариф» ўқумақдан тартиб ва танзим эдам. Хасталик оз эди ва лекин бу хасталик баним ичун ганимат эди. Қўрқурамки, хасталикдан айрилсан, «Маснавий» сұхбатиндан маҳрум қолурام. Ишта яна хастаман.

Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратлари 50 бинг байтни муҳтави ўлан «Маснавий» соҳибидир. Таваллуди 604-санаси Балх шаҳрида ўлуб, вафоти 673-санасинда Қўнядадир.

*Ман чи гўям васфи он олижсаноб,
Нист пайғамбар, vale дорад китоб.*⁵

(Мавло васфини насил этайин? Пайғамбар дагил, аммо китоби вор.)

*Гар зи сирри маърифат огоҳшавӣ,
Лафзи бағузори сӯйи маъношавӣ,
Аз наиي килк ин ҳикоят бишнавӣ,
Маснавийи мавлавий маънавий,
Ҳаст Қуръон дар забони паҳлавий.*

⁴ Мақолани адабиётшунос Зайнобидин Абдурашидов нашрга тайёрланган.

⁵ Мавлоно Абдураҳмон Жомий байти: Мен у олижсаноб инсоннинг васфи ҳақида нима ҳам дейишпим мумкин, пайғамбар эмас-у, аммо китоби бор.

(Агар маърифат сиррини билсак, лафзина бироқиб, матьноя кедарсен ва қаламдан буни эшидарсенки: «Маснавий» – форсий тилинда Қуръондир.)

* * *

Одамнинг фитратда хилқати

*Омада аввал бо қалим жамод,
Ва зи жамоди дар наботи ў афтод.*

(Одами, аввал жамод оламина келуб, сўнгра маъданиётдан набот оламина ўтди.)

*Солиҳо андар наботи умр кард,
Ва зи жамоди ёд наовард аз набард.*

(Набот оламинда кўб саналар яшади ва жамоддаги ҳолини унугти.)

*Ва зи наботи чун баҳайвон ў фатод,
Номадаш ҳоли наботи ҳич ёд.*

(Андин ҳайвонлигга тушуб, наботлик ҳолатини-да унугти.)

*Жаз ҳамон майлे ки дорад суйи он,
Хосса, дар вақти баҳор ва химрон (?)*

(Фақат наботота майли боқий қолди, алалхусус, баҳор ва гул замонинда.)

*Ҳам чу майл гўдакон бо модарон,
Сирри майл худ надонд аз лабон.*

(Вале бу майл ва ҳаёт сиррини билмаз, навзодларнинг сут учун онасиға бор майлини билмаган каби.)

*Боз аз ҳайвон сүйи инсониши,
Мекүшад он холиқики дониш.*

(Холиқи кулл, ҳайвониятдан инсонлик рутбасина ўткарди.)

*Ҳамчунон иқлим то иқлим рафт,
То шуд акнуну оқылу доно зафт.*

(Инсон, шу даврларни кечуб, ҳозирги ҳолини бўлди (ҳолига келди.)

*Ақлҳо аввалинаш ёд нист,
Ҳич аз ин ақлаш таҳаввул кард нист.*

(Одамий аввалги ҳол ва даврларини билмаз ва ҳозирги давридан ҳам кечар.)

*Аз жамоди мардам номи шудам,
Ва зи намо мардум ба ҳайвон сар задам.*

(Маъданлиқдан наботга ўтуб, номий бўлдум. Намо рутбасидан ҳайвонлиқға кечдим.)

*Мардаам аз ҳайвони одам шудам.
Бас чи тарсам, ки зи мардан гум шудам.*

(Ҳайвонлиқдан ўтуб одам бўлдим, эмди вафот эдиб, йўқ бўлурган, дея асло қўрқмам.)

*Жумлаи дигар бамирам аз башар.
То барорам аз малоик болу пар.*

(Малаклар сафина кечмак ичун инсонлиқдан айрулурман.)

*Ва зи малак ҳам боядам жустан зи жў,
«Куллу шайан ҳалакун илла важҳаҳу».*

(Фаришта мартабасидан ўтуб кетмак керак, чунки ҳақиқатдан ўзга ҳар шай ҳалок ўлур (важқдан мурод – аъёни мавжудот деючилар ҳам вор.)

*Бор дигар аз малак қурбон шавам,
Онче анда равам нояд зи шавам.*

(Фариштиликдан ҳам вафот әдарам, ҳаддимдан хориж рутбага кечарам.)

*Бас адам кардам, адам чун арганун,
Гүям, ки «Инна илайҳи рожиъун»⁶.*

(Эмди йүқлук рутбасина келурام, аммо йүқлук яна арганун (мусиқа) каби деюрки: «Биз вужуди ҳақиқийга келмақдамиз».)

* * *

Ганжинай улум ўлан Мусо афанди ҳақинда «Ал-Лузумиёт»ға ёзмиш шарҳлари муносабати ила бундан беш сана муқаддам Тошканд жаридаларина ёзмисидим: «Ки татар (Русия турклари) оламинда бизим «Маснавий», Бедил, Саъдий, «Гулшани роз» ва амсоли китоблар йўқ эди, онлар ғолибан фиқҳдан бошқа улумдан оз хабарлидирлар. Аммо Мусо афанди файрати-ла олий ва соғфергучи биринчи китоб Татаристон уфқини танвири этди».

«Бўстон»и Абул-Лайс Самарқандийда Умар розияллоҳу анхудан нақл эдуб ёзарки: «Фиқҳдан сўнг, ҳикмат ўқумақ керак, токи табиат жило тобсун, ҳикматдан хабарсизларнинг қалблари Оллоҳдан узоқдир».

Мусо афандининг ҳиммати ва руҳи ҳам илми буюkdir, иншооллоҳ, кунларнинг биринда гояи амалина етишур. Ваҳм ила маҳкум хасмларини, албатта, чолиларина бироқур.

*Пойи устад лолиён чубин буд,
Пойи чубин саҳт бе тамкин буд.*

⁶ Қуръон. 2: 156. «...биз Унга қайтгувчимиз».

* * *

Форсийча таржимаи Қуръон маъа матн қадимий бешинчи асрдирки, Осиёи Вусто, Ҳинд ва Эронда мунтасирдир, татарлар бундан маҳрумлар эди.

*Дар наёбуд ҳоли пахта ҳич хом,
Бас сухан кўтоҳ бояд вассалом.*

* * *

Улуми табиия мутахассиси ва оврупocha дарвинизм маслаки-нинг муассиси ўлан англитарагали Дарвин назариёти, яъни – «инсон ҳайвоилиқ мартабасидан одамлик мартабасина кечди», демиш фикри фунуни жадида ошнолариға маълумдур.

Дарвин 1882 милодияда вафот ўлди. Овруполилар ани буюк бир кошиф билуб, бу фикр анинг моли ва маҳсули татбиғи ҳамда натижай тадқиқоти ўлмақ узара эътиқод эдарлар. Оврупо олимлари Дарвина бу замонга қадар мажхул бир маслакни муассиси ўлдигина асло шубҳа этмазлар ва шунинг учун бунинг шуҳратини кўкларга қадар чиқарарлар. Ҳолбуки, Дарвиндан 628 сана муқаддам вафот бўлмиш Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратларининг «Маснавийи шариф»инда бу назария сароҳат узаринда тафсил эдилмишидир, бу эса юқорида нақл қилдигимиз байтларда кўрилди.

Самарқанд шаҳринда ирфон мажлисинда ушбу масала ҳаққинда сўйлар эдим. Мажлисда ўланлардан бири: «Куллиёти Бедил»да ҳам бу масала машҳурдир», дея хабар верди. Афсуски: Дарвиндан ушбу шараф соқит ўлур⁷.

⁷ Маҳмудхўжа Беҳбудий бу сўз билан Дарвinnинг чучмал назариясини қувватлаётгани йўқ, балки бу олимдан анча аввал ислом донишмандлари, хоссатан, Мавлоно Румий инсоннинг қай тарзда пайдо бўлиши, балогат ва камолотта етишувини ва инсон бу чўёқига эришмоқ учун «синов» деб аталмиш катта меҳнат жараёнини бошдан кечиришини, бу моҳиятан илоҳий жараёнлигини таъкидлар экан, Дарvinnинг меҳнат ҳақидаги фикри янги эмаслигини таъкидламоқда, холос. Шунинг учун орадаги катта фарқда разм солиб ҳара, демоқда, ҳатто бу фикр Бедил «Куллиёт»ида ҳам борлигини айтмоқда. – С. А.

Биз эмди ҳар замон овруполиларға демалики: «Сиз бизни мункир, шогирди ғайр санангиз, гаробот ва таажжуб буросин-дадирки: сизнинг руҳонийларингиз бу фикрни ибтол ва оффруз эдарлар, аммо бизим руҳонийларнинг муқтадоси исбот ва тасдиқ қилур».

*Бу бин, тафовут-да аз кўжост то ба кужо
(Кўр, тафовут на қадар?!)*

*Муфтии дорулқазо Маҳмудхўёса Беҳбудов,
Самарқанд
«Шўро». 1912 йил. №11*

«БЕҲБУДИЙ КУТУБХОНАСИ»

Дохилия ва хорижиядаги муҳтарам ноширларға ушбуни ила эълон ўлинурки, «Беҳбудий кутубхонаси» исминда бир маҳзани кутуб очмоқга ҳукуматдан рухсат олинди. Кутубхона Русияда ва хорижда табъи бўлуб, сензурадан ўтган ҳар навъ қадим ва жадид, арабий, форсий, туркий ва фарангий китоблар, илмий ва фанний харита, асбоблар қуллият ила олинуб, арzon баҳо ила доналаб ва кўплаб сотилур.

«Беҳбудий кутубхонаси» шаҳри Самарқанд, Русия қитъасидағи ҳафталик «Ойина» мажалласи идорасида, «Ойина» ношир ва муҳаррири ва «Беҳбудий кутубхонаси» соҳиби Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ўз хонасида очилур. Муҳтарам ноширлардан ва асар эгаларидан риҷо ўлинурки, асоми ал-кутублари ила энг охирги шартларини ёзсалар. Барча муомалот сидқ ва номус доирасинда ижро ўлинур. Ҳар навъ китоблар комиссиясига ҳам қабул қилинур. Кутубхонада ҳар навъ ва рангда китоб, жаридা ва китобат учун қуллият ила қофозлар бугундан бошлаб мавжуддур.

Унвон: Самарқанд, Решетников жоддаси. Маҳмудхўжа Беҳбудий, телефон 290.

«Ойина». 1914 йил 26 апрель. №27.

ТИЁТР НАДУР

Тиётр нимадур? Жавобига: тиётр ибратнамодур. Тиётр ваъзхонадур. Тиётр таъзири адабиядур. Тиётр ойинадурки, умумий ҳолларни анда мужассам ва намоён суратда кўзликлар кўруб, карва қулоқсизлар эшитиб асарланур. Холоса, тиётр ваъз ва танбид этгувчи ҳамда зааралик одат, урф ва таомулни қабҳ ва зарарини айнан кўрсатгувчидур. Ҳеч кимни риоя қилмасдан тўғри сўйлагувчи ва очиқ ҳақиқатни билдиргувчидур: «Қулил ҳаққа валав кана мурран»⁸ мазҳаридур.

Айни замонда яна томошагоҳ ва ёинки кўнгул очгувчи миллий ва адабий жамиятларни боисидур. Тараққий қилган миллатлар тиётрхоналарни улуглар учун – мактаби адаб ва ибрат атайдурлар. Тараққий қилмоқни энг биринчи сабаб ва боисларидан бири тиётрлардур. Тиётрларни яхши ва ёмон одатларни сарроф ва мунаққиди, дерлар. Умумий одатларни нафъ ва зааридан пайдо бўлатургон натижаларни тиётрхонада айнан кўрсатурки, ҳам ҳар ким мундан таъсирланиб, ёмон одатларни тарқ этиб, яхшиликни зиёда ишламоқга сабаб бўлур. Ҳар замонни бир усул иҳтисоби бордур. Бу замонда тиётрхоналар ҳам ёмон ва зааралик одатларни иҳтисоб ва танқид қилиб ёмонлигини, қабиҳини халойиқға кўрсатиб, ваъз ва насиҳат этгувчи бир жойдур. Тиётрхона саҳналаринда қўйилатургон асарлар – фожиа, яъни қайгулик, мазҳака, яъни кулгу, драма, яъни ҳангомалик бир воқеа ва ҳодисани тасвир этиб, халойиқға кўрсатилур. Ул воқеадаги ёмонлик ва яхшиликни пайдо бўлгани ва сабабини ҳар ким кўруб, англаб, ибрат олур ва ёмонликдан қочиб, яхшиликға ҳаракат қилмоқга тиётрда кўрсатилгон воқеалар сабаб бўлур.

Ҳикоят ва ёинки насиҳат китобларинда баъзи бир ҳодисани баён қилингандурки, ўқуб, асарланиб, лаззат олинадур. Аммо тиётрга махсус бир ҳодиса ва ё воқеа ва ҳикоятни феълан қилиб кўрсатиладурки, мунинг таъсири эшитгандан зиёдадур. («Шунидан кай буд монанди дийдан» – эшитмоқ қачон кўрмоқ кабидур.)

Яна тиётрда саводсиз одам кўзи ила кўруб, кўёсиз одам эшитиб карра, мушоҳада, ибрат ва лаззат олар. Холоса, тиётр бир нав мактаб ҳукминдадур. Тараққий қилган ҳалқлар ўртасин-

⁸ «Аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни сўзла». Ҳадис.

да тиётр у қадар тараққий этгандурки, ҳар күн бир янги асар тасниф бўлуб, саҳнада қўюлур. Асарни ёзган муҳаррирга минг сўм ва ўнг минг сўмлаб ҳадя бериб, асарини мушахислар сотиб олиб, саҳнада қўюб, фойда қиласурлар. Баъзи бир тиётр асарлари эски бўлмай ва халойиқни кўнглига урмай, бир шаҳарда йигирма, ўттуз, ҳатто юзинчи дафъя қўюлганлари бордур.

Тиётрга қўюлган асарни ортуқча ва ё оз ерларини ва етушмаганларини машшати миллиядан хориж нуқталарини муҳаррирлар, жаридалар ила танқид этадурлар. Халойиқфа маъқул бўлуб ва ё бўлмагани ила тиётр муҳаррири курсанд ва ё ғамлик бўлур. Муҳаррирни(нг) асари яхши чиқса, ҳар ким табрик этар. Ва шуҳрати зиёда бўлур. Ва бул бошқа муҳаррирни ҳаракатга келишиб, яхши асарлар ёзмоқларига боис бўлур. Тиётр учун муҳаррирни на қадар чуқур ўйлагувчи зариф ва назокатлиги лозим бўлса, мушахис (ҳодисани кўрсатгувчи)ларни ҳам тавонан ва муқаллид ва ҳар нимарсани ўзидек қилиб кўрсатгувчи, нуктадон бўлушки лозим бўлуб, бул алоҳида бир санъатдурки, оврупоийлар мунга ҳам алоҳида мактаб ижод қилгандурлар.

Сўзни қисқаси, тиётрхоналар масҳарабозхона бўлмай, балки ибратхонадур. Ва анда мушахис бўлатургонлар «ўюнчи ва масҳарабоз» бўлмай, балки мушахис ва муаллими ахлоқдурлар. Тараққий қилган халойиқ орасинда мушахислар ҳам кибор ва муҳтарам синфлар қаторинадур. Ҳусусан, ўз киссаси нафъига мушахислик қилмай, балки мактаб ва миллати нафъига мушахислик қилганларни қадри ду боло зиёдадур.

Бизни Туркистон ва Бухорода миллий тиётрдан асар йўқ эди. Муҳаррири ожиз «Падаркуш»ни ёздики, ўтган февраль ойинда Самарқанд, Хўқанд, Бухоро ва Тошканд ва Каттақўргон шаҳарларинда миллат нафи учун кўнгуллilar саҳнада қўюб, тўртбеш минг сўмни тўрт-беш кечада жамлаб, мактаблар фойдасига бердилар. Мана энди, муҳтарам самарқандий кўнгулли мушахислар гайрат қилиб, яна «Падаркуш»ни Самарқандда еттинчи майдага саҳнаға қўюб, ҳосилини мактабларға сарф учун бердилар. Муҳтарам ҳамшаҳарларимиздан рижо этармизки, келиб кўрганлари гуноҳ бўлган жойини кўрсатсалар. Инчунин асарни танқид этиб, бузуқ ерини матбуот ила баён этсалар. Токи боиси ислоҳ бўлинса. Аммо бу кунгача муҳтарам аҳли қалам «Падаркуш»ни

бузуқ ерини күрсатмай, балки «кулдургувчи ва ҳам йифлаттучи носиҳ ва нофөъ асардур» ҳолинда табрик ва тақризлар ила ёздиларки, биз аларға ташакқур айтармиз.

Асаримизни(нг) қабиқини ёзган кишиға зиёдароқ ташакқур этмоқға мадионмиз. Чунки боиси ислоҳдур. «Мутакаллимро то айб нағиранд – суханаш ислоҳ напазирад» – («Сўз сўзлагувчини айб этмагунча сўзи тузалмайдур»). Баъзи бир аҳли ватанинг тиётр асари ёзмоқға машғулликлари эштилиурки, асарларига чаҳор чашм ила мунтазирмиз. Ёзилган асарларни кўнгулли дасталари сотиб олиб бостурсалар, фойда ҳам қиласурлар. Чунки бир кишиға ҳам асар ёзиб, ҳам бостириб ва ҳам саҳнада қўйдурмоқ мушкулдур. Дасталар сотиб ола берсалар, асар-да кўпаюр. Туркистанда ойинда бир асар таҳрир бўлинса-да, кўблик қиласурдур.

*Маҳмудхўэса Беҳбудий
«Ойина». 1914 ийл 10 май. №29*

ТАНҚИД - САРАЛАМОҚДУР

Мажалла ва жаридаларнинг катта бир хосияти танқид, яъни сараламоқдур. Саррофлар ақчани, тужжорлар матони саралағанидек, муҳаррирлар ҳам умумий ҳол ва майшатга тааллуқ нимарсаларни саралайдурки, бошқа сўз ила «танқид» аталур. Масалан, янги мактаб ва муаллимлари ва анда ўқулатургон китобларни маънан тафтиш этиб, андаги нуқсларни баён этмоқ танқиддур. Тааруз ва душманлик эмас, агарда шахсиятга тўқунмаса. Аммо бир муаллим ё мударрис ва муҳаррир ишидан, шахсиятидан халойиқға зарар келса, андан ҳам баҳс ва танқид ёзмоқ шахсий бўлмайдур.

Танқид янги ёзилган китоб, жарida ва мажаллаларға-да жорий ва нофедур. Масалан, бир муҳаррир ва ё муаллимни саҳвини ва ўз хизматига бепарволигини ва лозим қоида ва тартибларға амал қиласай оммага зарар келтургонини танқид этмоқ боиси ислоҳ бўлур. Бизни Туркистанда янги мактаблар хейли бордур. Янги рисола хейли босилуб турубдур. Жаридаларға мақола ва ашъорлар ўқулуб турубдур. Аммо ҳануз танқид даврига етушганимиз йўқ.

Иттифоқан, танқид шаклинда бир нимарса ёзилса, бизларға қаттығ тегар. Ёзганларимизни бузуқлиги ва фикримизни хатолиги, ишимишини ноқислигини бирор киши күрсатса, аччиғимиз келур. Ва ул одамни душман күруб, шахсидан нафрат ва фикриға норозилик баён этармизки, бул бизни янгидан ишға бошлаганимиздан, бошқа тил ила ноқислигимиздантур. Биз эскиларни айблаймизки, аларға ислоҳдан сўзласак, чидаёлмайдурлар, аммо ўзимизни мактаб, рисола, таҳrir ва маслагимизни бир киши танқид этдими, чидаёлмаймиз. Диққат ила мунаққид сўзини тингламаймиз. Мунаққид, бизни тўғримизга минг сўз ила баёни муддао этар экан, биз ани ичиндан ўн сўзини номаъқул тошиб, юзига урармиз ва, ёинки, важҳсиз ани сўзини рад ва ўзиға эътиroz этармиз. Агарда ул десаки, ман сизга бир минг калима насиҳат ё танқид сўйладим, дуруст, ўн калимаси сизга бежо эканки, қайтиб олдим, 990 калимасига, тўғриси, на дерсиз?

На жавоб берармиз! Танқидни кўтаролмаганимизга, тўғриси, ҳануз танқидға лойиқ бўлмаганимизни мисоли: кафказли сайёҳ Муҳаммад Сайид афанди Туркистон мактаблари тўғрисинда «Ойина» ва мўътабар «Иқбол» жаридасига танқид ёзиб эдики, анинг жавоби ёлгуз қуруқ бир эътиroz (протест) бўлди. Аммо анинг ёзғанига жавоб туپмас. Иккинчи, «Адаб ва тарбият» унвони ила яна сайёҳ мазкур «Ойина»нинг 27-28-29-30-рақамларинда мактаб тўғрисинда воқеъий далиллари ила баъзи нимарсалар ёздики, мўътабар «Садои Туркистон» рафиқимиз 11-ададинда Муҳаммад Сайид афанди мақолаларини хилофи адаб ва тарбия деб ани ёзғонига соҳиби мақола ва идорага изҳори норизолик айтиб, мазкур мақолаларни «аҳамиятсиз» дер ҳамда «муаллимларнинг хотирин қолдирув» бўлармиш. «Ойина» камоли эҳтиром ила «Садои Туркистон» рафиқимизга арз этарки, мазкур мақолалар бошдан-охирғача аҳамиятсизми? Агарда аҳамиятлиги бўлса, илтифотга олмаганларига таассуф этармиз. Ва мақола ичидан икки-уч хати мизожга номувофиқ тушган учун афвларини тилаймиз. Такорон айтармиз: биз ҳануз танқидға лаёқат пайдо этганимиз йўқ. Яна қадима касалларимиздан «норизо», «хотири қолмасуну...» иллатлари ҳануз кетганий йўқ.

Муҳаммад Сайид афанди таъбиринча, мундай кетаберса, «қиёматдан минг йил сўнгра-да, Туркистонга тараққий йўқ». Агарда «хотири қолмасун» қоидаси маслак тутулса, матбуотдан қалам торт-

моқ керак. Чунки ҳақиқий матбуот ҳеч кимни хотирига қарамас. «Хотир қолмасун» касали биз, мусулмонларни барбод этди.

Умумий ҳоллардан баҳс қилиндими? Мутлақ ҳар бир масалага бир неча кишини хотири қолур. Ислоҳи мадорис ва дорулқазо десангиз, уламони хотири қолур. Ислоҳи расм, базм десангиз, авомни хотири қолур. Ислоҳи савомеъ десангиз, сўғи, шайху эшонларни хотири қолур. Ислоҳи фойдахўрлик ва тижорат десангиз, бойларни хотири қолур. Энди ислоҳи макотиби жадида дейилганда, муаллимларни хотири қолса, бас, муҳаррирлар учун сукутдан бошқа иш қолмайдур.

Шуни-да айтмоқки, Муҳаммад Саййид афандидан ёинки идорадан биргина «баъзи» калимаси мааттаассуф қолибдурки, бу баъзи важҳдан баъзи муаллим афандилардан идора афв истар.

Боқи: муҳтарам «Садои Туркистон»га салом.

«Ойина». 1914 йил 31 май. №32.

ИСМОИЛБЕК ҲАЗРАТЛАРИ ИЛА СУҲБАТ

20 июнь аср вақти эди. Марғилонлик бир мударрис жаноблари ила Истанбулнинг «Гулхона» паркининг соядор йўлагинда юрар эдик. Олдимиизда татарча барра қарокўли телпаклик бир татар ила феслик бир турк эҳтиётлик ила кетарлар эди. Биз тез юриб ўтдик. Иккиси-да ошиодек кўринди. Бир қўлимни кўксимга қўйиб, салом ишорати бериб ўтдим. Кўнглимга келдики, бу татар Исмоилбекка ўҳшайдур, балки анга ўҳашаш бир кишидур. Феслик турк бўлса, муҳаррир Ҳамдуллоҳ Субҳибек жаноблари эди. Ҳануз ўн қадам кетмаб эдик, «Ай, хўжа!» деб орқамдан ошно бир садо эшийтдим. Қалбим уриб, мазбур зотни Исмоилбек ҳазратлари эканлигига шубҳам қолмай, қайтиб мусофаҳа этдик. Ҳамдуллоҳ Субҳибек ҳуввиятимизни баён қилиб экан. Мулоқот асносинда дердилар: «На учун бу қадар тез кўчаланмоқ? Яъни на учун мунча тез мўйсафид бўлмоқ?». Ман ҳам билоихтиёр: «Афандим, на учун бу қадар ориқланмоқ?» Устод ҳазратлари буюрдилар: «На чора, ҳепимиз бўйла...» Эртага Шом ва Мисрға азимат этишимни арз этдим. «Ундей бўлса, суҳбат этайлук», –

дедилар: ташаккур этдим. Ҳамдуллоҳ Субҳибек афандини жавоб бердилар. Мен ҳам мударрис афандидан айрилдим. Паркдан чиқиб, аробага миниб, устоз ҳазратларининг манзили «Шоҳин пошо ўтели»га келдик. Таом буюрдилар. Аммо иштаҳалари йўқ. Садолари хаста. Ҳар 3-4 дақиқада ҳафиғгина йўталиб, балғам ташлайдурлар. Ҳужрада манга Русиядан, Туркистондан, умум олами исломдан, дунёдан сўйлайдурлар. Мусулмонларни кундан-кун тараққий этишини сўйлаб, курсанд бўлурлар. Яна дерларки: «Махмуджўжа энди сиз сўйланг, боқалим». Самарқанд, Бухоро, Тошканд, Хива, Фарғона, ҳулоса, ҳар биридан сўйламайин: «Оллоҳ шуқр, ҳукумат мактабларинда туркистонли қардошлар бола бермоқга бошламишлар. Бу кун икки жарида ва бир мажаллангиз бор. Мактабларингиз-да бироз тараққийда, албаттга, мустаъид тараққий. Сиз ҳукумат мактабларинда зиёдароқ бола берингиз, рус маданиятидан қочмангиз... оҳ, билмам, шу Бухоро на ўлур?» – дерлар. Ман дерман: «Афандим, Бухорни ҳукуматимиз, яъни Россия тарбият этмагунча Бухородан бир шай умид этиб бўлмас. Чунончи...» Устод деюрлар: «Эвет, охири шўйла ўлмоғи лозим келур». Яна сўз бошқа тарафга кетар. Мен бир неча дафъя талаби рухсат этдим: «Балки зотингиз истироҳат этарсиз». Устод ҳазратлари дер: «Хўжа афанди, сиз бурада бўлинсангиз, баним роҳатим зиёда ўлур. Агарда кетсангиз, мактуб ёзмоққа тутунарман».

Устод ҳазратлари февраль ойида Петроградга бориб, мусулмон фраксиясини Муҳаммад Фотих афанди ва бошқалар ила эм (ширпанга) этиб келганда, иттифоқан совуқ олиб, андан бери нохуш бўлуб эканларки, Петрограддаги мажлис машваратта хасталикдан бора олмаганликлари учун ниҳоятда таассуф этарлар эди. Агарда Истанбул ҳавоси ёқса, бир неча муддат турмоқчи эдилар. Олдимиздаги қишини Оллоҳ қўйса, Миср ал-Қоҳирага ўткариб анда ҳам баъзи ишлар ишламоқчи эдилар. Қайтишда мани Богчасаройда даъват ва Қримни автомобил ила бирга юриб, манга кўрсатмоқни вайда этдилар. Ман ҳам қайтишда Боқчасаройга кирмоқни вайда бердим. Аммо бу манҳус муҳораба монеъ бўлди. Муҳтарам устод ориқлаган, йўтал ва балғам ҳар замон машғул қилас. Ҳар замон рухсат хоҳлайман, жавоб бермайдурлар. Изн сўраб, кароват-қорбюлағма чўзилиб, соатлар илан сўзлайдурлар.

Бир замон қарасақ, ярим оқшомдан бир соат ўтибдур, яъни том маънода 7 соат сұхбат этибмиз. Зўрга жавоб беріб, зина бошига-ча узатиб, қайтишға Боқчасаройға киришимга қайта-қайта сўз олдилар. Етти сана муқаддам устод ҳазратлари Самарқандга келиб, муаллим Шакурий ва бизга мәҳмон бўлиб эдилар. У замонгидаң кўра, энди кўп ориклиб эканлар. Устод ҳазратларининг Истанбулда кўрмоқ ва сұхбат этмоқ ҳеч хаёлимға ўтмаган эди. Оллоҳнинг лутғи ила устод ҳазратларининг танҳоий 7 соат сұхбатларидан у қадар файз топиб, мамнун қолдимки, айтган ила адо этолмайман. Ва ул сұхбатнинг лаззати асло мандан кетмайдур.

Кошки эртаси Шомга кетмай, устод ҳазратлари ила зиёдароқ сұхбат этса эдим. Оҳ! Ул устоди комилни энди қўлдан бердик. Ва олами руҳонийга учди. Балки уйқуларда, хаёлларда у зоти студасифотнинг руҳи ила сұхбат этармиз.

*Он айш гузашта ки дигар бор нагардад,
Ди рафт з-даст ва наруд ҳеч зиёдам.⁹*

*Маҳмудхўёса
«Ойина». 1914 йил 27 сентябрь. №49*

ИСМОИЛБЕК ҲАЗРАТЛАРИ

Марҳум ходимул-миллат Исмоилбек ҳазратлари 1268 ҳижрий, мутобиқ 1851 милодия санасинда Қримнинг Фаспра қарясинда дунёга келиб, Масков эъдодий аскарий мактабинда ўқутган. Андан сўнгра Истанбул ва Порижга амалий ва назарий икмоли таҳсил этиб, Русияга қайтиб, «Русияда мусулмонлар» ном русча бир китоб ёзиб, Русия мусулмонларининг илмий, ижтимоий ва сиёсий ҳолларидан баҳс ва Русия мусулмонларини ҳимоя этган. Ҳижрий 1297, милодий 1880 санасинда Қримнинг мусулмон мадрасасинда русча муаллим тайинлангандурлар. 1883 милодия 10

⁹ У кетди, лекин бошқалар кўзёш тўқади, вақтсиз кетди ва қувватим сира тикланмаяпти.

апрелдан бошлаб мұльтабар «Таржумон» и гарро жаридасини миллиати ислом ва түрклик хизмати учун чиқарған. Ва мусулмонларни нодон қисми тарафидан изо ва жафолар чеккан. Қашшоқлиги сабабли ўзи ва, хотини ила «Таржумон»ни ёзмоқ, тартиб этмоқ, ҳарф термоқ ва почтаға тошширмоқ түғрисиндаги оғир ишларни ишлаган ва ҳатто, бальзам босмахонанинг машина чархини ўзлари куч ва құл ила айлантурған. Ва ҳар нау мәжнат ва кулфаттарни ўзига раво күруб, миллиатни уйғотмоқға, дунёдан, сиёсати оламдан, маданий миллиаттарни ҳолидан хабардор бўлмоқлари учун жисман ва руҳан ҳеч тинмасдан 35 сана ишлагандурлар.

Мусулмонларни дунёдан хабардор қилмоқ учун бутун Русияда, Туркия, Миср, Тунис, Жазоирда, Хинд ва Африқода, Туркистон ва Бухорода дағъалар ила саёҳатлар этиб, ҳар ерда мусулмонларни маданияти замонияға, улум ва фунуни асрияға, саноат ва тижорати қаринаға ва рус маданиятига даъват ва ташвиқ этгандурлар. Усули савтия мактабларини Русияда бонийи муассиси Исмоилбек ҳазратларидур. Биринчи янги усул алифбони мураттиб ва ношири яна Исмоилбек ҳазратларидур. Тараққиёти замонияға ёлғуз даъват әмас, феълан ҳаракатда бўлуб, жамияти хайрия, қироатхона, тараққиюни ислом, таовун жамиятлари ва буларга ўхшаш асосларға тааллуқ низомномалар тузатиб, ҳалқ аросинда нашр этиб, бу кун адади юзлар ила Русияда мавжуд илмий ва маданий жамиятларни барпо этдургандурлар. Ал-он Русиядаги минглар ила низомлик мактаблар ва собиқ нашр бўлган ва ҳозир феълан нашр бўлуб турган юзлар ила исломий мажалла ва жаридаларнинг барча муҳаррир ва мудирлари ул зоти студасифотин шогирди дурлар.

Шундайки, бу кунда Русия мусулмонлари ичинда ҳар бир жаридахон ва ҳар бир муаллим ва ҳар усули савтия мактабларининг шогирди ва ҳар бир жарыда муҳаррири марҳумнинг билвосита шогирдонидандурлар. Яъни устози муazzамнинг бу кун Русия мусулмонлари аросинда миллиёнлар ила уламодан, муҳарририн ва муаллиминдан ва ўқувчилардан шогирди бордур. Ҳам қандай шогирд! Ўттуз санадан бери доимо анга дарс ўқийдурғон шогирлардур. Яна бу шогирлар ўз охир умрларинча устоднинг анфоси құдсияси сабаби ила илалабад жорий афкори олиясидан дарс ва файз олмоқда бўлурлар.

Хулоса, Исмоилбек ҳазратлари сұлс асрдан (асрнинг учдан бир қисмидан – С. А.) зиёда айём тадрисинда миллиёнлар ила мусулмонларға доиман дарс берди. Энди илалабад аниңг афкори ва руҳи ададсиз ва ниҳоясиз мусулмонларға дарси ирфон берар... Хулоса, Руся мусулмонлари ичинде мундай бир зот келган йўқдур. Ана шу зоти ноёб ушбу сана бешинч зулқаъда – 12 сентябрда бу олами фонийдан риҳлат этиб, бутун дунё мусулмон урафоларини асири яъс ва алам этди. Раҳматуллоҳи алайҳи раҳматан васиъатан.

*Маҳмудхўёса
«Ойина». 1914 йил 4 октябрь. №50*

ТИЁТРУ, МУСИҚИЙ, ШЕРЬ

Мўътабар «Садои Фаргона»нинг 83-ададинда «Шеърияти исломия» унвони остида самарқандий мударрис Васлий жаноблари баъзи нимарсаларни ёзодурларки, хулосаси шулдур: «Ҳар навъ луъбиёт, ўюн шаръян мункир ва ҳаромдур. Агар ораларинда нағма ва нағмачилар бўлса ёинки қимор ва хотунлардек нимарсалар қўшулса, ҳаром устига ҳаром бўлур. Аммо ҳавопараастларни баъзиси баъзи ўюнларни мактаби адаб от қўюб, «театрни мурод этарлар», ривож берарлар. Яна арбоби шеърияти исломия бўлуб туруб ва ўзларини миллатпарвар кўрсатуб, «Падаркуш» мұжаррири Маҳмудхўжани мурод этарлар». Бу навъ иш қилганлариға ҳайрат қилинур...»

Васлий жанобларининг хулосаи мақолалари шулдур. Мақолани охирига хилофи адаб ва ҳақоратлик мисол ва иборатларни ёзмоқға ҳам Васлий жаноблари билмайин на фикр ила таназзул этибдурларки, ундай нимарсаға жавоб ёзмоқ балосига гирифттор ўлмоқдан қаламни сахлаймиз. Энди юқоридаги жумлаларни қисқалик ила муҳокама қиласайлук: «Ҳар нав луъбиёт ва ўюн ҳаром», дерлар. Биз айтамизки, ҳар навъ ўюн ва луъбиёт ҳаром эмас, балки баъзи қисми ҳаром, баъзиси ҳатто шаръян лозим ва савободур. Ўқ отмоқ, сувга юзмоқ, от чопмоқ ва ё шуларға ўхшаш нофеъ ва адмон ва машқлар ва ибратомиз нимарсалар каби.

Ҳадиси шариф: «Алайкум бир-рамий файннаҳу мин ҳайр лаҳвикум». Мазмуни «Ўқ отмоқ ила машғул бўлингизки, лаҳвнинг хайрлигидур...» Мундан маълум бўлурки, баъзи нафълик лаҳв ва луъб ҳаром эмас, балки лозимдур. Келайлук нағмага. Васлий жаноблари, албатта, нағмадан мусиқий ва чолғуни ва ани зимнидаги шеър ва гино «ашула»ни мурод этиб, ҳаром дерлар. Мунга жавобан: «Саҳиҳ Бухорий»нинг иккинчи жилдида ёзилган бир неча ҳадиси шарифни Васлий жанобларининг хотирлариға еткуарармизким, мазмуни шулдир: «Уммул мўминун ҳазрат Оиша Сиддиқанинг ҳузуринда ҳазрат Абу Бакр разияллоҳу анҳу-мо кирдиларки, Ийди Қурбон кунлари эди. Икки жория хотун доира чолишуб туруб эдилар. Ҳазрат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларини ўртган эдилар. Ҳазрат Абу Бакр аларни ёқтурмадилар. Ҳазратимиз дедиларки: «Қўйинг, ё Абу Бакр! Зероки, айёми ийддур». Яна ҳабашиларни масжиди Мадинада ўйнаб турғанлари учун ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу зажир қўймоқчи бўлғанлари-да ҳазрат Пайғамбаримиз ҳазрат Умарни ман эттганларини ҳазрат Оиша разияллоҳу анҳо ривоят этарлар. Яна ҳазрат Оиша ва ҳазрат Пайғамбаримиз ҳузурларинда ва уйларинда чолғи асбоби чалиниб тургани устида ҳазрат Абу Бакр кириб, «мазмори шайтон» деганлариға, ҳазратимиз: «Қўйинг, ё Абу Бакр! Ҳар қавмнинг ийди бор ва бутун бизни ийдимиздур», – деб марҳамат этиб эрдилар. Мана энди ҳар кимнинг ўзи Васлий жанобларининг юқоридаги сўзларини муҳокама этса бўлур.

«Фаҳқисиз ва фаҳшлик шеърсиз» чолғу ва ўюнларни жоизлиги юқоридаги ҳадислардан маълум бўлур. Келайлук театр масала-сига. Ҳозирги театр «бидъат»дур. Бидъат деб шуни айтиладурки, замони ҳазрат пайғамбар бўлмаса, сўнгра пайдо бўлган бидъатлар икки қисм бўлиб, дин ва миллатга наф келтурса, «яхши бидъат» дерлар. Дин ва миллатга зарар келтурса, «гуноҳ бидъат», дерлар.

«Падаркуш» тиётри ҳам бидъат бўлуб, аммо тиётр мажлисиға вавъзлар сўйланганлиги, амри бамаъруф, наҳий аз мункарни тамом маъноси ила қилингани ва мускирот ҳам фаҳшга мубтало бўлмоқлиқдан пайдо бўлатургон қатл ва зиллатларни роъийулайн ибрат учун кўрсатилгани сабабли биз ва ҳар ким, албатта, бу тиётрни бидъати ҳасана ва мажлиси вавъз ва насиҳат деб билурмиз. Яна андан ҳосил бўлган ақчалар мактаб, талаба ва ку-

тубхона ва ё бир мусулмонни эҳтиёжи шаръиясига сарф қилинса, Васлий жаноблари дегандек, «жаром устига ҳаром» бўлмай, балки ул кишининг хилофи хилофи таъбиринча, «ҳалол устига ҳалол» лигини фикр этган кишилар билсалар керакдур...

«Тавба фармоён чаро худ тавбай камтар мекунанд?» «Тавба буюратургонларнинг ўзлари на учун озроқ тавба этарлар?» Мақолаларининг охириндаги ўз сўзларига кўра ул жанобдан умид қилинурки, ўзларининг «Девони Васлий» ларига ёзилган шу зердаги байтларини ва шуларға ўхшаш «қабиҳ» юзлар ила «мувавишаҳ» номиндаги нимарсаларни ёзиб нашр қилмоқ шаръян ва ахлоқан нима эканлигини лутфан баён этсалар эди. Домла Васлий мударрисининг ашъори балофат асарлари бўлган «Девони Васлий»дан ал-он бир неча байт ёздуқ. Лозим бўлса яна ёзилур.

Байт ўзлардур:

*«Васлий, охир ошно бўлгум топиб ул шўхни,
Кўйнига бир кеча бўлгум жо топиб ул шўхни».*

*«Ул париваш лутф этарди гоҳ қўйнумда ётиб,
Гоҳ бода келтурдим анга сажжодам ёсотиб».*

«Асири ишқ бир тифл ўлдигимга ҳеч райб этманг»

Бирозда форсийдин ёзайлук:

*«Бўсаи з-рўйи хўяш даҳ ва дар тифл даро,
Шекаста бо ту шавам эй ба кори қадр манеъ.
З-бўсаи манъ масозам баҳаққи шаръи шафеъ,
Ташнаги на шикаст ҳарғиз бўсаи уй писар
Орзуи бўса акнун аз лаби духтар кунам».*

*Идора
«Ойина». 1914 ийл 18 декабрь. №5.*

ТИЁТР

Самарқандда 7 декабрда Нусратулло Мулло ибн Қудратулло жанобларининг асари бўлган «Тўй» саҳнада қўйилди. Саҳна очилиб, аввалан мусиқий дуои импературни чалиб, сўнгра туркӣ тилда императур аъзам ҳазратлари ва хонадон ва ватан учун саҳнада дуо ўқулди. Салондагилар тамоман дуо вақтинда тикка туриб, баланд овоз ила «омин» дедилар. Сўнгра биринчи парда бошланди ва тўйни машварати эди. Кўпкари, базм, май, қанд, тўндан сўзланурди. Домлани мундаги ҳақсиз тавбаси зиёда эди.

Кўнгулли мушахислар ўз вазифаларини яхши адо этдилар, ҳамда муассир эди. Аммо асардаги бир-икки сўз ва асардан хориж бир неча сўзлар адабдан хориж эди. Иккинчи парда тўй мажлиси бўлуб, аммо қисқа, ҳам руҳлик чиқмади. Учинчى парда бўз болаларни базм, май ва жавон мажлиси бўлуб, майшатимизда қадимдан бери ерлашган қабиқ ва манфур одатларни кўрсатарди. Тўртингчи пардада тўйчи бойни сингани ва бонкага пул беролмай судебний пристуф келиб, молларини хижз-арестга олгани ва бойнинг обрўси тўкулганини тасвир этарди, муассир чиқди. Асл асардан баъзи ишлари ташланиб ва баъзан хориждан орттирулди. Хуроса, мунозара дуруст чиқди. Кўнгулли жаноблардан М.Шомуҳаммадзода, М.Ниёзий, Р.Солиҳзода, А.Ниёзийлар ўз вазифаларини яхши адо этдилар. М.Қ.Ниёзийлар ҳам дуруст эди. Домланинг вазифаси домладек суст эди. Н.Фозилий, А.Каримзода, Т.Солиҳзода, Ҳ.Шукрулло, А.Бадриддин, М.Шоҳзодаларни вазифаларинда камчилик бўлган йўқ. Оқсоқол, чоғандоз, боболик этканлар ўшал одамларнинг ўзидек эди. М. ўз вазифасини яхши адо этиб, ҳақиқий саҳнага мувофиқ сўзлар эди. Театрни илгари сафлари бўш эди. Папирускашни кўплигиданми ёинки зукком – тумовданми салонда доимо «құху-пұху», «ўұху» ... садолари зиёда эди. Ани устинда театргу салонига оҳистга юруб ўрганмаган томошабин ва ёрдамчиларни наълайн ўйнатгани ва тақири-туқур сомеъахарош эди.

Салон ичинда папирус отишлари-да кўринур эди. «Тўй»ни охирги пардасининг таъсирин баъзи одамлар тамом этмасдан чиқиб кетдилар. Баъзи томошабин бўз болалар: «Бизни масхара қилди», деб тўртингчи пардада турмай кетдилар. Оре, бизлар ҳануз мундай жамиятларнинг адабидан бехабар ва кўра берсак

ҳамда танқид қилина берса, муҳаррир, мушаххис ва ё томошабинларимиз бўлсун, театру одаби замони ва жамиятлар назокатидин, албатта, хабардор бўлурмиз. Театрудан ҳосил бўлган ақчани юзда йигирма бепши мажруҳ аскарлар ва бақияси Самирқанддаги эҳтиёжлик усули жадида мактабларига берилур.

«Тўй» охиринда яна барча ҳозирун оёқда туруб саҳнадан подпоҳ ва ватан ҳифзини Оллоҳдан тиланди. «Омин» деб ҳалқ тарқади.

Театрудан маблаг 245 сўм ҳосил бўлуб, анинг тўртдан бири мажруҳ аскарлар фойдасига ва бақияси баъзи усули жадида мактабларига берилубдур.

«Ойина». 1914 йил 30 декабрь. №6

ТИЛ МАСАЛАСИ

Туркчанинг шуъба ва шоҳ(а)лари бўлган ўзбек-чиғатой, татар, озарбайжон, қозоқ ва туркман лаҳжалариндаги янги матбуотнинг энг аҳамиятлик масалаларидан бири, албатта, шева, лаҳжа, имло масалаларидур. Юқоридаги лаҳжаларға сўйлайтургон турк болалари бир-икки минг санадан бери Эрон ҳалқининг аларға ва ё аларни(нг) эронийларға истило этганлари сабабидан форс маданияти ва адабиёти ва лугатлари нуфузига маҳкум бўлуб, форс тилидан бир кейли лугат ва жумлаларни хожу ноҳоҳ агадий ва доимий суратда олганларки, у жумла ва лугатлардан бир қисмини туркий лаҳжалардан чиқариб ташламоқ тўғё мумкин эмасдур. Ва бир қисмини муродифи туркчадан топилмаслик даражада гойиб бўлгандур. Балки... биз туркчага бутун истеъмол қилинатургон баъзи форсий сўзларимизни муқобил ва муродифи ҳалқ тилидан ва адабиётидан ийӯқолгандур. Масалан, шанба, якшанба, душанба, сешанба, чаҳоршанба, панҷшанба, одина кунларининг оти каби... Ҳол шундай экан, яна юқоридаги туркий лаҳжаларининг ҳалқи ўн икки асрдан бери дин манбаймиз ва Қуръони карим тили бўлган арабийнинг нуфузига учраб, табаррукан ва мажбуран кўп лугат ва жумлаларни андан олдиilar. Ва баъзи ифратпарастлар тарафидан янгидан бу кунгача яна олинмоқдадур.

Туркларнинг баъзи тоифаси форсий ва арабийни у қадар кўп олдиларки, тиллари туркий, форсий ва арабийдан қўшулуб, «усмонли тили» аталди. Ушбу уч тилни адабиёт ва қоидаларидан боҳабар бўлмагунча усмонли шевасинда ёзмоқ мумкин эмасдур. Усмонли шевасига ёзатургонлар-да охирги саналарда ўз саҳвалини билиб, форсий ва арабийсини озроқ айтиб ёзмоқдадурлар. Азбаски, усмонли шевасинда ёзилган асарларнинг аксарини усмонли туркларнинг камсаводи англамайдур. Турк қавмининг Кафказ, Эрон, Қrimдаги қисмларининг тилига арабий ва форсий жумлалар усмонличадан кўра хейли оз бўлуб, аммо туркий тилларнинг бошқа шеваларидан кўра усмонличага энг яқиндур. Чунончи, бу кунги Кафказ ва Қrim матбуотининг ўқуб англайдургон киши усмонличани, албатта, ўқуб фаҳмлайдур. Чунки орасиндаги фарқ жуда оздур. Хусусан, охирги саналарда арабий ва форсийларини озайтуруб ёзилган усмонлича ва ёинки туркча Қrim ва Кафказ шевасиндан оз фарқликдур.

Татарча ёинки нўғайча аталатурган шеваға келсак, Қrim ва Кафказ шевасидан кўра оз арабий ва форсийлик бўлуб, бовужуд шул бу кунги татар матбуотининг ҳеч бир стуни, балки ҳеч бир сатри ҳатти форсча ва ё арабчадан қутулолмайдур. Ҳатто сирф татарча ёзмоқ тарафдори бўлган матбуот ва муҳаррирлари-да арабий ва форсийсиз бир нимарса ёзолмайдурлар.

Азбаски араб ва форс маданияти, илм ва ҳунари турклардан зиёда ва голиб ва қадим ва ҳам туркларға голибан, маънан аскариян моддатан ҳукмфармо эди. Қозоқ шевасинда келганда, энг содда туркий ва саҳройи, яъни ибтидоий тилни кўрармиз. Аммо на фойда? У тил ила илмий ва ижтимоий ва фанний китоблар ёзив еткуриб бўлмайдур. Масалан, қозоқга бир рушдий мактаб таъсис эдилса, жўкрофия, ҳикмат, тарих, ҳандаса ва ҳайъатга ўхшаш китобларни тасниф этилмоғи қозоқий ва ёинки ҳар бир саҳройи тили ва, ҳатто, татар шевасини лугат ва масолиҳ еткуролмаслиги маълумдур. Фанний китоблар нари турсин бир саёҳатнома ёзмоқға ва замоний муҳим баъзи рисолаларни таржи-масига сўз еткуролмайдур.

Келайлук Туркистон ва ёинки Осиёи Вусто ҳалқларининг тил ва шеваларига: Туркистоннинг ўзиға тейишли шеваси турк ти-

линиинг чиғатой лаҗжаси бўлуб, Навоий китоби бу лаҗжанинг гўё муҳим китобидур. Аммо кўбдан бери Туркистонда маданият ва салтанат ва адабиёт таданий этгани учун халқ бу лаҗжанинг бузганлар. Бузмоқ нари турсун, Туркистоннинг ҳар бир шаҳрининг ва, ҳатто, баъзи бир қасаба ва кўйларининг шеваси бошқадур. Масалан: анда, мунда, шундани – ул ерда, бул ерда, шул ерда; ўтда, бўтда, шўтда; этта, бетта, шетта; ўрда, бўрда, шўрда; ўра, бўра, шўра кайфиятинда сўйлайдургон шаҳарлар бўлуб, мундай бузуқ сўзларни навъи ва адади жуда кўпдур. Туркистон туркчасига форсий ва арабийни қўшувлари ҳам барча ерда бир ҳолда бўлмай, балки мавқеъни жугофиясиға қараб ҳар навдур. Чунончи, Бухоро аморати ва Самарқанд вилоятининг туркча тилига форсий ва арабий кўб қўшувландур. Бу хонлик ва бу вилоятда баъзи шаҳар ва катта қасабаларнинг она тили форсий бўлуб, туркчани сўнградан ўрганадурлар. Бухоро, Самарқанд, Хўқанд, Ўратепа, Конибодом шаҳар ва қасабаларининг тили форсий бўлуб, ҳеч туркча билмайдургандар-да бордур. Туркистоннинг жануби-шарқидаги тоф ва кўй халқларининг ҳаммаси форсийча сўзлайдурлар.

Фарғонанинг Хўқанд ва бошқа шаҳарларида ҳам форсий ривожда бўлуб, уламо ва машойихни форсийга майли кўбдур. Табиийдурки, форсий кўб ёйилган ерларда арабийни ҳукми зиёдадур. Форсчани ҳукми Тошканд шаҳри ва Сирдарё музофотига озайиб, форсий билатурган киши, эҳтимол мингда бир топилмаса. Фарғона вилоятининг Хўқанд ва бошқа шаҳарларинда бу кун форс тилинда ерли шоирлар-да мавжуддур.

Хўқанд хони Умархон жанобларининг «Девони Умархон»ига форсий абётлар иншод қилингонига қараганда, қадимдан бери Фарғонада форсий тилни жорийлиги маълум бўлур. Туркистон шарқида форсийнинг ҳукми озайиб, бовужуд шул уламо орасинда оз бўлса-да сўйланур. Туркистон жануби ва Туркистони афғония бўлса туркий ва форсий тили баробардур. Туркистоннинг Мовароибаҳри Ҳазар қисмиға аксарият ила туркман шеваси ҳукмфармо бўлса ҳам Эрон ва Афғонистон ва Бухоронинг ҳамсоялиги сабабидан яна форсийнинг нуфузидан қутулиб бўлмайдур. Хиваға келганча, мунинг тили яна усмонличага яқин бўлуб, фақат арабий ва форсий қўшумчалари оздур. Хулоса шулки,

нафси Туркистон, Бухоро, Хива, Туркистони афғоний ва Кошгар ўлкалариндаги туркча шеваси дохилан ўн қадар бузуқ ва тузук лаҳжага айрилиб, аммо бу лаҳжа ила сўйлайдургонларнинг ҳар бири бошқасининг сўзига тушунадурлар. Китобатга келсак, бу кунгача Туркистон, Бухоро ва Хивада ҳар ким ўз лаҳжасига мувофиқ ёсса ҳам бир-бирига қарибдур. Чунки котибларни муаллимлари мавжуд туркча ва форсча назм ва наср китоблар бўлуб, Баҳри Ҳазардан то Кошгар ва Туркистони афғонийгача қадим мактабларда Навоий, Фузулий, «Сабот ул-ожизийн», «Ҳикмат», Ҳувайдо ва бошқалари, форсийдан «Чаҳор китоб», Ҳўжа Ҳофиз, Бедил, Саъдий ва бошқалари ўқулурки, бу китоблар аҳли саводнинг тил бирлитига сабаб бўлур. Аммо авомларни сўзи таҳти таҳрирга кирмайдур.

Аввалги мақолада туркча тилнинг аҳамиятлик шўйбаларини қисқалик билан ёзиб эдим. Энди тилни бутун соддалаштируб индурмоқ ва ёинки адабийлаштируб тараққий қилдурмоқдан бетарафона ёзарман.

Матбуот майдонига биздан муқаддам отилган ва дасталар ила жариди ва мажаллаларга соҳиб бўлган Ичкари Русия ва Кафказ мусулмонларини матбуот тили ва ҳам кўча тилига диққатлик кишига маълумдурки, матбуотлари кўча тилидан неча даража олийдур. Ва кундан-кун яна олийлашмоқдадур. Ўрам тили тарафдори бўлган баъзи татар матбуоти йилдан-йилга адабийга айланмоқдадур. Масалан, «Вақт», «Шўро», «Юлдуз» жаридаларининг аввалгилари ила ҳозиргисини тафтиш қилинса, ҳозиргиларини(нг) адабийлиги зоҳир бўлур. Кафказ матбуоти аввалдан адабий бўлуб, ўн саналардан бери матбуот, қороз устиндаги адабий тилни, ҳалқни тил ва сўзига таъсир этиб ўткардики, бул ўшал вилоятларда диққат этганларга маълум бўлур. Ҳеч бир фирқа ва ё лаҳжанинг авом тили матбуотига кирмайдур. Кирса-да, мактаб рисолаларига ва фаний китобларга кирмайдур. Азбаски, фаний, адаб, таълим, тарбия ва диний китобларни сирф авом тилига ёзмоқ мумкин эмасдур. Ҳатто бу замонда фан ва ҳунар тараққий эттани учун ва янги чиқган бегона лугатдаги исмлик нимарса-

ларға туркій исм тақадурғон жамиятлар барпо этуб, туркій ти-лимиизға хизмат этатурған кишиларни бизға йүқлиги учун бегона тилдаги исмлар ила күп нимарсаларни ёзмоқта мажбур бўлармиз. Ҳатто мундан тараққий этган миллатлар-да қутулган йўқ. Масалан, арабий илм «Алжабр»ни бу кун тараққий этган миллатларда «Алжабр» ва аларда «ж» йўқлиги(дан) «Алгабр» дерлар.

Бу тил масаласи Русия мусулмонлари матбуотига бир хейли баҳс бўлуб, феълан ва амалан авом тили ва ёинки содда тил тарафдорларини мағлубияти ила натижаланмоқдадур. Бизнинг Туркистон матбуоти-да, табиий, бу масалани бошидан ўткарур. Шунинг натижаси ва навбати бўлуб мўътабар «Садои Туркистон» рафиқимизда тил масаласи мақолалари ёзилмоқдадур. Баъзи афандилар меҳмонни «қўноқ» дейилсун, деб таклиф этарлар. Ҳолбуки, «қўноқ» деганда бир турк фаҳмлайдур. «Меҳмон» деганда турк фаҳмлагани устида, яна бир форсий мусулмон қариндошимиз-да англайдур. «Тилимиздан форсий ва арабийни қувайлук», бу кўб енгил орзу, аммо ижроси мумкин эмас орзулардандур. Масалан, мунинг тарафдори бўлган мўътабар «Садои Туркистон»ни «Турк эли довуши» бўлуши лозим келур. Туркистонни «Турк эли» ёхуд «Турк ери» ёзмоқ керак бўлур.

Тошканд, Хўқанд ва бошқа минглар ила жуғрофиёвий исмларни рижоли тарихия ва ёинки тарихий воқеаларни маҳаллий ва машҳур одамлари ва ой ҳам иили, куни ва... ларигача тағиир бериб, туркій исмлар тақиб, аларға, янги лугатлар тайёрлаб, янгидан тадвиин этмоқ лозим келур. Ва ўшал ҳолдагина турк тилини арабий ва форсий лугатлардан ажратиб бўлурки, мунга ҳамма ишни қўюб, ҳамма бирдан ҳаракат этса, эҳтимолки, бир неча юз саналарда хаёлан зўрга воқе бўлса. Ҳолбуки, бул ижроси мумкин эмас, қуруқ хаёли фосидгинадур.

Бир неча минг санадан бери форсий ва араб тили ва маданияти ва салтанати таъсири остида қолган туркійни яна бир неча минг санада буларни таъсиридан чиқармоқ нари турсун, балки маънан ва моддатан ва фаннан маҳкум миллатларни тили бўлган тилимизға яна тараққий этган миллатларни лугатлари ҳужум этар.

Туркистон ҳалқининг мактаб ва мадрасасиндаги китобларға, жарida ва мажалласиндаги мақолаларға сарфи форсий ва ара-

бийни қўймас тарафдори кишиларни ўйловлариға, тўғриси, шошармиз. Масалан, *мактаб*, *мадраса*, *жарида*, *мажсалла*, *китоб* – ҳаммаси арабники. Исломизни ўндан тўқузи арабий. Энди, бу ниҳоясиз нимарсаларни ҳаммасига туркийдан исм ахтарибми дунёдан ўтармиз?

Мұхтарам А.Музаффар афанди 63-рақам «Садои Туркистан»да ҳандасадаги арабий истилоҳ ва исмларға туркий муқобиллар кўрсатурлар. Анга қараганда, ҳандаса ўзики «андоза» форсийнинг муарраби ва ёинки бузулғонидур. Анга ҳам туркча ва барча улум ва фунун ва Қуръонига ҳам туркча исм қўймоқ лозим келур. Ҳолбуки, баъзи бир нимарсани исми, лугатан мусаммасининг маъносига далолат қилмай, аммо истилоҳан, таълимдан ва тарихан ва ёинки замонан анга исм ва алам бўлуб қолгандур. Чунончи, «воҳиди қиёсий» маънои фаннийини «солиштириш ўлчови» адо этмайдур. Бўлса-бўлмаса, бу бир истилоҳ бўлуб, «солиштириш ўлчови», яъни «воҳид қиёси» дейилмагунча фаҳманилмас. Авом учун бу сўзлар ёзилатурган бўлса, ул иккисинида фаҳмламайдур. Агарда мактаб талабалари учун бўлса, Туркистанда йўқ туркий ҳандаса китобимиздан муқаддам бир-да ла ятанаҳа янги истилоҳи туркия лугати чиқармоқ лозим келур.

Фикримча, бу ўйловлар фазладур. Тўғридан-тўғри демоқ керакки, бақадри имкон арабий оз ёзулсун. Арабий исмлик нимарсалар жамланганда, туркча жамлансун. Масалан, *улум*, *фунун*, *уламо*, *қуззот* ва ... демоқ еринда *фанлар*, *илмлар*, *олимлар*, *қозиллар* ва ...лар ёзингиз ёинки мўътабар «Садои Туркистан»-нинг 64-рақаминдаги «Тил масаласи»да «Курраи арзда яшамакда бўлган ҳар миллатни ўзига маҳсус бир лисони миллийси вордур» жумлаларни бироз туркча ёзмоқ кераклигига машварат бермоқ лозим. Аммо бутун фанний ва илмий ва диний истилоҳ ва иборотларға муқобил туркчадан исм тайин қилмоқ фикрига чўммоқ ўзни чарчатиб ва матбуотни зоеъ қилмоқдан бошқа нимарса эмасдур.

«Тил масаласи» муҳаррирларидан бири дер: «Тиллар замон ила ислоҳ бўлур, бирдан ислоҳ этилмаслар». Содда тил нима учун керак? Атрофиндаги қавму қариндоши илан сўйлашмоқ учун. Адабий ва илмий тил нимага керак? Мавжуд илму фан ва тарихни билмоқ ва алардан фойдаланмоқ учун. Энди бизга лозимки, атроф, яъни теварагимизни адабийлаштурсак. Му-

навварлаштурсак, яъни илм ва фан ила ёрутсак. Илму фан бўлса, бизни тилга тебе бўлмай, балки бизни ўзига жабран тебе этар. Энди бу содда тилни бизни(нг) ҳар қишлоқ ва маҳаллада бир-биридан фарқи бордур. Аммо илмий ва адабий тилни ҳар бир қишлоқ ва кўйдаги оналарни тилинда бўлмоқлиги ва алардан бошланмоги мумкин эмасдур. Оре, англис ва франсуз оналари ва ўқуғон рус ва усмонли оналарини(нг) тили матбуот ва мактабдаги адабий ва илмий тилни айни ва худ ўзидур. Аммо алар бир неча юз санадан бери, қориндан қорингача ўқуб келган оналардур. Бизни мазлум оналаримиз «батнан баъд батн»¹⁰ ўқумай келгандар. Энди у мазлумларга ҳандасанинг туркча истилоҳларини ютдургон илан она тили бўлуб туруб, аввалан ул онани ўзига англашилмайдур. Модомики, бизга илму фан керак ва модом(ики), турк тилининг баъзи шуъба ва лаҳжалариға замоний, фаний, диний, тарихий ҳар нав китоблар бордур, ани ўқуб фаҳмламоқига гайрат этишимиз лозимдур. Масалан, Кафказ ва Қрим лаҳжасини билатурганлар бу кунги дунёмизда мавжуд аксар, балки ҳамма илму фанларини туркча тилда билурлар. Дунёмизни илму фанидан хабардор бўлмоқ учун русий, немисий, франсавий, англisisий, итолёли, арабий, жопуний тилларидан бирини билмоқ керак ва аларни билмагандан Кафказ ва ё Қрим лаҳжай адабиясини билган кишини дунёдан хабарлик бўлушиға восита бўлур. Аммо қадим чигатойча, мўгулча, ўрхўнгча ва саҳрои тилларни тиргузгон илан на фойда? Ва у тилларга қаю илму фанлар бор? Ҳозирғи сўзимизга қўшулган форсий ва арабий сўзлар бизни арабу форсга бир даража яқин этар. Илму фан китоблариға яқинлашмоқимизга восита бўлур. Баъзи биродарларимизни соғ она тили бор. Аммо она тилида мактаб, мадраса, фаний ва илмий китоблар таъсис этолмайдурлар. Чунки сўз этишмайдур. Агарда алар тараққий этса ва маданий бўлса, ҳукман ҳозирги тилни ўзгартириб бўлур ҳамда минг йил аввалиги тилга қайтмоқ қонуни табиатга муҳолифдур. Чунки мозийга ружуъ мумкин йўқ. Бегона тилдан сўз олмоқдан қутулган тил йўқдур. Англischани арабчадан сўнгра энг бой тил дерлар, маа фийхи ўн минглар ила begona лугатларни мажбуран олганлиги-

¹⁰ Батнан баъд батн – авлоддан авлодга.

ни ёзарлар. Хулоса, фикримиз шуки, ёлғуз туркча сўйлашмак ва ёзмоқ абадан мумкин йўқ. Бақадри имкон арабий, форсийни оз ёзайлуқ. Барча илму фан истилоҳ ва лугатлариға туркчадан муқобил ахтариб вақтни зое этмайлук. Тараққий этган туркий шевадаги илмий ва фанний китобларни англамоқға саъй ва гайрат этайлук. Келар замон учун ҳозирланайлук, ўтган замон учун эмас. Она тили, она тили... Бу яхши орзу. Аммо тилсиз оналар тилига мактабий китоблар ёзила берса, Туркистонда агадсиз бузуқ она тиллар шевасига агадсиз китоблар ёзмоқ лозим келурки, Андижонда ёзилгани Бухорода, Авлиёотада ёзилгани Қаршида англашилмайдур. Чунки бу оналарни тили бир-биридан фарқлилар. Тараққий этган миллатларни оналари ўқутар экан, биз аввал онамизни ўқутуб, анга тил ўргатмоқимиз керак. Чунки бизни илм ва тилсизлигимиз алардандур. Бинобарин, бақадри имкон оз арабий ва форсий, оддий, туркий лугат ила ҳозирги шеваларча ёза бермоқдан бошқа илож йўқдур.

Маҳмудхўёса
«Ойина». 1915 йил 2 апрел. №11.
«Ойина». 1915 йил 16 апрел. №12

«САРТ» СЎЗИ МАЖХУЛДУР

Ул зоти анвар амири Бухоро ҳазратларининг ҳузури ҳумоюн русча таржимони муҳтарам Баҳромбек қоровулбеки жаноблари: «Биз Туркистон ва Бухоро халқининг турклиги маълум бўлуб туруб... на учун «сарт» атайдурлар?» – деб мўътабар «Шўро» мажалласининг 1911 йил 16-ададинда савол этиб эдилар. Мазкур мажалласининг 19-ададинда «Ойина» муҳаррири тарафидан «Сарт» сўзи мажхулдур» унвони ила баъзи нимарсалар ёзилиб эди. «Шўро»нинг 24-ададинда самарқандий марҳум Бақохўжа тарафидан «Сарт» лафзи аслсиздур» унвони ила баъзи нимарсалар ёзилиб эди.

Мўътабар «Таржимон» муҳаррири муҳтарам Исмоилбек жаноблари «Таржимон»да сарт атамоқни дуруст эмаслиги тўғрисинда бир неча дафъа ёзиб эдилар. Сарт ҳақиндаги туркий мақо-

лаларнинг нечтасини мўътабар устод И smoилбек жаноблари тафсили илан Тошканда чиқатургон «Туркестанский курьер» русча жаридасинда ҳам ёзиб, нашр қилдириб эдилар. «Ойина»нинг ... рақаминда яна ушбу тўғридан жаноб Баҳромбек қоровулбеги сўз қўзготиб эдилар.

Татар муаррихи муҳтарам Аҳмад Заки Валидий жанобларининг Самарқандда келганларинда *сарт* сўзи ҳақинда баъзи муқоламалар бўлуб эди. Туркистон ёшлиариндан ушбу тўғрида бир неча «эътироҳ-протест» номалар ҳам келиб, жумладан, Тошкандиникини «Ойина»да ёзилди. Яна ушбу тўғридан идорада саволлар келган сабабли «*Сарт масаласи*» ҳақинда қисқалик ила минбаъд ёзилатургон нимарсалар хулоса қилинди. Ушбу тўғридан асослик нимарса ёзатургон азизлар учун «Ойина» саҳифалари очуқдур.

Энди малабга келайлук. «Ойина» муҳаррири тарафиндан 19-адад «Шўро»да ёзилган сўзларни мазмуни шул эди: фикри ожизимча, туркистонийларнинг *сарт* аталишини сабаби маълум йўқдур. Бу исм шимол ҳалқи, яъни қозоқ ва татар қардошларимиз тарафидан Туркистоннинг шаҳар ҳалқига берилган исмдур. Ушбу бобдаги мулоҳазалар шул тариқа хулоса бўлинур:

1) қозоқ ва татарлар Туркистон ҳалқининг хоҳ турк ва тожик ё араб бўлсун *сарт* дерлар; 2) Туркистон гарбидаги туркманлар туркистонийларни голибан тожик дерлар; 3) Туркистон жанубидаги Балх, Бадахшон ва чаҳор вилоят ҳалқики, аксаран туркча сўйлашурлар ва ўзлари Афғонистон табъасидурлар. Туркистонийларни ўзбек дер, Афғонистоннинг афғон, тожик, ўзбекча сўйлайдургон барча ҳалқи туркистонийларни ўзбек ва турк дер. Ўзбек асти афғон ё форсийзабон дер. «*Сарт*» деган сўзни абадан билмайдурлар; 4) Кавказ, Эрон ва Ҳиндистон ҳалқи сарт калимасини билмайдурлар, фақат туркистоний турк ё тожик дерлар; 5) Туркистонийлар бир-бири ила сўрашганда: ўзбекмисан, тожик, мулломисан, хўжа, деб сўрайдурлар. Туркистонда саййидларни «хўжа» дерлар. «Хўжаси» сўзи арабларда бордур.

(Бақияси бор)

*Маҳмудхўёжаси
«Ойина». 1914 йил 22 марта. №22*

«САРТ» СҮЗИ МАЖХУЛДУР

(Боши 22-рақамда)

6) Туркистанда машхур 92 қабила-уруғнинг исми машхур бўлуб, анинг ичинда «сарт» йўқдур. Хонлар замонинда жулус ҳангомида бу 92 қабиладан мурархас ва оқсоқоллар Самарқандда жамланиб амирнинг хон кўтариб, «жулус» маросимини ижро этардилар. Самарқанд таҳт темурийсинда жулус этган Бухоро хонларининг энг охиргиси амири ҳозирнинг жадди Музаффар-хондур. Самарқанд, Бухоро ҳукуматининг Маскови эрди;

Амир Музаффар марҳумнинг тарихи жулуси:

*Баҳри торихи жулусаси омада
Шанба-у моҳи рабиус-соний (1277 ҳижрия).*

Туркча тарих шеърияси:

*Шоҳ мулку иқбол ила
Ўлтурди Кўктош устина.*

«Кўктош» амир жаҳонгир Амир Темур соҳибқирондан қолма бир тош таҳтдурки, Туркистандаги турк элларидан 92 уруғнинг оқсоқол ва баковуллари йигилиб, янги хонни оқ бир на-мад-қажа устинда ўтқузуб, 92 уруғ мурархаслари кажани бирдан кўтариб, янги хонни Кўктош таҳтина миндуарлар эди ва бу андан эътиборан «хон» ва «амир» эълон қилиниб нақора, карной қоқилиб чолинарди. Амир ушбу 92 уруғнинг оқсоқоллариға олтун ва хильят, от ва түғ бериб, алардан байъат оларди. Ва хон кўтармоқдан аввал, 92 уруғнинг оқсоқоллари баъзи бир сўз ва одатларни риояти учун амирдан ваъда ва сўз олар эканлар. Бу 92 сўзи ал-он халқ оғзинда мавжуд ва мақоллар ҳукминдадур: «Тўқсон иккини ичинда... деди», «Бу ер 92 ни йигилган ери, сўзинги билиб сўйла!», «Сан бадзот... шажаранг 92 га етмайдур!»

7) «Темурнома» ва амсоли китобларда сарт исми мавжуд уруғлар ичинда кўрилмайдур;

8) Туркистан шимолига охирги вақтларда сарт сўзи эшитилиб, аммо Туркистан жануби ва гарбида халқ оғзинда йўқдурки,

Туркистон шимолига бу сўзни жорий бўлгани қозоқ, татар ва руслар сабабиндандур. Масалан: Тошканда *сарт* арбаси – *сарт* жойи, *сарт* одати... дейилган ҳолда Самарқандда мусулмоний ароба, мусулмон шахри, мусулмон одати... дерлар;

9) Бухоро ўлкасинда *сарт* сўзи мутлақ йўқ. Халқ: ўзбек, тоҷик, қозоқ, туркман, араб қабилалариға мансуб кишилар бўлуб ва шу исмлар ила аталурлар;

10) Туркистоннинг қаю бир чўл ва тог ё маъмур ериндаги 60-70-100 га кирган кишидан «сарт» сўзи сўралсун, билмайдур. Аммо олчин, барлос, туёқли, қипчоқ, хитой, турк, қумчи, сарой, мангит, қорақалпоқ, минг, юз, қирқ, ўроқли, ой тамғали, қўш тамғали, найман, қонгли, мўғул ва буларга ўхшаш асомийи қабила-уруг исмларининг машҳури ва аларнинг туганмас шуъбаси ва шохаларини баён қилган ҳолда бу мажҳул *сартни* асло тилга олмайдур. Қори кишилар: фалон аслан ўзбак ё тожикдур, дер. Асло *сарт* демас ва *сартни* билмас. *Сарт* деган қабиладан бехабардур;

11) сарт сўзини ҳозирги мағҳумидан хабардор туркистонлилар гумон қиласурларки, *сарт* сўзи «туркистоний» деган сўзни русча таржимаси бўлса;

12) матбуотдан боҳабар Туркистон ўзбек ва ё тожик ва ё арабиға «сарт» деб хитоб қилинса, ўзлариға ор ҳисси этарлар. Албатта, бир кишини ота-онаси берган исми бўлуб ва ани мансуб бўлган қабила ва уруғи бўлуб туруб, ани бошқа бир исм ила чақириб ва номаълум ва ё маълум бир қабила исмини анга тоқилса, ани хушланмасиға ва эътиroz қилмоқиға ҳаққи бўлса керак;

13) Туркистон ҳалқидан ўзини билатургонлари қабила ва уруғига у қадар биноси борки, бошқа қабилаға қиз бермайтургонлар бордур. Қизни ўзи хоҳлаб тегкан бўлса, қабила орасидан ақча жамлаб даъволашиб чиқариб оладурлар. Қабиласининг исмини ва етти отасининг отини билмайдургонларни «қул-марқуқ» дерлар.

(Бақияси бор)

Маҳмудхўёжса
«Ойина». 1914 йил 29 марта. №23

«САРТ» СҮЗИ МАЖХУЛДУР

(Боши, 23-рақамда)

14) Самарқанд вилоятинда татар, манғит, мүғул, қангли, қозоқ, найман, дўрман, қирқ, ўзбак, сарой, баҳрин, юз, турк, барлос, қавчи ва амсоли исмлик қишлоқлар кўб. Хулоса: турк-ўзбекларни ҳар бир қабиласини исми тақилган қишлоқлар ниҳоятда кўбдур. Аммо мажхул *сарт* исми берилган бирда қишлоқ йўқ. Ҳатто Туркистонда ўрус қишлоқ исмидаги мавзеъни борлиги сўйланиб, аммо *сарт* қишлоқ асло эшитилмайдур;

15) Самарқанд санжоқ-уездинда Кобуд, Қорақалпоқ, Паҳлавон ариғ исмидаги вўлуслар борки, ҳалқи қисман қорақалпоқ, қипчоқ, хитой, қўнгирот, уюрувчи ва илаҳ... қабилаларға мансуб ва тиллари қозоқ тилидур. Мазкур қабилалар шаҳар ҳалқини «*сарт*» дерлар. «*Сарт*» деб таҳқир мақоминда ҳам айтарлар;

16) Самарқанд санжоқининг шарқий, жанубий ва ғарбий қисмидаги ҳалқни аксари турки сўйлайдур. Ва алар шаҳар ҳалқини «тожик» атайдур, ҳеч важқ ила валав биргина ўлсун шаҳар ҳалқини «*сарт*» демас;

17) Самарқанднинг ғарби-жанубий тарафинда Чашмаиоб исмли бўлуст борки, ҳалқи 14 моддаға зикр қилинган уруглардан иборат ва тожиклардан иборатдур. Аммо бўлустда Қойирма қозоқ исмли кичкина бир қишлоқ борки, анда бироз қозоқ турклари бўлуб, алар шаҳар ҳалқини *сарт* дер ва бошқа турк ва тожикларни аталмиш уруглари атабурлар;

18) Роқими ҳуруф 20 санадан зиёда бир мuddат Самарқанд атрофиндаги қишлоқлар ҳалқини маржеъи бўлган, дорулқазоъ ва баъзан вазъи хирож ишларинда машғул бўлуб ҳар наъ ҳалқ ила сўйлашганман. Ҳар вақт татар ва қозоқ уруғига мансуб кишилардан шаҳар ҳалқини *сарт* аталганини мушоҳада этдим. Бу икки уруғ ила руслардан бошқа на Туркистон, на эронли, на кафказли, на араб ва на ҳинди ва на хитойиларни: Туркистон ҳалқини ва ё тожикни *сарт* атаганини эшитмадим;

19) Қозоқлардан кимни дерсан, деганда, тожикни дер ёинки қозоқдан бошқани дер. «На учун «сарт» дерсан?» – деганда, «Бизни чўлда олдаб жургони учун», – дер. Қозоқ орасинда савдо қилиб юргувчиларни мурод этар, баъзиси дер: «Шум ва қувли-

ти учун «сарт» деймиз». «Бизни чўлни сиртида ўтургони учун «сарт» дермиз». «Сирдарёни бир замонлар Яксарт деганлар. Дарёни аржагинда ўтургонларни биз «сарт» дегонмиз» ва амсоли жавоблар олинди;

20) Тарих ва адабиёт ила машғул кишилардан бу она қадар бул бобда асослик бир жавоб олинган йўқдур;

21) Русларни Туркистонда келгандаридан йўлбошчи ва таржимонлари қозоқ ва татар бўлган учун туркистонлиларни аларни кўрсатиши ва тили ила руслар-да «сарт» атадилар. Бовужуд шул бу кунгача расмий қофозларда, яъни бадал ва нишон бермоқ, ёди замония-ҳақиқатнома, таҳрир нуфусда, хулоса, муҳокамалар қофозинда ўзбек, тоҷик, араб, эроний, туркман қирғиз... қайд бўлинадур. Сарт аталмоғи фақат қабо кўчаги бир атолишдур;

22) Бу кун ҳар бир туркистонлидан на эл бўлурсан? Ёинки ким бўлурсан, деб сўралса, маълум бир қабилани от тутар, аммо «сарт» демас;

23) Руслар ила кўб ихтилот қилган извозчик, аробакаш, мардикор, ошпаз, баъз, илмсиз тилмоч ва амсолидан русча: «Сан ким?» – деб сўралса, албатта: «Сарт», – дер. Шулардан сани уруғ ва насабинг нима, деб сўралса, албатта, бошқа жавоб берар;

24) Русларни адабиёт ила ошнолари ҳам «сарт» ўрнинда аксариян «туземний ё мусулманский» дерлар;

25) Қомус луғатлари сартни кўрсатмайдур. Ашъор ва адабиётларда туркистонлилар тамоман сарт аталмайдур. Хулоса: Туркистонда бу кун турк, тоҷик, араб, хўжа исмлари таҳтинда жамланган юзлар ила қабила орасинда сарт қабиласи йўқдур. Ўз қабилаларининг исмини қўюб сарт исмини қабул қилишларида маълум йўқдур. Ҳатто сарт дейилса орланурлар. Кишини ўз исмини қўюб бошқа исм ила атанилса орланмоқда дурустдур;

26) Хулоса шулки, Туркистон ва Бухоро халқининг қозоқ, татар ва руслардан бошқа бир кимса «сарт» демас ва русларни «сарт» аталгани ҳам қозоқ ва татарларни воситасидур.

(Бақияси бор)

*Маҳмудхўёжса
«Ойина». 1914 йил 5 апрель. № 24*

«САРТ» СҮЗИ МАЖХУЛДУР

(Боши 22-рақамда, 24-рақамдан мобаъд)

«Шўро» мажалласининг 1911 йил санадаги 24-ададинда самарқандий марҳум Бақо Хўжа жаноблари «Сарт» лафзи асл-сиздур» унвони ила баъзи нимарсаларни ёзib эдики, андан мин-баъд ёзилатургон моддаларни хулоса қиласиз.

1) Ўттон саналарда «сарт» сўзи ҳақинда руслар орасига му-боҳаса бўлуб, «Туркестанский ведомости» русча жаридасида ҳар ким ҳар нима ёзив ва ҳар навъ фаразий жорий қилинуб эди. Қозоқ биродарларимиздан даъво вакили жаноб Шерали Лапин ёзив эканки, «Сарт» сўзи ҳақорат сўзларидан бўлуб, сариг итдан маъху ва муҳаффафдур. Бу лафзни истеъмол қилмасга керак. Ҳозир Туркистонда жорий турки – ўзбаки шевани *сартский язык – сарт тили* демасдан ўзбаки тил деб аталсан»;

2) Остроумов жаноблари «Сартлар» исминда тахминан 300 саҳифалик русча бир китоб тасниф қилгандурлар. Ушбу китобга мазкур жаноб Шерали Лапин тарафидан бир неча эътиroz ва баҳслар бўлгандур. Аммо жаноб Остроумов, сартлар ким эканлигини исбот қилиб, бир жойга қарор берганлари йўқ ва китоблари ҳар навъ ихтилоф ва фаразиёт ила тўладур;

3) Остроумов жанобларини «Сартлар» китобидан ва бошқа бир неча русларни ёзган китобидан маълум бўлурки, Фарғона ва Сирдарё вилоятларининг ҳалқи сарт бўлуб, Самарқанд, Бухоро ўлка вилоятларининг ҳалқи ўзбак ва тожикдурлар. («Ойина»: аммо тарих ва адабиётдан бехабар рус ва татарлар бутун беш вилоят Туркистонни русий ва Бухоро хонлиги ҳалқнинг айримасдан «сарт» дерларки, бул мухассиз асари гафлат ва бутун галат, фоҳишдур. Фарғона ва Сирдарё ҳалқининг «сарт»лиги маълум йўқдур);

4) Гейер жаноблари «Туркистон саёҳатномаси»да ёзадурки: «Сартларни асл ва насаблари масаласига ҳозирғача уламо тарафидан файсал берилган йўқдур. Аларни насаблариға тейишили ҳар навъ баёнотдан сиҳатта яқини шулки, Туркистоннинг асл ҳалқи тожик ҳалқи бўлуб, сўнгра турк ва ўзбак ҳалқи тасхир қилиб олиб ва бу икки ҳалқни бирлашганидан пайдо бўлган ҳалқларни «сарт» аталиши тахмин ва гумон қилинур»;

5) Вамбери жаноблари ёзадурки: «Сартларни Бухоро ва Хўқандда тожик атайдурлар. Инчунин жаноб Лазарь Будаговни, Шайх Сулаймон Бухорий жанобларининг лугатларидан маълум бўлурки, «сарт»лар аҳли форс ва тожик эронийлардан иборат бўлса, ҳолбуки, эронийлар форс ва тожикдурлар»;

6) Логофет жанобларининг «Бухоро ҳонлиғи» ном русча китобинда Туркистонда мавжуд турк-ўзбак қабилаларини төъдод этибдурки, «сарт» қабиласи йўқдур;

7) «Шайбонийнома» соҳиби Муҳаммад Солиқ, Алишер Навоий, Бобурхон, Абулғозихонлар туркдурлар, буларнинг таълифотлариндаги сартлар ким бўлур, ажабо?! Албатта, булар Туркистоннинг тамом ўзбак ва турк ҳалқининг ва ўз жинсдошларининг «сарт» демаганлар, бунлар эронийларни ва бошқа бир тоифани «уруш замонидаги душманларни» мақоми таҳқир ва очиқда сарт деган бўлсалар керакки, «Шайбонийнома»дан шундай билинур;

8) Самарқанд вилоятининг расмий таҳрир нуфусига 1894 санада шул тариқа қайд бўлинган: ўзбаклар 39 000, тожиклар 200 000, қозоқлар 210 000, араблар 30 000, афғонлар 2 000, оврупоилар 18 000, яхудийлар 4 000, жўти-чингоналар 2 500, бошқа жинслар 8 000. («Ойина»: қани сартлар?)

9) Алҳосил ушбу кун Туркистони Русийнинг беш вилоятини ва Бухоро ҳонлигининг барча турк-ўзбак ҳалқини «сарт» демак ва ёзмак инсофсизлик, истибоди раъй, боиси шубҳа ва тафриҷадур, буюк хатодур вассалом. Марҳум Баҳохўжанинг сўзи мунда тамом бўлди.

(Бақиаси бор)

*Маҳмудхўёжса
«Ойина». 1914 йил 15 апрель. №25.*

«САРТ» СҮЗИ МАЖХУЛДУР¹¹

(Боши 22-рақамда, 25-рақамдан мобаъд)

Юқоридаги ёзилган сўзларга қараганда маълум бўлурки: «сарт» сўзи ҳақиқатан номаълум ва «сарт» аталмиш кишилар ёинки сартлар бу кунги Туркистони Русий ёинки Турон, Хоразм ва Бухорода абадан йўқдур, балки бир замонлар бор эмишларда (қавми табъ) ёинки ҳун, ҳимери, оссурий, бобилий...лардек дунёдан билкулли сафар этиб, жойларида бошқалар келибдурлар. Тарихға қаралса, бу кун мусаммоси йўқ, кўб исмларга учралурки, «сарт» исми-да Туркистонда (исми bemusammo) ҳукминдадур. «Сарт»ликни бутун Туркистони Русий ва Бухоронинг турк, тоҷик ва арабдан иборат ҳалқига тоқатургонлардан далил сўралса, айтатургонлари, албатта, шундан иборатдурки:

- 1) «Шайбонийнома», «Бобурнома», Абулғозихон китобларинда баъзи бир туркистонликлар «сарт» аталибдур.
- 2) Оврупонинг баъзи сайёҳлари ёзибдурларки, Туркистонда шаҳар ҳалқини ёинки форс ҳалқини, ё тожирни номаълум замонда «сарт» атардилар.
- 3) Номуайян бир замонда, дашти қипчоқ ёинки Хитой ҳудудидан сарт исминда бир тоифа келиб Туркистонға бирлашиб, сўнгра бошқалар тарафидан ютулуб ва бошқа уруғлар ила аталиб кетгандурлар. Ана Туркистони Русий ва Бухоро ҳалқига сартлик исмини тоқатургонларни далили шундан иборатдур. Биз тақрор айтармизки: мазкур уч эҳтимолни қайси бири чин бўлган суратда ҳам нафс ул-амрда «сарт» йўқдур. Ҳам чунонки, бу кун Оврупода ва Осиёда исман «ҳун» йўқдур. Тарих ҳун қавмини сартдан кўра яхши забт этган. Мaa фийҳи бу кун на Оврупо ва Осиёда «ҳун» исмлик уруғ йўқ. Фарзан сарт қабиласини-да бир вақт бор

¹¹ «Сарт» сўзи устидаги баҳс М.Беҳбудийнинг ушбу мақоласи билан тутмаган. «Садои Фарғона» газетасида Абдуллабек исмли муаллифнинг «Сарт» сўзи маълумдур» мақоласи босилади. Ҳожи Муъин бу мақола билан танишиб, «Ойина»нинг 1914 йил 19 июль, 39-сонида «Сарт» сўзи маълум бўлмади» мақоласини эълон қилган. Лекин имзо қўймаган. Агар мақола Беҳбудийники бўлгандা, ўз имзосини очиқ қўйган бўлур эди.

экан, аммо энди «сарт» уруғи йўқдур. Бу қадар машҳур уруглар Туркистонда бўлуб ва аталиб туруб, аммо сарт уруғини йўқлиги, ва ҳеч бир қабилани «ман сарт» демагани бу кунда сартни йўқлигини ва замонида бўлса-да мунқариз бўлганини далилидур.

Хўб туронийларни «сарт»лигини даъво этатургонларни далили бўлса, лафзан баён этмоқларини илтимос этармиз ва далиллариға қараб, албатта, аҳли қалам муҳокама жорий этарлар. «Сарт» атамоқға ошиқ бўлганлардан баъзан дерларки: «Ҳар ҳолда туркистоний ва буҳорийлар охирги замонларда «сарт» аталиб ва бу исм машҳур бўлубдурки, мунинг тарк этмоғи мумкин йўқдур».

Бу сўз бир неча важҳдан тўғри эмас. Масалан, усули жадидчи ёинки тараққийпарвар ва маданияти ҳозира толибларини Туркистонда баъзан кофир, бобий, Истанбулда «мосун», Эронда ҳоказо бобий атайдурлар. Ҳолбуки, «бобий ва мосун» бошқа, тараққийпарвар мусулмон бошқадур. Бобий ва мосунлик ила фахр қиластургон номусулмонлар бўлганидек, тараққийпарвар мусулмон бобий ва мосунликни ўзига нисбат беришни абадан қабул қиласмайдур.

Энди маданиятпарвар мусулмонларнинг бобий, фарамосун исмлари баъзи халқ тарафидан бизга берилибдур деб «мусулмон исмини қўюб ўзини бобий ва фарамосун атамоги ва шул номарғуб исмларни ўзига тақмоги муносибми? Албатта, йўқ, дерсиз! Бас, туронийларнинг ўзига маҳсус ва машҳур уруглари бўлуб туруб, мажҳул бир уруғ исмини ўзларига тақмасликлари табиийдур. Албатта, дерларки: «сарт» демайлук-да, на дейлук?» Жавоби ниҳоят осон! Туркистон ўзбеклари, тоҷиклари, араблари, турклари, руслари, яҳудийлари агарда десаларки: «Биз, Туркистонни турк, араб ва форсини ташхисдан ожиз ва барчасига умумий бир исм керак, бул сувратда дермизки, ундан бўлса, тўғри «туркистонли», «Туркистон мусулмонлари» ёзингиз». Йўқ! Бўлмаса, балки бир аср сўнгра Туркистонда мавжуд яҳудий, рус, турк, тоҷик ва араблар бир либос ва бир ҳайбатга кирад-да сиз яна барчасини «сарт» атарсиз. Татар муаррихларидан муҳтарам Заки Валидий афанди «сарт» иборати тўғрисинда тақрибан шундай деюр: «Бир замонларда Туркистон

халқи «сарт» бўлганлар, аммо Чингизлар ва мўгулларни истилоси сабаби-ла исмлари алмашгандур. Самарқанд ва Бухорда «сарт» йўқ ва ҳам тожик ва араб ва ўзбаклар сарт эмас, Хўқанд ва Тошканд халқи сартдур. Азбаски, алар уругини билмайдур ва ҳам алар на турк ва на ўзбак ва на тожик ва арабга ўхшайдур. «Сарт» исмлик қабила Туронда бўлмаса-да, эски китобларда бор». Юқоридаги сўзлар мунга жавобдур.

(Бақияси бор)

*Маҳмудхўёса
«Ойина». 1914 йил 19 апрель. №26*

КИЙИМ ВА ТАШАББУХ МАСАЛАСИ

Бир неча йилдан бери баъзи мажлисларда русча фўрма киймак ва «ташаббуҳ» масаласи хусусида узун мубоҳасалар бўлуб, баъзан бу мубоҳасалар мунозаъя ила тамом бўлурки, бир неча мартаба қўзимиз ила кўрдук. Мажлисларниг барчаси авом синифдан бўлса эди, биз аларнинг сўзиға аҳамият бермас эдук. Лекин бир узр сабабли фўрма кийганлар ҳақида акфор ҳукмларини аксар вақт муҳтарам уламомиз оғизларидан эшистармиз. Фўрма кийган нари турсин, ҳатто уйининг тагини пол ва устини тунука қилганларни ёки уй ичида устал, устол, суврат каби нарса қўйганларни акфор қилинур.

Бу масала ҳақида Туркистоннинг ҳар бир шаҳрида доимо мубоҳасалар бўлуб турадур. Баъзан жаридаларга ҳам ёзиладур. Агар филвоқеъ фўрма киймоқ ила ёинки озгина ташаббуҳ ила одам кофир бўлаверса, бул сувратда мусулмонларнинг ҳоли мушкул бўлур. Чунки замон ва маданиятнинг иқтизоси биз, Туркистон мусулмонларини фўрма киймоқга ва олати мадания истеъмол этмакга мажбур қилиши табиийдур. Чунончи, биз бу кун ўғлимизни шаҳар мактаби ва гимназияга қўймакчи бўлсак ёки бир неча йилдан сўнг Туркистон мусулмонларидан аскар олинса, ул ҳолда, албатта, русча фўрма, шапка киймоқ мажбурий бўлур. Ҳозирда бу икки ҳолнинг аввалгисини кўруб ҳам мажбурий суратда қабул қилуб турубмиз. Замони келганд, иккинчисини ҳам қабул қилсак керак.

Энди келайлик жузъий ташаббуҳлар масаласигаки, бу: курси (устул)га ўлтурмоқ, қошуқ ва чинкича истеъмол этмак, медол тақмоқ, ҳавонинг иссиглиги учун бош яланғоч ўтурмоқ каби шайлар-

дан иборатдур. Агар бу жузъий ташаббуұлар ила-да киши коғир бўлаверса, бас, ер юзида бир нафар ҳам мусулмон қолмаслиги лозим келурки, бу мумтанеъдур. Чунки замоннинг мурури ила баъзи расм ва одатлар доимо ўзгаруб турадурки, бу ўзгариш бобомиз ҳазрати Одам замонидан бери воқеъ бўлуб келмоқдадур. Мундай расм ва одатлар ичига фойдали ва яхшиси бўлганидек, ёмон ва заарарлиги ҳам бордур. Чунончи, бурунги замонда истрофлик тўй ва аза ва базми жавон каби ёмон одатларимиз йўқ эди, сўнгра пайдо бўлди. Қабул этдук. Эмди мунинг қўлидан осонлик ила қутула олмай турубмиз. Агарда мундан сўнг ёмон одатларни ташлаб, анинг ўрнига дин ва дунёмизга фойдалик одатларнинг қабули садриға тутунсак, бу тўғруда шариатимиз ҳам монеъ бўлмаса кепрак. Мақсадимиз шариат нуқтаи назаридан кийим ва ташаббуҳ масаласини баён этмак эдик, бу ҳақда ўз тарафимиздан ҳеч нимарса демай, собиқ Миср муфтиси уламои шаҳир марҳум Муҳаммад Абдуҳ ҳазратларининг берган фатвосини тубандада ёзмоқ ила иктиро қилурмиз. Мушорун илайҳи деюр: «ишляпа» ва «шапка» ва бошқа Оврупо кийимларини киймоқ шариати исломияча ҳеч бир заарарлик эмасдур. Яъни шаръян мутлақо дурустдур.

Мунга инкор қилувчилар, суннати расул, тарихи умматдан хабарсиз одамлардур. Буларнинг далиллари ҳам «Ман ташаббаҳа биқавмин фаҳува минқум»¹² ҳадисидур. Ҳолбуки бу ҳадис баъзи улуғ олимларнинг сўзига қараганда, заиф ҳадислардандур. «Мавзузъат ул-кубро лил-алламати аш-Шавкони раҳматуллоҳи таоло» ҳар ҳолда баъзи заиф бўлмаган тақдирда ҳам буларнинг мақсудига далил бўлмайдур. Мaa мо фийҳ шунинг ила истидол этарлар, тўғриси, истидол этган кишиларга тақлид этарлар. Ҳолбуки, бу ҳадиснинг маъноси бутун бошқадур. Мундаги ташаббуҳдан мурод ўзга динда бўлган ҳалқнинг динларини ва ахлоқи динияларини улуғлаб, ани яхши деб ўхшамоқни тиламакдур. Йўқ эса аҳодисда событдурки, расулимиз саллаллоҳу алайҳи васаллам румлар жуббасини, кисрои тайлесонларини киубудурлар («Мироқот ул-мафотиҳ», жилди аввал, саҳифа 341 ва соир) ва асҳобил киромға ҳам шундай кийимлар кийганлари учун ҳеч нарса айтмабдурлар. Ва «Саҳиҳи Муслім»да «Расууллороҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам

¹² Ким бирор қавмга ўхшашга интилса, у ўшалардандир.

ҳинд мажусийларининг бошларига киядурган икки қулоқли нарсаларини кийган» деб нақл этилшишдур.

Ва «Мезони кубро» китобида ҳам Имом Моликнинг мажус подшоҳи ҳадя этуб берган «кулоҳ»ни кийганлари зикр қилингандур. Асҳоби киром шаҳарларнинг фатҳи учун турли ерларға тарқалганда қайси шаҳарни олсалар, шул шаҳар ҳалқининг кийимларини кийгандурлар. Ҳатто баъзан насоро қизларини ни-коҳлаб олгандурлар. Магар ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу «Ижоби маслаҳат» учун зиййи аъюжим (ажамлар қиёфатини) ташлангиз, деб амр ёзибдурларки, мундан мақсадлари ташаббуҳдан саҳланмоқ эмас, балки «кибру таррафа»га сабаб бўлмасундур. Тарихга қарасангиз кўрарсизки, хулафодан ал-Мансур Биллоҳ мусулмонларга куффорлар кулоҳлари каби кулоҳлар киймоққа амр этган ва мунга ҳеч ким инкор этмагандур. Демакки, «ман ташаббаҳа»дан мурод «ташаббуҳ фил-лиbos вал-ҳайъат» эмасдур. Йўқса, пайғамбаримиз ва бурунғи диндошларимизнинг шундай бўлмоқлари лозим бўладур. Агарда кийим киймоқ умури шаръи-ядан бўлса эди, бу тўғрида пайғамбаримизга мутобаат этмак во-жиб бўлур эди. Ҳолбуки, бизлар киядурган либосларнинг кўбиси пайғамбаримиз кийган либосларига ўхшамайдур. (Ушбу хусусда сўз кўб эди. Бул ерға муҳтасар қилинди.)¹³

«Ойина». 1914 йил 14 июнь. №34

ҚУРЬОНИ КАРИМ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо саллаллоҳу алайҳи ва-саллам ҳазратларига ваҳий, ибтидо «рӯъё содиқа» тушларига келурди. Ҳазратимиз Макка яқинидаги Ҳиро тогига чиқиб кунларча важд ва тафаккурға қолур эдилар. Бир вағт бу тоғда важд ва истиғроқ ҳолатинда эдиларки, пайғамбаримизга малак

¹³ Ушбу мақолага имзо қўйилмаган, аммо мавзу, услугуб М.Беҳбудийга хос бўлтани учун биз Беҳбудийга нисбат беришга аҳд қилиб, тўпламга киритдик. – С. А.

тажаллий этиб: «Иқро», яъни «Ўқу» деб хитоб етди. Баниъ зи шонимиз ҳазратлари «Ма ана биқориин» – «Ман ўқюёлмайман» дедилар. Бу хитоб ва жавоб уч дафъа такрор этилди ва Малак «Иқроъ бисми раббикаллазий холақ. Холақал инсана мин алақ. Иқро ва роббукал акром. Аллазий аллама бил қолам. Алламал инсана ма лам яълам»ғача ўқуди¹⁴. Ҳазратимизни ваҳий илоҳий ва фавқулодалиги босиб ҳолатлари ўзгариб завжай мутоҳҳаралари уммул мўминин ҳазрат Хадича разияллоҳу анҳо ҳузуринда ва ўз хоналаринда келиб, «заммилуний, заммилуний» («ўртунгиз мани») деб такрор айтдилар. Мундан сўнгра уч санағача ваҳий келмадики, муни «замони фитрат ваҳий» дерлар.

Бу вақт синни мубораклари қирқда эди. Ҳазратимизни руҳ мубораклари 43 ёшларинда озими иллийин бўлди. Ҳулоса, Қуръони карим 23 сана муддатинда бўлак-бўлак ваҳий тариқинда воқеа ва ҳодисалардан илгари ва ё дар ақиб нозил бўлурдикি, асос динимиз шул Қуръони каримдур.

Қуръони каримни(нг) хилоф ва муқобилиндаги барча сўз ва ақидалар ботил ва бекордур. Вақтоти Қуръони карим оят-оят ҳазратимизга нозил бўлур эди, у нузул вақтинда пайғамбари-мизга алоҳида бир ҳолат рўй бериб терлаб ва баъзан аъзо мубораклари бўшаб ва қизориб, ҳулоса, ажиб ва гайриоддий бир ҳолға қолур эдилар. Нузули оятдан сўнгра ояти шарифа саҳобаларга ўқулур эди. Ва асҳоб киромдан ҳазрат Умар, Усмон, Али, Талҳа, Абу Убайда, Абу бин Каъб, Зайд бин Собит разияллоҳу таоло анҳумдек Қуръони карим котиблари қирқдан зиёда эдилар.

Нозил бўлган оятларни асҳоби киромдан кўб кишилар ҳифз этардилар. Асҳоби киромдан кўб кишилар Қуръони каримни ҳазрат пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳузури шарифларинда ва саҳобагони киром бир-бирлари муважжаҳларинда ҳифзан ўқурдилар. Ҳазратимиз афандимиз алайҳиссалом ҳам котиби ваҳий ва Қуръон Убай бин Каъб разияллоҳу анҳуга тамоман ёд, азбар ўқурдилар. Замони ҳазратда Қуръони каримни нозил бўлган

¹⁴ Қуръон. 96:1-2-3-4-5. (Эй Мұхаммад! Барча мавжудотни) яратган зот бўлмиш парвардигорингиз номи билан (бошлаб) ўқинг! У инсонни лахта қондан яраттан. Ўқинг! Сизнинг парвардигорингиз (инсониятта) қаламни (яъни ёзиш, хатни) ўргаттан ўта карамали зотдир (Аловуддин Мансур тафсири).

оятлари ваҳий котиблари тарафиндан таҳта, тош, тери, суяқ, лавҳа ва саҳифаларинда доимо ёзилиб келарди.

У замонда бу кунги қоғоз йўқ эди. Ҳатто Убай бин Каъб, Умар, Усмон, Али, Зайд, Ибн Зайд, Ибн Масъуд, Солим разияллоҳу анҳум ҳазароти ўз-ўзларидан Қуръони каримни жам этиб эдилар. Ва барчаларининг жамъи орасинда ихтилоф йўқ эди. Замони ҳалофат ҳазрат Абу Бакрда бир неча муҳорабалар бўлуб, фақат «Ямома» муҳорабасинда Қуръонни ҳифз билатурган саҳобалардан бир неча юз киши шаҳид бўлган учун ҳазрат Умар ул-Форуқни машварат беришлари илан ҳазрат Абу Бакр Қуръони каримни билатургон кўб кишилардан, яна жам бўлушки учун ваҳий котибларидан Зайд бин Собит разияллоҳу анҳуни зери садоратларинда (Убай бин Каъб, Усмон, Али, Абдуллоҳ бин Аббос, Абдуллоҳ бин Умар, Абдуллоҳ бин Зубайр, Абдуллоҳ бин Масъуд, Абдуллоҳ бин Соиб, Холид бин Валид, Талқа, Саъд, Ҳузайфа, Солим, Абу Ҳурайра, Ас-Сомит, Абу Зайд, Абу Дардоъ, Абу Мусо, Амр бин ал-Ос разияллоҳу таоло анҳум ажмаъин ҳазаротидек забт ва иттифоқлари машҳур бўлган ҳуффоз (қори)лар киром ҳазрат Умарни хоналаринда биринчи дафъа жам бўлуб, сўнгра доимо масжиди Мадинада ушбу важҳдан жам бўлур эдилар. Билоли Ҳабаший разияллоҳу анҳу ҳар кимда Қуръони каримдан ёзилган парчалар бўлса, келтурмоқни эълон этдилар. Келган нусхаларни яна мавжуд нусхаларга ва ҳам қориларни ҳифзиға татбиқ этдилар. Сураи «Тавба»даги «Лақад жаакум...»¹⁵ ояти келган нусхалардан топилмагани учун ахтардиларки, Абу Ҳузайма ҳазратларидан топилди. Юқоридаги ҳуффоз ва котиблар ҳазароти тарафидан комил бир нусха «Мусҳаф» ёзилди. Ва асҳоби киром ҳеч бири тарафидан ирод ва баҳс воқеъ бўлмади. Ва Қуръони карим «Мусҳаф» аталди. Ва бу кунги Қуръони карим нусхалари шул «Мусҳаф»и шарифни айнидур.

Вақтоти, хилофат ҳазрат Умар ва Усмон разияллоҳу анҳумоға ўтди, олами исломни ҳудуди Африқо ва Осиёнинг ҳар тарафинда ёйилди ва мусулмон мамлакатлари ва аҳли ислом адади ниҳоят кўпайди. Қуръони карим нусхаларини ҳар тарафда кўпайтурмоқ лозим бўлди. Чунки асл дин бу эрди.

¹⁵ «Тавба» сурасининг охирги оятлари.

Бинобарин, ҳазрат Усмон Мадинадаги 12 мингдан зиёда саҳобагони киромни жам этиб, азвожи мутаҳҳаротдан уммул-мўминин (Хафса) разияллоҳу анҳодаги мазкур «Мусҳафи шариф»ни олдириуб, котиблар раиси Зайд бин Собит ила Абдуллоҳ бин Зубайр, Саъд бин ал-Ос, Абдураҳмон ал-Ҳорис бин ал-Ҳишом ҳазаротини ҳузурларинда аввалги «Мусҳаф»дан айнан тўрт нусха ёздуруб, бирини ўзлари саҳлаб, бошқа учини Кўфа, Басра, Шомга юбордилар. Дигар бир қавлға кўра, Яман, Макка, Баҳрайнға ҳам бир нусхадан ёзиб юбордиларки, бу кун бутун курраи арздаги Қуръони карим нусхалари ва миллиёнларча ҳуффози муслимнинг қалбларинда маҳфуз Қуръони каримнинг ҳаммаси бир ва алҷамдулиллоҳ ҳеч бир ихтилоф йўқдур. Замони ҳазрат Усмонда ёзилган Қуръонлар бу кун Истанбул ва Мисрда айнан ва тамоман маҳфуздур. Самарқандда ҳам бир нусхаси бор эдики, ал-он бу Самарқанддаги нусхаси Петругород кутубхонаи импературиясинда бўлинуб, аммо баъзи саҳифалари йўқолгандур. «Инна наҳну наzzалназ-зикра ва инна лаҳу ла ҳафизуун» ал-ояту¹⁶.

*Маҳмудхўёса
«Ойина». 1915 йил 30 январь. №8*

АВВАЛГИ МУСУЛМОНЛАРДА МАДАНИЯТ

92 тарих ҳижриясинда мусулмон араб мужоҳидлари Ториқ бин Зиёд ва Мусо бин Насир қўл остинда Африқони ҳозирги Фос мамлакатидан Баҳри сафид ила Баҳри Мұҳити Атласийни бир-бираига қўшатургон бўғоздан Оврупо қитъасининг Андалус мамлакатига ўтдилар. Араб сардори баланд бир ерга чиқиб, қўл остидаги бир ҳовуж мужоҳиди динга шу мазмунда бир нутқ сўйлади:

– Эй мусулмонлар! Эй дини худонинг ёйилмоғи учун бел боғлаган биродарлар! Билингизки, орқамизга кечилмас денгиз ва олдимиизга ниҳоясиз ва ададсиз душман бор. Балки ҳаммамиз

¹⁶ Қуръон. 15:9. Албатта, бу эслатмани (яъни Қуръонни) Биз ўзимиз нозил қилдиқ ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз.

мақсад йўлинда маҳв ва талаф бўлурмиз. Ҳануз бизга вақт бордур. Ҳануз миниб келган кемаларимиз саломат ва кўз олдимида-дур. Жавоб берингиз! Кейинми қайтамиз, илгарими кетармиз?!

Худонинг араб арслонлари бирдан дедилар:

– Оллоҳ ва расул йўлиға жонимиз фидодур. Кейин қайтмоқни унугтук ва санинг амрингфа тобемиз!

Қоид ҳаэрратлари шодланди ва аларга таҳия ўқуб деди:

– Ундаи бўлса, кемаларимизни ёқиб, таом этайлук.

Кемаларни ёқдиларда таом этдилар. Ҳар ҳолда мақсадга етмоқ ва Оврупода дини исломни нашр этмоқни азм ва ҳеч кейин қайтмасга аҳд этдилар. Ва мўъжизакорона бир сувратда ҳозирги «Испания ва Португалияни ва Франсиядан бир қисми-ни истило этдилар. 985 ҳижриясигача анда қолиб, том 893 сана салтанат сурдилар.

Катта шаҳарлар, жаннатмисол боғчалар, юз минг жилдлик китобхоналар, дорулумлар, рафиъул-маргаба қаср ва кошона-лар бино этиб, Андалусни жаннатдан намуна этдилар. Оқибат, ораларинда жаҳолат ва сафоҳат ер тутди, бир-бирларига душман бўлдилар, илм ва уламо ўрнига умаролар қиз ва канизлар, чолғу ва ўюнчилар ила суҳбат этиб, вақт кечурдилар, уламо амри маъруф ериға сукут ва нафи шахсийни ихтиёр этдилар, дигар тарафдан, фаранглар исломларни ул замонги илм ва фанини ўқуб, анинг воситаси илан ўзларини мусулмонларни(нг) тобе-лигидан қутқардилар ва ҳукуматни забт этдилар, охири барча мусулмонларни насоро бўлмоқға ва мамлакатдан чиқмоқға жабр этдилар. Яҳудийларга ҳам бу ҳукм жорий эди.

Оқибат, динини ватанидан яхши кўрган муслим ва яҳудийлар чор-ночор у гўзал Андалусдан чиқдиларки, бул аларни замонага мувофиқ турмагонларининг ва мағрур бўлуб, илм ва фан ўрнига сафоҳат ва завқпараст ва ихтилофға майл этгонларининг жазо-си эди. Ва аввалги мужоҳид боболаридек саъй-ҳиммат ва фай-рат этмаганларидан эди. «Инналлоҳа ла юғайириу ма би қав-мин ҳатта юғайириу мо би анфусиҳим»¹⁷. Бу кун ул мамлакатлар Испания ва Португалия давлатлари қўлиға ва қисман Франсия

¹⁷ Куръон.13:11. Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартиргунларича Оллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирас.

тасарруфиндадур. Ул диёрда мусулмонлардан қолган машҳури олам «Жомеъул кабир» бу кун калисадур. «Мадинат уз-заҳр», ал-Ҳамро, ал-Байзо, ал-Қаср ва Мисри кабир, бино ва маданий боргоҳ ва саройларининг дабдаба ва ҳашамати бу кунги сайёҳ ва муҳандисларни дasti бадиндан ҳайрат этар. Ва соғ мармардан бино ва ҳануз олам ҳаётida бўлуб илгариги мусулмонларни(нг) маданият ва саъларининг мужассам шоҳидларидуру. Ўтган мусулмонларнинг олам маданиятга этган ишларининг қадрдонликиға мазкур бўғозни тарихи олам – Жабал ат-Ториқ бўғози – Гибролтар атайдур. Бўғознинг Оврупо қисминда Жабал ат-Ториқ исмидаги шаҳар-да бу кун мавжуддур.

Андалус мусулмонларининг қўлинда обод бўлуб, авж камолға етган ва ул замон дунёсининг биринчи шаҳри бўлган Қуртуба балдасидан хонандаларимизга бироз маълумот берармиз. Токи «Аввалги мусулмонлarda маданият»дан хабардор бўлуб, ибрат олсунлар ва мусулмонликни шу кунги ҳолати недан иборат билсунлар.

Қуртуба шаҳри Андалус хилофати умавия ва исломиясининг пойтахти бўлуб, Водий ал-Кабир наҳри каноринда воқеъ эди, ал-он Қурду атолиб, 50 минг қадар насоро ҳалқи бор ва Испания давлатининг қўлиндадур. Мусулмонлар замонинда бу шаҳар дунёнинг энг маъмур ва обод ва жамиятлик шаҳарларининг биринчиларидан эрди. Шаҳарнинг узуилиги 36 чақирим, эни 9 чақирим бўлуб, масоҳаи сатҳияси шаҳарга қараашли боғчалари илан 324 мурабба чақирим эди. Ҳолбуки, бу кунги Лўндининг масоҳаи сатҳи 176 чақиридур. «Тарихи ат-тамаддун ал-исломи»нинг соҳиби араб насоро ва мутаваффи Жўржи Зайдон афанди Мисрий ўз таснифотига Қуртуба шаҳрининг у замондаги иморат ва бинолари тўғрисинда шу маълумотни ёзар: «Қуртуба шаҳриндаги раёё, яъни ҳалқ ҳавийлалари 113 минг боб, ҳукуматга тааллуқ қаср, сарой ва боргоҳлар 430 минг боб, умаро ва акобири давлатга маҳсус қўноқ, кўшк ва ҳавийлалар 6300 боб, масжид ва жомеъ шариф 3 873 боб, ҳаммомлар 500, жаман 124 503 боб.

Андалус хулафосидан Ҳишом халифанинг замонида Қуртубадаги биноларни адади, ҳаммом ва хоналардан бошқа раёё хонаси 200 минг боб, умаро ва акобир давлатхонаси 40 300 бобга етди. Бу шаҳардаги дўконларни(нг) адади 80 455 боб эди». Юқо-

ридаги рақамларнинг навъиға яна диққат этмоқ керак. Чунончи, дунёнинг энг қадим ва энг қавий ва бой давлати бўлган румоликларнинг киборлариға махсус хоналарнинг адади 2000 мингдан зиёда эмас эди.

Юқоридаги рақамлардан маълум бўлурки, Қуртуба шаҳрининг умрон ва маданияти, ободонлиги одатдан тейиш ва у замонги халқи икки миллиёндан зиёда эди.

Ёр ва ағёрлардан кўб кишининг гумони шулки: мусулмонлик ҳозирги мусулмонлардаги пастлик, фақир ва мискинликдан иборатдур. Йўқ, бу фикр нотўғри ва мусулмонликни ҳақиқати, асли ва ахлоқи, биз, ноқобил мусулмонларнинг ҳозирги атвorum ақилиғидандурки, муниг ахлоқий ва диний ва ақоидға тейишили жиҳатларини бошқа мақолада ёзиб, ал-он бурунғи мусулмонларнинг маданият ва салтанатларининг рукнларидан бўлган баъзи асарларни ёзармиз, токи ёр ва ағёр билсунки, мусулмон унсуринда бир замонлар ҳозирги тараққий топган халқлардек шаъшаға ва дабдабаи маданият ва салтанатлари кўзларни қамашдируб, ўз замона ва асрларининг ягона маданият ва салтанат ва фарди эдилар.

Бошқа тил ила ўз асри тараққийларининг ангуштномаси ва гибти ифтизоси эдилар. Маданиятча ўз замоналарининг Оврупоси эди. Пойтахтлари бу кунги Лўндин ва Порис авзинда эди... Ана шул мусулмон маданияти ва даври тараққийсиндаги баъзи иморат ва бинолардан мунда қисқалик ила ёзармиз, токи мусулмонликни маданиятсизлик ила таъна этатургонлар ўз гумонларининг ботиллигини билсунлар: тўртинчи аср ҳижрий ибтидо-синда хулафои аббосиядан Муқтадир Биллоҳ халифа ҳазратлари халифалик боғчалар ичинда катта бир сарой – дворес бино этиб эдики, иморатлари турфа бир шакл дилфириб тарзинда эди. Бу боргоҳнинг ичинда олтун ва кумуш ва қийматбаҳо жавоҳиротдан бино қилинган катта бир ажиб дарахт ясалгани учун бу сарой азимуш-شاън «Доруш-шажара» исмини олган эди.

Бу олтун мужавҳар яғоч боргоҳнинг катта ва хилофат айвонининг олдиндаги мармар ҳавзининг ўртасинда эди. Олтун ва ку-

мушдан ўн саккиз шохи бўлуб, ҳар шохига жавоҳиротдан, яъни дур, ёқут, лўйлў, зумуррад, олмос, инжу ва бошқа қийматбаҳо тошлардан тартиб топилган ҳар навъ ранго-ранг мева шакллари табиий мевалардек куллиёт ила пишиб, осилиб турган шаклинда эди. Яна бу шохларнинг устинда жасади олтун ва кумушдан, кўз, минқор ва чангаллари мужавҳаротдан ясалган ҳар нав ажиг ва латиф сунъий паррандалар мавжуд эди. Ҳаво ва рўзгорнинг эсгони ила ва ё сунъий шамол сабаби ила бу мурғони хушалхоннинг жасадларидан ҳар нав садолар ва ажойиб нафма-наволар эшитилур эди. Боргоҳи азamatнамуннинг бир тарафинда ва ҳавзнинг ўнгинда ўн беш от устунда ўн беш мубориз аскар суворий ғозининг ҳайкаллари ўтқурулган эди. Ҳавзнинг чап тарафинда яна ўн беш суворий муҳориб аскар ғозисининг мужассам ясалган ҳайкаллари бўлуб, бу мужоҳидларни қўлларинда найза, белларинда қиличлари бўлуб, ишак лиbosлари ила қўшонгонликлари тажассум этдурулган эдики, ҳаммаси гўё бир хатти ҳарб узра ҳаракат этиб саф ила бири дигарининг орқасиндан ҳужум учун югурмоқда эдилар. У замонги Рум импературидан ва ер юзини катта ҳукмдорлариндан халифа ҳазратлариға келган элчи ва тухфалари бу айвонда ва бу ҳашаматлик боргоҳда қабул ва ҳузур халифаға кўрунушга мазҳар бўлурлар эди.

Масжидга келгунча халифа Валид бин Абдулмалик ҳазратлари Шомдаги жомеъ умавиянинг биносин-да бир дафъада ҳар тарафдан 12 000 санъаткор усто келтуруб, бу масжидга бир каррада ўн бир миллиён икки юз минг олтун сарф этиб эди.

Хулафои аббосиядан Мутаваккил Алаллоҳ халифа ҳазратлари (Ҳоруний) Жавсиқ (Жаъфарий) номларинда бино этган хилофат боргоҳларининг биносинда юз миллиён дирҳамдан зиёда сарф этиб эди (ҳар дирҳам 40 тийин). Мундай боргоҳларнинг ёнинда «назҳатгоҳ» – парклар ҳам бўлуб, шундай бир паркки, боғи учун 50 миллиён дирҳам сарф қилиниб эди.

Халифа Мұтазид Биллоҳ ҳазратлари давринда Бағдодни шарқий тарафинда «Қаср ат-Тож» боргоҳи бино қилинмоқда бўлуб, бу қасрни биноси халифа Мустакфи Биллоҳ ҳазратлари замонинда тамом бўлди. Яна ушбу халифа «Қаср ат-Тож»дан уч чақирим нари бир ерда «Қаср аш-Шарайя» номинда, тўрт чақирим узунилкда бир боргоҳ бино этдурди ва мунинг сарфига тўрт

юз минг олтун харж бўлди. Сўнгра яна бу икки боргоҳни бир-бираға иморатлар ва боғчалар ва ҳарамлар ила еткуруб ваҳшатлик ва эраммисол ва жаннатдан намуна бир ҳолга келтурдилар.

«Қаср ат-Тож» 289 санасиндан сўнгра итмомга эриши. Ол бўядан Магаруддавланинг бино этган боргоҳига бир миллиён олтун сарф бўлуб эди. Ва бу боргоҳнинг саф-тобонидаги мунаббат корлик музойиқ¹⁸ олтуналарни бузуб олмоқ учун охири саккиз минг олтунга сотилди.

Юқоридан бу маҳалғача ёйилганлар Бағдод ва атрофинда ёлғуз икки-уч халифа тарафиндан бино қилинган боргоҳлар бўлуб, буларнинг масжиди, жомеъ, кўфруги, дорул-ажзо ва даҳмалари, маҳкама ва доруш-шифоси, чаҳорсу, бозор ва ҳаммомларини шунга қиёс қилмоқ керакдур. Андалус, Миср, Қирвон саройларининг дабдаба ва шаъшаъаси мундан бошқадур. Ҳулоса, тарихга қаралса, мусулмонлик натижা ва самарасини бошқа нав кўруб, ўзимизни бу кунги ҳолати фақир ва мискинлигимизнинг боисини ахтармоқга мажбур бўлурмиз.

Маҳмудхўёса
«Ойина». 1915 йил 28 февраль. № 10.
«Ойина». 1915 йил 16 апрел. № 12

ТАҲСИЛ ВА САФАР ЗАМОНИ ВА ТАОМ

Азиз биродарлар! Ҳазрати Али афандимиз каррамаллоҳу важҳаҳу жаноблари буюрадурларки: «Аллиму авладакум ли заманин гайри заманикум, лианнаҳум хулиқу ли заманин гайри заманикум». Мазмун шарифи: «Эй мусулмонлар! Болаларингизга келар замон илмини ўргатингиз! Зероки, аларни Худо таоло ҳалқ этди, сизни замонангиздан бошқа, яъни келар замон учун». Юқоридаги сўз шундай бир қийматбаҳо ва пурмаъно ва кераклик сўздурки, ёлғуз анинг ила биз, мусулмонлар, омил бўлса эдук, бутун дунё ва охиратимиз обод бўлур эди.

¹⁸ Музойиқ – мозаика.

Ҳар замонни илми, ҳикмати ва парвариши бошқадур. Модомики, ҳар бола, яъни ҳар кимни замони, отаси замониндан бошқа бўлса ва ҳар отага ўз фарзандини келар замон учун ва келар замонга мувофиқ сувратда тарбия ва таълим этмоғи лозим бўлса, биз на учун келар замон эмас, балки ҳозирги ва бу кунги замон ва соатимиздаги илм ва фанларни болаларимизга ўргатмаймиз. Яъни бу кунги ҳукумат мактабларинда болаларимиз ва ҳукумат мактабларини рус мактаби деб қочармиз. Ҳукумат мактаблари нари турсун, усули савтия мактабларига на учун ривож бермаймиз ва на учун ҳар маҳаллада ул мактабларни очмаймиз?! Ҳазрати пайғамбаримиз алайҳиссолату вассалам жаноблари «Ал-илму илмани, илм ул-абдан ва илм ул-адян», яъни «Илм иккидур: бири баданларни, дигари динларни илмидур», деган эканлар. Яна: «Ал-ҳикмату золлатул мўминин...», яъни «Илми ҳикмат кишини йўқолган молидурки, топган жойидан олур». Яна «Утлуб ул-илма ва лав бис-Сийн», яъни «Илм Хитойда бўлса-да талаб этингиз!» Яна: «Талаб ул-илми фаризатун ъала кулли муслим ва муслиматин», яъни «Ҳар мусулмон эр ва хотунга талаби илм фарздор». Яна: «Ан-наасу синфани: ъалимун ва мутааллимун ва ғайриҳима калҳамажи»¹⁹, яъни «Одамлар икки синф бўлуб, бири таълим бергувчи, дигари таълим олгувчи, яъни ўқувчи ва ўқитувчи ва булардан бошқаси «ҳамаж» деган ҳақиқир ҳайвонга ўхшашдур», деганлар. Ва юқоридаги ҳадиси шарифларга ўхшаш амри пайғамбар минглар ила бўлуб аҳли илмни маълумидур.

Бас, энди ҳақиқатан фаромуш дини мунир ва амри ҳазрати Пайғамбар шул тариқа экан, бизда толиби илм ҳоли ва толиби илми замоний ва илми абдон уламоси қани? Ҳат илмни(нг) ярми экан, бизда хат ёзатургон киши юзда бир йўқ. Қаю ерда қолди, келар замоннинг таҳсили(?) ва Хитойга бориб ўқумоқ. Бу кун эшигимиз олдинда замоний мактаблари очилибдур. Ҳазрати Пайғамбаримизни «Аллимуу ва яссируу ва башишируу вала тунаффишуу», яъни «Таълим берингиз ва осон қилингиз, яхши тил ва хурсандлик ила билдуруб, нафрат қилдурмангиз», деган марҳаматларига мувофиқ усули жадид мактаблари пайдо бўлуб-

¹⁹ Аниқроқ шакли: «Ал-инсану синфани: олимун ва мутаъаллимун ва ғайру мимма калҳамажи».

дур. Биз шориъ каримни хилоф раъйи ва фармойишига кетиб, бадбахтона ва жоҳилона ва мискинона бир сувратда ул мактабга ўқумоқни гуноҳ ва бидъат дермиз.

Ўқуйдурган ва ўқутадургонларни йўлдан урармиз, оҳ, нақадар кўтаҳбинлик ва бадбинлик! «Кофирга ўқуб, кофир бўларсанми?» – деярлар. Оллоҳ ақл берсун! Ҳазрати Пайгамбаримиз котиби ваҳий бўлган ҳазрат Зайдни яҳудийга бориб ўқумоқға буюрдилар. Ва ҳам ул киши бориб ўқуди. Юқоридаги ҳадисларни, албатта, фаҳмлагансиз. Бизни(нг) таржимамиз маъқул бўлмаса, ўзингиз таржима қилиб фаҳмланг ва мазмунига амал қилинг, яъни болаларингизга келар замон илмларини ўргатингиз. Ва агарчи Хитойда бўлса ҳам. Ҳолбуки, Хитой эмас, илми замоний мактаблари Туркистоннинг барча шаҳарларинда мавжуддур. Ва ҳам бул мактабларда мусулмон боласига фақат илми замоний ўргатилиб, аммо насоро дини таълим берилмайдур.

Илми замоний ўқуб, замона одами бўлганлар рифои ҳол ила тириклик қилганларидек, ҳукумат ишларига аралашиб, мусулмонлар ила русларни бир-бирига яхши танитиб ва ҳам икки орани ва икки тоифани боиси тинч ва яқинлиги ва бир-бирига боиси эътиномоди бўлурлар. Ҳам руслардан зиёда ўз миллатларига, яъни мусулмонларга маънан ва моддатан кўб нафлар еткуарлар. Мисол учун ёзармиз: замонға мувофиқ ўқуганларни бирим самарқандий Камолиддин Ҳусайнуф тўра жанобларидурки, аввало шаҳар мактаби, сўнгра семинария, яъни Тошканд дорулмуаллиминига ўқуб, бир неча саналар русча муаллим бўлуб, сўнгра Самарқанд волийсиға таржимон ва сўнгра «особа поручение» – алоҳида ишлар маъмури бўлуб, охири Самарқанд вилоятининг Ҳўжанд уездининг Ўратепа шаҳри ва атрофиға пристав тайинланди, бул ишлар замонча ўқумоқнинг хосиятидур.

Камолиддин тўранинг ўрниға, яъни баланд даражали Самарқанд волийси жанобларининг ҳузуринда «особа поручения»-лик хизматига тошкандий Абдурасулуф тўра жаноблари тайин қилиндики, бул биз, мусулмонларни истеъодод ва қобилияти-мизға ҳамда давлатга ростлик ила хизмат қилишимизни далили ва ҳамда Русия давлатининг мусулмонларга инонганини бир бурҳонидур. Русияда мусулмонлардан катта ва олий мансабларга тўғри хизмат қилиб етушган кишилар, яъни мусулмон

судялар, нотариуслар, прокурорлар, ҳарбий ва мулкий генерал, яъни пошолар кўбдур.

Русияда юз эллик миллиён қадар одам бўлуб, буларнинг энг кўши рус жинси ва андан сўнгра энг кўши биз, мусулмонлармиз. Ва биздан сўнгра, балки яхудий, лотиш, армани ва бошқа кичик жинслардурлар. Бизни Туркистоннинг маҳаллий ҳукумат маҳкамаларинда, замоний мактаб ва адлия маҳкамаларинда, касалхона ва дорухоналарда, темир йўллар идорасинда ва барча бонк, тиҷорат контур ва корхоналаринда сиз, муҳтарам ёшлар, дикқат этиб қарасангиз, асл руслардан бошқа, на қадар ўзга жинс кишиларини кўрарсизки, катта ойликлар ила хизмат этарлар. Масалан, сиз ёшлардан бири даллоллик ва ё таржимонлик ва молфурушлик хизматига ойинда эллик ва ё юз сўм олур экансиз, бошқа бир ерга рус тўраси илми замоний ўқуган ким бўлса-бўлсун, ҳатто ажнабий ва бу қунги душман немисдан бўлса-да, ойинда бир неча юз сўмлаб вазифа олур...

Мунинг ҳикмати надур? Албаттa, ҳикмати анинг отаси ўз боласининг замонага мувофиқ тарбия ва таълим этганидур. Яна сизга бир мисол: самарқандий Абдураҳмон афанди Фарҳодий жаноблари замонча илми тиб ва ҳикмат ўқуб, аскария дўхтури бўлуб, бир неча саналар аскари тиббия мансабига эди. Ўтган сана ул жанобни Бағдодга қарашли Карбалои, Муалло консуллигига тайин қилиниб эдики, муҳораба замонигача Русия тарафидан Бағдодда эдилар. Яқинда олинган телеграффа қараганда, консул жаноблари охирги вақтда Туркиядан Петроградга келиб, яна вақтинча Бухоро консуллигига тайинланибдурларки, бу ишлар намунаи имтисол бўлурлик ва ибратликлур.

Шаҳар мактаби, яъни «городской училиши»га кирмоқ учун боланинг русча ўқуши, ёзмоғи ва озгина ҳисоб билмоғи керакки, мунга бир болани 8-10 ой рус қўлиға бериб, тарбият қилдирулса, бу имтиҳонни бериб кирар ва мазкур мактабни муддати таҳсили тўрт санадур. Муни битирғондан сўнгра бошқа юқори мактабга кирар. Кирмаганда ҳукумат маҳкамаларининг котиб ва ё таржимонлигига кирса, бир ярим йилдан сўнгра тўра бўлур. Тўғрилик илиа ишласа, пристав-да бўлур, ҳоким-да бўлур. Хулоса, ҳар тарафи очиқдур. Олти саналик тиҷорат мактабинда ўқуса, контур ва

бонкалардан иш олиб түгрилик этса, мудир бўлуб, йилда беш-олти минг сўмлик вазифага молик бўлур...

Хулоса, болаларни истеъдод ва истиқболи оталарини тарбият ва саъига вобастадурки, мунга ҳазрати Али каррамаллоҳу важҳаҳунинг сўзлари-да далиллур.

Энди, эй муҳтарам ёшлар! Азиз биродарлар, ўгул тўйлариға сарф қиласурган ақчаларингизни мана шул илми замоний йўлиға сарф этингиз, сиздан ўғлунгизга мол мерос қолмасун, балки, албатта, илм ва тарбия мерос қолсун. Юқорига дедукки, болани 8-10 ой рус оиласиға бериб, таълим қилинса, шаҳар мактабига кирмоқ имтиҳонини берар. Албатта, ёдингизга келурки, русларни таомидан болани емоқи ҳандайдур? Бу савол муқадддар учун, тожи сар муслимин ҳазрат пайғамбаримизни «Саҳиҳи Бухорий»²⁰даги шу ҳадиси шарифларидан сизга хабар берармиз: «Ҳаддасана Юсуф бин Муса, ҳаддасана Абул Холид, қола самильту Ҳишама бин Урва юҳаддису ан абиҳи, ан Аишата, қолат: Қолу я Расулаллоҳ, инна ҳуна ақваман ҳадисан аҳдуҳу биширкин. Яътуна билаҳмани, ла надри язкуруна исмаллоҳи амла. Қола, ай Росууллороҳи солла алайҳи васаллам: узқуру антум исмаллоҳи ва кулу» ҳолосаси, ҳазрат Оиша разияллоҳу анҳумо дерларки: ҳазрат пайғамбардан сўрадиларки, яқинимизда мушриклар бор, билмаймизки, алар жонлиқни «Бисмиллоҳ» деб сўярлар ё йўқ. Ҳазратимиз дедиларки, сиз у гўштларни «Бисмиллоҳ» деб еярсиз.

Энди рус таомининг масаласи шу ҳадис ила ва ҳам ушбу ояти шарифа ила ҳал бўлур. Худои таоло Қуръони каримда дер: «Ал-явму уҳилла лакум ут-тайиботу, ва таомулазина утъул китаба ҳиллун лакум»²¹ алайту, яъни «Бу кун ҳалол қилинди сиз мусулмонлар учун тоза нимарсаларни ва аҳли китобнинг таоми сизлар учун ҳалолдур». Ана Худо ва расулининг фармойиши ва марҳамати шудур. Ҳадисдан мушрик сўйганни емоқ, дурустлиги оятдан, Таврот ва Инжилни ўzlари учун китоб билгувчи, насоро

²⁰ Тўғриси: Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ».

²¹ Қуръон. 5:5. Бу кун сизлар учун барча покиза нарсалар ҳалол қилинди. Китоб берилган кимсаларнинг таомлари сизлар учун ҳалолдир.

ва яҳудий таомининг мусулмонларга емоқ дурустлиги ҳам пок, ҳам ҳалоллиги чиқар.

Агарда Худо ва пайғамбар ҳалол қилган нимарсани емайтурган бўлсак, ва ҳалолни емаслик ила тақволик ва сўфилик сотатурган бўлсак, ул албатта, шариатдан бошқа, виждоний ва ёинки ҳоҳиши нафсоний бир ишдур. Албатта, шубҳа қилатургонлар борки, насоролардан бир қисми крес-салб осар, ибодатхоналарига суврат қўйяр, «Ақнум сулс»га эътиқод этар ва мунинг ила аҳли китоблик чиқар. Фаразан бу шубҳани қабул қилганда ва баъзи насоролар мушрик фарз бўлган суратда ҳам юқоридағи ҳадис ила таомларини «Бисмиллоҳ» деб емоқимиз шаръян мумкиндур. Ҳолбуки, баъзи насороларни «сулс салоса» сўзлари кўпдан бери бўлуб, Қуръони каримни рад ва ваҳдонияти Худони исбот этса ҳам аларни ул сўзларини Қуръонда зикр этиб туруб, яна «Ё аҳлал-китаб»,²² деб Қуръонда зикр ва нидо этар. Яъни, китобийлигидан чиқормайдур. Яҳудийларда ҳоказо.

Агарда дейилсаки, баъзи яҳуд ва насоро Таврот ва Инжилни хилофига ишлаб, гуноҳ қилган учун китобийлигидан чиқдилар. Ул сувратда баҳс қилғувчи дерки: мусулмонлар на учун хилофи Қуръон ишлаб, бу қадар гуноҳ қиласурлар ва мусулмонликдан чиқмайдурлар? Хайр, гуноҳ ва исён бошқа, диндан чиқмоқ бошқадур.

Бас, энди бир эҳтиёт лозимдурки, аввалда ҳамр, хинзирни таомга қўшулмаганлигини билмоқдан иборатдур. Қуръон амридан ташқари, ҳозирги парҳез ва бошқа от ила «тақво»лар мусулмонлар орасинда тасаввуфи қадима қобла ал-исломия бо сиёsat ва душманлик сабаби илан кирди. Ва, ёинки, яҳудийлардан ва ҳинди мажусийлардан роҳиб ва таркидунё қилганлардан ва бошқа шуларфа ўхшашлардан ўтдики, яҳудий ва ҳинди ва Эроннинг порсий, браҳман деган номусулмон ҳалқи орасинда бу одатлар ҳануз жорийдур.

Биз, Туркистон мусулмонларининг ўз орамизда ҳам мусулмон пишурган бозор таомини ва, ёинки, қишлоқилар таомини, тўй ва таъзия, ҳудойи таомларини емайтурган ва, ҳатто, ҳайвонот гўштини, товуқ тухмини емайтурганлар борки, ул виждони ва,

²² Эй китоб аҳли! «Таврот», «Забур», «Инжил» эгалари назарда тутилмоқда.

ёинки, хоҳиши нафсоний бир иш бўлуб, шариатга ани дахли йўқдур. Масалан, бир катта киши сув ичмайдур. Анинг ила сув ҳаром бўлдиму? Албатта, йўқ! Оллоҳу аъламу ва расулуҳу.

*Маҳмудхўжса
«Ойина». 1915 йил 28 феврал. №10*

ДАФЪИ ТААРРУЗ ВА ШУБҲА АЖНАБИЙ ТАОМИ ҲАҚИНДА

«Ойина»нинг 10-ададинда «Таҳсил ва сафар замони ва таом» сарлавҳаси остинда бир мақола ёзилиб, яҳуд ва насоро таомига сўз келганда аларнинг тоза таомини ҳалоллиги Қуръони каримдан ва мушрикларнинг гўшти ҳақинда Миср ал-Қоҳиранинг «Матбаат ат-тақоддум ал-илмийя»синда 1320 сағасинда бо- силган «Саҳиҳ Бухорий»нинг 4-жузыи 1779-сағифасиндан шу ҳадис ёзилиб эди. «Ҳаддасана Юсуф бин Муса, ҳаддасана Абул Холид, қола самиъту Ҳишама бин Урва юҳаддису ан абиҳи, ан Аишата, қолат: Қолу я Расулаллоҳ, инна ҳуна ақваман ҳадисан аҳдуҳу биширкин яътуна билаҳмани ла надри язкуруна исмаллоҳи алайҳа амла. Қола: ай Росулуллоҳи солла алайҳи васаллам, узкуру антум исмаллоҳи ва кулу». Хулоса, мазмуни: «Жуфти пок баний уммул мўминин ҳазрат Оиша разияллоҳу анҳо дерларки: «Ҳазрати пайғамбардан сўрадиларки, яқинимизда мушриклар бор. Билмаймизки, алар жонлиқни «Бисмиллоҳ» деб сўярлар ё йўқ. Ҳазрати пайғамбар дедиларки: «Сиз у гўштларни «Бисмиллоҳ» деб ерсиз». Насоро ва яҳудийнинг тоза ва ҳаром нимарса қўшулмаган таомини мусулмонлар учун ҳалоллиги ҳақинда бўлса шу ояти каримани ёзib эдук. Худои таоло ва тақаддус-ҳазратлари дер: «Алявма уҳилла лакум ут-тайиботу, ва таомуллазина утул-китаба ҳиллун лакум». Мазмуни: «Бу кун ҳалол қилинди, сиз мусулмонлар учун тоза нимарсаларни ва аҳли китобнинг таоми сизлар учун ҳалолдур». Сўнгра мазкур 10-адад «Ойина»нинг 247-сағифасинда ёзилиб эдики, Худо ва расулининг фармойиши ва марҳамати шудур. Ҳадисдан мушрик гўштини емоқ дуруст-

лиги, оятдан Таврот ва Инжилни ўзлари учун китоб билгувчи насоро ва яҳуд таомининг мусулмонларга емоқ дурустлиги ҳам пок ҳам ҳалоллиги чиқар.

10-адад «Ойина»да ушбу мақоланинг бироз охиринда ёзиб эдукки: «Бас, энди бир эҳтиёт лозимдурки, ул-да хамр ва ҳинзирни таомга қўшулмаганлигини билмоқдан иборатдур». Яна ушбу масала ҳақинда «Ойина»нинг 12-адад 315-саҳифасинда баҳс бўлуб эдикки, масалага аҳамият бергувчи муҳтарамлар мурожаат этарлар. Энди матлабга келайлук. Тошкандда чиқгувчи рафиқи муҳтарамимиз «Ал-Ислоҳ» мажалласининг 8-адад 252-саҳифасинда ҳурматли Аҳмадхўжа жаноблари татар уламоларининг ижтиҳод этишларидан зорланиб ва мұтабар «Дин ва майшат» мажалласининг муҳаррирларидек олим муҳаррирларни зиёда бўлушларига дуолар этиб, ўз муддаоларига далил мақоминда арабий қасида ва байтлар ёзиб, ижтиҳод эшигини очуқлигига иқрор этиб, аммо бу замонда мужтаҳидликга лаёқати бор киши йўқ дерлар. Сўнгра Жамолиддин Афғоний ила Мисрий Муҳаммад Абдуҳ ҳазратларидин шикоят этиб, баъзи ҳаром нимарсаларни мубоҳ деб фатволар бериб, олами исломга фасод тухмини экиб, мусулмонлар орасинда тафриқа солдилар деб яна арабий байтларни ёзуббурлар. Китоб ва суннатга амал қилмоқға далолат қиласурлар. Сўнгра «Ойина» ҳақинда шу марҳаматда бўлурлар: «Ойина» мажалласининг муҳаррири ва ношири самарқандлик Маҳмудхўжа бутун Туркистонда ислом оламини илм нури ила зиёлантурмак даъвосинда бўлмиш кўзи жуда катта очуқ киши ижтиҳод қилиб, мушрикнинг сўйгани ҳалол деб фатво берди-қўйди. Хейли чаққон экан, ҳадис маъносида ҳам кўб моҳир экан. Бу мусулмонлиқми?» дерлар. Биз жаноб Аҳмадхўжанинг мақоласиндаги аксар сўзларни хилофи мантиқ ва баҳсимизга ва далолатга ярамайдурган топтук. Ижтиҳод ва мужтаҳид Жамолиддин Афғоний, Муҳаммад Абдуҳ ва аввалги мужтаҳид ва мусаннифлар тўғрисинда ёзган сўзлари ҳақиндаги жавоб ва мулоҳазаларнинг ёзилмоғини лозим келса, бошқа вақтда қолдируб, «Ойина»даги гўшт ва таом ҳақиндаги мақолага айтган тааруз ва шубҳалари ҳақинда қисқа жавоб бериб, сўзни кесармиз. Жаноб Аҳмадхўжа! Ўзингиз китоб ва суннатга, яъни оят ва ҳадисга амал қилмоқға даъват ва талаб этарсиз. Биз-да жанобингизни

васиятингизга мувофиқ китоб ва суннатдан сариҳ ва инкорни абадан қабул этмайдурган нассни «Ойина»да ва юқорида ёздук. Албатта, юқоридаги оят ва ҳадисни далили қатъийлиги сизча событдур.

Мунда даъвои ижтиҳод ила қиёс биз қилмадук ва ижтиҳод дарьосинда ҳам эмасмиз. Фақат Худо ва расулнинг сўзларини ёзиб, орттирмадук. Фикримизча, муни ила мужтаҳидлик бўлмас. Юқоридаги ҳадисга инкор этсангиз, бизни матлаб событдур. Агарда инкор этсангиз, йўли ила шу ҳадисни ботил қилмоқингиз лозим келур. Биза шориъи акрам сўзини ва ояти каримани ёзар экансиз, бандалар сўйлаган «байт» ила муқобала этарсиз. Ҳолбуки, у байтларга чуқур боқсангиз, заарингизга сўйлайдур. У байтлар Худони динига ва шореъни амрига бўйун қўядур. Сиз бўлса, оят ва ҳадис ҳукмини одатга мухолиф кўруб, «бу мусулмонлиқми?» деб ҳеч нима билмагандек савол этарсиз. Биз саволингизга жавоб берармизки, албатта, ҳаммадан аввал оят ва ҳадисга амал қилмоқ мусулмонликдур. Чунки асоси дин – Китоб ва суннатдур.

Мазҳаб имомлари «Иза саҳҳа ал-ҳадис фаҳува мазҳаби» – «Меним мазҳабим дуруст ҳадисга амал қилмоқдур», деган эканлар. Сиз тақлид қилган мазҳаб ва имомингизни аксиға ҳадисга амал қилмоқни мусулмонликми, деб билмайман. Одат ва таассуб асари илами савол айтиб, ерсиз эътиrozларда бўларсиз, азизим. Балки бу сўзлар жанобингизга қаттиғ тегар, лекин на чора, оят ва ҳадисдан иборат саҳиҳ наssi шаръий муқобилинда бу мусулмонликми, деб ерсиз шубҳа ва саволингизни, тўгриси, таассубдан бошқа нимарсаға ҳамл қилолмадук. Матлабимиз жанобингизга изо бермоқ эмас, балки таарruz, тараддуд, шубҳа ва саволингизга мувофиқ жавоб бермоқдур.

Афандим! Ўзингиз нақл этган байтингизга диққат қилинг, на дер:

«Қад ихтасару бил-жаҳли дина Мұхаммадин,
Ва ма тараку мин ашри аҳқамиҳи ал-ашара,
Алайкум бикатбид-дини мин кулли мазҳабин,
Ва фаҳмин ва мин ақвалиҳим фа аҳзиру ва ҳизрон».

байт эгаси юқориларда аввалги ва ҳар замондаги мужтаҳидларнинг дини исломни бузганларидан шикоятлар этиб дерки:

«Мұжтаҳидлар, Мұхаммад (с.а.в.)нинг муфассал, кенг ва ҳар кім англайдурған динини қисдилар. Тор ва мұхтасар этдилар ва дини исломнинг күб ҳукмларини озайтурдилар, ўз заъмларинча бекор этдилар ва дини ислом ҳукмларидан ўндан бирини қолдурмадилар...» Ахмадхұја жаноблари, ҳеч тушунарсизми? Ўз аксингизга ёзған байтингиз на дер: «Фая умматал-ислам хойро умматин. Алайкум бикатбид-дини мин күлли мазҳабин. Ва фаҳмин мин ақвалихұм фа ақзири ҳизрон», яғни «Эй мусулмонлар, барча мазҳаблар ғавғо ва ихтилофини қўюнг-да, дин ва Китобфа, яғни Қуръонға амал қилингиз. Ижтиҳод даъвоси ила оят ва ҳадисдан узоқ кеттәнлардек фаҳмидан ва сўзидан ҳазар қилингиз!» Ёзған байтингиз, сизча далилингиз сизни фикрингиз зарариға ва бизникининг фойдасыға ҳукм этганини англайдингизму? Сиз англамоқни истамасангиз, бошқалар, албатта, англайдурлар. Дуруст, агарда биз оят ва ҳадисни зоҳиридан чиқмайдурған бир нимарсани анга қиёс ила ҳаром ё ҳалол деб қарор берса эдүк, ул сувратда «Мұжтаҳидлик даъво қиласан! Сандан ижтиҳод ва шартлари топилурми? Ва бу ижтиҳодинг ила динни буздунг ва халқ орасында ихтилоф солурсан», деб тақдир ва савол этмоқға ҳақыл әдінгиз. Аммо «Ойина»да насси шаръий ёзиб, ани ҳеч таъвил ва тағыйир этмасдан, ҳукм ва мазмунини эълон этилгани ҳолда бу мусулмонликми? деб савол этганингизни такрор дерманки, ҳиссиёт ва одати жория ва таассубдан бошқа нимарсаға ҳамл қилиб бўлмайдур. Ва ё бўлмас. Сизча «Оят ва ҳадис ҳумига амал ва иқрор қиласлик мусулмонликмидур?» деган савол ўз-ўзидан ворид бўлур. Жаноб азиз муоризим! Боқий афвингиз маржуъдур.

*Маҳмудхұйжаса
«Ойина». 1915 йил 1 июнь. №15*

САФИРЛАР ҲАҚИНДА

Шариати исломияда сафирларни ҳифз ва ҳимоятиға мұхтарам қозилар маъмурдурулар. Туркистанда қадимдан бери сафирлар-

нинг ўзи ва моллари қозилар тасарруфинда бўлуб, бир қози қўл остинда юз, балки минглар ила сафирлар бўлган учун қозилар ўз тарафларидан васийлар тайинлаб, сафирлар молини аларга топшуруб, вақт-вақт ҳисоблар эдилар. Туркистон Русияга тобе бўлгандан бери-да бу қоида бузулмай, Русия тарафидан Туркистонда жорий бўлган «Положения»да ҳам сафирларни қозилар ҳимоятига қолдурулгандур. «Положение» қонунига мувофиқ ҳар бир қози тасарруфиндаги сафирларни васийларидан ҳар сана ҳисоби олур. Йилни охирида уч ё тўрт қозидан мураккаб «сьезд қозилари» мажлиси аввалги қозига ҳукумат тарафидан берилган «сафир дафтари»лариндаги сафир ишлари васийларнинг берган ҳисобларини тафтишлаб кўруб, дурустини мустаҳкам ва бузуқни янгидан ҳақиқатлаб, бул тўғридаги ноҳақлик ва хиёнатларга сабаб бўлгандарни ҳибс ва ё таъзiri бил-мол этмоқға ва талаф бўлган сафир молларини топтурмоқға маъмурдурлар.

Келайлук шариатда васий тайин қилмоқ қоидасига. Сафир ва норасида болани васий ва валийси отасидур. Ота ўлмасдан бурун у сафир болалариға бирорни васий тайин қилиб, васият этиб кетса, ота ўлгандан сўнгра отани тайин этган васийси висоятида қолур. Хиёнат зоҳир бўлмагунча қози бу васийни бекор қилолмайдур. Отанинг тайин этган васийси бор бўлганда, бошқа васий тайин этмоқға қозини ихтиёри шаръян йўқдур. Отанинг тайин этган васийсиға ихтиёр бордурки, еринда васийлик учун бошқа кишини тайин этса: отанинг васийси ва, ёинки, ани қўйган иккинчи васий бўлмаган ҳолда ҳар қайси сафир турган жойини қозиси қўл остиндаги сафирға қози ўз тарафиндан бирорни васий тайинлаб, сафир молларини анга топшуруб, молларни муҳофизат қилиб ҳамда кўпайтурмоқға ва сафирни тарбият қилиб анга лозим нафақа ва либосларни сафир молидан бермоқға амр қилаадур.

Сафир молини йўқ қилганда васий тарафидан кафолат бермоқға ва зомин бўлмоқи учун кафиллар-да тайин этдуар. Бирор ўлур, андан тўрт-беш сафир қолур, буларни ҳаммасига бир нафар ва ёинки ҳар бир сафир молини ажратиб, ҳар бирига бир нафардан-да васий тайин қилмоқ шаръян жоиззур. Отаси васий тайин

этмай ўлган суратда қозининг васийни сағирларнинг яқин ақраполаридан тайин қылмоқи авло²³дур.

Сағирни онаси ва, ёинки, аёли синфидан ҳам васий тайинланмоқ жоиздур. Яна сағирни отаси ва яқинроқ бирини сағир устинда терговчи, күз ва нозир ўрнинда (амин) тайин этмоқ-да яхши қоидалардантур. Мана юқорида қисқалик ила баён қилингон шарьй қоидалар ва қонуний ихтиёрлар, қофоз устинда ва дафтарларда бизни Туркистон дорулқазолариға жорийдур. Чунончи, васийлар тайинланур.

Сағир молларини тақсим ва тарика вақтінда қози тарафиндан шариат бўюнча ағроз этилиб, молларини сифат ва қиммати, ерларнинг ҳудуд ва масоҳатлари ёзилиб, васийлар қўлиға берилур. Нусхаси дафтарларда айнан ёзилиб қолур. Ҳар сана бир дафъа ҳисоби олинур. Баъзи нимарсаларини васий сотиб, пул қилиб, у ақчани юза ўндан ўттузгача фойдаға қўйдум, дер. Мадионларнинг берган қарз ҳужжатларини кўрсатур. Баъзан сағирни ер ва ҳовлиларин-да васийлар «хайриятан лис-сағир», яъни «сағирни нафи учун» деб сотар ва ақчасини ўзи хоҳлаган одамиға қоидага қўяр. Дафтарда сана басана сағирлар пули кўпаюр. Аммо ҳақиқатда бу пуллар ўнап ё йўқ, маълум эмас. Ва лекин нафси замр ва тажриба кўрсатурки, бу цулларнинг аксари кўпаюб кетар. Унганида баъзан куйғанларининг жанжалига масраф бўлуб, бечора сағирлар ҳам ватандан ва ҳамда ақчадан айрилурлар.

Қозиларни(нг) баъзиси бепарво ва баъзиси сайлов важхидан нуфузликларга ва бойларга тобедур. Масалан, бир васий сағир молини талаф қилган. Ул хоин васий бориб нуфузлик бир кишини қозига восита қилур. Қози бўлса, бироз наф ва ё сийлов фикри ила ишни тафтиш қилмасдан бошидин оширар. Бул орада баъзан 12-13 ёшлиқ сағирни 14-15 га кириб кабир ва рашид бўлди, деб ани тилидан «Барча мол ва мулкларимни васийи шарьийимдан олдим, анга ҳақ ва даъвом йўқ» мазмунида қофоз ёзиб, васийға бериладур. Ҳақиқатда, дафтардаги мол ва мулкини тамоман олдими ё йўқ, маълум эмас.

²³ Авло – яхшироқдир.

Ҳар ҳолда аксар ё оз ва ноқис олгани бўлуб турган ишларданур. Сагирлар молидан сотиб, ани хатнасиға катта тўйлар қўилмоқ ва, ёинки, сагирга қиз фотиҳа қилдим, деб сагир молларини қалинга бермоқ ва ёинки баъзи васий ўз қизини сагирга номзад этиб, молини кўпроқ емоқ бизға одатий ишларданур.

Сагирни ер ва ақора ускуналарини сотиб, пулини ҳалқға бериб фойдалантурмоқ баҳонаси ила сагир ерини сотмоқ, зоҳир ва маълум турган зарап экан ёхуд шул «хайриятан лис-сагир» деб бир-икки сўм учун муфтилар фатво, қозилар имзо этар. Пулни васий ва ҳалқ ер. Бечора сагир беватан қолур. Фаразан бу ақчалар ҳалқдан унса-да, аввалги ердек ер. Ақорани пуллик сагир ололмайдур. Албатта, мутадайин ва муташарреъ қози мундай номашруъ ишни қилмас. Аммо нуфузлик бой ва болалар қози устиға ҳужум қилгандан сўнгра ва бечора қози ўз нафси учун бул жиноятга сабаб ва шерик бўлур. Бу орада сагирни уйи қуиди-кетди.

Съезд қозилари бу ишларни тафтиш этмайдурлар. Магарки сагирни ичкуяри ва, ёинки, бу сагир тавъидан, тўғриси эгасиз ўлжадан ололмаган бир ҳаромхўр ҳукуматга арзҳол берсун. Ва ҳукумат съезд қозилариға ҳавола қилсун. Бу сувратда ҳам юзлама ва сатҳий тафтиш бўлур. Бу ҳоллар гоҳо ва нодиран бўлатурган ишлар эмас, балки аксар воқе бўлатургандарданур. Хусусан, қишлоқларда қишиға ялангоч ва оёқяланг юратурган, дафтарға молик сагир кўрилур. На чора этсун... сагирдур, боладур. Кабирлар бўлса, Қуръони каримни: «Ла таъкулуу амвалал-ятима» – «Сагирлар молини емангиз» фармонига бўюн қўймайдур. Қозилар бўлса ... энди мунга бирдан-бир илож шулки: сагирларни рўзгорига кераклик ва заруратидан ортуқча манқул қўзғолатурган барча молларини адл баҳосига ва мавсумига қараб сотдуруб, ақласини подшогий «майда банк»ларға мұҳлат ила топшурмоқ керакки, ҳар сана бонк юзда ўн қадар, яъни (даҳ ёздаҳ) фойда берар. Пулни на тани ва на фойдасидан биргина тийинининг куймоги асло мумкин йўқдур. Даҳанинг бонки қарз маҳол бўлуб синса, албатта, ҳукумат бонки бу пулини тўлайдур.

Сагирга фавқулодда ва зарурат ҳолда ақча керак бўлуб қолса, қозининг амири ва қоғози илан бонк фавран бу пулни берар. Аммо ҳеч вақт фойда учун сагирни ер ва ҳовлисини сотмоқдек

жиноят ва жунунга иқдом қилинмасунки, бир карра сотилган мулкни қайтиб олмоқ мушкулдур. Балки мумкин йўқдур. Муҳтарам қози афандилар-да сагир амлоки тўғрисинда бироз диққат этсайдилар, боис ижро ва савоб бўлур эди. Аммо сагирларнинг иши ҳозирги асфаллик ҳолда кета берса, албатта, бир кун келурки, ҳукумат барча сагирлар ишларини қози тасарруфиндан олур. Сўнгра саъй ва пушаймонлик фойда этмас.

Тўғриси шулки, ал-он Туркистон дорулқазолариндаги ма-соҳилалик ва бузуқ ишларни энг биринчиларидан бири шул бечора сагирларни ишидур. Мунинг интизоми жаноб қозилари-мизнинг ҳаққоний ва муташарреъликлариға вобастадур. Қозилар учун-да энг енгил ва осон иш сагирларни ортуқча ғала ва манқул молларини сотиб, сагирни мансуб даҳасиндаги «майда қарз банки»га топшуртурмоқдур. Бу иш бир даража амалга қўйилгандан сўнгра, албатта, нафи зоҳир бўлур. Агарда бу ишга васийлар кўнмаса, ҳукуматга хоҳ қози ва ё бошқа киши тарафидан маълум қилинса, албатта, ҳукумат сагирга ёрдам берадур. Хулоса, сагирларга ва бенаволарга сўз илагина бўлса-да ёрдам бермоқ керакдур.

*Маҳмудхўёжса
«Ойина». 1915 йил 1 июнь. №15*

ТУРКИСТОНДА МАКТАБ, ЖАРИДА ВА УЛАМО

«ОЙИНА»: Эшон қози ҳазратларини мактаб, жарида ва «Ойина» муҳаррири ҳақидаги сўзлари ажойибдур. Чунончи мусулмон мажлислиринда мактаб бидъат ва «Ойина»нинг муҳаррири русларни яхши деб ёзгувчи ва халқни руслаштиргувчи муҳарраби дин деб, шикоят қиласурлар. Ҳукуматга бўлса, мактаб ва газетчилар ҳукумат, халойиқга сўзлагувчи, ҳам хорижияга боргувчи ва одам юборгувчидур ва аларни... қилмоқ керак деганлари маълумдур. Бу сўзларни Самарқандни(нг) катта уламо қозила-

ридан мұхтарам бир киши катта мажлисларға ва ҳукуматға сүй-лаганлари учун тубандаги сүзларни юз биринчи дафъа ёзармиз:

«Ойина» муҳарриринг маслаги ўн санадан зиёда бир муддатдан бери жарыда ва рисолаларға ёзган мақолалари илан ҳукуматға ва бутун халойиқта маълумдур. Қози ҳазратлари «Ойина» муҳарририға иккى нимарсани нисбат берурларки, кай-фияти юқорига ёзилди. Аммо иккиси-да, ваҳмий сўзлардур. Биз халқни русий ва насоро қилмоқчи эмас ва дини мубин исломни хароб қилдурмоқчи эмас, балки мұхтарам аҳли динимизни моддатан тараққий эттірмоқчи ва дини шарифимизға маҳкам туруб Русияда яшамоқчимиз. Русиянинг граждани, илм ва ҳуқуқлик чин табъаси бўлуб ва руслардан қочмай, балки қўл-қўлга бериб, Русия ватанига билғеъл шарик бўлуб, тараққий қилмоқ ва Русия давлатининг мансабларига мустаҳиқ қиласатурган, Русиянинг илм ва фани, замоний ўқутатурган мактабларига ружуъ қилмоқға мұхтарам ҳамватанларимизни даъват ва ташвиқ этгувчи бир кишимиз. Муни ўн санадан зиёда бир муддатдан бери ёздуқ ва яна умримизни охириғача ёзармиз ва ҳам ёзганларимизға амал этмоқға бўлуб, ўз ўғлимиздин бошладукки, бу кун халқ ўртасинда коғир ва ўрус қилғучиликка, муҳарраби динликиға исм чиқариб, боламизни рус гимназиясинда ўқутуб турубмиз.

Келайлук ҳукуматға мұхолиф сўзламоқға ва Истамбул сафариға. Туркистан ўёшлари эскиларни фикр ва манъига рағман рус илм ва фунунига, маданият ва ҳунарига кундан-кун мойил бўлмоқдадурлар ва бу майлоннинг олдини оладурган қувват йўқ ва Русия зарарига алардан бу кунгача бир шай зоҳир бўлган йўқдур. Истамбулға борганимиз махфий эмас, балки нуқта-бануқта «Ойина»да ёзилиб турубдур. Агарда истамбуллик бўлмоқни хоҳласайдук, кетардук ва ё болаларимизни анда ўқутардукки, мунга монеъ қонуни русий йўқдур.

Холбуки, Истамбулға ўқуган ила бир зарари мушоҳада қилинмайдур, балки турклар дерларки: «Русия муazzзам ва мұхтарам бир давлатдур. Илм ва фани ҳам маданиятидан касб этсангиз, биз-да онинг ила дўст бўлмоқчи ва Русияга талабалар юбормоқчимиз». Ал-он Русияға душманлар ҳарб этар экан, биз Русия мусулмонлари иттифоқ бўлмай, бир-биримизни ҳукуматға саоят

этиб, халқ аросинда душманлик ва тафриқа солмоқға саъй этармиз.

Хулоса, биз мусулмонлар, душманларимизни күлдүрүб, дўстларимизни йиглататурган бир ҳолдамиз. Оллоҳ барчамизға инсоғ ва басират берсун!

Маҳмудхўјса
«Ойина» 1914 йил, 23 август, №44

ҚАСДИ САФАР

1318 санаи ҳижрияси тавофи Байтуллоҳга Кафказ йўли ила Истанбул ва Миср ал-Қоҳира воситаси-ла бориб эдим, муддати сафарим саккиз ойдан зиёда чўзуб эди. 1325 санаи ҳижриясинга Русия мусулмонларининг муҳтарам зиёли ва акобирларининг Нижний ярминкасинда миллий ишлар тўғрисинда машварат қилинатурган мажлисга мушарраф бўлмоқ учун Ўрунбург йўли ила Москв, Петербург, Қозон воситаси-ла Нижний Новгурӯд бориб эдим. Сафар 25 кун сўзулуб, 7 санадан бери икки дафъя Бухоро ва бир дафъя Фарғонани зиёратидан бошқа сафарга чиқганим ийӯқ эди. Азбаски, «тириклик» касалига мубталолик, рўзгор қайдига гирифторлик саёҳат неъматидан маҳрум этар. Етти йиллик хонанишинлик, дигар тарафдан, алойиқи рўзгор, тижорат ва 7-8 рисолалар таҳрир ва нашри, дорулқазо ишлари, хусусан, бир санадан бери собиқ «Самарқанд» жаридаси ва ҳозирги «Ойина» идорасининг ишлари руҳан ва жисман заиф этди. Аъзо ва ҳавасларга касалот пайдо бўлди. Сингир (асаб)... гайримунтазам ишлайдур. Атиббо истироҳат ва саёҳатга машварат берарлар. Табиат у қадар ноқобил ва бузуқки, саёҳатдан ҳам нафрат этар. Истамаз. Дигар тарафдан, «Кутубхонаи Беҳбудия» исминда «Ойина» идорасинда китоб савдоси очмоқ учун руҳсат олинган. Истанбул, Миср, Қрим, Кафказ, Қозон, Ўрунбург, Ҳиндистон китобларидан келтурмоқ керак. «Ойина»да қўймоқ учун Русия ва хорижиянииг машҳур иморат ва манзара, акобирларининг расм ва суратлари, илмий ва фанний мақолалар учун фанний ва тарихий нақшларни қолиби-клишеси лозим, яна... керак. Оқибат қарор берилдики, Кафказ ва Қрим воситаси-ла Истан-

булга, андин Юнонистонга кириб, сүнгра Байрут тарийқи-ла Миср ал-Қоҳирағача бориб, яна қайтишга Истанбулга кириб, Рум эли темир йўли ила Булгористон, Австрия ва Берлин тарийқи-ла ватани азизимиз Русия ва Туркистонга авдат этилса. Икки-уч ойдан бери ушбу сафарнинг таҳиясида эдук. Бул аснода Петербургда бўлгучи Миллий мажлис машваратига бормоқ учун Дума вакили жаноби Тафкилуфдан²⁴ таклиф тилиграфи ила саволномалар келди. Саволномаларига кераклик жавоблар юборилиб, мааттаассуф, боришига сафар монеъ бўлди. Энди сафарга азм этдук. Биринчи июнгача чиқсан керак. Афсуски, рафиқимиз йўқ. Ўғлум Масъудхўжани бирга олмоқчи эдим. Аммо гимназиянинг учунчи синфига ўтмоқи учун ҳисоб, жуғрофия, тарих, илми ашё, расм, ахлоқ, немисча, франсузча дарслари дуруст ва кофий даражада бўлур. Фақат русчани ёзуб-ўқуб, кузга яна имтиҳон бермоқлиги лозим бўлган учун бирга ооломладук. Ва, бизча, ушбу узун ва маşaққатлик сафарга якка ва танҳо чиқмоқ лозим бўлди. Бир санадан бери идора ишига ошно бўлган Сайид Ризо афанди Ализода жанобларининг «Ойина»га масъул мудирлиги учун ҳукуматдан рухсат олинди. Муваққат муҳаррирлиги муаллим Ҳожи Муъин жанобларига ҳавола қилинди. Китобат ва тартибиғи Мулло Фахриддин Рожий жаноблари мутасадидур. Оллоҳ таолонинг инояти ва қориларнинг таважжуҳлари ила камина бўлмаса-да, «Ойина» эскича чиқиб турар ва саёҳатимиздан муҳтасар суратда ҳар ҳафта ёзиб турармиз. Агарда саёҳатдан эсон қайтсақ, саёҳатномамиз муттасил ва мусаввар босилиб чиқса керак. Муддати саёҳат тахминан икки ой сўзулар. Бир санадан бери ҳар на ёздуқ, ҳар на дедук. Кўб сўйлаган – кўб хато этар. «Ойина»нинг хато ва номулоим сўзлари теккан ва дилгир бўлган муҳтарам кишиларга узр айтиб, афвларини тилаймиз. Бизга маънан ва моддатан ёрдам этканларга ва барча хонандаларға чин кўнгулдан ташаккур айтиб, хайри дуоларини истаб видоъ этармиз. Боқий салом ва эҳтиром.

*Маҳмудхўжса
«Ойина». 1914 йил 24 май. №31.*

²⁴ Тафкилуф (М.Б. Тевкелев) – Русия Давлат Думаси депутати.

29 май 1914 сана – 17 ражабул муражжаб 1332 санаи ҳижрия панжшанба куни кеч соат 7, қиторимиз маҳбуб ватаним Самарқанддан ҳаракат этди. Ўғлум Масъудхўжа манглайидан шафқат бўсаси олиб айрилдук. Оҳ, видои оила, Ватандан чиқмоқ нақадар мушкул. Бу мушкулотдан қутулмоқ учун инсонни ўлуб ватандан чиқмоғи келур.

*Дили аз санги бояд бар сард оҳ видоъ
То маҳаммул кунад он рӯзки, маҳмил беравад.
(Айрилиш вақтинда тошдан кўнгул керак,
токи қофила кетсун)*

Вагонда бир уйчага бир ўзум, сафарнинг аввали, ҳам танҳолик таваҳҳуш келтуарар. Абёт ўқуйман, фойда этмас. Қуръони карим ўқумоққа шуруъ этдим, фараҳ келтурди. Оқшомни ним уйқу ҳолига ўткарилди. Кун чиқар. Байрамали маҳаттасига яқинлашармиз, ҳар тараф қум денгизи. Байрамали шаҳри обод эди. Бухоро амирларидан Шоҳмурод оталиқ (ҳозирги Бухоро амирлари силсилаи мангитиянинг муассиси) замонида Бухоро ва Самарқанд ўзбеклари келиб, Марв ҳам Байрамалини сувбандини бузуб, истило этиб, халқидан Самарқандга нақл қиласурлар. Бу муҳожирлардан бир қисмини Самарқанд шаҳрини шарқифа, дигар қисмини фарбиға ўтказадурлар. Шаҳарни атроф ўзбекларини босқунидан сақламоқ учун (ва) алар бугунгача мазкур ўрунларида дурлар.

Бухоро амирлари боргоҳ ва сарой ишларини ва таҳсиллик ва ҳазина ишларини муҳожирларга тошшуарлар. Азбаски, булар муҳожир ва амирларга молан ва жонан тобедурлар, ҳатто амирлар буларни ўзларига асир билур эдилар. Ва булар ортдурғон молу дунё амирларники эди. Бошқа ерни халқи ўзларига ўзларини хўжа биларди ва бу қоиддани асари бугунгача Бухоро ҳукуматига жорийдур. Бу муҳожирлар шитъа мазҳабига бўлуб, Самарқандда ўн минг қадар бордур. Ва алар ўзларини эроний атайдурлар. Ҳолбуки, алар аксари турк қабилаларидан бўлуб, ичларинда балки юзда бир Эрон – форсий ва эронлашган араб ва саййидлар бордур.

Марв тарафини истило этган бухорийларни сардори сариг ва кўк кўзли бир киши эканки, шоир деюр:

Бубрид сари мург беҳишти сак зард.
(Жаннат қуши бошини сариг ит кесди)

Мурғни боши ташланилса, «рғ»²⁵ қолиб 1200 сана учун таърих чиқар, яъни Байрамалини бухорийлар ҳалок этганларига 132 сана бўлур. Голиблар шоири ҳам «Сари Байрамали шуд ҳалқаи дор...» шеър айтганлар. Ал-он Русия ҳукумати эски бандни тузашиб, Байрамали ва Марв тарафларини обод этиб турубдур. Байрамали ерлари ҳазрати импературга мансуб бўлуб, ҳалқға ижарага берилур. Бевосита Байрамали Марв шаҳри бўлуб, қадимда «Марви Шоҳжаҳон» аталарди.

Марвда аҳоли аксарият ила рус, арман ва Эрон табаъаларидур. Атроф ҳалқи туркман бўлуб, шаҳарий бўлғанлари йўқ. Ҳануз қора уй – чодирларига тирикчилик қиласурлар. Марвда узоқдан рус калисосининг қуббаси кўрулур. Атрофдаги юз минглар ила «мусулмон»ни масжиди кўринмайдур. Аҳоли шариатдан зиёда одатға тобеъ ва асири жаҳолатдур. Марвда тижорат аксарият ила Эрон табаъалари қўлигадур. Русия ҳукумати буларға ер олмоқға изн бермаса-да, ҳовли ва дўкон олмоққа ружсат берар. Мундаги эронийлар уч қисм бўлуб, бири шиъа, дигари баҳойи, бобий, бошқаси Эрон яҳудийсидан мусулмон бўлган жадидийлардур. Бир эронийни сўзиға қараганда, ёлғуз баҳойиларни мактаби бўлуб, бошқалари учун ва ерли туркманлар учун мунда мактаб йўқ. Иссик биёбонларни наъраси-ла тўлдурууб, қиторимиз илгари кетмоқдадур. Ҳаво иссиқ, вагон ичинда 33 даражага ҳарорат бор. Энди Самарқандни ҳаво ва латофати ёдга келур. Вагондаги руслар: «Оҳ, Самарканд. Рай, беҳишт», – дер.

Томм 24 соатда Ашқободда етдукки, Самарқанддан 895 чақи-римдур. Бу шаҳар кундан-кун ободлашиюр.

²⁵ Беҳбудий муаммо қоидасига амал қилиб, санани чиқармоқда, яъни «мурғ» сўзидаги бош ҳарф «мим» олиб қўйилса, «ре» ва «ғайн» ҳарфлари қолади. Абжад ҳисобида қўшилса, икки ҳарфдан 1200 сана келиб чиқади. Демак, 1200 санада амирлик Марв шаҳрини қайта ишғол қилган.

Рус ва арманлар жамияти орта борадур. Бироз эронийда бор. Фақат атрофдаги бечора туркман қариндошларимиз ҳануз нимвахший қолатда кулфат ила умр сурарлар. Дунёдан, ҳатто, ўзларидан хабарлари йўқ. Шу қадари борки, шаҳарга муттасил ерларда боян токистонлар этиб, туфроқ иморатларга ўлтургандари-да кўрулур. Яна бироз туруб, машҳур Кўктеяға етдук. Туркман-рус уруши ёдгорисига мунда кичкина бир муз²⁶ бино этилган ва ичинда туркман-рус муҳрабаларини ясалган суратлари ва қўлларинда милтиқ ва шамширлари бўлуб ҳамда туркман ва рус тўпу уруш асбоблари намунаси бордур. Муза маҳатта муҳобилига 40-50 қадам бўлуб, кечак ю кундуз ҳалқ учун очуқ ва туркман шижоатини(нг) далилидур.

Йўл устиндаги туркманларни бошиндаги узунлиги уч ярим қарип, эни икки қаришдан зиёда телпагидан бошқа кўргу ери йўқ, фақат ҳануз белида аксарият ила ҳанжари бордур. Аммо алар ҳанжар ўрнига қалам тутуш замони келганини билмайдурлар. Кўз олдидаги маданият асари бўлган шаҳар ва оташаробадан ибрат олмайдурлар.

31 май эрта бирлан Қизил Арвотдан нари қозоқлар жавлонгоҳидамиз. Мундаги бечора қозоқ қариндошларимизни фақру зарурати шаклларидан билиниб турубдурки, туркманлардан кўра буларни яна йўқсуликларидан билгуликдур. Ер – қум. Бир тараф ўтсиз тоғ, беш-үн тева, бир-икки эски олачиқ ҳар ерда оз-оз кўрунур. Мунинг муҳобилинда фуурурлиқ маданият аждаҳоси ва устинда маданий инсонлар. Бу қозоқларга лозим әдики, ўзларига яқин шаҳарлар атрофинда йигилиб, турғун бўлинсалар ва, илло, бу кетишни охири йўқ бўлмоқдур. Муҳтарам қозоқ талабалари, қозоқ уламо ва зиёлилари муни талқин этсалар керакдур.

Энди Жабал маҳаттасигамиз. Мунда шимолдаги тоғдан келатурғон сув ҳам ҳаво бор. Маҳаттанинг жануби тарафида тўрт чақирим масофатда аъзо оғруғи учун киратурғон туз кони борки, конғача бошқа темир йўл ила борилур. Дўхтур, уй, нўмра ва қора уй, хулоса, ҳар шай мавжуддур. Дўхтурсиз ва уйсиз кирмоқ-да мумкиндур. Самарқанддан чиқғон киши 2-кунда соат

²⁶ Муза – музей.

12(да) келиб конга тушар. Мавсуми – биринчи саратондан асад охиригичадур. Билик махаттасигамиз. Баҳри Ҳазар ҳайбат ва виқори ила намоён ўлур. Насим ила бизларга руҳ берар. Иссиғлигидан қутулдук. Кундуз соат бир яримда Красноводскийға етдук. Татар ва эроний биродарлар масжидини зиёрат этдим. Шул кун парахўдға кирдук. Кеч соат 6 га ҳаракат этар. Эрта – биринчи июнь. Инишооллоҳ, бодкубога чиқармиз.

31 май, Баҳри Ҳазар
«Ойина». 1914 йил 14 июнь. №34

2

Денгиз тинч бўлганда Красноводскдан Бокуғача 14 соатлик йўлдур. Аммо толеда бор эканким, парахўд юрганидан бир соат сўнгра қаттиғ бир фўртана бошланди. 2-даражадаги қирқ қадар кишидан ёлғуз тўрт-бешига таъсир этмасдан, бошқа ҳамма аёлу эркак ва болалар Бокуға икки соатлик йўл қолгунча оҳу нола ила ўткардилар. Ман ҳам аларнинг энг кулфат кўрганларидан бўлиб, 9 сўм 20 тийин бериб, эни уч, бўйи етти қаришлиқ осилған ва ўлтурғанда шифтига бош тегадургон бир қути ичиди 16 соат комил қимиirlамай ва тушолмай қолдим. Мунинг устида бош айланиб, қон қусмоқ ортуқча кулфат эди. Парахўддаги 3-дараҷа йўлчиларнинг устига 16 соат муттасил дengiz сув отарди. «Ё Оллоҳ!», «Ё Ҳусайн!» фарёдлари осмонга юксаларди. Минбаъд Баҳри Ҳазар ила юрмасга аҳд этдим.

2 июнда якшанба куни Бокуға чиқдик. Шаҳарнинг рус ва мусулмон қисмидаги мусулмон дўконлари, катта корхона ва мағозалари, матбаалари тамоман очуқ, чунки мусулмонлар жумъя куни дўкон ва корхоналарни беркитиб, ийд қиласр эканларким, бул жой ибрат ва таҳсиндор.

Боку(ни) кўргонимга 15 сана бўлур. Ондан бери хейли вусъат топиб, иморатлари беш-олти табақагача юксалибдур. Денгиз канорида янги беш табақалик катта бир иморат бор экан. Сўрадимки, бу мусулмон бой ўзи ўлтурмоқ учун бино этиб, 2-3 юз минг

сўм харж қўйган экан. Мұхтарам бир кишидан сўрадим: «Оҳират учун ҳам бирон уй ва буқъя бино этдими?» «Хайр, дунёу охирати ҳоло ушбудур» жавобини берди.

Боку шаҳри Русиянинг ободонлик жиҳатидан бешинчи шаҳри бўлиб, аммо мусулмон давлатлигининг кўплиги ила Русланияда иккинчи шаҳардур. Чунончи, мунда юз миллиён сўмлик мулку сармояга доро бир неча мусулмонлар бўлиб, миллиён соҳиби мусулмонлар юздан зиёда, ярим миллиёнлик мусулмон яна ортуқроқ, юз минг сарватлик мусулмон минглар ила бордур. 20-30 минг сўмлик сармоядор мусулмон эса, ўн минглар ила бўлиб, шаҳарнинг аксари мулки мусулмонлар қўлидадур. Оллоҳ зиёда этсун!..

Бул шаҳарнинг еридан нафт (керосин), бошқа тил ила олтун чиқар. Бу кун меҳнаткаш бир кишининг еридан нафт чиқса, эртага миллиёнчи оға бўлур. Бу бойлардан дин ва миллат йўлида қўлларидаги сармояга нисбатан эҳсон қиласатурғонлардан жаридаларда тўрт-беш исм ёзилиб, бошқалари ҳануз майдони саҳоватга зоҳир бўлғонлари жаридаларда кўрулмайдур. Мўътабар «Садо» ва «Иқбол» жаридалари идораларини ҳамда мудири мұхтарамлари Ҳошимбек Вазируф ила Содиқийни зиёрат этдим. Идораларининг аҳволи зоҳириясини ниҳоятда танг ва машиқатда кўрдим. Боку аҳли хайроти армани, рус ва бошқа ҳамшаҳарларининг матбуотидан ибрат олиб, моддатан бу жаридаларнинг тараққий этмоқига ва «мусулмон жаридасининг идораси» демоқға лойиқ бир манзара ташкил этмоқига ҳаракат қилмоқлари керак эди. Бечора мудир ва мұхаррирларнинг бири қоронгу бир ертўлада, дигари тор ва иссиғ бир дўконда мураттаблари ила умр ўткарурлар эканким, манга кўб таъсир этди.

Бу нимадан? Йўқлиқдан ва миллатнинг эътиносизлигидан, мұхарриру мудирларнинг чорасизлигидан бўлиб, айби мусулмонларга тушар.

Боку тўғрисида яна бошқа вақт ёзармиз. Эмди йўлимизга давом этайлик. 2 июндан чиқиб, Минерални вўда (Маъдан сувлари) махаттасига мутаважжиқ бўлдикким, ораси 755 чақирим бўлуб, бир кеча-кундуз юрулди. Мунинг олти юз чақирими комилан мусулмон ерлари ҳам ниҳоятда манбит ва аъло ерлардурким, арпадан шолигача экилган ва аксариятан баҳорикори ва

ерлари қарагпадур. Даражтлари у қадар кўпким, Самарқанднинг Қарадараҳту Миёнколи анга нисбатан ҳечдур. Халқи бизнинг пирсиён, лазги, догоғистоний деган халқлар бўлиб, яна доҳилан чечен, қўмуқ ва бошқа исмлар ила аталадур. Таажжуби шулки, мавқифлар (истансалар) атрофида алардан савдо қиласурган эркак-аёл ва бола кўрунмайдур. Қишлоқлари йўлдан узоқдур. Шу қадар узоқ йўлда ёлғуз иккигина масжид кўринди. Аммо рус муҳожирларининг қишлоқ ва калисолари йўлга яқиндур. Мусулмонларнинг ерлари ҳосилсиз, қўй, пода ва йилқилари-да кўп ва аларнинг жунидан яхши матолар тўқуидурлар. Заргарлик, мисгарлик ва чармгарлик ва бошқа ишларда аёлу эркакларнинг маҳорати кўп, фақат замонча илмлари йўқдур.

Биз, туркистонийлар, топганимизни тўй, ўлук ва кўпкариға сарф қилгандек, бу мусулмон қариндошларимизнинг аксари ўз молини қиз олиб қочиб, жанжалига сарф этмоқ, бир-бировлари ни ўлдуруб, яна қасоси номашруъ тариқида тарафайндан бир нечалаб ўлдуруб, сўнгра бор пулларини суду синод йўлиға ва умрларини Сибирия чўлларига сарф қилиб, нобуд бўлар эканлар. Ароларида мадраса номида бир шай йўқ эмиш. Аммо ўзлари ниҳоятда иймонлик ва амалсиз мусулмонлардур!..

Боқудан Маъдан суйи махаттасигача тарафайн бутун кўклиқ ва аксарияттан кўз олганигача экинжой бўлиб, бўш ер йўқдур. Ҳавонинг мухталифлиги важҳидан бир тарафининг бугдойи ўрулур экан, дигар тарафи ҳануз майса ва баъзан янги бош торғандур. Ҳусусан, Маъдан суйи тарафи ҳануз бизнинг охир ҳамал кунларидек салқиндур.

Букун 3 июнь Минерални вўда (Маъдан суйи) махаттасидан маъдан сувлари тарафига азимат этдим. Қиторларга тўла, Русиянинг ҳар тарафидан аҳли давлат ва шавқ ҳужум эткандурлар. Зотан, ҳар сана ўн бир ой кеча-ю кундуз ишлаб, биргина ойни мумкин бўлса, шунда ўткармоқ керак экан.

**4 июнь, Кисловодск
«Ойина». 1914 йил 21 июнь. №35**

Бокудан ёинки Туркистоннинг ҳар бир шаҳридан тўғри «Минералний вўда» – «Маъдан сувлари» махаттасига ёинки Маъдан суйини энг охиргиси Кисловодскгача билет берилур. Минералний вўдадан Кисловодскгача 61 чақирим бўлуб, Эситуки ва Петигўрскдаги маъдан сувлари шул ародадур. Масалан, Минералний вўдадан биринчи махатта Бештоғ, андан Петигорски шаҳри, андан Эситуки шаҳри, андан Кисловодск шаҳрига борилур. Бештоғдан Темир суйи (Железневодский) шаҳри 7 чақирим бўлуб, бошқа бир бутоқ ила кетиладур. Мавсум замонида бу шаҳарларнинг ҳар биридан 1, 2 ва 3 синфлик қиторлар ҳар ярим соатда ҳар тарафга юруб турарлар. Бу шаҳарлар орасидаги Темир йўллар тамоман икки ҳатлиkdir. Мазкур шаҳарлар кичик бўлса-да, ниҳоятда катта ва олий вокзаллар бино қилинубдур. Биз Минералний водадан тўғри нарзан суйи Кисловодский маъданига кетдук. Икки тараф ям-яшил, вагўнимиз соядор ва ери кўринмас ёввойи беша орасидан кетар.

Бештоғнинг катта тоғ тепалари доимо бошига абрдан салла ва чодир ўраган. Бу тоғларнинг тепасидан охиригача тамоман ўрмон (беша) қоплаган ва булутнинг акси-ла ажойиб ва кўрган ила манзарасидан тўёлмайдурган бир шакли назарфириб ташкил этар.

Тоғ этакларидаги қишлоқларни бутун қудратнинг ажойиб, ранго-ранг гул ва чаманлари табиий зийнат берилган. Шаҳарлари бўлса, фавқулода чаҳорбог ва сунъий гулистонлар ила ўхшатилиб, дилрабо ва манзарфириб хосият пайдо эттандур. Бул масофат тамоман ўрмон, чаманзор, гулистон ва ҳар ерда ажойиб кўшку иморатлар бино этилгандур.

Баъзан икки тараф буюк тоғ, баъзан бир тараф туби йўқ зов, баъзан мусаттаҳ. Ва бир замон кўрарсан, оризали, хулоса, ҳар лаҳза ва ҳар замоннинг манзараси бошқа ва ажойибдур. Вожиби таоло ҳазратларининг қудрати комиласи ҳузурида инсон сари фарр ва бурдаи убудият бўлур.

Зиюн. Кисловодскга етдук. Бу шаҳар, таҳминан, 20-30 минг халқлиkdir. Тўрт-беш ошиёналик меҳмонхона ва ҳар бири биздаги «қуслуб» ёинки мадрасалардан катта бир неча мусулмон ҳам-

момлари, ости ҳаммом, усти магозин, аниг усти меҳмонхоналар ва буларга чиқмоқ учун «осонсур» мосиналари бино қилинибдур. Темир йўл идораси, 50-60 зина ила чиқилатургон катта ва мусаттаҳ бир тепа устида бир неча таноб ерлик бир чаҳорбоғ ила энг катта бир неча табақалик бир иморат ясадурким, кеча-ю кундуз мусиқа ва таом мавжуддур. Бу чаҳорбоғдан бир неча юз зина ила баланд тепалар устига чиқилур. Ал-он биз, Кисловодскнинг энг баланд тепаси устида ва дengiz юзасидан 3000 фут юқорида. Бул тепадан ҳар тарафдаги ажойиб манзаралару шаҳарнинг ҳар тарафга сочилган қитъаларини томоша қилмоқдамиз. Мундан бошқа яна бир катта чаҳорбоғ борким, ичинда энг катта голирия, юз-икки юз олчин узунликдаги равоқ ва қулублар мавжуд бўлуб, маъдан суйидан мил ила келтуруб, шишадан мусаддас ҳавзлар бино этиб, устида рус қизларини қуюбдурларким, ҳар кимга ла янқатиъ мажоний сув берарлар (богга кирган киши 20 тийин пул берур). Дигар тарафда бир неча ерда мусикийлар, фавворалар, ҳар ерда гулистон ва сунъий гулхона, жавоҳирфурушлик, мева ва таомфурушликлардур.

Чаҳорбог ичинда минглар ила халқ учун чой ва таом сарф этмоқга очиқ ҳаво ва ҳам бир неча табақалик кўшкларда жой тайёр қилингандур. Чаҳорбог хорижида яна маъдан суйидан келтурулган ҳудойи миллиар бордур. Маъданнинг сунъий ҳаммомлариға ҳар бир кирмоқ учун 75 тийин олинур. Ҳар бир киши учун Эркак ва аёл учун бошқа-бошқа уй ва ҳам «ванна»лар бордур. Касал кишилар учун маъдан суйининг ҳарорати ва қанча турушликни табиблар (дўхтурлар) тайинлаб хат берарлар. Мен икки дафъа кирдим, 20 дақиқадан... Туруш ер ҳар кун ярим сўмдан, 15 сўмгача мавжуд бўлур. Таомга ҳар кун бир сўмдан ўн сўмгача сарф бўлур (мускиротсиз)...

4 июнда Эсинтуки шаҳрига келдим. Шаҳар вокзолга муттасидур. Ашёми вокзолга қўюб, шаҳарни кездим. Эсинтуки маъдан суйи чашмасининг атрофинда узунлиги 2 чақиримдан зиёда пасту баланд катта бир чаҳорбоғ бино қилинубдурким, ичида Кисловодскдагидек бир неча ҳаммом ва қулуб ва ҳар ерда кўшк ва қуббалар ва шишадан ҳавзлар, ажойиб гулистон ва толорлар ва мусиқаҳоналар бино қилиниб, ичи сайёҳлар ила тўп-тўладур. Мунда турмасдан, Петигўрск шаҳрига келдим. Бу шаҳар

каттароқ ва эликтрик трамвайлар ишлайдур. Мунда ҳам неча чаҳорбоғлар ва юзлар ила олчин узунлигига ранго-ранг шиша-дан бино қилингандан катта күшклар ва маъдан ҳаммомлари ва бу шаҳар уғиқини манзараи ажибаси ила музайян қилган забаржад ранглик тоғлар бордур. Бу шаҳар чаҳорбоғларини юриб, кўча манзараларини ароба ва трамвай ила кезиб, кечроқ Железнодорск (Темирсуй) шаҳрига азимат этдим.

Темирсуйи шаҳрининг манзараси ҳар биридан ажиброқдур. Шаҳар тор бир водийнинг икки тарафида бино бўлинуб, ҳар тарафидаги забаржадлик тоғлар осмонга юксалур. Мунда энг дилрабо, табиий бир чаҳорбоғ ичидаги ажойиб манзаралик ранго-ранг гулистан ва алар орасида юз олчинлар ила узайгон шишалик кўшклар ва анинг ичидаги китобхона, шатранжхона ҳам рақс ва мусиқий учун ажиб бинолар, таомхона, чойхона ва майхоналар бино қилинубдур. Чаҳорбоғ бир неча чақиримлар ила узайиб ва анинг бир тарафи 1722 саржинлик баланд бир тоғга марбут бўлиб, бу тоғга бир морпеч йўл ила чиқилур. Бу тоғдан мил ила Темирсуйи маъданидан сув келтирилубдурким, темур қубурдан шиддатлик суратда отилиб оқмоқда ва қўлни куйдуратурғон дарражада иссиғдур. Муни совитиб, шишалик бир ҳавзда сағлаб, миллиар воситаси ила рус дилбар қизлари ҳар кимга икром қилмоқладурлар.

Икки пиёла бу сувдан ичдим, ўзимни қизитиб, бошимни оғритьди. Бул сув инсоннинг қонини кўпайтуар экан.

Темирсуйи шаҳри боғининг тоғ тарафида оташароба учун араб усулида ва муаззинхоналигига бино қилингандан сутдек оқ бир қасри олийни узоқдан кўриб, минорасидан масжид гумон қилиб эдим. Боғга кириб, энг яқинига бордимки, қаср атрофини алоҳида бир тоғ иҳота этиб, мунга маҳсус боғни темир панжаралар ила иҳота қилинибдур. Яна араб усулида дарвозалар қурулиб, баридаги кошин ила «Ассалому алайкум ва алҳамдуиллоҳ, омин» ёзилгандур. Устида русча «Кирмоқ мумкин йўқ» деб ёзибдурлар. Қоровулни топиб сўрадим.

Деди: «Бу қасрни Бухоро амири бино этиб эди. Ўзи баъзан мунда келарди. Вафотидан сўнгра ҳозирги амир бизни импературға тұхфа этди». Ва ал-он, табиблар ва баъзи касаллар турадур. Ўтайлук, мунда тўймоқ қиммат, икки парча балиқ ила бир

парча нон бирор-бир сўм. Бир пиёла обжўш чой 10-15 тийин. Хизматчига ҳам берарсан. Кўп тургучи касаллар, албатта, хусусий хоналар ижара олиб, мосина қозонида ўзлари таом пиширадурлар. Ёинки нўмраға эмас, хусусий рус хоналариға тушаларким, арzonроқдур. Ажала шайтондандур. Эртароқ ақсойи сафарға етмоқ учун букун уч шаҳарни кездим. Аммо бир вақт қарасам, белим, оёғим ва бутун аъзом оғрийдур. На ўтурмоқ ва на ётмоқға тоқат йўқ. Минг кулфат ила мавқифга етиб, темир йўл ила оқшом яна Маъдан суйига етдим. Мунда уч-тўрт соат қиторға интизор этдук.

Шунида ёзайнин, Эсинтукида қолинбуруш эроний мусулмон мағозаси бор. Шарқнинг ҳар нав матоидан-да мавжуддур. Бир неча кундурким, жарида ўқутганим йўқ. Эрон, Кафказ жаридаларидан сўрадим. Йўқ! Ана, сизга мусулмоннинг катта савдохонаси. Ватандан ва бутун олами исломдан хабарсиз яшайдур, оҳ...

Бу маъдан сувларига ҳар нав касаллар келур. Қартайган, бир мушт ила охиратға кўчатурган мўйсафид бойлар, боши қалтирайтурғон чоллар, ҳолсиз генераллар, бинисидан тутсанг, жони чиқатурган сил ва қонсизлар, кўб ўқуган, мияси ачиған талабалар ва муаллимлар... Хулоса, ҳар нав касаллар кўринадур. Табиий, юролмайдурган қаттиғ касаллар дўхтурхоналарда бўлиб, чиқмайдурлар. Аммо касалдан зиёда шавқу шаторат ила келиб, ичкулик этиб, фаҳш ва бузуқликлар ила касал бўлиб кетадурганлар кўп кўринур. Петигўрскнинг мавсуми биринчи майдан 5 сентябргача бўлуб, ушбу касалликларга наф этар: оёқ оғруки, сингир хасталиги ва бир неча тери (жилд) хасталиклариға... Эсинтуки мавсуми 10 майдан 10 сентябргача: меъда хасталиги, йўтал (сўлфа), жигар хасталиги, сингир ва бошқаларға... Кисловодскнинг мавсуми биринчи июндан биринчи ўқтабргача: юрак, сийна ва бошқа маразларга фойда этар... Железноводскнинг мавсуми 15 майдан биринчи сентябргача: қонсизлик, бош айланниб, кўз тинмоқ ҳам сингир ва асаб хасталиклариға наф қилур.

*Ростов, 5 июнь
«Ойина». 1914 йил 5 июль. №37*

5 июнь Ростўф шаҳрига кирдим. Шаҳар ниҳоят обод. Ҳар тарап қўша электрикли трамвайлар. Шаҳар ўртасида кичкина бир чаҳорбог бор. Беш-олти қатлик иморат ва зийнатлик калисолар мавжуддур. Ҳар нимарса русларнинг гайрати ва маданиятини забони ҳол ила баён этмоқдадур. Бу шаҳарда беш мингдан зиёда мусулмон бўлуб, мунинг 300 қадари туркиялик мусулмонлар ва бу шаҳарнинг нонвойлиги тамоман алар қўлида эмиш. Аммо ўзларидан мактаблари йўқ. Мунда Туркия давлатининг кўнсулхонаси ва имоми бордур. Тасодифан имом афанди ила мулоқот этдук. Ерли мусулмонлардан фақат 20 қадар оиланинг мулки бўлуб, бошқаси тамоман ижаранишин эмишлар. Оллоҳ бу ижаранишинликни биз, туркистонийларга насиб этмасун (ер қиймат бўлди сотайлук, айтатургонларга ёинки ерларини сотиб, тўй қилатургонларга ибрат). Мусулмонлар икки маҳалла бўлуб, бири ижара олинган уйда намоз қилур, на чора, мискинлик!.. Дигарининг янги солинган масжиди бор, аммо биз, мусулмонларни на дин ва на дунёға аҳамият бермаганимиз учун шувоқсиз ва усти томатургон ҳолида қолиб, бир тарафида намоз қилурлар. Масjidнинг саҳни бир таҳоб қадар ва шаҳарнинг яхши еринда; уч тарафи йўл, аммо дўкон солиб ижарага бермоқ йўқ. Мунинг бу қадар катта жойи бор экан, ҳар ердагидек мусулмонлар икки тараф ихтилоф қилиб, хорижда икки мактабни ижара олиб, ҳар сана 3000 сўм қадар ақча берар эканлар, на қадар девоналийдур! Биринчи имом Мулло Вафо жаноблари ва ўзга муҳтарам кишиларнинг гайрати ила 15 минг сўмдан зиёда ақча тўпланиб, икки ошиёналийк масжид солинибдур. Узоқдан минорасидаги олтун ой шакл забони ҳол ила: «Бу муқаддас мақом ибодатгоҳи муслимин ва байти ҳазрати Раббул-оламиндур!» — дейдур. Аммо на чора, ҳануз нотамом ва шувоқсиз, атрофида мактаб йўқ ва касифдур. Иккинчи имом Мулло Бекошуф жаноблари ила мулоқот этдук. Мусулмон «Нашри маориф» жамиятининг раиси ёшлардан Билолиддин жаноблари бизга шаҳарнинг ҳар тарафини кўрсатди ҳамда жамият мактабини зиёрат этдук. Мулло Вафо жанобларини топмоқга вақт озлик қилди. Мунда мусулмондан пристав бор эмиш ва ҳукумат мактабларида 15 нафар мусулмон талаба-

си бўлуб, яна 18 нафар қизлар-да ҳукумат мактабида ўқур экан. Масжид ишининг ярим йўлда қолишига ва мусулмонларнинг ихтилофлигига масжид иморати мубоширгишининг ҳар сана ҳисоб бермагани сабаб кўрсатилур. Ожизона тавсия этилдики, ўтган-ўтди, энди иттифоқга келиб, масжидни тамом ва мактабларни бир этмоқға ҳаракат қилмоқ керак, деб... Шаҳарнинг ва бошқаларнинг ҳаёт ва тараққийсига нисбатан мундаги мусулмонларнинг борлиги йўқ ҳукмидадур. Йўлларни тилфўн ва трамвай симлари у қадар ишғол этканким, энди тилфўн симларини ер остидан тортмоқ учун ишлаб турубдурлар. Аммо мусулмон масжидининг бир таноб ери бўш ётадур.

Кеч оташаробага ўлтурдим. Одес шаҳрига кетармиз. Сабоҳ Динар наҳрини ўтдук. Оқшомгача ҳар замон катта ва кичик шаҳарлардан ўтармиз. Тарафайн тамоман ҳеч фосиласиз буғдој, арпа ва маҳаллий қардошларимизнинг сўзича, «кошка» ер йўқ. Рус хотун ва қизлари қўлларида кетмон, қатор-қатор ишламоқда ва қиторимизга қўл соллаб, баёни «Хуш омади» этарлар. Бизнинг саҳро хотунларига нисбатан алар жабркаш эканлар. Кеч хотунлар хил-хил ишдан қайтмоқда. Ўтун, ўт ва асбоб орқаларида кўтарган, баъзан хотунлар аробасини чоптуруб кетмоқда, аммо бизнинг саҳро хотунларини гийбат сўйламоқдан бошқа иши йўқ.

Инсон баъзан ажойиб ҳолларда қолур... Бир замон Петербургда эдим. Бир якшанба куни, дўконлар беркитилган. Майда пулим йўқ. Эрта бирлан сут ва нон емоқ керак. Қўлумда бир юз сўмлик қофоз, майда топилмайдур. Соат 12 гача оч юрдум... Энди мунда ҳам оқшом чоги майда топилмайдур. Махатталар кичик, бирор нима емақ керак. Пулсиз бермайдурлар. На чора, эрта Одесга боргунча сабр лозим. Оқшом рўза тутармиз...

Энди қиторимизда русча эшитилмайдур. Яҳудийча, румча, полак ва немисча, ҳатто булгорлар-да кўп. Ҳар нав кишилар ва Булғориёдан келиб, бизнинг Русия мактабларида ўқуб, офицер бўлганлар-да вагонимизда бордур...

Эрта бирлан Одесга етдук. 7 июндур. Бокудан Одесгача 2409 чақирим кезибмиз. Нўмирига нарсаларимизни қўюб, тазкира (билет) имзоси учун Туркия кўнсулига бордим. Аммо йўқ! Одесдаги мусулмон масжидига бордим. Имом мулла Собиржон жаноблари ва муҳаррир Усмон афанди ила суҳбат этдук. Бизни икром

этдилар. Шул кун Истанбулга парахўд борар экан. Ёлғуз тўрт соат қолибдур. Имом афандининг ионати или паражўдга кирдук (Одес аҳволидан қайтишда ёзармиз).

Соат 12, кундуз. Рус ширкатининг «Чафўвич» парахўди йўлға кирди. Денгизни кўпуклантириб, Истанбул сари юрмоқдадур. Иншоолоҳ, эртага Истанбулга киравмиз.

**7 июнь, Қора денгиз
«Ойина». 1914 йил 12 июль. №38**

5

7 июнда Одесга кирилди. Бу шаҳар Русиянинг 3-шаҳри бўлуб, аммо тижоратда Қора денгиз соҳилида бўлгани учун ниҳоятда тараққий эттандур. Русиядан чиқатурғон фалла ва хом нимарсалар Оврупога шул искаладан чиқар.

Аҳолиси: рус, яҳудий, рум ва бошқалардур (мундаги мусулмонларнинг аҳволи сўнгра ёзилур).

Нарсаларимни бир ерда қўюб, тазкира (билет)ни қўйл қўйдурмоқ учун Туркия кўнсулхонасиға бордим.

Узунлиги бир газ, эни ондан озроқ, тўлони бир унвон эшигини устида осилган. Унвон, ким билур, неча сана мұқаддам ясалгандур. Ал-он ранги ўқулмас даражага келиб, унвоннинг темир ва тунукаси чуруб тешилибдурким, мундан кўнсулбекларнинг қайдсиз ва бепарволиги маълум бўлур.

Соат 10. Аммо кўнсулхонада киши йўқ... Андан Одес шаҳри жомеъ шарифига келдим. Имом афанди Собиржон ҳазратларининг ёрдами или кундуз соат 12 да парахўдга кирдук. 2-мавғега 16 сўм, 3-сига 5 сўм бериб бир билет олдук. Оқшом икки сўм бериб, 2-даражанинг салўнидан ётаржой олдим. Ана, 9 сўм фойда!

2-даража золига яхши либоссиз кипи қўюлмайдур. Парахўдга тезлик или кирдук. Одесда турушмиз фақат 2 соат, авқот олмаган эдук, 2-даражанинг салўнига 2 дафъя таом ва икки дафъя

нон ва сут учун 4 сүм ақча тұладим. Эй, зарари йүқ, яна 5 сүм фойдамыз бордур.

Соат 12, кундуз паражүдимиз деңгизни күпуртуруб, ҳаракатта кирди. Ва андак муддатда шағар ва ер күздан ниҳон бўлди. Деңгиз ойнадек шаффоф ва сокин, ҳаво латиф, ёлғуз остилизда сув-у устимизда боҳари дур. Деңгизнинг барроқлик ва латофати сўнг фиш-фиши, паражүднинг гумбир-гумбири табиатта жило берар. Дигар тарафдан, мўътадил ва фором бир шамол эсар ва неча кундан бери сафар машиққати тортган жисмга ниҳоятда ёқишар. Сатҳий бир назар ила боқилса, бутун ер қуруқлик ва дунёлар йўқ. Ҳар нимарса, яъни шағарлар, чўл, тоғлар ва мамлакатда қолган оила ва аҳблар хаёл оламиладур. Энди деңгиз ила паражүд фикрни ўзига жалб этар...

«Ердагиларни Сизға мусаххар қилдим» – «Оллоҳнинг амри ила марокиби баҳрия деңгизға жорий бўлур» мазмунидаги оятлар мулоҳаза қилинур. Оҳ! Биз, мусулмонлар, на учун Қуръондан, санъат ва гайратдан кетдук? Остимиздаги паражүднинг тули 150 газ зиёда, иҷидаги ёлғиз ҳайвони нотиқ 300 дан зиёда ва гайринотиқи-да бордур. Галат ва бошқа юки ҳам кўп. Бу жонсиз ҳайвон биздек жонли ҳайвонларнинг асари санъатидир, бу уч юз сўйлағучиларнинг ярмидан зиёдаси 1-2-даражада бўлиб, мусулмондан маним ила фақат уч нафардур. З-синфдагининг аксари мусулмон бўлиб, фақири заруратдан оёқ остида ва ҳожатхоналар ҳамсоялигида ўлтурууб ва оқшом анда ётарлар.

Паражүдда аксарият яҳудийларгинадур ва бироз рус фуқаросидан ҳам борким, бир неча кашиш (пўп)лари ҳам бордур. Аларнинг аксари З-синфда ва анбордадурлар. Бу яҳудий ва руслар аввалин Истанбулга кириб, «Аё Суфия» ва «Қаърия» жомеъи ва бошқа азиз калисоларни ва яҳудийлар «Хоҳом» бошини зиёрат этуб, сўнгра Қуддуси шарифға кетарлар, яъни рус ва яҳудий ҳожилари дурлар. Яҳудий ҳожиларининг аҳволи рус ҳожилари-дак яхши ва аммо бизнинг мусулмон ҳожиларининг аҳволи оғирдур. Тил билмаслик, пулсиз ҳажга қасд қилмоқ ва пулликларнинг хайсу чиркинлиги, яна машиққатини зиёда этар.

2-даражада золига оқшом мандан бошқа яна уч-тўрт нафар яҳудий ва рус бор эди. Демоқким, алар ҳам 3-даражада йўлчилари экан. Азбаски, 1-2- синфнинг ётатургон жойи бошқадур. Яҳудий

ва руслар ила суҳбат этдук. Яхудийдан бири дерки: «Туркистон эски дунёнинг Амриқосидур. Пахта, маъдан, ғалла, хулоса, ҳар нимарса бор. Туркистон олтундур. Агарда Русия ҳукумати монеъ бўлмаса, барча мулкимни сотиб, пулига Туркистондан ер олиб, дехқонлик этардим. Олтун бериб, ер олиб, сўнгра олмос кўтарар эдим. Аммо на чора, Русия қонуни биз, яхудийларни қисар...»

Мен ичимда дедим: «Ташаккур рус ҳукуматигаким, сизни қўймайдур ва, илло, сиз, яхудийлар, биз, аҳмоқларни дарбадар ва беватан этарсиз...»

Яна бир яхудий турк ҳукуматини таъриф ва анга ташаккур этар. Ман дедим:

– Қуддус атрофидаги янги шаҳарларингиз қандай?

Деди:

– Алҳамдулиллоҳ, кундан-кун тараққий этмоқдадур. Дўжтур Хрецил бу шаҳарни кўп меҳнатлар ила ҳалойиқдан ақча жамлаб бино этди ва биз, яхудийлар ҳам дунёда бир шаҳарлик бўлдук. Энди анда яхуд банки ҳам бино қилинди. Дорулмуаллимилар, гимнозиёлар, ...лар бордур. Дўжтурнинг таклифи ила ҳаммамиз эски яхуд тили (иброний) ўқуёмиз. Ман ўзим русчадан бошқани билмас эдим. Бир йилдан бери ҳафтада икки соат ибронийча ўқудим. Энди ибронийча сўйлайман, ўқуб-ёзаман...

Ушбуларни деб суҳбатимиздаги бир Фаластин яхудийси ... ила ибронийча сўйлайдур ва суюнадурким, дунёдаги бутун яхудийларнинг энди тили бирлашур. (Арабийни тилларидан чиқаратургон мусулмонларга ибрат.)

Бир яхудий бироз иброний билар экан, русчадан бошқа тилни билмайдургон хотун олгон. Хотунига ибронийдан бошқа сўз демас экан. Хотуни йиглармиш, сихтармиш, чора йўқ. Эри ибронийдан бошқа қас(д)дан сўйламас. Хотун икки йилда ибронийчани яхши билибдур.

Энди мазкур хотун иброний жаридаларга мақола ёзармиш. Аммо биз 20 йил ўқуб, арабий сўйлаб, ёзолмаймиз...

Парахўдимиз соатда ... 18 чақирим юрадур. Оқшом фўртана-сиз ўтди. 2-кун ҳам денгиз сокин, бир-икки олчин бўйидаги балиғлар узоқдан парахўдга қараб сакрайдур. Сувдан чиқиб, 3-4 газ ердан отилиб, парахўдга яқин келур. Зоҳирий парахўд ташландиларидан еб одат қилибдурлар. 2-кун соат иккита Бўсфўр бўғо-

зига кирдук. Бўғоз оғзида паражўд турди. Туркия маъмурлари кичик паражўд ила келиб, кўруб, бўғозга кирмоқға жавоб берди. Бироз юргандан сўнгра рус кўнсулхонасидан маъмурлар келиб, почта қофозлари таоти қилинди. Бўғозга кирилганда, икки тарафи катта иморатлар ва бўғоз ташида ҳарбий қалъя ва тарафайнда аскархона ва тўплар, катта-кичик ҳарбий паражўдлар бордур.

Бўғознинг оғзидан Истанбулгача 2 соат қадар масофат бўлиб, кичик шаҳардек қишлоқ ва маҳаллалар бино қилингандур. Давлатлик кишилар, кўнсуллар бўғозни чаҳорбоғ ва иморат ила тўлдурубдурлар. Бир неча сана сўнгра бўғоз бошигача Истанбул шаҳрининг иморати етишар. Ҳозирда очиқ ер оздур. Денгиз бўйларининг мурабба сажини 20 сўмдан 300 сўмгача эмиш. Денгиз лабидан юқорироғи арzonроқ бўлиб, қишлоқ ва экин ҳам обчакорликдур.

Бироз юргандан кейин Истанбулнинг катта сарой ва боргоҳлари, ҳаммадан аввал жомеълари ва бошқа иморати кўрунди. Ўрта барроқ су(в), тарафайнда катта иморатлар. Ора-сира чаҳорбоғлар, сўнгра тогу тош ва бутун ер яшиллик ва ул зумрадин ер устида оқ ва мармар, муқаддас жомеъ миноралари ва сарв оғочлари осмонга узалгандур. Хулоса, тўёлмас бир манзара ўртасидамиз. Эмди Истанбулга яқинлашурмиз. Атроф бутун паражўд, қайиқ. Бир тарафдан, муқаддас жомеъларнинг олтун ҳилол (ој) қўюлган ва қубба ва миноралари. Дигар тарафдан, мармар кўшклар, подшолик боргоҳлари бутун назарни ўзиға тортар. Қараган ила тўймайсан. Хулоса, Истанбулда Бўғозичи латофати фавқулода бир манзара бўлиб, Овруно ва амрикoiйлар-да мунинг ошиқидур. Биз, албатта!..

Қайиқчилар паражўдни сориб олди. Паражўд турмасидан тирмасиб чиқдилар. Биз 3 киши 24 гуруш (2 сўм)га савдо этиб, бир қайиқ олдук. 15 дациқа су(в) юзига солланиб, Истанбул божхонасига чиқдук. Денгиз ичидаги цўлислар ҳар қайиқдаги одамни санаб, қайиқчи нумрини ёзиб, санад берадурлар. Ана, биз энди Истанбулдамиз.

*Истанбул, 8 июнь
«Ойина». 1914 йил 19 июль. №39*

8 июнда Истанбулда кирганимиз қориларға маълумдур, ёзилаттурган матлаблар ҳар нимарсадан кўп. Қайси ва нимадан бошламоқни билмайман. Бинобарин, Истанбул ҳиссиётимни сўнгта қолдуруб, ҳозир бошқаларни ёзарман.

16 июнь кеч Истанбулдан оташароба қиторига кирдук, наманганлик муҳтарам бир мударрис-да рафиқимиз. Истанбул ила Адирна ароси қитор ила ўн соатлик йўл бўлиб, Австрия насоролари темир йўлининг соҳиби ва 2-синф билети ўн сўмдур. Бечора мусулмонлар беш юз йилдан бери Оврупода ўлтуруб, Оврупо одати, либоси ва ёмон ишларини одат қилиб, аммо илм ва ҳунаридан керагинча ҳисса олмабдурлар. Бул ҳар ерда шундайдур. Бу кунгача бир чақирим темир йўли бино қилмоқга бутун мусулмонларнинг илм ва иқтидори йўқдур. Аммо попи-рус, ичкулик ва бузуқлик тарафига бор кучимиз ила аъло ҳолда тармашармиз.

Темир йўл бир соатдан зиёда шаҳар ичидан ўтар. Андан сўнгра тарафайн боғчалар, обчакорликлар, аскархона, сарбозлар чодиргоҳи, корхона ва фабрикалардур. Баъзан қитор денгиз каноридан ўтар. Эски бизансликлар тарафидан бино қилинган қалъаларнинг хароба деворлари ҳануз боқийдур.

Шаҳардан чиқиб, бир соатда Миср кўйига етдук. Мунда Истанбул кибор ва давлатликларининг боғистон ва сайфияси бўлуб, аъло ва бир неча ошёналиқ иморатлар бино қилинган ва ҳар тараф кўклик ва хуррам ва бир тарафи денгиздур. Мунда турк давлатининг фишанг (ўқ) корхонаси бор. Яна бир неча кўйларни ўтар эдук, офтоб ётиб, ҳар нимарса кўздан гойиб бўлди. Оврупо қиторлариға ётиб бўлмас. Икки киши ётадурган ўрунга саккиз кишинииг ўтурмоги лозимдур. Ётмоқ йўқ.

Қиторға турк офицарлари кўп. Истанбулдан, Адирна ва андан охир ҳудудгача ҳар тараф аскар чодиргоҳидур. Офицарлардан баъзиси намоз ўқуидур. Баъзиси юрмоқда. Оқшомни ўлтуруб ўткардук. Ходимкўй ва Чатолчани ўтдук. Тонг отар, ҳар тараф чамалик: бугдой, арпа ҳануз пишгани йўқ. Атроф чоқир-чукур ва оризаликдур. Ҳануз Адирнага икки соатлик йўл бор. Калисо бўлмоқдан қутулган машҳури жаҳон Салимия жомеъи шарифининг

миноралари кўрунур. Булгорлар тарафидан ёндирилган қишлоқ ва иморатларнинг хок тўдалари ҳар ерда намоёндур.

Махаттага етдук. Адирна мавқифи ҳам булгорлар тарафидан ёндирилуб эканким, энди янгидан бино қилинадур. Махатта атрофидаги кўп иморатларни ёндуруб эканлар ва Адирнани ташлаб қочиш вақтларида булгорлар ҳар тарафга оташ бериб эканларким, турк аскарлари етиб, сўндуруб ва булгорларни, ниҳоят, кўп озуқа ва асбоблари ва йигирмадан зиёда энг катта тўп, ададсиз милтиқ ва асбоби ҳарбияларини ўлжа олиб эканлар. Тўплардан бир нечаси Истанбулдаги Гулхона майдонидадур. Махатта атрофида турклар тарафидан овруповорий янги бир шаҳар бино қилинибдур.

Адирна шаҳри махаттадан 5 чақирим қадар бўлуб, мармартош фарш қилинган яхши бир йўл ила марбутдур. Тарафайн боғчалар ва ери ниҳоятда ўтлик ва бир тарафи подшолик катта бир беша (ўрмонлук)дур. Қамов вақтида бу ўрмондан кўп кесилиб, ўтун қилинибдур. Йўл канорида, ўрмонни бир тарафида мусулмон қаҳрамон шаҳидлари учун мазор ва оқ тошдан ёдгорий бино қилиб турубдурлар.

Эмди Мерич наҳрини ўтармиз, Самарқанднинг Зарафшон наҳридан етти-саккиз дафъя катта ва сокит бир наҳр. Ва устида юз газдан зиёда бир неча равоқлик турклар бино этган гиштин муҳташам ва васеъ бир кўпрук. Ва икки тарафи мармар девор. Ўрта ерида икки тарафга нозир икки кўшк бордур.

Адирнаға кирдук: барча йўллари тош фарш қилинган ва ҳар тараф олий қубба ва минораси булутларга узайган жомеълардур. Ҳар кўча ва ҳар ерда бузулган ва ёнилган ҳовлиларга учралур. Шаҳарнинг энг обод ер(ида) энг харобазорлар учраладурки, муҳорабанинг зааридур. Муҳорабадан аввал бу шаҳарда юз мингдан зиёда киши бор экан, энди 40 минг қолубдур. Мундаги рум ва яҳудийларга ҳам булгорлар жабр қилибдурлар. Румлардан бир нечасини ўтундек биргга боғлаб, Мерич наҳрига отиб, йўқ қилибдурлар. Мусулмонларни тириклай қудуқға солиб тўлдурубдурлар. Энди бу жойларда мазор ва ёдгорийлар бино қилинур.

Энди Султон Салим жомеъи шарифидамиз. Тўрт тарафи кунгиралиқ тошлилар илан айлантурилган 8-10 таноблик бир майдон

ва ҳар тарафида дарвозалар. Бу майдон ўртасида жомеъи шариф бино қилинган. Чунончи, қиблага муқобил тарафға бир таноб қадар катта бир саҳн, 3 тарафи 21 рavoқ ила айлантурилиб, рavoқ қуббалари якпора мармар, ранго-ранг устунлар устидадур.

Рavoқ ичкарисидан оят ва ҳадис ёзилгандур. Бу саҳннинг кириш дарвозасига садаф ва бошқа тошлар ўтқурилган, ўйма-корлик ҳалқа ва занжирлари муталлодур. Дарвозанинг тоқидағи мармар устида олтун ила қабартма (манбит) шу байт ёзилгандур:

«Қад бана ҳазал-мақомул-мужтаба ал-амирул ҳақ султонул анам, Аъно султон ус-салотин шоҳ Салим мусаллибни лаҳу дор ус-салам. Баракаллоҳу таала хайраҳу, заъафаллоҳу ажраҳу яв-мал қиям.

Сара фазлуллоҳ таърих ул-асас (976 – 982) фаззала бандуҳу канна тарих ат-тамам»²⁷.

Саҳн юзи мармар ила фарш этилиб, ўрта ниҳоят санъатлик, шашсу мармар қубба ва остида катта бир ҳавз бўлуб, атрофи темир тур ила иҳота қилинган ва мармар ҳавзнинг ҳар тарафидан миллиар ила сув олинур. Мунинг муқобилида жомеъи шарифнинг тилло ва садафкорлик катта дарвозаси бордурким, андан кириб, бу муқаддас жомеъи шарифнинг ичидаги осор ва санъатларким, аввалги мусулмонларнинг асари дур, кўрган кишиларни баҳс ва ҳайратларга гарқ этар. Муни ман сўйламайман. Оврупонинг мудақиқ мұхандис ва олимлари сўйлайдур. Мундаги осори нағисай саноиянинг баён этмоқга маним қаламим ожиз бўлиб, сатҳий баъзи нимарсалар ёзарман.

Жомеънинг ичи эшикдан меҳробгача 80 газ; 66 газ саккиз дона қизил, қаро, кўк ва аблак мармар якпора бутунлар устида катта бир қубба турар. Қуббанинг атрофи икки табақалик бўлуб, яна тўрт қубба, 8 ним қубба ила давр этар. Масжиднинг ўрта еридан ўн мурабба газлик мармар бир мақсурा ва анинг

²⁷ Маъноси: «Бу улуғ мақомни ҳақиқат амири, инсоният султони, султонлар султони шоҳ Салим мислсиз бир суратда меҳр билан бино қилгандирки, Оллоҳ таоло унинг бу эзгу ишига барака бергай ва мукофотини қиёмат кунида ўз фазли билан насиби рўзи этгай. Асос ва битишининг санаси тарихи: 976 – 982». *Филология фанлари доктори Бегали Қосимов таржимаси.*

устида минг қадар шам ёқилатургон бир қандил бордур. Остида мудаввар садаф ва мармарлардан бино этилган бир фаввораким, ичидан аъло бир сув набъон этмақдадур. Меҳроб қуббасининг бир тарафида қимматлик тошлардан бино этилган 20 қадар зарриналиқ бир миңбар борким, минбари шарифнинг аъло гилам ва китоб ва эски асарларини ва олтунлик пўшишини булфорлар олибдурлар. Жомеъни шарифнинг ич деворлари 4-5 газ иртифоъгача хитойи табоқ чиннисидан ҳам аъло бир чинни ила ранго-ранг ҳам оят ва ҳадислик чиннилар ила қопланганиким, дарзлари маълум йўқдур. Андан юқориси асл ранглар ила исломий ва гириҳ музоиқ ва ранглар ила нақшланиб, қуббаларнинг саҳфи бутун оят ва ҳадис музоиқи ва чиний кошини ила зийнат берилгандур.

Меҳроби шарифни иртифои 8 қадар бўлуб, муқарнас манбиткори ўймалик аъло мармардан бино қилинган ва мундаги морпеч ва занжира ва ўймакорлик ва олтун манбит хат ва торларни латофати кўрулгон сайин тўюлмайдур.

Меҳробнинг ўнг тарафидаги кунжда, саккиз газ юқорида бир сандуқча ичидা «Мўйи муборак» бор эканким, булфорлар тарафидан тушурулубдур.

Масжиднинг ҳар тарафида девори ишкоф ва темир сандуқлар ичидаги эски китоб ва Қуръони каримлар, эски осори исломия бор эканким, булфорлар синдурууб, ўлжа қилибдурлар. Алардан Сulton Муродхоннинг тилло ила Қуръони карим ёзилган кўйлагини Туркия давлати бир неча минг сўмга қайтадан ўлжа этган кишидан сотиб олғони маълумдур.

Жомеънинг ичидаги 1800 қандил, кирилатурган 9 дарвоза, темир, баъзан ҳаллик ва баъзан мармар ўйма шабакалик 900 дан зиёда равшанлик панжараси бордур. Тўрт минораси бўлуб, ҳар бири 3 шурфалик ва ҳар бир минора ичидан 3 йўл ила ҳар бир шурфага алоҳида зиналар ила чиқилиб, минораларнинг учи 70 газдур. Ийд ва рамазон оқшомлари бу минораларга 1200 зайдун чироғлари ёқилур.

Муҳосара асносидағи булғор тўпларидан жомеънинг уст тарафлари зарар кўруб эканки, энди тузатмоқдадурлар. Шарқий тарафидан етти панжара ўқлардан синибдур. Яна шарқ ва хориждаги сим устунлардан бирига тўп гулласи тегиб, барчасини

учурубдурким, ҳануз маълумдур. Жомеъ майдонининг бир тара-
фида катта иморатлар бор эканким, ал-он аскар озуқалари ила
тўладур.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 иил 24 июль. №40

40-рақамдан мобаъд²⁸

Манзарасидан тўймасдан чору ночор Султон Салим жомеъи
шарифидан чиқдук. Бу жомеъи шариф мусулмонлар учун энг
қадрлик ва азиз жомеълардандур. Чунки булгорлар Адирна-
ни олганда бу жомеъни қўлга олиб ва эшикларига аскар қўюб,
азон-у намозга ружсат бермай, «Аё Суфия» калисоси бадалифа
калисо қилмоқчи эканлар. Бул орада Туркияни босган булгор,
серб, қаратоқ ва юнон ҳукуматлари орасида ихтилоф воқе бўл-
ди. Шундайким: Адирнани олмоқта ёлғуз булгорни кучи етмади.
Анга ёрдам учун серб аскаридан 20 минг қадар келди. Ва охи-
ри очликдан Адирна суқут этди. Турк аскари очликдан дарахт-
лар пўстини ва гиёҳлар томурини еbdурларким, қобуғи очилган
ва тикка турган юзлар ила дарахтларни кўзум билан кўрдум.
Аскарлар очликдан кўб ўлубдур, қувватсизликдан бир тўп ўқини
үн қадар аскар зўрга тўпга қўяр эмишлар. Бовужуд, шул ўлганча
ишдан қолган ва ё қочган аскар бўлинмабдур. Шу ҳолда бўлса
ҳам шаҳарни душманга топшурулгани учун аскар норозилик
қилибдур. Сербия аскари келгандан сўнгра Адирна қаҳрамони
Шукри пошо яна аввалгидан зиёдароқ қаттиглик ила Адирнани
муҳофаза қилиб, ҳам душман ва ҳам очлик ила мубораза қилиб-
дур. Дигар тарафдан, Истанбулда Комил пошо «Буюк мажлис»-
ни жамлаб, Адирна аҳволи ва Туркияниң қувватсизлиги ва Ов-
рупо давлатларининг: «Адирнани булгорларга берингиз», деган
таклифини музокара қилиб, охири сулҳан Адирнани булгорлар-

²⁸ Хотиралар дастлаб 1-6 рақами билан белгиланган, кейингиларида
«мобаъд» сўзи қўлланилган.

га бермоққа қарор берилиб, ҳатто қоғозлар ёзиладур. Муни «Ёш турклар»нинг катталаридан ҳозирги Анвар пошо ва шаҳид бўлган Маҳмуд Шавкат пошо ва бошқалари эштиб, ихтиолол чиқариб, «Боби олий»ни босиб, ҳарбия вазири Нозим пошони ўлдуруб, Комил пошони банди этиб, Султонга маъқул қилиб, Маҳмуд Шавкат пошони садри аъзам қилдуриб ва Анварбек бош бўлуб, Галибули тарафидан Адирна устига аскар чиқорди. Чатолча тарафида урушлар ҳам бўлди. Охири, лоиложона суратда очлик сабабидан Шукри пошо Адирнани таслим этмоқчи бўлди. Адирнани тошшурди, аммо булғорга эмас, сербларга... ва мунинг сабаби булғорлар ила серб орасида ихтилоф солмоқ эди. Ва ҳақиқатда Шукри пошонинг бу сиёсати душман орасида ихтилофга сабаб бўлди. Чунончи, Туркиядан олинган шаҳарлар устида Булғор, Серб ва Юнон орасида низо чиқди. Буларнинг орасида аввалдан ёзилган шартнома бор эди. Сербия у шартномадан зиёда ҳақни Булғордан талаб қилди.

Булғорлар деди: «Шартнома юзасидан тақсим қиласмиз». Анга серб дедики: «Адирнага аскар юбормоқим шартномада йўқ эди. Санинг илтимосинг бўйинча ман Адирнага аскар юбордим ва ҳам Адирнани маним аскарим таслим олди. Бинобарин, Қўясъва ва Маностири тарафидан манга кўпроқ жой бермоқинг лозимдур. Булғорлар мунга кўнмади ва охирда серб ила юонон бир бўлиб, булғорларни урдилар. Бул аснода Анварбек тўрт кунлик йўлни бир кунда юриб келиб, Адирнани босиб, булғорлардан қайтиб олди. Булғорлар муни билиб, Адирнанинг обод еру хонау аскархонау анборлариға ўт қўюб эканларким, бу ўтларни ҳам вақтида турк аскарлари этиб, сўндурууб, булғорлардан бениҳоят озуқа, асбоб, милтиқ ва кўп агад тўпларни ўлжа олибдурлар. Ва Султон Салим жомеъи шарифини калисо бўлмоқдан қутқардилар. Агарда Комил пошо қарорномаси бўйинча Адирнани булғорларга сулҳан берсайдилар, балки муттафиқлар ўртасида уруп пайдо бўлмас ва Адирна шаҳри абадан кеттан бўлур эди...

Хулоса, Адирнанинг қайтиб олинганинг шарафи ёш туркларга ва Анвар пошога насиб бўлди.

Энди саёҳатимиизга давом этайлук.

Адирна хорижида Саройичи аталган ва Тунча наҳрининг икки тарафида ёйилган энг ҳавондор ва ниҳоят катта дарахтзор беша бордурки, қадима султонлардан қолган боргоҳларни(нг) харобалари мундадир. Бу бешанинг бир тарафи Адирна, дигари баландгина тоғлик ва бир тарафи ниҳоятсиз аскархона ва аскарий анборлар ва энг катта машқоҳ, лашкаргоҳ ва майдонлардур. Мунинг орасидан Тунча наҳри ўтадурки, биз келганда, аскарлар Тунча устида уруш вақтида ва ҳужум замонида ажала кўфрук солиб, ўтмоқ машқини қилиб туруб эдилар.

Дигар тарафда пиёда ва отлиқ аскарлар машқи ва дигар бир тарафда янги ясалган кичкина оташаробалар ила аскархоналар аросида уруш асбобларини ташир эдилар. Мунда ададсиз харобазор, ёқилган иморат, анбору аскархоналар кўбдур. Азбаски, бу ерни икки дафъа бўмбалар ила барҳаво этдилар. Бири усмонлилар тарафидан барҳаво қилиндики, мундаги асбобу аслаҳалар булғорга қолмасун, дигари ҳам шул матлаб учун булғорлар тарафидан ёндурилди. Бовужуд шул тошдан бўлган деворлариға таъсир қилмаган. Ниҳоят, катта аскарий қишил ва бутун турган истеҳком ва қалъалар кўпдур ва яна таъмир бўлуб турубдур. Мундаги майдон ва бешаларда юзлар ила катта чинор ва бошқа дарахтлар кўрулмоқдаки, қобуқлари очилиб, оч аскарлар тарафидан ошлибдур. Ерларни қазиб, томурлар қобугини ебдурлар. Ана, 20-асрнинг маданияти ва миллатчилиги! Бу бўлмаса ва мундоқ фидокорлик қилинмаса, миллият ва динлар маҳв бўлуб кетар...

Бу катта саҳронинг ҳар тарафи кўз олгунча аскарлар чодиргоҳидур. Ер-ер аскар, тўп, милтиқ ва озуқа ҳамда тоғлардек пиchan анборлари. Турклар-да энди кўзини очди. Кафанини бўйнига солиб, ўлумини кўзга олиб, маҳкам ерлашмоқдадур. Ҳақиқатан, Адирна Истанбулни(нг), бошқа тил ила Туркия давлати(нинг) дарвоза ва стунидур. Бу жонхарош ва қон асари қиёмат намуналиқ манзаралардан ўтуб, тўплар ила ҳароб бўлган бир-икки маҳалладан ўтуб, Султон Боязид жомеъи шарифига кирдук. Катта бир майдон ва боғчалар, ундан сўнг атрофи мармар равоқлар ила иҳота қилинган. Ўртаси фаввора – шодирвонлик, ери мармар бир ҳовли ва анинг қибла тарафинда, ниҳоятда катта бир жомеъни бевосита орқасинда Тунча наҳри оқијор. Ва устинда

узун бир тош кўфрук бино қилиб, бу маҳаллаларни асл Адирна шаҳрига рабт қилингандур. Жомеъ майдонининг бир тарафида 200 газ узунликда, 30 газ баландлиқда мармар бир иморат борки, бир неча қитъаларга бўлунуб, жомеъ ва мадраса ва шифохонаси учун вақтинда ошхона эмиш. Муҳорабадан бери ош йўқ. Майдонни бошқа тарафинда узунлиги 300 газ, эни 60 газдан зиёда ерларни босган кўп мармар иморатлар борки, мадраса ва шифохонадан иборатдур.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 2 август. №41.

41-рақамдан мобаъд

Мадраса бутун хароб ва ичинда бир неча жонлик жамоддан бошқа нимарса йўқ ва Бухоронинг Баҳоуддин живориндаги Амир Дониёл мадрасасидек харобдур. (Амир Дониёл мадрасасинда жузом-моҳовлар тураг.) На танҳо Бухоро ва Адирна, олами исломнинг аксари мадрасалари шундай хароб ва ҳашаротхонадур.

Султон Боязид шифохонаси ал-он мажнунхонадур. Ичига кирдуқ. Катта бир иморатда аёл девоналар ва бошқа бир иморатда эркак мажнунлар тураг. Бир тарафида табиб ва ходимлар ва дигар тарафинда кўп ҳужралар борки, энг қўрқунч девоналарни бирин-бирин ҳибс қилинибдур. Девоналарни ҳар бири бизларга бир нав ҳаракат этар, баъзиси қулар, яхши сўйлар. Баъзиси сўқар, наъра ураг, дигари йиглар, мадад истар. Хулоса, ажойиб бир манзара ичиндамиз.

Султон Боязид жомеъининг музайян ва зумуррад рангидаги мармардан меҳроб ва минбари ва у тошларга ўйилган манбит ва нақшлар ва муқарнас меҳроблар инсонни ўзиға жазб этар. Масjidни-да ва атрофинда ҳар нимарса бор, ёлғуз одам йўқ. Масjid атрофи мурдор ва ҳар тараф ифлослиқдадур.

Жомеъ ва мадраса ва ошхона иморатларига булгор ўқлари тегиб, енгил заарлар этибдур.

Адирнанинг ҳар тарафи харобазор ва, ҳатто, шаҳарнинг ўрта ерларига вайроналар бордурки, бунларнинг аксарига муҳораба сабабдур. Муҳорабадан муқаддам мунда юз мингдан зиёда ҳалқ бор экан. Энди 40 минг киши қолибдур. Булгорлар ёндургон баъзи қишлоқлар бутун бўш эмиш. Ясмана қишлоғи беш юз хоналик экан. Энди 5-6 хона қолибдур. Хулоса, Адирна ниҳоятда хароб бўлубдур. Сув, ер, тупроқ маъмур, лекин одам оз, 13 мартадан 10 июлғача бу шаҳар булгорлар қўлинда қолиб, мусулмонлари кўп азият чекибдур. Қуввати етгани, ҳар нимарсасини ташлаб қочибдур. Энди навбати ҳижрат булгорларга етиб, мусулмонлар бутун Адирна вилоят-областидан булгорларни қувибдурларки, бу кун вилоятда бир уйлик булгор қолмабдур, яъни Булгория тасаруфинда қолгон мусулмонлар Туркияга, Туркиядаги булгорлар Булгорияга ўтибдурлар. Насороу яҳудийлар тарафидан ёлғуз Адирна шаҳрида 166 майхона очилиб экан. Адирна волийси Ҳожи Одил афанди мунинг аксарини ёпдурмиш ва ҳаммасини ёшмоқчи экан, кўнсуллар мудохала қилибдур. Туркларни бир дорулмуаллимилари бўлуб, ал-он 105 талабаси борки, ҳаммаси лайлидур. 200 талаба учун ер бўлуб, мактаб уч табақадур. Ошхона, таомхона, ҳаммом, машқ ва ижтимоъхоналари бошқадур. Атрофида чорбоги-да бор.

Мактабга 12 муаллим ва бир ҳикматхона-да бордур. Булгорларни олган бир олчинлик тўп ўқлардан бир нечасини мунда қўюбдурлар.

Мундан бошқа мактаби сultonий, саноеъ, дорулайтом (урушда етим қолганлар) ва рушдий ҳамда 17 боб мунтазам ибтидоий мусулмон мактаблари бордур.

Яҳудий мактаблари бошқа бўлуб, Адирнада икки минг уйлик яҳудийнинг 2100 талабалик мактаблари бўлуб, барча мусулмон шогирдларини адади 2100 га етмас экан. Мундан бошқа рум ва насороларнинг бир неча мактаблари бўлуб, яна икки олмон, икки франсуз, бир италян, бир инглис мунтазам мактаби ва бир франсуз хастахонаси бор экан.

Адирнада савдо ва тижорат бутун яҳудий ва насоролар қўлинда бўлуб, ёлғуз ҳукумат ва ўлмоқ мусулмонларгандур. Катта раста ва чорсуларни кездим, 50-60 дўконда зўрга бир мусулмон лавҳаси (вивеска) кўрулуб, аксари «Юҳанна», «Шолом», «Ниқўла», «Ўрхайд мијос» ва амсоли яҳудий, рум ва насоро исмларидур.

Елдирим Боязид Султоннинг жомеъи шарифи бутун хароб бўлуб, ичи мазбалагоҳдур. (Ана, мусулмонлик.) Ва зариф ва якпора нуқрадек тахта санг ва мармар стун ва муқарнас бошлиқ порулар остиндадур. «Инналлоҳа ла юғайириу ма биқавмин ҳатта юғайириу ва имма бианфусиҳим».

Адирнада Минхолбек жомеъи. Уч шурфали жомеъ ва бошқа бир хейли музайян жомеъларни атрофи бутун ҳарб харобаси, илмсизлик ва идорасизлик харобалари ила иҳота этилгандур. Маориф боғчаси, Рашодия боғчаси исминда кичик ва зийнатлик боғчалари бўлуб, ичинда яҳудийлар тарафидан синаматографлар очилиб, кундуз хотунларга, оқшом эрларға кўрсатилур. Бечора мусулмонлар бу касбни ҳаром, деб қилмай, аммо боргина пулларини гуноҳ демай элтиб берарлар. Ана, аҳмоқлик.

Адирнада ҳар нав мева ва галладан етишиб, суйи кўпдур. Мерич ва Тунча наҳрлари шаҳар ичидан ўтуб, мусулмонлар устинда бир неча кўфруклар бино этибдурлар ва бавоситай Адирна бу икки наҳр бир-бирига қоришур. Ал-он темир йўл маҳаттасига Адирнани 4 чақирим масофатида овруповорий янги бир шаҳар бино қилинибдур. Ва асл шаҳарға тош ва соядор бир йўл ила марбутдур.

Адирнада бир кун туруб, тамоман ароба ила юруб, оқшом маҳаттага келдук. Ярим оқшом оташаробага ўлтуруб, эрта бирлан Чатолчадан ўтдукки, ҳар тарафи ўрва истеҳком ва аскар чодиргоҳидур.

Йўлда арози пасту баланд, аммо ўтлик ва зироатдор ерлардур. Таранда доимо яроқлик пўлис ва жандармалар бўлуб, тарандаги одамлар исми ва паспуртини ёзиб турадурлар. Демакки, туркларни кўзи очилди. Аммо баъда харобин басариҳи. Кундуз соат 10. Истанбулға тушдук. Вагондан тушганда бири Оврупо, дигари ерли либосинда икки шақириб, кимни уруб эдилар. Аммо лутфи ҳақ ила огоҳ бўлдум.

«Ойина». 1914 йил 10 август. №42.

42-рақамдан мобаъд (Истанбул хотироти сўнгра ёзилур)

19 шаъбон – 21 июнь франсуз попури-ла зиёрати Қуддуси шариф ва Барруш Шом учун Байрутта азимат этдим. З-мавқе 9 сўм. Баъда аз-зухр соат 5(да) ҳаракат этди. 2 соат юрармиз. Ҳануз Истанбул шаҳрига муттасил хоналар, кўйлар мавжуд, яъни ўнгда Истанбул шаҳри ва сўлда Осиё қитъаси сузулур. Бўғоз ичинда оқ чодирлик балиқчи қайиқлари хейли кўб бўлуб, денгиз қушлари-дек гашту гузор этмақдадурлар.

Оқшом денгиз юзи ойдинлик ила гўё қумуш қопланди. Ва поёнсиз қумуш мавжлари ичинда парахўдимиз сузулур. Маркаби баҳриямизга яҳудий, турк, араб, туркистоний, насоро, хулоса, Байтул Мақдисни(нг) ҳар диндан ҳожилари бордур.

Бир неча туркистоний биродарлар аёл ва болалари ила ҳажга бораарлар ва тўрт оила Фаргона ҳалқидан ҳижрат этиб кетмоқдадур. Паражўдга бизни(нг) Туркистон аёлларини(нг) аҳволи ниҳоят қаттиқ ва асафлиқдур. Бу ҳанжор ила аёлларни судрамоқ ва аларни оёқлар остида ва парахўдни энг ёмон жойларида саҳламоқ, «дум»ларига ўралтуруб, парахўд нардбониндан йиқитмоқ... гуноҳдур. Ҳамда аларни боиси кулфат ва азият ва касалликлари бўлур. Бу бечора аноларимизни бу ҳолат ила келтурулмаса яхшидур. Фаранжи-чоршофлари бўлсун, бу «дум»-«қуириқ»лар нимага керак? Қирқилсун бу думлар, токи азият ва меҳнатлари озайсан.

Баъзи ҳожиларимизни(нг) киссаларига ақчалари бўлуб, сарф этмасликлари ва ёлғондан, биз мискин, деб ҳаммол ила ва бир-икки ғуруш расм олатурган карантин ва бандар маъмурлари ила урушуб юрганлари боиси таассуфдур. Баъзилари бир ой муқаддам Туркистонға пишурилғон сассиғ гўштлар еб, касал бўлурлар. Ҳаво иссиг, мaa фийҳи қази ва от гўшти еярлар. Бир қисми нонни қаланғурға ботуруб, устидан чой ичиб, охири қабзият ва касал бўлур. Кошгарий ҳожи афанди қариндошларимизни(нг) касал ва ифлослиги кўб кўрунур. Бу сўзларни айтиб, ислоҳ этмак керакдур.

Кун чиқар. Чаноққалтъа бўғозидан чиқармиз. Паражўд турди. Турк маъмурлари муойяна ва таҳқиқ этиб, жавоб бердилар. Тўпларни оғзи бизга мутаважжиҳдур. Бир неча ҳарбий парахўд ҳам бор. Тўпларнинг оғзи аждардек очуқ ва устинда тўғчилари-да

бордур. Денгиз остинда мина, яъни жаҳаннам мосиналари-да бордур. Паракүдимиз бандардан ўтуб, ҳанграб-ҳанграб йўлига давом этди. Энди, Оқ дengiz, яъни Баҳри Абязи Мутавасситдамиз.

Чошт бўлди, Ядалла жазирасига етдук. Бу жазира Юнон ила Турк аросинда мутанозеъ фиҳидур. Осиёи Усмонидан бу жазира тор бўғоз ила ажралгандур.

22 июн, соат 6. Измир кўрунди. Кўрфази узундур. Измирдан бир қайиқ келиб, минасиз жойлардан паракүдни Измирга яқин олиб борди. Бир неча ҳарбий паракүдлар-да бордур. Шаҳарда электрикли трамвай ва шаҳарни юқори тарафига чиқилатурган осонсур-элеватёр йўли бордур. Атрофи боғчалик ва обод бир шаҳардурки, Истанбулни Ускудор қисмига темир йўл ила марбутдур. Бу замон устимизда бир турк тайёраси учуб, муаллақ урмоқда ва ердагилар «Яшасун...» садоси-ла гурламоқдадур.

Паракүдимиз ишини тамом қилса ҳам турпил-миналардан қўрқуб, оқшом юролмай қолди. Измирга етмасдан, дengiz каноринда мустаҳкам ҳарбий қалъя-да бордур. Измирға 500 минг қадар халқ бордур, атрофи илан.

Эртаси кун чиқған сўнгра паракүдимиз юрди. Бироздан сўнгра Сақич жазирасига етдук. Бу-да Осиёи Усмонийга ниҳоят(да) яқин ва баъзан ораси икки минг қадам қадар бўлиб, Туркия ила Юнон орасинда мутанозеъун фиҳидур. Туркияning катта паракүдлари келгандан сўнгра бу жазиралар устинда уруш бўлуши муқаррардур.

Попурда бир неча Мадинаи мунавваралик араблар-да бордур. Бириси ҳарами шарифни(нг) муazzини эмиш. Сўрашдум, ул деди: «Ҳарами шарифи набавийда 150 мударрис, 200 дан фазла имом ва хатиб бўлуб, аксарини ойига 216 гурушдан, суфийлардан қирқини 120 гурушдан ва қолмаларини озроқ вазифалари бор экан. Ал-он ҳарами шарифи набавий электрик ила танвир топилиб, боблар, миноралар ва дару деворни оқшомлари минглар ила чироғлар ва ҳам ҳадис ва калимоти шарифани чироғ нурлари ила ёзib, танвир қилдуар эмишлар, яъни ҳарами шариф бир жаннатдурки, инсонни чиқғани ва кўз айиргани келмайдур.

*Я хайра ман дағанта фит-туроби аъзам,
Фатоба мин тайийибҳинна ал-қоъ ва-л-акам.*

*Нафси фидаун лиқабрин анта сакинууху,
Фийҳи-л-аъфоф ва фийҳил жуд ва-л-карам²⁹.*

Бадавийлар ал-он темир йўл нафини билиб, хурсанд эмишлар. Ҳатто Макка йўлиндаги бадавийлар аросинда темир йўл устинда талош бор эмиш, яъни ҳар бири бизни тарафдан ўтсун, дер эмиш. Мадинаи мунаввараада араб шиъалари бўлуб, аксари қассоблик ва деҳқонлик ила машғул ва масжидлари йўқ эмиш. Мадинаи мунаввара шаҳри темир йўлдан сўнгра обод бўлуб, катта бўлмоқда ва муҳожирлар ҳар тарафдан кўпаймоқда эмишлар. Мадинаи мунаввараада бино қилинатурган дорулфунунга араблар яхши кўз ила қарап эмишлар. Ва Туркия ҳукуматига муҳаббатлари яна зиёда бўлган эмиш. «Ан-назофату мин ал-иимон»³¹ эди. Аммо бизлар-да эмдиллик ҳолда, назофат юзда бир кишигадур. Паракўддагиларни аксари, балки ҳаммаси нос, попирус, чилим чекар. Ҳар тараф дуд, бадбўй ва ифлослик. Темир йўлда бу бадбўйлик яна зиёда бўлар. Денгиз иккигина қадам экан. Яна пустхўрда, пиёз ва узум пўчоги ва бошқа нимарсалар ила биз ҳожиларни атрофимиз тўладур.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 16 август. №43

43-рақамдан мобаъд

23 саратон эртадан оқшома қадар Осиёи Усмоний ерларини чап тарафимиизга олиб, бинафшаранг сув саҳосини поёнсиз мавжлари орасидан сузулармиз. Ҳар замон бир жазира ва баъзан балиқчи қайиқларига учрармиз. Эрта бирлан тулуъ ила баробар икки қулочгача балиқларни бир-бири ила ўйнашгани ва бу ҳур ҳайвонларни ҳаракати шоён томошадур.

²⁹ Маъноси: «Сиздек улуг инсон ушбу тупроқда дафн этилгани учун бу жой пок ва чиройли, файзли жойга айланди. Сиз ётган қабрга жонни фидо қилмоқ яхши, чунки бунда поклик ва карам, саховат бор».

³¹ Тозалик иймондандир.

Параҳұдимиз 24 июнь Рүдус жазирасига турди. Бир италян дүхтури одамларни муояна учун суруклаб, бириң-бириң олдидан ўткарди. Италян пулиси нардбонга турар ва ондан рухсатсиз бир киши жазирага оёқ босмас. Тараблус мұҳорабаси вақтінде 12 жазираны Ұсмонлидан забт этиб әди, буларнинг бирирудур.

Италяннинг икки ҳарбий фўлодлик параҳұді жазирани қўруқлаб турубдур. Параҳұдга бир неча кафказлик черкас мусулмонлар ҳажи шарифга кетарлар. Русча ва черкасчадан бошқа тил билмайдурлар.

Русча: «Сан насоромисан?» – деб сўрадим. У қадар оташин бўлдики, кўзлари ила мани ерди. Жавобига: «Черкас ҳаммаси мусулмон, христиани йўқ, билмаюрмисан?» – деди. Сўнгра ман узр истадим.

25 саратон Қибрис жазирасини ўтдук. Бу туркларники әди. Энди инглиз тасарруфинададур. Икки кундур ҳам иссиг ҳамда туш вақти бироз фўртана ўлур.

Икки қариш узунликда пишакдек катта бир каламушни попур хизматчилари қувадурлар. Каламуш одамлар ва юклар устидан қочар, тутуб бўлмайдур. Қуватурган хизматчиларни адади кўпайди. Ани ҳар тарафдан иҳота этдилар. Қаҳрамон каламуш охири йўл топиб, ип нардбондан юқори чиқди. Хизматчиларда орқасидан чиқди. Каламуш бошқа тарафдаги 20 газлик нардбондан тушуб, параҳұд ичига қочиб қутулди. Матрослар-да лабини ялаб қолди.

Бу кун 5-кундур, параҳұдгамиз. Ҳар ким зериккан. Оқшом соат 11, Байрут соҳилига етдук.

Байрутни ҳар тарафи чарагон электрик нурлари назар жазб этар.

Параҳұдга ётдук. 26 июн эрта бирлан қайиқ ила чиқдук. Тараблус мұҳорабаси вақтида италянлар ботурган бир турк параҳұді шаҳардан юз қадам (нарида) дентиз ичинда ҳануз ётар.

Бир соат таваққуф этдук. Оташароба ҳозирланди, ўлтуруб Шоми шарифга жўнадук. Бир-икки кичик тунел ва тош кўфружлар остидан ўтуб, икки тарафи боғчалик ерлардан кечармиз. Ҳамма ток, зайдун, анор, хурмо, анжир, патак анжир боғчаларидур.

Экин жойларға ҳар уч газга бир тут ниҳоли ўткарулубдур. Ҳар йил бир-икки дафъа тутларни шохи ўрулуб, испак қурти ва ё ҳайвонатга берилур экан. Барги аларға тұйма ва чўби ўтун бўлур. Тутни

фақат танаси қолиб, әкинға соя солмас. Мундай тут ва ости әкин майдонлари ниҳоятда күпдур, бўш ер йўқ. Боглар темир йўлга у қадар яқинки, меваларни оташароба устида узмоқ мумкиндор.

Иккинчи маҳаттадан Жабали Лубнон аёлат мумтозасига киравмизки, бу ер насоро ва араб бир бек тасарруфиға бўлуб, Туркия ҳукуматига тобеъдур. Халқи араб насородур, бироз мусулмон-да бор, ҳаммаси араб либосиндадур. Оташароба доимо баланд тоғларға эгри-буғри йўллардан чиқар. Темир йўлни ўртасинда яна соат чархидек дандоналиқ бир темир хати борки, вагонларни сахлайдур. Бутун Жабали Лубнон қишлоқ ва қасабалари хушҳаводур. Тоғларни тепа ва ямоч ва сойларинда ёйилган ва яхши ерларинда аъло сайфийя боғ ва уч-тўрт табақалик тош оврупойи иморатлар бино қилингандурки, Миср тарафиндан бойлар келиб, ёзни мунда ўткаарлар. Мева-да кўп.

З соат юруб, тог тунелларидан ўтуб, Жабали Лубнон ҳудудидан чиқдук. Эмди Шом ерларигамиз. Очиқ бир водий, ҳар тарафи боғча ва әкин ер, ҳар нав мева ва чашма сувлари ниҳоятда кўп. Араб болалари мева сотарлар ва бизни Туркистондек меваси арzon, ери қизил кесакдек қизилдур. Салқин ва соғ бир ҳаво ютармиз. Токларни аксари, балки ҳаммаси лалми ва токларни бир-икки қулоч тана – зирнаги бўлуб, учидан шоха қўюлган, яъни токлар ерга ётган дараҳтдекдур.

Бир-икки маҳатта бу кенг водийдан ўтуб, яна оқ ва қизил ранг тоғлар орасига кирдук. Тарафайн баланд тоғлар, ўртасидан бир наҳр оқар. Наҳрни икки тарафи муттасилан боғчалар, кўй ва қишлоқлар, беш-үн маҳатта бу латиф манзаралардан ўтармиз. Музлик сув чашмалари. Араб болалари чашмалардан тўғри сув олиб, мусофириларга сунар, биз-да баҳшиш берармиз.

Шомга икки маҳатта қолди. Шом сайфийлари ва кибор халқи учун қилингандай жавлонгоҳ ва қаҳвахоналар, умумий ва табиий боғчалар орасидан кетармиз.

Хулоса: баланд тоғларни ямочиндаги боғча ва ўртасиндаги шаффоғ наҳрлар орасидан ўтуб, Шоми шариф шаҳрининг маҳаттасига етдук.

«Ойина». 1914 йил 23 август. №44

Шоми шариф махаттасига индим. Бир неча туркистоний, бухорий, эроний ва араб даллол ва нумер – ўтел хизматчилари атрофимни олдилар. Ҳар бири юкларимга қўл узатмоқда ва юкларни олмоқ учун бир-бири ила сўкушмоқда ва ҳар бири тумшуқунгни остига суғулуб, ўз манзилига сени таклиф этиб, бошқасининг манзилини ёмонламоқдадур. Чарчаган кишини яна кулфат бериб, номулойим ҳаракатлари нерв-асабингга тукинадур. Ўн қадар бу мусофиirlар сайёдини ҳар бири ила ғовға этиб, қўлларидан нимарсаларни тортиб олиб, ҳаммолга кўтартуруб, аробага қўюлди.

Яна орқангдан қолмайдурлар. Бириси дер: «Ман эроний ва санга ҳамشاҳардурман, сени ўз манзилимга олиб бормоқга ҳаққим бор».

Ман дедим: «Фақат кулоҳим эронийдур». Мaa фийҳи атрофингдан кетмайдурлар. Дедим: «Сизлар бу мамлакатга келиб, шу қадарми одамгарликдан чиқдингиз?»

Сўз таъсир этмас. Бири ароба ичига, дигари аробачи ёнига минди.

Ман дедим: «Ҳеч биiringни ўтелингга бормайман, модомики, сизлар бу қадар адабсизлик қиласиз». Қулогига олмас.

Ароба жўнади. Аммо аробада икки нафар ҳожи сайёди. Аробачига дедим: «Бу иккисининг ўтелига кетма. Балки шаҳарнинг ўртасинда ва энг аъло бир ўтелга ҳайдади». Аробачи арабча: «Бир-раъси валайн» жавобини берар. Бир хейли ҳайдади. Бирисининг ўтели олдидан ўтдук. Аробани саҳлаттурди. Нимарсаларни ўз ихтиёри ила тушурмоқчи. Лоилож қўлум ила, шамсия ила ўтелчининг туркистоний хизматкорини урдум, азбаски ҳайвонча этиб сўкмоқ ҳам кор этмайдур. Бошимга салла, энимда жома йўқлиги анинг шарридан қутултиргди. Агарда ҳожи либоси ила бўлсанг, бу нобакор даллолларни бандаси бўлдунг-кетдинг.

Бироз нари кетиб, аробачи ёнига ўлтурган арабнинг ўтелига индим.

«Дор ус-сурур» ўтели З табақалиқ боянда ва фаввора ва ҳар нав гулистанлик таомхона ва чойхоналиқ, усти шиша ва ости мармар фаршлиқ аъло бир ўтел. Чиқиб кўрдум. Ман хоҳлайдурган

хұжра йүқ. Үтедан чиқиб қарасам, аробадаги юқ устинда ушбу үтел хизматчиси ила бошқа бириси урушубдур. Пўлис ҳозир бўлуб, мудоҳала қилмоқда.

Пўлисдан сўрадим, мусулмон мулки ва мусулмон ижарасиндаги 3 табақалик ости мармар, усти шиша аъло бир үтел кўрсади. Ангилтара үтели мусаффо, карават ва асбобликдур.

2-табақадан бир ҳужрани етти фуруш, яъни 6 тийинга олиб кирдим. Үтел ходимлари ва ҳамشاҳрий даллолларни маҳаттада ҳожиларга бературғон азиятлари таҳаммулдан зиёдадур.

Шоми шариф үтеллари аъло ва арzonдур. Таом ва мева-да арzon. Үтелларга фаввора ва деворлар орасиндан ҳожатхона ва ошхоналарда мил ила келтурулган жорий сувлар доимо бордур. Ҳар үтелда мажоний совуқ ҳаммомлар ва аъло таомлик ошхоналар ва ҳар ҳужрага сув ва мажоний собун ва сутдек ётоқ пардалар ва дастмоллар ва карават устинда оқ турун (пашшахона), электрик чироғлар, хулоса, асбоби истироҳат мукаммалдур. Миср, Истанбул, Шом ва Байрут нумерлари арzon ва энг аъло ва мукаммал ва ёлғуз кишига бир уйи бир ярим сўмдан 50 тийингачадур. Баъзи уйға 3-4 карават борки, 20 тийиндан 50 тийингача, ҳар каравати ижараға берилур.

Ҳожилар учун дуруст манзилға кирмоқ муҳим масаладур. Даллоллар сўзига кириб, кир ва таҳтаканалик жойларға бормоқ дуруст йўқ. Аммо бу қадари борки, бизни баъзи ҳожилар давлатлик бўлсалар ҳам, таблик ифлос, мажоний такя ва, ёинки, ниҳоят арzon, мурдор ерларни таржиҳ этарлар. Бизни ҳожилар йўлда аксарияттан у қадар кир бўладурларки, дуруст үтелларга боргандага ҳам қўймайдурлар.

Шоми шарифда мажоний такя ҳам бордур. Одам бошига 15 тийин оладурган жойлар-да бор. Даллолларни ҳожи овламоги бутун искала ҳам вокзолларда жорийдурки, бу овчиларни(нг) аксари, балки ҳаммаси ўзимизни бухорий, туркистоний сарсари ҳамشاҳарларимиздур. Табиий, ичларинда тўғриси-да бор, аммо аксари кazzоб ва алдовчиидур. Ҳожиларни шайтанат этиб, баъзан Истанбул ва ё Шомдан Макка ва ё Миср учун тижорат моли олиб берарлар. Ватанга савғо олиб борарсиз, деб ҳожиларни оғур қилиб, мол олиб берарлар. Ҳожиларга лозимки, қайтишга кераклик нимарсаларини олсалар ва ҳожиларни доимо қушдек

енгил бўлушлари лозим. Ҳар ердан нон ва таом топилур. Тўрбаларга қоқ нон ва талқон кўтармоқ кулфатдур.

Бир-да пул масаласи бор. Ҳар бир ҳожига лозимки, мамлакатидан ёнига юз сўм сақлаб, бошқасини бонкага бериб, Одес, Севастопул, Ботум, Истанбул, Байрут, Шом (Дамашқ), Қуддус (Иерусалим), Қоҳира, Искандария, Пўрт Саид, Жидда шаҳарларидан истаганимча оларман, деб бонкадан аккердитив исминдаги ҳаволанома қофоз олсун, бу тақдирга бонка ҳар бир минг сўмга З сўм қадар масориф олур ва ҳам берилган пулга бонка фойда берар. Олган кунигача пулни бонкага беришга паспуртдаги исмини айнан бехато ёздумроқ керак. Қўли бор одамни қўлининг намунасини тейишили бонкларга аввалан юборилур. Пул эгаси, масалан, Истанбулдан бориб олмоқчи бўлса, яна қўл қўйдуруб, аввалги қўл ила солиштуриб кўрадурлар. Агарда қўли бошқа чиқса, пул берилмайдур, балки тафтишга берилур. Ва ҳамда пул эгасининг қўлига бир дафтар ва бир тахта бланка қофоз берилур. Бу қофозлар ила бошқа одам борса, ақча ололмайдур. Агарда пул эгаси ўлса, ақча ҳамроҳларга ва ё даллол ва байтулмолга қолмасдан варасага тегадур ва ҳам ўғридан хотиржам бўлуб, ҳожитинч бўладур. Аммо зинҳор биронни қофози ила бошқа киши бонкдан пул олмоқчи бўлмасунки, тергов ва ҳибсга тушуб, ҳаждан ва йўлдан қолиб, жазо чекар. Туркия ва, ёинки, хорижия бонкалари ё қофоз ақча ва, ёинки, ақча бозорининг нархи юзасидан ҳожи талаби бўюнча Туркия олтуни ва, ёинки, франсуз, инглис ва, ёинки, Миср олтун ва ё қофоз ақчасини берарларки, ҳар ерда ўтар. Аларни синдургонда бонкаларга синдурмоқ керак. Чунки саррофлар саррофини кўб олур. Ва ҳам тезобга солинган ноқис олтунларни берарки, кам юрар.

Шоми шарифга келган ҳожи афандилар «Қуддус» ўтелиға тушсалар, мамнун бўлурлар. Махаттага ва шаҳарға яқин, пиёда бормоқ-да мумкиндур.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 30 август. №45

Шом шаҳрининг асл оти Дамашқдур. Шом исмининг асли «Шаъмун» бўлиб, арабий сўл, яъни чап маъносини ифода эттувчи ва Яман қитъаси муқобилинда, яъни Ҳижози мағфират тарозга нисбатан чап тарафда воқе бўлган мамлакатга араблар тарафидан берилган бир номдур. Бутун мамлакатни «Барруш-Шом – Сурия» ҳам аталиб, нафси шаҳарни ўзини «Дамашқи Шом» атала дур. Ушбу шаҳр Қосон ва Жабал уш-шайх тоғларининг тагидаги ҳаводор бир водий – сойга ва яшил боғчалар аросинда воқедур.

Қосондан инатурган Барди наҳрининг барроқ ва латифул-ҳамимлик муз суйи бир неча ариғлар ила шаҳар ва атрофини сувлайдур. Ушбу сувдан Шомни аксар ҳовли ва уйлариға фаввора ва таҳвили маъ ила, ҳатто, ошхоналарғача жорий сув келтургандур. Шаҳарнинг бир қисми Аммора ва бир қисми Салоҳия аталур. Шаҳарда уч-тўрт табақагача иморатлар бўлуб, ахийран йўл ва ободликиға ҳукумат ҳаракат этибдур. Шаҳар Сурия вилоятининг марказ ҳукумати бўлуб, Туркиянинг Осиёи Усмонияга биринчи шаҳридур. 200 минг қадар халқи бўлуб, 170 минг муслим ва бағияси рум, катўлик, прутистант, сурёний ва олти минг қадар яҳудий бўлуб, бу халқнинг барчаси хоҳ мусулмон ва гайри-мусулмони арабий сўйлайдурлар.

Шаҳарға 300 қадар жомеъ ва кўб эски мактаб ва бир неча эски мадрасалар бордур. Янги мактаблар бўлса, шундан иборатдур: ҳукуматнинг мулкий эъдодий, мулкий аскарий, мулкий рушдийя, аскария рушдийя, сultonий туркий, сultonий арабий ва яна бир неча ибтидоия мактаблари бордур. Ҳукуматнинг яна бир «Мактаби саноёй»и ва икки катта кутубхонаси бордур. Нафси шаҳарда бир неча матбаа ва 2-3 жаридা чиқар. Халқ ва жамият тарафидан идора қилинатурган арабий ва ислом низоми мактаблари ушбуудур: Ватан эъдодийяси, Мадраса ат-тараққий рушдийя, Иттиҳоди рушдийя, Суқ ат-тийн рушдийя, Мадраса уш-шарқия рушдийя, Таълим ул-ватания рушдийя ва яна булар учун бир неча ибтидоия мактаблар. Шаҳарда мусулмон араблардин ажзаъхона – алтик бор. Ва ҳар ерда мусулмон дўхтурларнинг лавҳалари кўрунур. Мусулмонлар қўлинда муз фабрикаси, тамбоку ва попирус, најжори ва садафкори йигоч ишлари фаб-

рикаси, ипак фабрикаси, ҳарир бофи фабрикаси ҳамда пиша фабрикаси бордур. Жомеъларининг биринчиси ва балки Макка, Мадина ва Құддус ҳарамларидан сўнг шарафлик ва музайян жомеъи – Умавия жомеъи шарифидур.

Шаҳарға кирган кунни(нг) эртаси зиёратига мушарраф бўлдум. Бу жомеънинг асл еринда эски бир маъбад ёинки бутхона бор эканки, сўнгларни калисоға табдил ва ҳароб бўлуб экан.

Хулафои Умавийядан Валид бин Абдулалик бин Марвон тарафидан санаи ҳижрияниң аввалинчи юзинда ушбу назирсиз жомеъи шариф бино қилинган ва дунёниң биринчи музайян ва санъатлик жомеъидурки, мухтасар ва сатҳий суратда муҳтарам хонандалар учун кайфиятидан ёзармиз.

Аввалан ҳар тўрт тарафи баланд тоқуравоқлар айлантурган ва мармар сайқал берилган тошлардан бино қилинган катта бир мурабба ва мустатил ҳарамга кирилур. Ҳарамни(нг) ичи тамоман сайқал берилган мармарлар ила фарш бўлуб, сафоси ва тозалиги муболагасиз, сут тўкулса, яламоги мумкин даражададур.

Ҳарамни(нг) барча тарафи бозор ва раста бўлуб, ҳар тарафидан бир неча дарвозалари борки, ҳарамга киратургон хоҳ аёл ва эр бўлсун, кафш ва этикларини сугурууб киарлар. Ва ҳар тарафинда доимо баввоб ва худомлари бордур.

Ман калушни чиқориб, этик ила ҳарамга кирдимки, орқамдан ўн қадар араб болалари эргашиб, «Ихлаъ, ё ҳожи, ҳарам», деб безор этдилар. Охири, чиқармоқга мажбур бўлдум. Уч тарафиравоқ ва бир тарафи масжидни муштамил. Ҳарамни(нг) узунлиги 240 газ, эни юз газ бўлуб, ўртаси мармар саҳндор. Ва саҳн ўртасинда ҳаштсу бир мармар – фаввора шодирвонлик жорий ҳавз бор. Ва ҳарамни ҳар тарафинда бир неча фавворалиқ вузуль маҳаллари бордур. Асл жомеъи шариф ушбу ҳарамни қиблла ва тулоний тарафинда бўлуб, нафси жомеъ ичининг тули 210 газ, арзи 58 газ бўлуб, масжидни ичинда якшора қирқ дона мармар стун бордур. Ҳар бир мармар стунлар яна мармар равоқлар ила бир-бирига марбут бўлуб, яна бу равоқларни ҳар бири устида ажойиб суратда икки донадан равоқлар ясалиб, анинг устинда масжидни сақфи бино қилингандур. Масжидни тўрт тарафи ердан 8 газ юқоригача деворлар мусайқал, гулдор ва жавҳардор оқ ва қўқ ва қора аъло жинс катта ойнадек жилолик самоқ ва

мармарлар ила бино қилиниб, бу мармарлар ундај усталик ила бир-бирига васл қилинибдурки, дарзини топмоқ мушкулдур.

Узунлиги 4-5 газ, эни 2-3 газ мармарларни устига қозма ва қабартма мунаббат, ислимий, гирең ва нақшлар қозилиб, бизни мамлакатда ганч устинда деворларга намоя, меҳроб, ироқи, муқарнас, мунаббат, морпеч ... қылғанлариdek рахом устига ажойиб нақшлар ўткарибдурларки, инсонни ҳар бир тош ўзига парастиш этар даражасигача тасхир этар. Ҳар нақадар дикқат этсанг, ул тошлардаги мусулмон санъати ул қадар ортиқча жилва этар, гүёки ҳар бир тош бир санамдур. Стун бошлиқлари у қадар санъатликдурки, кўрмагунча инонилмайдур. Масжиди шариф деворининг қалинлиги 4 газ бўлуб, қибла тарафидан бозорга қараган музайян бир эшиги бордур. Масжидга 2 меҳроб бўлуб, ҳар бирининг баландлиги 8 газча бўлуб, меҳробларни икки тарафинда ва ичинда ҳамда устинда мармар ва жавоҳирлик мусайқал тошлар устиндаги қозма ва қабартма нақшлар инсонни дучори ҳайрат этар. Бутун меҳроб ва атрофидаги тошларга холис олтун қабартмалар ила оят ва ҳадислар ёзилган садаф, ақиқ, зумуррад ва забаржад тошларидан чархи ишлаб, мармарлар устинда мош ва нахуддан бошлиб данак катталигигача майда, шундай музоқи ва кошинкорилар этганки, ўзбекча сўйлайнин, бир табоқдай жойига бир соат қараган ила кўруб тамом қилолмайсан. Инсон ўзини бир олам ҳунар, бир дунё санъат ичинда кўруб, аввалги мусулмонларнинг дин йўлинда этган сайъ ва қилган ихлосларининг ҳамда ҳунар ва нафис санъатда этган тараққийларининг ва сарф этган пул ва гайратларини ўйловига гарқ бўлуб, кўзи тинар ва ҳеч нимани кўрмас даражасига келур.

Ё Раббий! Мусулмонлар ва у бадавий араблар бу қадарми аҳли санъат бўлдилар? Илоҳо, бу на хориқадур. Бир сўз ила та мом этайин. Роқими ҳуруф Ҳинд, Эрон ва Испания жомеъларидан бошқа ислом оламининг барча жомеълари зиёратига мушарраф бўлдум ва, аммо, Жомеъ Умавийядек зийнатлик ва осори нафислик бир жомеъ кўрмадим. Ёнимда америкойи насоро бир сайёҳ бўлуб, турк бир таржумони-да бордурки, соатлар ила ушбу меҳроб ҳузуринда эди. Бироз сўйлашдук. Ул деди: «Ҳинд, Испания, Эрон ва Туркияни, хуласа, Ҳижоз ва Хитойдан бошқа бутун Шарқ оламининг жомеъларини ва осори нафисасини кўрдум.

Аммо бу жомеъдаги араб санъатининг бошқача мазийяти бордур. Италия ҳайкалтарошлиқ-да дунёда биринчидир. Аммо арабларнинг маънайи саҳиҳи ила бу диний «ҳайкал»лари (мехроб ва минбарни кўрсатиб дер) ҳар бир санъатни ма фавқидур. Санъати нафиса ила жазбийяти руҳония қувватлари бир бўлуб, инсонга турфа ва ажойиб таъсир этар. Ва бир ҳафтадан бери ҳар куни келиб қарайман, яна аввалидан зиёда нафис ва яхши кўрунур...»

Ана, бир амрикайининг сўзи.

Уммавийя жомеъинда икки меҳроб бўлуб, бириси нисфи шимолийнинг нисфинда, дигари масжидни том ярминда воқе бўлуб, бу меҳробни б газ фосиласида йигирма қадар зиналик ва эшик ила чиқилатурган, ҳар тарафи музайян, муталло, мунаққаш ва ўймакори забаржад рангидаги рақамлар ила шабакаланган ажойиб дилфириб ва сеҳромуз ранго-рант самоқлардан бино қилинган бир минбари шариф бўлуб, устинда чаҳортарк мунаққаш бир қубба ва анинг устинда муталло бир қубба ва анинг устинда «олтун ҳилол» қююлгандур.

Ўртадаги меҳробни сўл тарафинда масжид ичинда музайян самоқ ва мармарлардан бино қилинган ширин ва латиф, ниҳоятда сангъатлик бир қубба бўлуб, ичи ҳазрати Яхё алайҳиссаломнинг марқади шарифлари дур. Яна меҳробни сўл тарафиндаги деворинда Ҳуд ва Ҳизр алайҳиссаломнинг мақоми мубораклари бордур. Масжиднинг қиблага муқобил тарафи, яъни намоз ўқуганда орқа тараф, асл бинода фақат очиқравоқлардан иборат экан. Аммо ал-он равоқларни аксари беркилиб, 4-5 равоқга асл вусъатига мувофиқ катта эшиклар ўтқурулубдур.

Масжидни ери аъло ва мусайқал мармарлар ила мафруш экан. Ал-он қимматлик хасирлар ила ўртулуб, устинда Истанбулдан юборилган энг катта ва ранго-ранг 130 дона пати, асил қолин солингандур. Масжидни ҳар биринда садафкори санъатлик ажойиб кўп адад лавҳлар ва устинда Қуръони карим ва Ҳадиси шариф китоблари қююлган, ҳар ким ўқумоқдадур. Масжиди шарифнинг қандил ва шамдон тоқимлари кўп ва хейли зариф бўлуб, электрик ила танвир қилиб, оқшоми чироғ нурлари у мусайқал мармарларни акс этиб, яна ажойиб ҳусн пайдо этиб, гариб кайфиятда жисму жонга таъсир этар. 15 сана муқад-

дам шаҳарга воқе бўлғон бир ёнғин масжидга сироят қилиб, сақ-фига зарар келтуруб эканки, ҳозирги уст пўшиши ажойиб суратда санъатлик йиғочлардан бўлуб, ҳар нав ранглар ила ниҳоят зебо ва деворига ёқишиқ кайфиятда нақшлангандур. Таъмири ҳалойиқ ва ҳукумат тарафидан бўлубдур. Ҳарам атрофинда уч катта минора бўлуб, бири Минораи байзо ва ҳазрати Исо алай-ҳиссаломни нузуллариға мансубдур. Ҳарам саҳнида уч ерда қори ва муazzинлар учун бино қилинган мақсуралар бордур. Масжид ичига кирсанг, ҳар нимарсадан сиво бўлуб, руҳоният ва олий ҳисларга ва равшан бир мозийнинг саҳдор таъсири ила маҳвият даражасига келиб, мажбуrona убудият саждасига кетарсан. Ва Оллоҳи зулжалол даргоҳига ўзунгни кўруб, лоҳутий бир ҳолат рўй бериб, дунёни унутарсан, қалбинг, жисминг ёлғиз Оллоҳ дер (Субҳона зил-мулки вал-малакут)³⁰...

(Бақиаси бор)

«Ойина». 1914 йил 6 сентябрь. №46

46-рақамдан мобаъд

Умавия жомеъи ҳарамнинг бир тарафинда машҳур Султон Салоҳиддин Айюбийнинг қабри бордур. Бу жомеъдан бошқа 999 санаи ҳижрияда Синон пошо тарафидан бино этилган жомеъи Синония ва яна Дарвешия жомеъи, Жомеъ ат-тубий ва бошқа жомеълар ниҳоятда зийнатлик ва ери аъло гиламлар ила тўшалган, ажойиб қандиллар осилган ва ҳар бири бир подшонинг катта боргоҳидек дабдабалик жомеълардур.

Дамашқ аш-Шомнинг Солиҳия қисми асл Шомга электрикли қўша трамвай ила рабт берилган ва Шом марказига 30 дақиқалик йўлдур.

Шайхул ақбар Муҳиддин Арабий ҳазратлари ва яна кўб сулаҳонинг марқади шарифлари шундадур.

³⁰ «Мулк ва салтанатлар Эгаси покдир».

Солиҳия – Салоҳиянинг устиндаги Қосюн тогинда баъзи пайтамбарларнинг зиёраттоҳлари бордур. Салоҳиянинг ўн минг қадар ҳалқи ва аъло бир неча жомеъ ва бозорлари бўлуб, атрофи бутун боғистон ва жорий сувлардур.

Муҳиддин Арабий зиёраттоҳининг устинда олий бир иморат ва муҳмал зардўзи пўшишлар бордур. Мадхалинда ушбу байт ёзилгандур:

*Кутбул-ақтоби жаҳон ҳазрати Муҳиддинким,
Рубъи маскунда деюр ҳазратина: «Ҳазрат шайх!»*

*Хотами аҳли вилоятдур у гавсул аъзам,
Шарқу гарби, на ажаб, тутмиш эса шуҳрат шайх.*

*Бир замондан бери аркони тазалзул ўларақ,
Манҳадам ўлмага майл этмиш эди турбат шайх.*

*Этдилар сарфи нуқуди ҳиммам аксар ашроф,
Боиси файзи дукун ўлмоқ уза хидмат шайх.*

*Ўлди бу мазжаси олийи муқаддас маъмур,
Этди таъмир ҳақиқатда ани құдрат шайх.*

*Бандай хос, зиёли бу иша қилди қабул,
Айлауб волийи Сурияни ҳиммат шайх.*

*Хоки иксир эдар, албатта, нигоҳи караминг,
Мазҳари файз назар қил мани, ё ҳазрат шайх (1294).*

Шайхул ақбар дахмасинда доимо зиёратчи кўп ва дахма атрофинда мармар ва аъло бир ҳовли ва бир тарафинда ниҳоятда зийнатлик мармар бир жомеъи шариф ва ҳовли ўртасинда мусайқал тошлар ила бино этилган катта бир фаввора бордур.

Дахма хорижинда катта бир гурабо ошхонаси мавжуд бўлуб, фуқарога доимо ҳукумат тарафидан мажоний таом (чулон) берилур. Биз бориб, ушбу чулондан тановул этдук. Чулонхўрларни(нг) адади 200 қадар эди. Баъзилар табақ-табақ олиб кетмоқда эди. Зиёратдан чиқиб, ароба ила 6 чақирим боғчалар ичидан ке-

тиб, Думор, Рабвоқ сайронгожларини тамошо этдук. Шомнинг марказидан ҳар тарафига 2 хат электрик трамвай ила кетар ва ҳар ердагидек бу трамвай белжикларникудур. Байрут ила Шом аросинда 12 соатлик темир йўли немис ширкатига бўлуб, 2-дара жаси 4 сўм 60 тийин, учинчиси 3 сўм 20 тийиндур. Шомдан яна бир темир йўл Ҳалаб тарафинда ишламоқда ва ушбу йўл Багдодгача ишланмоқда ва немислар қўлиндадур. Шомдан яна бир темир йўли Ҳайфогача узайиб, Ҳижози магфират тароз темир йўлига қўшулуб, бу йўл туркларни ўз қўлиғадур.

Шомда 5-6 катта қаҳвахона ва театрхоналар ва 3-4 синаматўграф хоналар бўлуб, яхшигина оқшом ҳаёти бордур. Марказда бир сайронгоқ ва анга яқин музайян ва темир панжаралик «Уммат боғчаси» бордур.

Қаҳвахоналаринда мускирот қисмидан йўқ. Фақат чой, қаҳва, норгила, музлик ва ширин-шарбатлар ва таом ва эркак хонанда ва мусиқийлар бўлуб, яна бир қисминда булар устинда мусиқий дасталар ила аёл раққоса ва хонандалар бордур.

Йўл ва бозорда озгина мастлик зоҳир бўлса ҳам ҳукумат ҳибс этар экан, ҳатто зоҳирий майхона йўқ, дедилар. Шом, Миср ва бутун Туркия мамлакатига синаматўграф ва мусиқий ҳам рақслар қаҳвахоналар соат ўндан сўнгра очилур эканки, сабаби, оқшом намозининг риояси ва дигари кеч бўлуб, шоядки, халқ оз бориб, беҳуда масориф озайсан. Оқшом намози ҳам бироз таъхир ила ўқулуб, намоздан сўнгра ваъз ва саловатхонлик хейли чўзулур. Бизларнига ўхшаб фақат бир намоз эмасдур. Истанбул ва Миср масжидларилик Шом масжидинда ҳам аёллар намозга келар эканларки, Муҳийиддин Арабий ва Уммавийя ҳам Синонийя жомеъларинда дасталар ила муслималар келиб, намоз ўқумоқда ва баъзиси 3-4 лаб саҳн ва ё масжид равоқларининг кунжида ўз уйидек тикиш тикиб ўлтургани кўруладур, аммо фаранжи илан.

Шомга бадавий ва шаҳарий арабларнинг ҳар қисми мавжуддур. Масалан, шаҳар ҳалқининг аксар ёшлири оврупойи либос ила фақат бошларига турк «фас»идур. Оддий шаҳар ҳалқи қадима узун ва тор араб жуббаси ва бошинда кичик салла бўлуб, устидан Оврупонинг палтусини кийибдурки, қисқа палту остидан бир аршин қадима либос чиқиб турубдур. Уламо жубба ва або иладурлар.

Қишлоқ араблари бошига ипаклик ва ё пахталик катта рўй-моллар солиб, устидан қаро жундан ва ё устинда гулоба тўнлик чилтор боягайдурлар.

Ушбу қарс ва чилтор бир сўмдан 50 сўмгача бордур. Устидан киядургон жун абомашлаҳлари-да 3 сўмдан 100 сўмгача бордур.

Шомни ипаклик атлас ва олача ва ип матолари энг аъло бўлуб, бир либослиги 2 сўмдан 30 сўмгача бордур. Мунда қаттиғ ийғочларга садаф ва нажаф тоши ва ақиқ ишламалик уй асблолари, яъни мебел, курси, сандал, ойна, миз-устул, дастчўп-полка, диван, лавҳ, ниҳоят санъатлик ромка-чорчўбалар ва сепоялар кўб ишланиб, Оврупо ва Амриқоға кетар экан.

Миср чорсуси, Ҳамидия чорсуси ниҳоятда зийнатли бўлуб, усти темир ва шипса ила ёшилган ва ичинда минглар ила дўкони бордур.

Саҳро ва бодиядан келган қир ранглик иштонсиз аёл ва эркак арабларга ва ғазал ўқуб, доира чалиб, ақча жамлайдургон қиз ва эр, бадавий болалариға учралур. Шаҳарий ва фақир араб хотунлари ҳам сатр ила бўлуб, аммо масҳи ва жўробсиз оёқ ила яғоч кафши кийиб, тақирлаб кетарлар. Баъзи араб хотунларининг эшакга Оврупо хотунларидек яктарафа ўлтуруб, эшак чоптурғонлари ажойибдур. Бизникилар бўлса, йиқилиб маъюба бўларди.

Қишлоқдан нимарса келтуруб, сотадургон араб хотунларига ҳам кўб учралурки, ҳар ким иззат ва ҳурмат ила аларга муомала қилиб, «Ё ситти, ё саййидати, ё ҳарим», деб нидо этарлар.

Шаҳардан хориж 3-4 эшакга мева ва ғалла ортиб, ҳайдаб келиб турғон муслималар кўзга учралур. Ва андан тарбуз сотиб олдук.

Шомни(нг) ёш эрлари тамоман сақолларини қириб, муйлабини қўюбдурлар. Бошларини(нг) тепа сочини олиб, атрофини озгини қўюбдурлар (бизға атрофини олиб, тепасидан хитойча кокул қўюлгандек). Муллоларига бироз сақол бор. Яҳудийларнинг икки чеккасига ингичка ва бир қаришдан зиёда узун кокули бордур.

Тўй ва маъракага исрофлари оз бўлуб, иқтисодга риоят этгувчиурлар. Қаҳвахоналардаги сарфиётлари оз бўлуб, чилим чекатурғонлари «аъло шомий тамоку»ларини ёнларига юргузуб, қаҳвачи норгиласига солиб чекадурлар.

Кўчалариға ва ҳар ерга лимўнат ва ҳар нав лазиз музлик шарбат ва дўндумалар кўп бўлуб, катта бир қадаҳи 2 тийиндур.

Шаҳар ичинда бир мурабба аршин ер 10 сўмдан 100 сўмгача ва яқин боғчаларининг 7 мурабба гази 10 тилло экан.

Шом ва Қуддусдаги қадима шаҳарий араб насоро ва яҳудийларнинг хотунлари ҳам сатр ила юруб, аммо қишлоқларга хоҳ мусулмон ва ё бошқа бўлсун сатр йўқдур. Сурия ва Шомнинг мусулмон, насоро ва яҳуд ҳалқи тамоман арабий сўзлаб, ҳат ва ҳатто ибодатию инжил ва исмлари ҳам арабийдур. Араб маданияти, араб салтанати мундаги ҳар нав ҳалқни ўзига жазб этиб, аммо 1300 санадан бери асло буларни ақида ва виждони миллийларига тасарруф этмайдурки, бул Қуръони каримни бошқаларнинг дину виждонининг озод қўйганидан ва умарои исломиянинг ғайридинларни ҳимоя этганларидандур. Ал-он Сурия арабларининг бир қисми туркларга яхши кўз ила қарамайдурки, бул оврупойиларни(нг) таъсиридан экан. Аксар ҳалқи ва турклар тарбият этиб ўқутгандари, туркларни яхши кўруб, турклар таназзул этса, бизни(нг) ҳам заволимиз ва оврупойиларга маҳкумиятимиз бўлур, дер эмишлар...

Маркази Дамашқи аш-Шом бўлган Сурия вилоятининг ери 100 минг мурабба километру ва барча ҳалқи 2 миллиён 300 минг қадар бўлуб, дин жиҳатинча тақсимоти ушбуруд:

Аҳли ислом	140 000	Мутовала	70 000
Насоро	70 000	Исмоилий	165 000
Армани Фрегорий	100 000	Армани Прутестани	22 000
Бобий ва Баҳоий	4 600	Язидий	160 000
Яъқубий	45 000	Даразий	200 000
Артузкас	30 000	Тобении калисо юонон	16 000
Нимору	400 000	Малаки	150 000
Армани католик	40 000	Лотини	48 000
Сурёний ва Калдоний	68 000	Яҳудий	140 000

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 13 сентябрь. №47

Шоми шарифдан 3-куни яна темир йўли ила Жабали Лубнон аёлот мумтозаси воситаси ила Байрутга келдим. Оқшом Жабали Лубнон тоғларидан кечармиз, оташароба гоҳ төг тепасинда бўлуб, андан ҳар тарафдаги қасаба ва қишлоқларнинг чироги ажойиб суратда кўрунур. Гўёки устимиздаги юлдузлик осмон акси ерга уруб, бошқа тил ила устимизга ва остилизга ҳам аддисиз юлдузлик осмонлар бўлуб ва оқшомни ниҳоятда латиф ва покиза, муаттар бир ҳаво ютармиз. Қиторимиз гоҳ төг тепасидан бош ошоги сойлар қаърига инар, гоҳ төг ямочларинда илонвонрий юруб, баъзан төг тепаларига ўрлаб тирмашар. Баъзан тахта ал-жабал тунеллардан ўтар. Бир замонлар бир тара жаҳаннамдек тубсиз төг каноридан қиялаб ўтарки, оқшом қоронгулиги или инсон «лоҳавла» ўқур. Кичкинагина маҳатталар-да туар.

Араб хотунлари ҳар маҳаттада мева, қатиг, сут сотар, буғдой унидан қилинган иссиқ тунук (юпқа) пишуруб чиқарубдурлар. Бир юпқа 5 тийин ва юпқа устига бир қошуқ қатиг (лабан) суртарки, у ҳам беш тийин. Ичига қатиг ўралган юпқани еб, лабинг, бурутинг қатиг ҳўплаган чўпондек оқарур. Оврупойи сайёҳ эру хотунлар, ҳулоса, ҳар кимни лаби бу юпқа ва бу қатиг или оқарур. Мунда арабийдан бошқа тил йўқ.

Жабали Лубнон аёлот мумтозасининг масоҳати 6 500 мурабба километр бўлуб, 400 минг қадар арабий сўйлайдургон халқдан иборат бўлуб, ярмидан зиёдаси моруний, яъни қадима сурёний ва финикияли авлодидан бўлуб, мазҳаблари насрониятни(нг) католикига яқиндур. Бақия нисфининг аксари муслим ва дарзий³¹ қабиласидан бўлуб, бирози Рум катулиги ва бошқалардур. Дарзи аталадургонлар мусулмон бўлсалар ҳам, баъзи жоҳилона одатлар аларга нисбат берилур. Чунончи, ўз яқинларини никоҳ қўймоқ ва бирдан зиёда хотун олмаслик ва бир дафъя талоқ қилинган хотунларини қайтиб олмаслик ва ...дек. Мазҳабларининг баъзи ҳуқмларини сир ва маҳфий тутуб, ҳар панҷшанба оқшоми жам бўлатургон одат ва, ёинки, ибодатлари бўлуб, у жамиятга ўзларидан ҳам баъзиларни қўймас эмишлар. Ўз ўрталаринда халқни уққол ва жуҳҳолга тақсим этиб, аҳкоми мазҳабия ва баъ-

³¹ Русча илмий адабиётларда «дарзий» – «друз» қабиласи деб аталган.

зи асрорларини фақат уқыллари билиб, жүххөлларига айтмас эканлар. Құръони каримга иқрор бўлуб, саҳобаи изомдан Салмон Форсий разияллоҳу анҳуга эътиқодлари зиёдадур. Мазҳаб китоблари ҳам ёширин тутулуб, имо ва ишпоратлар ила ёзилиб, ҳатто ўз жүххөлларига билдурулмас экан.

Дарзилар катта қабила бўлуб, Шом ва Ҳалаб бодиялариға ҳам сокиндурулар. Жабали Лубнон аёлоти Туркия давлатига тобе бўлуб, аммо католик ерли араблариндан бири 5 саналик муддат ила ҳазрат Султон тарафидан мутасариф – ҳоким тайинланур. Мусулмонларнинг қози ва ҳокимлари ўзидандур.

Қадима Канъон диёри Жабали Лубноннинг бир қитъаси бўлуб, Оқ денгизга соҳиллур. Оқшом соат 11, Байрут шаҳрига етиб, «Ал-манзар ал-жамил» ўтегла индим. Ўтел Оқ денгиз соҳилинда бўлуб, дengiz ҳавоси ила муаттар, ужраси 5 гуруш – 43 тийин эди.

Эртаси Байрут шаҳрини гашт ва гузор этдим. Мактаб ва дорулфунунлар таътил ва боргли эди. Ушбу шаҳар Туркияning Байрут вилоятини маркази бўлуб, илм ва маориф жиҳатидан Мисрдан сўнг Шарқда биринчи шаҳар бўлуб, аммо маорифнинг бонийси Оврупо ва Амриқо миссионерларидурки, тарафона мактаб ва дорулфунунларини тараққийига саъй этарлар.

Байрут дорулфунунлари Оврупо ва амриқойилар тарафидан идора қилинса ҳам лисон, тадрис арабий бўлуб, франсавий ва немис ёинки англис алоҳида бир фандек ўқулур. Байрут дорулфунунида олами исломнинг Туркистон ва Бухоросидан бошқа ҳар тарафидан талаба бор экан. Ҳатто Шарқнинг Японидан талаба бор экан. Татар биродарлардин ҳам дасталаб талabalар бордур.

Бухоро ва Туркистондан мунда одам бор, аммо ишлари ҳожиларни шикор этмоқдур.

Шаҳарда юз мингдан зиёда ҳалқ бўлуб, учдан бири муслим ва бошқаси катўлик, ўргўнгус, прўтистант мазҳаблик насоролар ва бирози яҳудий бўлуб, барчасининг тили, исм ва инжилигача арабийдур.

Англис ширкати шаҳарга «таҳвил маъ» ила сув келтирган, яъни саққоси – англис. Ва Байрут лимон – парахўд ҳавзини франсуз ширкати бино этгандур. Темир йўл ва қўшахатлик трамвай немис ва белжикники. Фақат мамлакатни исми усмонлига тобедур. Ажнабийларнинг минглаб талабалик ҳар нав дорилфунуни ва неча юзлаб талабалик ҳар нав мактаби 50 дан зи-

ёда бўлуб, мунтазам расадхона, кимёхона, ташриҳ ва жарроҳи ва ҳикматхоналари бордур. Туркларнинг ҳам мулкий рушдияси, аскарий рушдияси, мактаби сultonий, 2 қизлар рушдияси, 4 ибтидоия мактаби ва ўттуз қадар мусулмон мактаблари бордур. Мунда матбаа ҳам кўб бўлуб, хейли арабий қадим ва жадид, диний, адабий, фанний ҳар нав китоблар ва 20 қадар маъжалла ва жаридалар нашр бўлинадур.

Шаҳарнинг ўртасинда кичик, фақат зийнатлик боғчаси ва аъло бир чорсуси ва 4-5 табақалик олий иморат ва катта мағозинлари ва тош фарш қилғон катта йўллари бордур. Тараблуси Шом, Лозқия, Аъко, Балқо уездлари Байрут вилоятига тобедур.

Денгизда араб ширкатининг попури (ал-он англис қўлинда) ҳозир экан, кирдим. Истанбулдан Байрутгача 3-мавқега миниб, ҳожи юруши ила юруб, азиат чекиб эдим ва бироз нотоблик-да бор. Анинг учун 2-мавқега билет талаб қилдим. Йўқ. Ночор Ёфа шаҳригача 20 соатлик йўл учун 13 сўмга биринчи даражадан жой олдим. Учинчиси 2 сўм 40 тийин эди.

Параҳўдда мисрий, шомий, истанбулий кибор мусулмонларда бир хейли бор. Биз-да 13 сўм бериб, бу дафъа киборга қўшулдук. Иттифоқо, уч кишилик бир уйча (камира)га бир ўзум кириб, аъло бир уйқута толдим. Таом вақти ходим уйғотди. Катта солунга чиқдук. 4 катта устол, бирига парахўд маъмурлари, иккисига оврупойи ҳамулалар, бирига киштидаги мусулмонлар ва ҳар кимни уйи ва карават рақами табақи олдига ёзилгандур. Ходим нумирамизни кўрсатди, ҳамхоналар саломлашиб ўлтурдук.

Суфрада мисрий, араб даъво вакили – закунчи, бир араб дўхтур, бир араб бонка мудирининг ноиби, 2 турк зобит – оғисар, бир турк, 2 араб бойбачча ва тамоман сақоли тарошланган саллалик бир араб катта мулло ва бир-да ман. Хонимиз устинда ҳар нав мускиротлар-да бордур. Таомлар бирин-бирин келдики, шундан иборатдур: макарон, кабоби пиёз, кабоби танури, бир нав шўрбо, кабоби маъ картўшка, балиғ-садинка, панир, янгоқ, мева, қаҳва, канфет, печени. Ҳар ким бўгузигача тўлдурди. Аммо шишадаги мускиротдан на ул бойбаччалар ва на ул оврупомижоз бўлган араб ва турклар бир қатра бўлсун ичмади.

Дедим: «На учун ичмайсизлар?»

Дедиларки: «Алҳамдулиллоҳ, мусулмонмиз. Оллоҳ азимушшаън ҳазратлари Қуръони каримда афандимиз воситалари

илан нахъи этибдурки, 1300 сана сўнгра оврупойилар бу хабисларнинг зарарини билиб, ўзларини сақламоқдадур. Биз қандай ичармиз? Анварбегимиз-да ичган офицарларни силки муқаддас аскариндан тард этар».

Дедим: «Эй, мисрийларга на бўлди?» Уллар дедиларки, бизнинг мактабларда мунинг зараридан баҳс этарларки, инсоннинг ичкиси келмайдур. Дедиларки: «Туркистону Бухоро қандайдур?»

Мажбуран тўғрисини сўйладим...

Дедилар: «Астағфурулло!»

Таомдан 3 соат сўнгра мукаммал чой, оқшом яна 3-4 нав таом. Эрта бирлан яна мукаммал чой, сут... паракхўддан берилди.

Қабла аз аср Хайфога етдукки, бул Ҳижоз темир йўлининг искаласидур. Баҳойи-ю бобийларни(нг) каттаси эроний: Абдулбаҳо Аббос афандининг мунда эканлигини сўнградан билдим. Ва илло, паракхўд 3 соат турдики, тушуб бу машҳур киши ила суҳбат этардим.

Оқшомгача паракхўд Сурия соҳилини бўйларди. Сайдо, Сиво, Аъко, Хайфо, Қайсария, Арсуф шаҳарлари кўрунуб қолди. Паракхўдга эллик қадар катта ва кичик оврупойи мактаб қизлари бордурки, роҳиба ва муаллималари ила Қуддуси шариф зиёратига кетарлар. Бир вақт денгиз бироз ҳаракатга кирди. Бу қизларни бир қисми лоқайд ва бир қисмининг боши айланиб йиқилмоқда ва қусмоқда, кичкиналари йигламоқда бўлуб, ажойиб манзара ташкил этар эди.

Эртаси соат саккиз(да) Ёфа шаҳрига етдук. Паракхўд соҳилдан 3000 қадам узоқда турди. Ёфанинг фўртанасини вахмлик этиб сўйлардилар. Аммо ҳеч фўртана йўқ, фақат денгиз бироз ҳаракат этиб, қайиқ солланур, қўрқулатургон бир нимарса йўқ. Аммо қиши мавсумида ойни аввал ва охирида жозибаи қамар қонуни ила 3-4 кун қатиғ фўртана бўлур экан, ёзда хотиржамликдур, қишиники ҳам кўп бўлса, ойда бир ҳафта.

20 тийин ила Абдурауф исминда бир насоро қайигига миниб, андан чиқиб, бир ўтелга соат 2 гача истироҳат этиб, 3-мавқе оташаробага икки сўмга билет олиб, Қуддуси шарифга мутаважжиҳан ҳаракат қилинди.

48-рақамдан мобаъд

Ёфадан Құддуси шарифгача темир йўли илан тўрт соатлик йўл, 60 килуметру бўлуб, мунинг З соатлиги лалми ва обикор ерлар бўлуб, араблар ҳар махаттаға тарбуз, узум, зайдун ва амсоли мевалар чиқорадурлар. Құддусга бир соатлик қадар қолгандан сўнгра тоғлар бошланур. Баъзан тоғ оралариндаги очиқ ерларга анор, узум, анжир, лимў, афлисүн, зайдун ва бошқа мевалар ва бўстонлари кўрулур. Ал-он саратон ойи бўлуб, Оврупо ва Амриқодан гуруҳ-гуруҳ эр ва аёл насоро ва яҳудий зиёратчилари келиб-кетмоқда бўлуб, темирйўл қиторлари булар илан тўладур. Ёфа ила Құддус орасинда ҳар кун икки дафъя қитор юрап. Ерли араблар-да қиторларға кўп бўлуб, саҳрои хотунлари қочмайдур. Шаҳарликларини Туркистонга нисбатан «ярим сатрий» бўлуб, аммо ўзларини яхши тутарлар. Қиторга Ҳиндистон(нинг) Бенгала қитъасидан 74 яшар бир кампир-да борки, Мадинадан зиёратга келар. 20 санадан бери Ҳижозда бўлуб, арабий ўрганибдур. Ўзи ниҳоятда фақира ва орқасинда эски латталардан иборат бўғчаси бордурки, Ёфага йўлчилар ақча йигиб, билет олиб бериб эди.

Құддуси шариф махаттасига етдук. Одам кўп. Ароба оз. Ҳануз қиторга эдим, бир киши келиб, вагун ойнасидан сўрушди. Ва орамизда шу муҳовара жорий бўлди:

- Нимарсаларингиз қайда?
- Нима қиласиз?
- Ман – далил, сизни манзилға олиб борурман.
- Кимни манзилига?
- Такя ёинки бухорийлар тушадургон жойга.
- Иккисига ҳам бормайман. Ўтелларни кўруб, маъқул бўлганига тушарман.
- Ман далилдурман, мани сўзумга қабул қилишингиз керак. Ўтел бўлса ҳам ўзум топиб берарман.
- Далил бўлсангиз, ҳарамга учрапурмиз.
- Йўқ, бўлмас. Сизни бухорийлар тушадургон ерга олиб борурман.
- Мани ҳур қўюнгиз, истаган еримга кетарман.
- Йўқ, тақсир. Мунда усул ва қоида шулки, ҳар ким далилга тобе бўлур.

Нимарсаларимни ҳаммолга тошшурмоқчи бўлди. Ман дедим:

– Сиз далилми ёинки сайд? Йўлингизга кетинг, ва илло, жандармани чақиравман.

Ҳаммолини итариб юбориб, бошқа ҳаммол ила вокзолдан аробачиларға чиқдук. Аробалар ҳам машгул бўлубдур. Далил афанди яна орқамиздан қолмай, ҳаммолга амр бериб келмоқдадур. Одам ва юк ила тўла бир фойтунчига 40 тийин бермоқчи бўлдум. Ашёларни аробасига босиб, ўзумни ёнига ўткурди. Да-лил афанди ҳануз мани кўрсатиб: «Ҳожини фалон ўтелга тушиур», – дер. 5 дақиқа тош йўллардан кетиб, бир сойга тушдук. Ва катта тош кўфрукдан ўтуб, юз газдан зиёда баландлик дўнгга чиқиб, Қудуси шариф қалъаи мустаҳкамини ташқарисида ва Боб ул-Халил олдиндаги бозор ва катта йўлга етдук. Аробадан бошқалар тушди. Ва мани бир фалокат ўтелга олиб борди. Кўруб хоҳламадим. Қарасам, далил афанди ўтелга ҳозирдур. Ҳар оқшомга 160 тийин, бир уйини савдо этиб қўюбдур. Бошқа ўтелга ҳайда, дерман. Аробачи ҳайдамайдур. Отга қамчини бериб, ўзим ҳайдамоқчи бўлдум. Далил ва аробачи юзумға қаради-қолди.

– Ҳайда! Ва илло, пўлис чақиравман!

– Қайда?

– Бошқа ўтелга.

– Бошқа ўтел йўқ!

– Ман санга кўрсатурман.

Далил жанблари ҳам бетаклиф ёнимга ўлтурдилар. Бир яхудий ўтелига бордук. Бир соатдан бери далилни ҳаракати мани ишдан чиқарди. Чиқиб, бир уйини ўн гуруш, яъни 75 тийинга савдо этдим. Яна далил жанблари орқамдан қолмайдур. Энди аробачи араб ила мунозара. Ул 40 тийин ериға 160 тийин истайдур. Далил ҳам анга ёрдам берар. Мунозара ва урушмоқфа тоқат йўқ. Ўн гурушни олдига отиб, уй эшикни ичкаридан қулф этдим.

Далил ташқаридан дер:

– Ҳожи, Ҳарами шарифга қачон борарсиз? – икки-уч дафъа такрор этиб, яна эшикни қоқар.

Дедим:

– Ярим соат сўнгра.

– Хўб, ман ташқорига туарман.

Вақт асрдур. Таҳорат этиб, салла-тўн қилиб чиқдим. Ўтел олдиндаги қаҳважонада далил ҳазратлари интизорда. Бир аро-

бага далил ила ўлтуруб, бир хейли маҳалла ва мағозинлардан ўтуб, Қуддус қалъасига етдук. Ичкари шаҳар баландлиги баъзан 15 газ, эни 2-3 газ, тошдан бино қилинган кунгира, гулдаста ва буржлик мустаҳкам бир қалъя ила айлантурулгон бўлуб, алон баъзи тарафи ҳаробдур. Қалъанинг баъзи қисмининг биноси Ҳазрат Сулаймон ва Довуд алайҳиссаломга нисбат берилиб ва ҳозирги қалъя бўлса, аҳли салбни қўйган таг курсиси устинда ва баъзан васеъ қилиниб, турклардан Султон Сулаймон Қонуний тарафидан метин ва санъатлик суратда бино қилингандурки, ушбу қалъанинг дарвозасига аробамиз турди. Қалъя ичининг йўллари ниҳоятда эгри-бугри ва ҳам аксарият ила йўлларни устиравоқлар ила ёпилиб ва равоқлар остинда ва устинда уч-тўрт табақалик иморатлар бино қилинган ва йўллар пасту баланд ҳам ости тош фарш қилинган бўлуб, баъзан 10-15 зина ила чиқилиб тушулур. Ҳавосиз, қаронғу ва муавваж ҳам устини равоқлар ёпган йўллардан эгри-бугри ўн дақиқа қадар юруб, узунлиги юз қадамдан зиёда ва усти равоқлар ила билкулли ёпилган эски ва ифлос бир долонга кирдук. Тарафайни энг эски дўконлар ва фалокат босган айвонча, эшак боғланган жойлардур. Ушбу долонни бир боши дўконлар ва бошқа боши Байт ул-мақдис ҳарами шарифнинг дарвозаси, яъни ушбу фалокат босган тош долон ҳарамни сақладайдур. Бу долондаги эшиклар ва остиндаги ахлат ва ҳар ерда уюлуб ётган эски-туски ифлосликлар далилни 2 соатдан бери бератургон заҳматини ёдан чиқориб, кўнгулни қайтадан синдерди. Ҳарам дарвозасига етиб турдук. Далил дуо бошлиди. Ман ҳам ўқуб-ўқуб кетмоқда. Ҳарамга кирдук. Ери мармар фарш қилингандур. 50 қадам қадар кетдук ва 20 қадар мармар зинадан баланд бир саҳнга чиқдук. Ҳарами шарифнинг атрофи тош ва баланд деворлар ила иҳота қилинган ва ичи тахминан 5-6 десятина – ботмон ва ёинки 20-25 таноб қадардур. Ҳарамнинг ўртарогинда 3-4 таноб қадар баланд ва тошдан бошқа бир саҳн бўлуб, бу саҳнинг тўққуз тарафиндан 20 қадар зиналардан чиқилур. Чиқилатургон жойларга бир неча мармар стунлар ўтқурулуб, стунлар бир-бирига мармар равоқлар ила муттасил бўлур. Бу оқ мармардан қилинган сүфанинг ўртасинда Масжиди Саҳратулло ва номи дигар ила Масжиди Умар ал-Форуқ разияллоҳу анҳу бино қилингандур.

Масжиди шарифни ичи самоқ ва ранго-ранг мармарлардан ва ташқариси чинни ва кошиилардан ва манбиткори рангин мармарларданур.

Баланд суфадан юруб, Масжиди Сахратуллога кирдук. Да-лил оғзидан олиб, ман ҳам дуо ўқумоқда ва икки ракаат намози шукрда ўқудум, ўн қадар далил атрофимизни олди. Худойи бе-риб, масжид ичиндаги – Сахратуллони зина остидаги ҳужра ёин-ки форға тушдук. Зина устинда эшиги ҳам бор. Сахрат тошининг ости қатъ ноқис ва номунтазам шаклда.

Даврага қарийб бир ҳужрадан иборат бўлуб, бу ҳужранинг усти якпора оқ ва новшадирга шабиҳ тошдан иборатдур. Тошни аксар тарафи девор ва ер устинда бўлуб, тақрибан 7 дан бири деворға етмайдур. Сахратулло остиндаги ҳужрани тўғриси сахра тошининг остиндаги мағорани остига аъло гиламлар тўшалган.

Ҳужранинг у тарафдан бу тарафи 12 қадамча бўлуб, усти одам бўйидан бироз баландроқдур. Тошнинг ўртаси мудаввар ва қутри ярим газ қадар тешукдур. Тошни уст тарафини юқори-дан кўрулдики, усти ҳам номунтазам, яъни чиқинти ва киринти-лик бўлуб, мунинг атрофи ҳашт, яъни 8 буржлик шаклда олий мармар устунлар ила айлантурулуб ва стунлар ниҳоятда зариф ишланган силлиқ, аъло шабакалик панжаралар ила бир-бирига марбут бўлингандур. Тошнинг уст тарафининг давринда дохи-лан яна ҳашт қатъинда олтун силлик панжаралар ва 2-панжара ила стунлар панжараси орасига яна аъло гиламлар ва сажжода-лар ва лавқ ҳам қаломи шарифлар қўюлуб, қуфлиқ бир эшик-дан муқаррарий вақтларда кирилур.

Сахратнинг устинда ҳеч нимарса бўлмай, очиқ турубдур. Сахратулло мағорасининг ичинда ҳазрати Сулаймон, Довуд, Хизр, Иброҳим ва Жаброил алайҳиссалом учун бошқа-бошқа мақомлар кўрсатилур. Ҳазрати пайғамбаримиз саллаллоҳу алай-ҳи васалламнинг ҳам мақоми шарифлари бўлуб ва ҳазратимиз меърожга Сахратуллодан суъуд қилибдурлар.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 27 сентябрь. №49

Сахратулло остиндаги ҳужрай шарифадан чиқдук. Масжид ичинда тўрт-беш газ баландлиқда биринжи бир шамдонни ҳазрати Довуд ясаган шамдон, деб кўрсатдилар. Аммо шамдонни яқин вақтда ясалгани зоҳирдур. Мунда беш-ён нафар шайхлар мутаважжиҳ бўлдилар. Бироз назр бердук, қабул ва дуо қилдилар. Масжид эпигидан саҳнаға чиқдук. Яна 4-5 шайх мутаважжиҳ бўлдилар. Ичкарига бердук, деб ўтдук. Масжиди Сахрат суфасининг бир тарафинда ҳазратимиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Қатабат ал-меъроҷ» шарифлари музайян суратда бино қилингандур. Суфа атрофинда юруб, яна 2-дафъа масжиди шарифга кирдим. Масжиди Умар ал-Форуқ разияллоҳу анҳу 8 буржга бўлинуб, ҳар бир буржнинг ораси 26 қадамдур. Масжидни ўртасинда Сахрат тоши воқе бўлуб, Сахрат атрофи яна 12 буржда тақсим қилиниб, мунинг 12 буржинда 12 рангта мармар якпора стүнлар бўлуб, бул 12 амуд устинда бир гумбаз бино қилиниб, усти темирдур. Гумбаз қуббасининг дохилий тарафинда қабартма сўм олтундан у қадар нақшлар — ислимий, гиреҳ, ироқий, морпечлар ва бошқа ажойиб суратда ҳандасий араб услубинда ишлар қилганларки, манисилик қаламим анинг тавсифига ожиздур.

Қуббанинг атрофинда қабартма – манбит ва одамни йўғон қўлидан йўғонликда сўм олтун ҳарфлар ила сурс ва бошқа мутанавеъ хатлар ила оят ва ҳадиси шариф ёзилиб ҳамда «Ғуломони атрокдан малик Носириддин Муҳаммад Қиловун» ибороти ва бошқа бир неча иборотлар қабартма олтун ҳарфлар ила ёзилгандурки, жилоси кўзни олур. Бу қуббанинг устинда у қадар ажойиб нақшлар қилинибдурки, кўрмагунча инонилмас.

Бир оғуз ила хулоса қилайин: бутун қуббанинг ери олтун бўлуб, устинда ҳар рангда қабартма минолар ва мунбат олтун хатлар ва нақшлардур. Кўпни кўрган сайёхлар дерки, дунёда мунингдек сақфига кўп олтун ишланган на бир масжид ва на бир калисо бордур. Хулоса, қараган ила бу қуббаи сахранинг нақш ва нафис санъатларини кўруб, тамом қилолмайин кўзинг чарчайдур, бўйнунг-да қотар. Бу сақфдаги санъатлар аввалги мусулмонларнинг завқи салим эгаси ва саноэй нафисанинг ошиқи ва мукаммили эканлигига бир далили мужассамдур.

Масжидни асоси Ҳазрати Умар ал-Форуқ разияллоҳу анҳу та-рафларидан қўюлуб, биноси 65-тариҳи ҳижриясинда, маснади хилофатга ўлтурган Абдулмалик бин Марвон тарафидан бўлунгон ва Малик Носириддин Муҳаммад Қиловун тарафидан зийнат берилганлиги сўйланур.

Бу масжиднинг сақфлари ажойиб қандил ва овизалар ила ости қимматбаҳо нафис қолин ва сажжодалар ила зийнат берилиб, ҳар еринда садафкори лавҳлар устинда, ниҳоятда, зийнатлик Қуръони карим қўюлгандур.

Халифа Абдулмалик давринда ёзилган, тули икки газ, эни, очганда, икки ярим газ қадар бир Қуръони карим катта ва санъатлик бир лавҳ устинда қўюлгандур.

Масжид ичини бир неча дафъя юруб ва намози шукр ўқуб, яна ташқори чиқдим. Масжиднинг ташқориси 6 газ қадар иртифоъигача ранго-ранг, мусайқал мармарлардан бино қилиниб, у мармарларға қозма ва қабартма гул ва нақшлар қозилибдур. Мармардан юқориси бутун хитойи чиннидек рангтаҳ ва оят ила ҳадиси шариф ёзилган чиннилардан бино қилинган бўлуб, бир аъжубаи даврондур.

Бу вақт масжид атрофинда юздан зиёда оврупойи ва амриқойи насороу яҳуд сайёҳлари бўлуб, ҳар бири вола ва ҳайрат ила мундаги санъатни тамошо этардилар. Ва ҳар нав тилда булар сўйларди.

Ўндан зиёда аёл ва эркак руслар ҳам сайёҳлар ичинда эди. Аммо мусулмон заввордан икки мисрий араб ила ёлғуз ман бор эдим. Ер юзинда 400 миллиён насоро, 300 миллиён мусулмон бор, дерлар, аммо мунда 100 насоро сайёҳга З мусулмон тушарки, мундан бу икки қисм ҳалқни(нг) аҳволи руҳиясини кашф этмоқ мумкиндур. Бу насороу яҳуд сайёҳларининг оғзидан Умар, Абдулмалик, Қиловун, Масжид, Муҳаммадон иборотлари эши-тилмоқдадур. Қўлларинда бўлса, ҳар нав оврупойи тилларида ёзилғон «Раҳнамо» китоблари бордурки, ҳар нимарсани тарихи ила биладурлар.

Құддуси шарифдан мусулмоний хатда бир «Раҳнамо» ахтардим, йўқ. Франсавий, немис, англис, румча, русча, арманича, ҳатто булғорчаси бор. Ёлғуз мусулмончаси йўқ. Ана, биз мусулмонларнинг лоқайдлиги. «Маносик ал-Құддус аш-шариф» ис-

минда арабий бир рисола топдимки, анда тарихий жиҳатидан бир нимарса йўқ ва ҳақ нимарсалар қаторинда бир хейли хуро-фотларни қўшуб бостурубдур.

Ҳарамнинг бир тарафинда бир қубба ва ичинда турба борки, қабри ҳазрати Сулаймон алайҳиссалом дерлар. Кириб зиёрат қилдук. Бошинда фаслик авом бир ёш йигит мунда шайх экан. Панжараларинда ҳадсиз эски латта ва иплар боғлангандур. Алҳамдуиллоҳ, мундай латта боғламоқ Мадинаи мунавварадаги ҳарами муҳтарами Ҳазрат Пайгамбаримизга йўқдур. Шунга шукрки, сўюлган қўчқору ҳўкузлар шохи ва қўйрганин туғ деб ва, ёинки, бутпарастлиқдан қолган панжа суратини мундаги ҳеч бир муқаддас мазорга ва маҳомга қўймабдурлар.

На Шом ва на Қуддус ва на Қоҳирадаги зиёраттоҳларда қўй ва ҳўкузни(нг) шохи ва қўйруғи муқаддас ва олий мазор устинда қўюлган йўқдур. Анинг учундурки, бир соддадил туркистоний ҳарами муҳтарами ҳазрат набавийга кириб, ҳужраи саодатни зиёрат этгандан сўнг «Садағаси кетай, хўб мазор экан, лекин туғи йўқ экан», деб ҳасрат этиб экан.

Қуббай Ҳазрати Сулаймон алайҳиссаломдан чиқиб, ҳарам доҳилинда ва қибла тарафиндаги Масжиди Ақсо зиёратига кетармиз. Ҳарами шарифни учдан икки ҳиссаси ифлос, чақир-чуқур, ҳар ерга ўт чиқиб, ўзи қуруб-чуруб кетмоқдадур. Ҳарам ичидагир неча ерда су(в) бор экан. Мундаги сарв, зайдун ва бошқа дарахтлар сувсизликдан қурумоқдадур.

Мана, мармар йўлакни бир тарафинда мундаги талаба ва машойих ҳам далилларни дастурхонидан чиқган суюклар ва шиприндилар йиллардан бери тўдаланиб ётибдур. Ҳарамни(нг) икки тарафинда бир неча ерда мармар фаршлар чўкуб, бизни қабристондаги ўюлган гўрлардек бузулуб, чўкуб ётибдур. 25 таноб қадар бир ҳарам ва мунинг 10 танобдан зиёдасини масжид, қубба ва ҳужралар ишғол қилгандур. 5 танобдан зиёдаси яна мармар тошлар ила фарш қилинган бўлуб, ниҳоят саккиз-ўн таноб қадар бўш ер борки, мунинг ҳам ҳар тарафидан бир неча мармар бўлаклар қилинган бўлуб, 5-6 танобини баъзи еринда қуруган ва қурумоқфа юз қўйгон сарв, зайдун дарахтлари борки, шуларни сугориб ва ёввойи ўтини ўруб, чақир-чуқурини текислаб, шипринди ва ахлатларини беш юз қадам ташқаридаги сойга

чиқарып түкмоқта Құддуси шарифға одам топилмайдур. Ҳукумати ва ё баладиясини ҳарамта қарайтурған күзи күр бўлғон. Ҳарами шарифни вақфидан юз минг сўмдан зиёда мадоҳил бўлуб, 40 минг сўм қадари шайх ва аҳли ҳарамга берилур. Аммо олами исломни ҳар ериндагидек ҳарамни назофати ва асл биноси таъмирига аҳамият берилмайдур.

Бу замон атрофимизда йигирма қадар ўн яшардан 60 яшаргача «назрхўр» борки, «Ҳожи, ман – хатиб, ман – имом, ман – турбадор, ман – мифтоҳдор, ман..., ман..., назр бер», деб мутаважжиҳ бўлмоқда ва чақириб, сани сақлаб, пул тиламоқдадурлар. Майда болалари бўлса, атрофинги олган ва этагингдан ушлаб, пул бер, дейдур.

Мани оташаробадан олган далил ёнимга бўлуб, Масжид ал-Ақсога қараб кетмоқдамиз. Баъзи болага пул бермадингми, сан яҳудий, деб айрилар.

Ажойиб ҳоллар. Бу ҳарами муҳтарам ичинда бир замон қалбинг айридур. Олами руҳониятга ва нуроний бир мозийга ва осмонларга учарсан ва беш дақиқа сўнгра бу ҳолларни кўруб, тошға айланарсан, гўёки бир биёбони ваҳшатда кезарсан. Тоқатим қолмади, таваққуф этдим. Бир нимарса берур умиди или атрофимни ўн қадар катта ва беш-олти майдага назрхўрлар олди.

Дедим: «Худо учун, мунда ётган анбиё учун сўзумни тинглангиз. Ўзингизга маълум, бу ҳарами муҳтарамда Масжид ал-Ақсо бўлуб, «Субҳоналлази исро...»³² ояти шарифаси мунинг ҳаққига нозил бўлгандур. Бу мақоми муқаддаснинг шаънидаги ҳадислар, албатта, маълумингиздур. Ўз нафсингиз учун бу қадар зиллат тамъани қабул қиласиз ва беш юз қадамдаги ҳужрангиздан чиқиб, заввордан назр олмоқ учун югуриб, ман – имом, ман – хатиб, ман – ансордан ва саййид... дерсиз. Бу вайроналар ва бу ҳарами муҳтарам ичиндаги шу муз болаларни кўрмайсизми? Ушбу болаларингиздек ахлоқсиз болаларни ҳеч ерда кўрмадим. Заввор пул бермаса, сўкар, яҳудий, дер. Бу на ҳолдур? Мундай кетса, амин бўлингки, анқариб ҳарамни ва арзи муқаддасни насоро ва яҳуд сиздан олар!..» Сўз та-

³² Қуръон. 17:1. Оллоҳ бир кеча Ўз бандаси (Муҳаммад)ни Масжид ал-Ҳаромдан Биз атрофини баракотли қалиб қўйтган Масжид ал-Ақсога сайр қилдирган (бор айб-у нуқсондан) пок зотдир (Аловуiddин Мансур тафсири).

мом бўлмасдан, назрхўрларни бир нечаси қайтиб кетди. Бир-иккиси далилдан сўрайдур: «Ман ҳува?» «Муҳаррир ал-жарида!»

Тумшуқини кўтариб, жавобсиз кетар ва бир-иккиси жавобсиз қараб турар. Охири, қайюмбошидан шикоят этар.

Далил эртароқ зиёратни тамом қилдурмоқ учун мани Масжид ал-Ақсо тарафига олиб кетди. Назрхўрлар ва болалар пароканда бўлдилар. Бироз нари кетдук. Яна бир неча катта ва кичик назрхўрлар кела берди. Далил аларга арабий баъзи нимарсалар сўйлади, қайтиб кетдилар. Биз оёқларимизни ешиб, кафшини баввобга бериб, Масжид ал-Ақсога кирдук.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 иил 4 октябрь. №50

50-рақамдан мобаъд

«Субҳоналлази исро...» ояти шарифаси ҳаққинда нозил бўлган Масжид ал-Ақсо муборакга кириб, ҳар шайдан аввал икки ракаат намоз ўқуб, мундай муқаддас ва мутабаррик мақомларга бандани еткургани учун Оллоҳи зулжалолга ташаккур ва арзи ниёз ва убдият этдим. Масжид ал-Ақсо аш-шарифнинг энг охирги ва минбари шарифни сўл живоринда ниҳоятда музайян рухомлардан бино қилинган бир меҳроби шарифи бордурким, Меҳроби Имом Шофеъий аталур. Минбарнинг ўнг тарафинда темир панжара ва шабакалар ила айрилган бир қитъа бўлуб, бул тарафда икки меҳроб борки, бири Ҳазрати Мусо, дигари ҳазрати Исо алайҳис-саломга нисбат берилур. Минбари шариф атрофинда обнус яғочидан ниҳоятда санъатлик қубба ва шабакалар ясалгандур.

Яна ушбу масжиди шарифнинг бошқа бир тарафинда Ҳазрати Довуд ва Яҳё ва Закариё алайҳимус саломга нисбат берилган айрича санъатлик ва нафис меҳроблар бордур.

Масжид ал-Ақсои аш-шариф тулони шимолдан жанубга узайиб, бино қилингандур. Қуддуси шарифнинг қибласи жануб тарафи бўлур.

Масжиднинг узунлиги бобдан меҳробгача 130 қадам, эни шарқан ва гарбан 110 қадам бўлуб, яна масжиди шарифнинг икки тарафинда бир неча хонақоҳлар бордурки, каттаравоқ ва эшиклар ила асл Масжиди Ақсога қўшулуб ва ул хонақоҳлар масжид ила бир ҳукмга кирап. Ва ул хонақоҳлардан бир тарафидагини тули 60, арзи 36 қадамдур. Масжид ал-Ақсонинг шимолий тарафидан ва Масжид Саҳратиллони қаршусидан 7 эшик бўлуб, яна Шарқ ва Гарб тарафидан бирор эшики борки, Шарқдаги эшик «Боб ул-Хизр» аталадур.

Масжиди шариф 7 адад каттаравоқ ва кўп адад тоқлардан иборат бўлуб, бу равоқлар 33 адад рухом ва 12 адад тош ва ниҳоят, баланд зийнатлик стунлар устинда бино қилингандур. Масжиднинг равоқ ва шуъбаларини бир-бирига рабт қилинган тош деворлар 40 дан зиёдадур.

Масжиднинг стунлари мусайқал ва мужаллий ранго-ранг мармарлардан ва девори жилолик тошлардан бўлуб, инсоннинг акси кўрунур. Масжиднинг ости аввалан қимматбаҳо ва аъло ҳасирлар илан ўртулуб, устидан барча еринда Истанбулдан юборилган аъло қолин – гиламлар ва нафис сажжодалар ёйилгандур. Масжидни(нг) сақфига қарасанг, у мужаллий мармар стун бошлиқлариндаги араб санъати меъморияси ва услуби ва анда ўткарилган ишлар сани ўзига жалб этар.

Тош устиндаги ўймакорликлардан бошқа олтун ва минокорлик нақш ва хутутларни тамошоси ҳайратларға гарқ этар.

Ичи бир неча таноб келатурган ва иртифои 30 газдан зиёда ва кўпи мармар стун ва гуҳарвар ва оқ ва лоҳутнишон маснаъ меҳроблар ва музайян сақфдаги қанодил ва овиза ва муқаддас минбари ҳазрат Мұхаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам ва ҳар бири бир пайғамбар азимуш-шаънга нисбат берилган муқаддас меҳроблар орасинда мажзубона зоти зулжалол ҳазратларининг бу назирсиз боргоҳи кибриёсинда ихтиёrsиз жисму руҳ ила саждага кетарсан. Бу саждай убудиятдан у қадар лаззат олурсан ва у қадар важдға қолурсанки, ҳар бир нимарсани унтуруб ва ушбу саждадан бош кўттармасдан Оллоҳ зулжалолга етушмоқ амалида бўларсан.

*Назаргоҳи илоҳийдур, мақоми мустафодур бу,
Матофи қудсиёндур, саждагоҳи анбиёдур бу.*

Оҳ, на рұжоний қолатлар, на лазиз важданғыз убидиятлар, на апкрез нозу ниёзлар... Оллоқ таоло ғарықи раҳмат этсун, мунинг бонийиси асл мутақаддимин мусулмонларни, қандай асл мусулмонлар! На нуроний фусункор, порлоқ мозийким, анинг асари құдсият самари, минг бу қадар сана сүнгра бизни маҳвият дарајасинда келтуар.

Эй, ўтмиш муқаддас мусулмонлар! Эй бонийлар! Эй фотиқлар! Оллоқ Сизларни ниҳоясиз раҳматларига гарқ этсунки, замонанғызыда бу қадар лоҳутий асарлар ва муқаддас бұғылар бино этибсиз. Чин мусулмонлар, ҳақиқиي инсонлар сизларсиз. Ва сизларнинг тарзия ва тавсифингиздан бу кунги биз, мусулмонлар ожизмиз. Бизлар сизни нохалаф авлодингиздurmиз. Сизни изингиздан кетмоқта жақолатимиз монеъ бўлди. Қусуримизни ажзимиз учун кенг карамларингиз илан бағишлангиз!..

Илоҳо! Бу азиз ва фаъъол бандаларинг ҳурматига бизга басират бер! Эшитар қулоқ, англар ақл бер! Оҳ, у эзгулар қандай эканлар? Биз на ҳолдамиз? Оҳ, бу қадар анбиё, авлиё, машоҳирлар келиб, биз, инсонлар учун шариатлар, тариқатлар, маърифатлар ваъз этиб, бизни ҳақиқатта даъват этиб эканлар. Биз, гумроҳлар, йўлдан чиқиб, хазизи нафсониятга қуллиян чўмумбиз. Букун ўзларини маданият ва инсониятни энг олий табақасинда, деб ёлғондан даъво этадурган инсонлар ваҳшониятни энг асфал даражасинда қўл ва аёқ урарлар. Миллиёнлар ила бани одамнинг боиси кулфати ва мусибати бўлурлар.

Эй, Оллоҳи азимуш-шашын! Бу магар санинг ғазабингмидур? Афв эт, биз, инсонларни ҳидоят эт! Ер юзинда сулҳ ва салоҳи умумий ато айла, инсонларга инсоният бер! Золимларни қаҳр эт, маҳв бўлсун зулм, яшасун адолат ва ҳаққоният, омин...

Ал-он Масжид ал-Ақсо ичинда оврупойи ва амриқойи юзлар ила заввор бор. Мусулмондан икки мисрий араб ила ман ва 20-30 нафар ҳуддом ва далил бўлуб, насоро ва яҳуд завворининг ўндан зиёда пўп ва роввинларида бордурки, насоро ва яҳуд рұжонийлари ўртага туруб, бир неча ерда давра этуб, ҳарами шариф ва

Масжид ал-Ақсо түғрисинда баланд овоз ила нутқ сўйлаб, аларга тарихий ҳолатлардан баён қилмоқдадурлар. Масжид ичинда киргандა, ҳар ким бўлсун, этигини ешиб ёинки устидан бошқа тоза чарм ва ё латта кафш кийиб кирав.

Ушбу масжидни ўрнинда аслан Ҳазрат Сўлаймон алайҳиссалом Масжид ал-Ақсони бино этиб эканлар ва исломиятни бидоятинда қибла ушбу Масжид ал-Ақсо эди. Сўнгра «Фавалли важҳака шатрал Масжидил ҳаром»³³ ояти нозил бўлуб, Къаба шариф қибла бўлди. Ҳазрати Сулаймон алайҳиссаломнинг асл бинолари бузулуб ва таҳтга қолиб экан ва асл масжидни ўрнинда ҳозирги ушбу масжиди азим уш-шаънни халифа Абдулмалик бин Марвон ҳазратлари авваланчи аспи ҳижрияда бино этиб, сўнгра хулафоу салотин даража-бадаража таъмир ва зийнат беридурлар. Дерларки, бир замонлар насоро ва яхуд истило этиб, масжидни калисо этиб эканлар. Ахиран Айюб салотинлари олиб яна аввалигидек масжид қарор берилибдур.

Масжид ал-Ақсонинг остига, ертўлага киратургандек заминий дарвозадан кирдукки, масжидни ости тамоман катта рavoқ ва ҳам вусъатлик камар ва 7-8 газ баландликда тоғлардан иборат бўлуб, ҳаммаси 1-2 мақъаб газлик оқ тошлардан бино қилинган дур. Асл маъбади Сулаймон алайҳиссалом мунинг остинда қолиб ва ушбу табақа мусулмонларнинг биносиidor. Ва бу катта камарларнинг бир тарафинда ёпук сардоба бўлуб, Масжид Ақсонинг уст табақасидан оғзи бордур. Таҳтони табақа Масжиди ал-Ақсонинг таг курси ва ертўласи ҳукминда бўлуб, анинг ери тош ва га(н)жлардан иборат ва деворлари фақат тош бўлуб, тазийиноти йўқ. Ва, аммо, ниҳоятда даҳшатлик еrostи катта бир иморатдур. Мунда қиблай аввал ва сонийға маҳсус меҳроб ва аломатлар ҳамда Ҳорун алайҳиссалом, Шубайр ва Шубайр азизлари учун мақомлар бордур.

Мундан чиқиб Боби Хизр алайҳиссаломдан ўтуб, икки-уч таноб мармар саҳндан юруб, ҳарами шарқи-жанубий кунжида бориб, заминий бир эшикдан, ер остинда йигирма қадар тош зина ила тушдук. Мунда катта тошлардан бино қилинган бир уй бўлуб, бир тарафинда бир мармар суффа борки, «Таҳти

³³ Қуръон. 2:149, 150. «Юзингни Масжидул-ҳаром томон бур».

Исо алайхиссалом» дерлар. Яна мунда Ҳазрати Марям ва Исо ва Нуҳ алайхиссалом ва ҳаворийин учун меҳроб ва мақомлар кўрсатилур. Мунда «ванна» (бир нав тақора(ға) ўхшаш бир оқ тош борки, «Исо алайхиссалом бешиги» дерлар. Бу уйдан яна 20 қадар тош зина ила ер остига тушдукки, мунда тули ва арзи 50-60 газ келатурган катта бир иморат бўлуб, кўп адад оқ тош стун ва деворлар устинда бир неча гумбаз ва қуббалар ила ёйилган бўлуб, равоқу камарларнинг стунлари бир-бирига яқиндур.

Стун ва деворлар 1-2 макъаб газлик ҳажминда тошлардан метин бир суратда бино қилингандурки, биноси ҳазрат Сулаймон алайхиссаломга нисбат берилиб, ҳазрати Умар разияллоҳу анҳу фатҳидан илгари Иstabli Сулаймон (Сулаймон алайхиссалом отхонаси) деб, масмуттага қараганда, ичинда яҳуд ва насоро от боғлар эканларки, баъда аз фатҳи амрда ҳазрат Умар ила тозаланиб, Масжиди Сулаймон алайхиссалом аталиб ва ал-он мунинг ости тош ва туфроқдан иборат бўлуб, ўзи мудҳиш ва муazzам ҳам метин бир бинодурки, бу ҳол ила яна юз минг саналаргача бузулмайдур.

Бу мақомлардан саҳн устига чиқдук. У қадар чарчбманки, бутун аъзога касолат келган.

Далил афандига дедим:

– Манга ҳарам дохилинда ер кўрсатингиз, бироз ўлтуруб, истироҳат этайин.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 16 октябрь. №51

51-рақамдан мобаъд

Далил жаноблари Масжиди Саҳратнинг муқобилинда бир талаба ҳужрасига олиб кирди. Икки заввор мисрий араб-да бор. Бири Танто шаҳрининг бош дўктури, дигари сақоли тамоман тарошланган бир муллодур.

Бироз ўлтурдук. Истироҳат этдук. Оқшом бўлди. Эртага Халил ар-Раҳмон зиёрати ва Байтуллаҳм саёҳати учун учаламиз-

га далил бир фойтун кира ва бир нафар киши қўшмоқчи бўлуб, ароба учун байъона олди. Баъда аз ъиши ҳарамдан чиқиб, «Олтер» ўтелидаги ҳужрамга ётдим.

Саҳар соат 4. Фойтун ила ҳамроҳлар келди. Ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломнинг зиёратлари учун Халил ар-Раҳмон шаҳрига озим бўлдук. Ҳануз саратон ойи бўлса ҳам, Қуддуси шарифнинг оқшоми хейли салқиндор. Совуқликдан ароба ичига кўрпага ўралдук. Бир соат қадар кетдук. Исо алайҳиссаломни маҳали таваллуди – Байтуллаҳм шаҳрининг қўйисидаги боғлар орасидан ўтармиз.

Яна ярим соат юрдук. Халил ар-Раҳмон тогларини тепаларини офтоб нури қоплади. Гуруҳ-гуруҳ бадавий араблар тевага, от ва эшакларга ҳар нав юк ва кўмур ортиб, шаҳар тарафига келмоқдалурлар. Бир замон темир садоси чиқди. Ароба тўхтади. Тушуб қарасак, фойтунни орқа чархидан бирини темири икки жойдан синиб тушубдур. Бошқа чархлари ҳам яқинда синмоқчидур. Далил жанбларининг баракатидан ўрта чўлда қолдук. Қуддусдан Халил ар-Раҳмонгacha 42 километру (40 чақирим). Тош тўшалган аъло, ниҳоятда мусаттаҳ бир йўл бўлуб, ҳукуматни таърифаси тўрт, ҳатто беш киши бориб қайтмоқ тўрт ярим мажидий экан. Далил жанблари бизларга 6 мажидий қарор бериб эдилар.

Сап-сариқ маймунга ўжшаган аробачи Юсуф яхудий ҳайрон-ҳайрон аробасига қаради-қолди. Аробасини эскилиги учун 3,5 мажидийга далил ила савдо этиб экан. Ҳар мажидий – 160 тийин. Бизлар ҳам тушуб, аробани тавоғ қиласургандек атрофини ҳар биримиз бир неча дафъа айландук. Илож йўқ. Аробага уч от қўшулган. Бирини яхудий Юсуфга миндурууб, қайтариб, Байтуллаҳмга ароба учун юбордук.

15 дақиқа сўнгра далилни бизга қўшган одами Шайх Маҳмудни ҳам Байтуллаҳмга ароба учун юбордук. Йўл каноринда 45 дақиқа ўлтурдик. Мисрий дўхтур жанблари мандан ҳам сабрсиз экан, асабийлашиб, далилни ғойибона ғажиди: «Инсоф йўқ, бунлар ҳароми, ўғри...» – деди. «Бунлар яна бизни ўйнатур. Орқаларидан Байтуллаҳмга кетармиз», – деб иккиси қарор берди. Ман ҳам, табиий, аларга тобе бўлдум. Икки отни аробадан чиқариб, кўрпамни устига ташлаб, отни бирига миндим. Бири мулло ила дўхтурга қолди. Аларни бири дигарига минмоқни таклиф қиласар. Бири дер: «Валлоҳи сан мин». Дигари дер: «Валлоҳ, сан мин».

5-6 дақиқа атрофни «валлоҳ», «биллоҳ» босди... Охири мулло минди. Дүхтур яёв кетмоқда. Отлар ҳам «асл» эканки, ҳар қадамга түйүшар. Дүхтурни аёғига қараб оқисталик ила ҳайдаймиз. Байтуллаҳмни ярим йўлиға келдук. Яна «валлоҳ», «биллоҳ» бошланди. Мулло тушди. Дүхтур минди. Муллога олдим ва ё орқамга минмоқ ва эртароқ етмоқни таклиф қилдим. Яна валлоҳ биллоҳдан бошқа натижага йўқ. Оқибат, мўлтони юришинда Байтуллаҳмга етдук. Ва бир кўчадан далил ила Юсуф яҳудий уч отлиқ бир фойтун ила чиқдилар. Мисрийлар оташин бўлуб, далил одамини сўкуб, Халил ар-Раҳмонга бормас бўлуб, Байтуллаҳм шаҳрига пиёда кириб кетдилар. Ман 2-аробани аввал чархларини муояна қилиб, далил одам ила ўлтуруб, Халил ар-Раҳмонга озим бўлдум. Бир соат қадар юруб, синиқ аробага келдук. Хуласа, уч соатлик вақтимиз гойиб бўлдики, бу қимматлик йўқолган уч соат муддат мани беш кун Ёфа шаҳрига мунтазир ва йўлдан қолиб бекор ўлтурушнимга сабаб бўлганини сўнгра ўқулур.

Бағадри имкон аробани тез ҳайдатиб, Халил ар-Раҳмон шаҳрига яқин етдук. Атроф узум, зардолу, зайдитун, анжир, анор, хулоса, латиф мевалар боғчалари дур. Оврупойи 2-3 табақа иморатлар орасидан баъзан кулба ва козалардан ўтуб кетмоқдамиз. Бу замон машлаҳта бурулган саллалик бир араб суръат ила келиб, ўзини бизни аробага олди ва манга Халил ар-Раҳмон зиёратига далиллигини тайин этди. Ёнимдаги Шайх Маҳмуд бўлса, анга «Қуддус далили бу завворни Шайх Довудга элтиб топшир», деганини ҳар миён айтиб, иккиси бирор мунозара этди. Дам бўл, деган ила сукут этмайдурлар. Аробани сақлатиб, дедим: «Ё сизлар аробадан тушунг, ё мен. Бўлмаса, ускуту». Бир неча дақиқа сўнгра ифлос ва фалокат бир саройни олдига аробамиз турди. Аробачимиз Никола Абдулазиз исминда бир араб насоро бўлуб, Шайх Маҳмудга дерки: «Мандан хабардор бўл...» Сабабини Шайх Маҳмуддан сўрасам, дерки: «Христианлардан мунда агарчи тубжойи бўлса ҳам маҳсус олим оладурлар. Анинг учун қўрқар. Вузуъ этдим, мани Шайх Довудга топширди. Атрофимни 20 қадар бола ва катта олди:

– Ҳожи, бахшиш!

– Баъда аз-зиёрати, фил-авдати!

Шайх Довуд ила ҳарам сари кетмоқдамиз. Фалокат кўча ва бозорлар усти равоқлар ила ёшилган. Эни уч газлик эгри-бугри, ифлос

йўл. Кичкинагина ифлос дўйконлар ичинда озгина Оврупо моли бор. Чиркин араблар ўтurmоқда. Хулоса: мундай чиркин ва ажиб кўча ва одамларни ҳеч ерда кўрганим йўқ, ҳатто Ёфанинг кўчаларидан ҳам фалокатроқдур. У қадар фаноки, инсонга ёмон тъасир этар.

Бу дўйонларни бир-иккиси яхудийнинг баққол дўйонидурки, Оврупо тамга ва муҳрлик шароб тўла шишалар ҳам сотилур. Туркия ҳукумати тарафидан бино қилинган мактаби рушдияни «ҳаром» деб бола бермайдургон араблар бу шишалардан олмоқда ва фойда-си яхудий ва Оврупо киссасига кирмоқда ва арабни ахлоқи зиёда-роқ бузулмоқдадур. Турк ҳукумати шароб сотмоқни ман этмоқчи бўлса, Оврупо тожирлари, «ваҳший» турклар «сарбости тижоратта моне бўлур», деб эътиroz этар эмиш. Оҳ, сад оҳ, на учун олами ис-ломнинг ҳар ери мундай. «Фажтанибуҳу», «Ан-назофату минал-ий-мон» қайдা қолди? Анбиёи изом саловатуллоҳи алайҳум ажмайин ҳазоротининг турбаи мубораклари ва абул-анбиёи Иброҳим Халилуллоҳ ҳазратларининг муборак исми шариғларига нисбат берилган балданинг ҳоли ва мундаги мусулмонларнинг қиёфа ва башпараси бумидур? Эй, Оллоҳ, қиёматинг қўпсун-да, бу асифлик ҳолларга хотима чексун ва бизга батьс байд ал-мавт йўли очилсун!

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 25 октябрь. №52

Боши биринчи йил «Ойина»нинг 31-рақаминдан 52-рақамигачадур

Халил ар-Раҳмон шаҳрининг яхудийча исми «Хебрун» бў-либ, бу шаҳар Жабали Халил исмидаги тоғ каноринда мутта-сил ва бу тоғ этагиндаги катта бир заҳра устинда ва шаҳарга муттасил Иброҳим Халил алайҳиссалом ҳазратларининг мад-фани мубораклари воқедур. Бозор ва дўйонлардан бевосита боргоҳи ҳазрат Халилга 5-10 зина ила чиқиб, мармар тўшалган узун сахловдан юруб, кўп адад равоқ ва тошсутун устинда бино қилинган катта ва узун ери ҳасир тўшалган бир жомеъга кир-дук. Мунинг асл ўрнинда маъбади Сулаймон алайҳиссалом бў-

либ, сўнгра мулуки Мисриядан Малик Зоҳир, Барқуқ ва бошқалари тарафидан олий иморатлар қилингандур. Бу маҳалларга турклар истило этгандан сўнгра Ёвуз Султон Салимхон зиёратга келиб, яна зиёда таъмиrot этиб, мундан сўнг Султон Маҳмудхон Соний тарафидан яна зийнат берилибдур. Бу жомеъ тахминан юз қадам узунликдадурки, андин яна мурабба ва тулоний катта бир хонақоҳга кирдукки, мунинг зийнати аввалгидан зиёда ва устунлари якпора мармар бўлиб, бошлиқ ва деворлари ранги мармарлар ила зийнат берилиб, яхши овиза ва қандиллари бўлуб, ери бутун аъло қолинлар ила тамоман ўртулгандур. Хонақоҳ меҳробини икки тарафинда ва хонақоҳ деворларига етмасдан ва қиблага қараб, тулоний икки муаззам турба бордурки, ҳар бирининг тахминан тули олти, эни уч, баландлиги тўрт газ бўлуб, усти бизни соғаналардек балигсиртдур. Ва бул муборак турбаларнинг ораси ўн газ қадар бўлуб, ҳар бирининг усти яшил атлас пўшиш ила ёпилиб ва ул атлас устинда олтун калоба тўп ила оят ва аҳодиси шарифа жалий суратда ёзилгандур. Меҳробнинг ўнгиндаги турбаи муборакка ҳазрати Халил саловатиллоҳ васалламнинг ва сўлдаги турба завжай мутаҳҳаралари ҳазрати Соранинг мақбараи шарифалари бўлуб, икки турба бир-бираига муҳобилдурки, зиёратлари ила мушарраф бўлдум. Ва зиёратдан сўнгра меҳроби ҳазрати Халилга намоз ва убудиятни бажо келтуруб, ушбу хонақоҳга бир эшик ила марбут бўлинган бошқа хонақоҳга ўтуб, ҳазрати Исҳоқ алайҳиссалом ва ҳарими-муҳтарамалари ҳазрати Рафиқа ва ҳазрат Яъқуб алайҳиссалом ва завжалари ҳазрати Лоиқа зиёратларига мушарраф бўлдум. Яна бир эшикдан катта бир ҳужрага кирдукки, мунда ҳам олтункори ва яшил атлас ила ўртулган бир турба борки, бул ҳазрат Юсуф алайҳиссаломнинг мадфани шарифлари бўлуб, мунинг ҳам зиёрати ила мушарраф бўлдум ва бу ҳужрада эски ва тарихий бир сандуқ-да бордур. Бу ҳарам ичинда шайхлар «токчадек» бир жойдаги жилолик бир тошда «қадами набиййина Мұҳаммад» саллоллоҳу алайҳи васалламни бўса қилдирадурлар. Бу хонақоҳ ва жомеълар уч тарафдан кичик ва усти очиқ, ости мармар ила фарш қилинган бир саҳнни иҳота этгандур. Саҳнинг қиблага муҳобил тарафинда бир неча ҳужра бўлуб, шайхларга маҳсусдур. Ҳарам ичинда бир неча лавҳда Қуръони карим қўйилганки, би-

ридан бироз тиловат этиб, анбиёи изом ва оилаи киром ҳазаротларига арз ва Оллоҳи зулжалол ҳазратларига ниёзу убудият этдим. Ҳарам ва хонақоҳларни яна айланиб, андаги 30-40 қадар мўйсафид ва ёш болаларга ҳадяи ожизона бермоқчи бўлдумки, далилимиз шайх Довуд деди: «Буларга берма, берган ила қутулмайсан, балки сани талайдурлар. Тўхта, катталарини чақирай, анга бергил». Бу сўздан сўнгра алардан бири катталарини чақиридики, бир ёш киши келди ва ул кишига ҳадяни бердук. Қабул ва дуо этди. Андин сўнгра бир мўйсафид шайх манга далолат қилдики, яна бир зиёрат ери қолдики, кел зиёрат қил. Орқасидан кетдим. 3-4 шайх ўлтурган бир ерда ва хонақоҳи Халилни бир тарафинга олиб борди. Ва анда қудуқ оғзига ўхшаган ва қўлни кўб суртулганидан мужалло бўлган «қубурга ўхшаш тош»ни зиёрат қил деди. Дедим: «Қандай зиёрат қилурлар?» Ул шайх ерга ўтқурулган қубур тошини қўли ила масса этиб, сўнгра қўлини ўпуб, юзига масҳ этди. Бу афъол мани ўйловга солдики, бу қандай тош ва қандай зиёратдур? Гўё бул хажари асвад бўлсаки, биз ани ўпармиз. Ҳосил, бу тош учун бироз ҳадя бердим. Бу қудуқ оғзига ўхшаган тошни бир неча кишига ўптуруб турубдурлар. Ҳатто баъзи бадавийлар ўшал тошга сажда этган ҳолда баланд овоз ила ўз муродини тилаб турубдур. Бу ҳоллар асабларимга тўқунди. Яна атрофимни бир неча 60 дан 8 яшаргача одамлар олиб, назр тиладилар... Бу ҳоллар ёмон таъсир этиб, анбиёи изомнинг муборак турбалари ҳузуринда бориб, ихтиёrsиз ҳолимизга йигладим. Таъхирим, шайх Довуд далилга малол келиб, чиқмоқга таклиф этди. Туруб, яна ҳарамни айландим. Ва қуббат ул-Халил деворининг бир тарафинда, икки қизил мармарга, бири куфий, дигари қуръоний хат ва арабий ал-ибора ила «ушбу тош Мавлоно ас-султон Малик носир уд-дунё вад-дин Муҳаммад Қиловун айёминда қўюлди» ёзулиб, яна 732 тарих қозилгандур. Бошқа бир ерда 1313 санасинда Султон Абдулҳамидхон тарафидан таъмир ва таждид қилинди, деб тошга қозилгандур. Муни ўқуб турганимда, атрофимда 20 қадар катта ва кичик назрхўрлар жам бўлуб, алардан бири, билмайман, на сабаб учун «Ҳамид малъун!» деб менга исмини кўрсатди. Ва ман анга ҳайрон бўлуб қараганимда, бошқа бир-иккиси ани урушуб ва бири ул сўккан одамнинг мажнунилигини илгари сурди. Яна ҳазрат Халилуллоҳ

турбаи мубораклариға мутаважжиҳ бўлуб кетдим. Ва бул турбанинг ичига кирмоқ мумкин бўлуб, темир шабакалик эшиги бор экан ва эшикига шабака ила 1259 тарихи ёзилибдур. Турбаи Биби Сора ҳазратларининг темир қуфлиға 1302 санаси шакли қозилибдур. Видоъ зиёратидан сўнгра хонақоҳдан чиқиб, ҳарамнинг бошқа тарафидаги мармар сахловидан юруб, беш-йун зинадан тушуб, яҳуду насоро зиёратчилар(нинг) келиб қайтатургон дарвоза олдига келдукки, мунда зинага ўхшаш бир неча тошлар бордур. Зиёратчи яҳудий ва насороларни ҳарам ичинда киргумас эканларки, яҳудийлар шул тошларни силаб, ўпуб ва ул тошлар олдига соатлар ила йиғлаб, дуо ўқур эканлар. Яҳудийларни силаб ва ўқигани сабабидан бул тошлар сайқал ва жило топибдур.

Олмония императори ҳозирги Вилгельм Қуддус зиёратига келганида бу ҳарамга-да Султоннинг иродай маҳсуса қофози ва маҳаллий ҳукумат одамлари ила келиб, ҳарамга кириб экан. Султондан иродай маҳсуса бўлмагунча ғайримусулмонни ушбу ҳарамга қўймас эмишлар. Вилгельм бу зиёратига араб ва туркларга кўп худойи бериб эканки, баъзилари ани «Ҳожи Вилгельм» дерлар. Ҳарами Халилнинг иккинчи бобидан чиқиб, шаҳарни айланниб, бир араб таомхонасинда кириб, таом этдук. Ул таомхона кичкинагина ва бир мусулмон арабники бўлуб, деворинда Оврупонинг машҳур ҳукмдорларининг рангли тасвири осилган эди. Ошхоначидан сўраганда, бул «Ҳожи Вилгельм» ва бул фалон деб кўрсата берди. Ва императори аъзамимизни ҳам атаб кўрсатди. Анвар ва Ниёзий ва Маҳмуд ва Шавкат пошоларнинг ҳам тасвири осилгандур. Қуддус, Ёфа ва бу тарафнинг баъзи таомхона ва дўконларинда мундай ранг суратлар кўпдур.

Ошхонадан чиқиб, аробамиз турган саройига келдукки, 20 дан зиёда катта-кичик факир араблар: «Ҳожи, зиёрат қабул, аъти бахшиш» деб мутаважжиҳ бўлдилар. Бироз бахшиш берилди. Ва аробамизга ўлтуруб, шайх Довудни далилонасини бериб, мурожаат этдук. Бироз кетиб эдукки, келарда аробамизда ўлтурган киши ароба олдини тутуб, ҳаққини (?) талаб қилди. Ва анга ҳам бироз пул бериб, бир-икки ўтел нумра лавҳасини ўқуб ўтдук. Бу ўтелларни яҳудийлар тутар экан. Азбаски, араблар ўтелчилик қилмоқга ор қиласар эканлар. Мунда овруполи зиёратчиларни(нг) кўп келиши учун бу ўтелчи яҳудийлар кўп фойда қилур эканлар.

Аммо бечора араблар тиланиб, умр ўткарадурлар. Халил ар-Раҳмон шаҳринда уч катта жомеъи шариф ва бир неча масжид бордур. Шаҳарда 10 мингдан зиёда араб шофеъий мазҳабида ва 600 қадар яҳудий бўлуб, яҳудийларни(нг) бир ибодатхона ва бир мактаби бордур. Турклар тарафидан бир рушдия ва олти сибён мактаби очилибдур. Мунда шиша бўлатурган маъдан борлиги учун шишадан ҳалқа билакузук ва майда-чуйда нимарсалар қуядурлар. Агарда мунтазам бир фабрика очиб, шиша ва зужож санъатига ривож берилса, аҳолига манфаат бўлур эди. Шаҳарнинг узоқ ва яқинига шаҳарга қараган 60 дан зиёда қишлоқлар бўлуб, сув ила боғча ва мева ва дәжончилик яхшидур.

(Бақиаси бор)

«Ойина». 1914 йил 6 ноябрь. №1³⁴

1-рақамдан мобаъд

Халил ар-Раҳмон шаҳридан Қуддуси шарифгача тош тўшалган каф(т)дек мусаттатъ айло катта бир йўл бўлуб, тарафайн аксар афилсун, узум, анжир, зайдун ва бошқа мевалик дараҳтлар ила тўладур; тарафайн тоғлик бўлуб, Қуддус ва Байтуллаҳмга яқин ерлардаги боғчаларнинг баъзисини Амриқо ва Оврупо насоро бойлари сотиб олиб, Оврупо усулинда айло қасру иморатларни этибдурларки, яна бироз муддатда бу боғчалар тамоман Оврупо ва Амриқонинг халқига ўтуши муқаррардур. Тўрт тарафи тоғлик ва тошлиқ ерларда юз минглар сўм масориф қилиб, овруполилар тарафидан қасру кўшклар солингани бу даъвони(нг) далилидур. Йўл ҳозирланган, қайси кун бир Оврупо ширкати трамвай юргузуб, завворлардан яхши фойда этар. Халил ар-Раҳмондан Қуддусга қараб 5-6 чақирим юрдук. Мунда тоғ парчасидан иборат бир тепанинг ёнида тошга қозилган бир неча мағоралар бўлуб, одам эмаклаб киратургон кичик оғзи бордурки, қадим замон одамларининг хонау макони

³⁴ «Ойина» журналининг иккинчи йил чиқиши 1914 йил 6 ноябрдан бошланган, шу боис №1 қўйилган, 1915 йил №7дан бошланган.

лари эмиш. Бу мағораларни(нг) орқа тарафинда бир неча қабр аломатлари борки, Намруд замонидан қолган, дерлар. Йўлнинг каноринда бир-икки ерда шифохона ва чойхоналар бордур. Йўлнинг каноринда бир-икки ерда насоро зиёратгоҳлари бўлуб, анда олий калисолар солиниб, одатан ҳар бири оврупойи бир катта қасаба ёинки кичик шаҳар ҳукмини олибдур. Халил ар-Раҳмондан 11 чақиримда турк султони Сулаймон Қонуний тарафидан 3-4 таноб ерни туттган ва баландлиги 8-10 газлик мустаҳкам тошдан бир қалъя бўлуб, анинг живоринда тошдан бир таноб қадарина катта бир ҳавз бино қилинибдурки, вақтинда турк аскарлари туар өкан. Ал-он бўш ва ҳануз қалъя маҳкам ва, ҳатто, кунгира ва зийнатлари ериндадур. Яна бирордан сўнгра бир тоғга келдукки, христианлар муни Макони Хизр, деб зиёрат қиладурлар. Мундан нарироқ модари Юсуф алайҳиссалом ҳазрати Роҳиланинг зиёратгоҳидур. Мунинг ул тарафинда Юнус алайҳиссаломнинг зиёратгоҳлари борки, буларни зиёрат, дуои фотиҳа қилдук ва Халил ар-Раҳмондан 30 чақирим қадар юруб, Байтуллаҳм шаҳрига кирдук. Шаҳар тоф ва қумлиқ сувсиз ва оризалик бир ерда бино бўлинуб, кўчалари тор ҳамда эгри-бугри қадим замон шаҳридур. Шаҳарда шаъшаълик суратда бир неча калисо ва бир ҳукумат қўноғи ва бир неча мағоза бўлуб, садафкори савғои кетадургон нимарсалар сотилур. Мағозаларинда ерли нимарсаларни баъзан бирда ўн дафъа қимматбаҳо қўярлар. Бу шаҳарда беш-олти минг араб ҳалқи бўлуб, ярмидан зиёдаси насоро ва бошқаси мусулмон бўлуб, барчаси салла ва жубба ила юар. Мағозадагилар ҳар бир тилни оз-оз биладурлар. Ҳалқининг иши садаф таращламоқ бўлуб, садафдан тасбеҳ, салб, ҳалқа, ҳилол ва юлдуз, қути, шамдон, қопчуқ, попирусадон, албум, муқова, табоқ, қошуқ, тасвири салби Масиҳ, аёл, бола ва эрлар учун тугма ва ҳар нав зийнату ярашиқ катта ва кичик асбоб, хулоса, минг нави нимарса ясайдурлар. Ва ер юзидан келатурган мусулмон ва насоро завворлари туҳфа учун олиб кетарлар.

Садафлар Ҳинд ва Аммон тарафидан, аввалан, Италияга кетиб, анда аълолари ажralиб, иккинчи даражадагилари мунда келиб, айтулган асбоблар тайёрланадур. Андаги садаф тасбеҳ ва асбоблардан бож ила Туркистонда келтурулганда ва фириб емасдан биринчи қўлдан олинганда, юздан йигирма ва баъзи молдан юздан қирқ фойда қилмоқ мумкиндур. Шаҳарни ва са-

даф устахона ва мағозаларини юруб, баъзи туҳфалар олиб, бир майдончага чиқдукки, анинг бир тарафинда мағозалар ва бир тарафинда ҳукумат қўёнига ва ниҳоятинда катта бир иморат бордур.

Иморатни майдонга қараган жабҳа эшигини, билмайман, на сабаб учун юқори нисфи беркилгандурки, ҳам бўлуб кирдукки, мунда катта ва олий, деворлари мунаққаш ва зийнатлик бир масжид бино қилингандур. Узунлиги 60, эни 40 газ бўлуб, усти хейли баланд ва 44 дона аъло ва мазоиқлик мармар стун сақфини кўтариб турубдур. Ери тош бўлуб, ал-он бўш, фақат бир неча қандиллар осилгандур. Мундан бир эшик ила бошқа бир хонақоҳга ўтдукки, эни 30, тули 60 газ қадар бўлуб, кўп бино қўюлгандур. Мунда кўп қандил ва ададсиз зайдутун чироғлари ва зийнатлик овизалар қўюлуб, мунинг бир тарафинда тоқ(и)дек бир жой қилиниб, анда кеча ва кундуз минглар ила зайдутун чироги ва шам ёқилиб турурки, бул ҳазрати Исо Масиҳнинг туғулган маҳалидур, дерлар.

Бу иморатда ҳар нав икон ва тасвиротлар қўюлуб, мукаммал насоро калисосининг ичиликдур. Бу савмаъанинг ичида ва ост табақаси ва ер остинда баъзи кичкина ҳужралар ҳам бўлуб, анда ҳам тасовир ва чироғлар қўюлгандурки, кеча-ю кундуз чироғлари ўтмай, насоро роҳиб ва шайхлари қарашадурлар. Ушбу савмаъа, тўғриси, калисо доимо очиқ бўлуб, турк аскарлари тарафидан атрофинда қоровул ва ичинда ҳам бир суффа устинда доимо икки турк аскари милтиқ бадаст тик тутуб ва ҳар соат навбат олишдурмоқдадурлар.

Бу олий иморатларнинг биринчи бонийси ҳазрати Умар рази-яллоҳу анху, иккincinnи Халифа Абдумалик бин Марвон дерлар. Ушбу бино кўб матин ва чидамлик бир суратда мармардан бино қилингандур. Девор ва стуллари тамоман қозма ва қабартма, араб услубинда мазоиқлар бўлуб, кўп бино қўюлган ва мармар стун бошлиқлари кўп зийнатликдур.

Мунда ҳар ким ўз ҳоҳиш ва одати диниясинча зиёрат ва ибодат қиласи. Зиёратдан сўнгра яна шаҳарни кезиб, аввалги арабамизга ўлтуруб, шаҳардан бошқа йўл ила чиқдук. Шаҳар атрофинда мармар тош маъданлари бўлуб, бир қисм ҳалқ, ер остидан тош чиқориб, иморат учун йўнмоқдадур. Шаҳар атрофинда кичик мева боғчалари бўлуб ва баъзи боғчаларни яна Оврупо ва Амриқо давлатларини эгаллаб, баъзисинда юз минг сўм туратурган олий тош бинолар солибдурлар.

Қуддус ила Байтуллаҳм ораси 8 чақирим бўлуб, бир-бирига яқин боғча ва бинолар кўп ва орада бир-икки дайр (насоро монастири) бордур. Бу орада доимо эшак ва ҳар нав кира аробалари юруб, заввор тошимоқдадурлар.

23 саратон ойи саҳар зиёрати Халил ар-Раҳмон ва Байтуллаҳм учун Қуддуси шарифдан чиқилиб эди. Ўшал куни мазкур маҳаллаларни юруб, зиёрат этиб, гуруб вақтида яна Қуддусдаги манзилимга етдим. Бироз истироҳат этиб, Қуддусни оқшом ҳаётини кўрмоқ учун чиқдим. Кўчаларда «люкс» маҳтоби лампалар ёниб, озроқ аробалар бордур. Бир таомхонага кириб, гизо этдимки, анда мускирот йўқ, фақат машруъ нимарсалар бор. Қиморсиз қарта ва шатранж ўюни-да мавжуд бўлуб, кўп кишилар мунга оғуштадур. Маданият одатларидан театр ва синаматограф-да, мавжуд эканки, кирмадим. Бу пайғамбарлар шаҳрига мундай нимарсанни(нг) бўлмаслигини кўнгилни тилагани ажибдур. Мaa фийҳи шаробхона ва ҳар нимарса бор эмиш.

Синаматографни эга ва хизматкорлари араб ва иброй созларини чолгувчиларни(нг) ҳаммаси яҳудий экан. Тиётрига арабий, иброний, франсавий, немис тилларда ривоят-пиесалар қўйолур экан. Азбаски, мазкур тиллар халқидан мунда кўбдур. Фаластин араблари ҳам Миср арабларини сабаби ила тиётрчиликка бироз майл қилубдурлар. Тиётр пиесаларини ривоят атаб, қадим ва жадидлари яхши кўз ила қарап эмишлар.

Синаматограф ила мен турган ўтел орасинда овруповорий кенг ва мунтазам бир йўл бино қилиниб, тарафайн лампалар ила мунаvvар ва мунинг ўргасинда ҳукумат қўноғи ва ани жиоринда темир панжаралик аъло бир боғча ва сайронгоҳ бино қилингандурки, инсон мунда ўзини бир Оврупо шаҳрида кўрар.

Бу катта йўл руслар бино этган «Маскўбия» қалъясини олдидан ўтар. Бу йўлнинг икки тарафинда овруповорий катта мағоза ва ўтел ва дўконлар бўлуб, тарафайнга соя учун дарахтлар ҳам ўтқурулубдур. Маҳтобий лампалар зиёси ила юруб, манзилимга келиб, уйқуға кетдим.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 16 ноябрь. №2

Ҳазрат Халил ар-Раҳмон алайҳиссалом зиёратининг эртаси далил ила бир аробага ўлтуруб, Қуддуси шариф ичи ва атрофидаги анбиёи изом ва авлиёи кибор зиёратлариға мутаважжиҳ бўлдук: Қуддус фатҳинда шаҳид бўлган бир неча саҳобагони бузруквор ва у жумладан ҳазрат Уккоша ва бошқа мужоҳидони исломни бир неча ерда зиёрат этдук. Сўнгра шаҳарининг шарқий тарафиндаги Тур Зито тогига чиқилди. Бу тоғ тик эмас, ўрлатиб ароба йўли қилингандур.

Тоғ устига чиқганда, Қуддусни(нг) ҳар жойи кўзга кўринур. Бу тоғ устидан шаҳарда ўндан зиёда катта калисолар устундаги салиб – крести кўзга учрайдур. Тоғ устинда ҳам бир неча энг катта калисолар борки, катта давлатлар тарафидан бино қилинуб ва ҳар бирининг атрофинда 5-10, ҳатто юз-икки юзтаноб ерларни айлантуруб олинган майдон, боғча ва ўтеллар, юзлар ила хона ва ҳужралар бино қилиниб, анда насороларнинг ҳар қисмидан, масалан, рус, немис, франсуз, италян, англичан, рум, армани, булғор ва бошқа христиан миллатларининг эр, аёл монахлари туруб, бўйнида тўрт-беш олчин тасбеҳ оғсан зоҳид ва монахлардан бошқа ҳар синфдан, яъни косиб ва аҳли ҳунар муҳожирлари илан тўладур. Мазкур миллатларнинг ҳар бирини шаҳар ичинда ва хорижинда ва Тур Зито тогинда мунтазам мактаб, ҳатто дорулмуаллимлари бўлуб, христиан муҳожирларининг болалари-да, бошқа маҳаллий христиан араб болаларини ҳам мажоний ўқитадурлар. Мусулмон болалари бўлса, на бу мактабда ва на турклар бино этган низомий мактабда ўқумай, дунёдан хабарсизлик ила умр ўткаарлар. Қуддус машшатига диққат ила қараганда, араб мамлакати ва, ёинки, Туркия вилояти ва ҳокимлиги, кўзга энг кичик кўрунгон нимарсалардан бўлуб, ҳар ерда оврупойиларни(нг) маданияти, мактаби, тижорати ва хўжалиги зоҳирдур. Мисол учун шуни ёзайин: Қуддус ва Фаластинда Русия императўрига мансуб рус жамияти бўлуб, буларнинг идорасинда юздан зиёд русча ва арабча мунтазам мактаблар борки, талаба ва талаботлари 3-4 минг бўлуб, бул мактабларга туркларни эски имтиёзлар ҳукми ила мудоҳала ҳаққи бўлмай, фақат рус инспекктўри назоратинадур. Яна муаллим ва муаллима ҳозирлайдургон мунтазам русча,

арабча мактаблари бўлуб, бу мактаблар рус соҳиби хайротлари-нинг масорифи ва эҳсони ила тарбия қилинур, табиий, бу мактабга ўқитган кишилар рус тарафдорлари бўлурлар.

Қуддусдан Тур Зитода чиқганда, бевосита чап қўлда йигирма-ўттуз таноб ерни атрофи девор қилиниб, музайян Оврупо кўшк ва иморатлари бино қилингун. Бу кимники? Бир англиз хотуннинг мулки! Ул тарафинда йўл устинда кўб маҳаллалар бор. Булар кимники? Оврупо муҳожирлариники! Яна бир неча юз таноб ерларни атрофиға стун ўтқурулуб, сим ила иҳота қилиб, ичинда миллиёнлар масориф ила бино қилинган мактаб, мусофирихона, калисо, ҳаммом, хастана ва бошқалари борки, бу кимники, олмонларники! Қуддусда олмонлар бошқалардан бир неча дафъа зиёдароқ ер эгаллабдурлар. Ундан нари бошқа катта бир иморат ва бир неча таноб ерни айлантурулган, бу кимники, италияликларники! Яна бу... кимники? Оврупойиларники. Бир калима ила айтайн, Қуддуси шариф атрофини(нг) ўндан олти-еттиси оврупойиларники бўлуб, ниҳоятда олий ва жамиятларига махсус умумий бинолар солингандур. Ёлғуз оврупойилар эмас, Амриқо насороларининг ҳам мулклари бордур.

Қуддус атрофини(нг) 10 дан тўрт ё уни маҳаллий одамларники бўлуб, аммо ободлик жиҳатидан оврупойилар мулкини(нг) юздан бири эътибор қилинса, жоиздур. Офарин оврупойиларга! Аларни(нг) дин ва миллатлари ўйлиға этган сарф ва чекган меҳнатларини айтиб, адо қилиб бўлмайдур. Бу айтулган еру иморатлар қиши-қизил ва ялангоч тоғ устинда бино қилиниб, тошлиарни қозиб, катта майдонлар ва мусаттаҳ қилиб, бошқа тарафлардан туфроқ келтируб, ботмонлар ила боғчалар бино этубдурлар. Бу тоғлик ярамас ерларни(нг) мурабба газини 2 дан 500 франкғача сотиб олубдурлар. Мил ила қаерлардан сув келтирубдурлар... Оре, «Ҳиммат ал-рижол тақаллаъ ал-жибал» («Одамларнинг ҳиммати тоғларни талқон этар»). Энди буларга биз, диндор мусулмонни қиёс қилиб бўлмайдур. Вақтоти, Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунавварада мушарраф бўлуб эдим. Охириги 1-2 аср замонида биз, мусулмонлар ва ё мусулмон подшоҳлари тарафидан бир асари буқъаи хайрия йўқдур. Ҳозирги замон жамиятлари, мактаблари нари турсун, бизни баъзи ҳожилар аҳволини анда кўрмоқ керак. Киссасига минглаб пули бўлуб туруб, тўюб таом емайдур. Тевачисини тўйдурмай, андан таёқ ейдур. Карантинларда ўзини

мискин кўрсатиб, зиллатни қабул қилиб, пулсиз ўтар. Мактаб ё мадраса қиласурган ҳожи топилмайдур. Ах-ниҳоя, қиласурган хайри 5-10 сўм андаги бой ва, ёинки, гадойларға улаштурмоқ ва ҳарами набавияда ҳар кун халойикға уч кўза сув бергил, деб бир ходимға ойинда бир мажидий (160 тийин) тайин қилиб, ани ҳам юбормаслик (мани самарқандийлигимни билиб, «Самарқандда ал-он тирик ҳожи... жаноблариға айтинг, мани саққолик вазифамни юборсун», деб худдоми ҳарамдан бири манга тайин қилиб эди).

Бу мустамлакотлар орасидан ўтардим, узоқдан катта бир калисонинг ҳаллик қуббаси назаримни жалб этди. Кимники? Русларни монастири – дайридур, деди. Бордук. Йўлни бир тарафида фақир ҳовли ва иморатлар, ифлос араб хоналари бордурки, булардан ўтуб, катта бир дарвозадан олий ва катта бир чаҳорбогга кирдук. Ҳар тараф раста ила ҳар нав дарахт ўтқурулган. Ҳар тарафда монахлар учун хусусий уйлар ва ҳаммаси учун катта золлар ва мактабхона, касалхона ва ниҳоятда зийнатлик бир калисо ва Қуддусни ҳар бир минорасидан баланд хиштин бир минора ва устинда Қуддус уфқини овози ила тўлдуратурган катта бир ноқус осулгандур. Чаҳорбогни(нг) ҳар ери тозадур. Русларнинг Қуддусда мундан бошқа яна 4 катта калисолари бордур. Олдимдаги далилга дедим: «Кўрдингизми, русларнинг диндорлиги ва ҳимматини? Шундай тоғда йўқдан шундай жаннатдек жой қилибдурлар. Аммо Қуддуси ҳарами шарифнинг ичинда порухоналар қилибсизлар?!» Табиий, жавоб йўқ.

Баъзи руслар ила сўйлашдук ва андин чиқғоч ҳамон олдинға ифлос ҳовли ва саҳройиға ўҳшаш чиркин мусулмонларни кўрарсанки, бу кўрулган манзаралар кўнтилға таъсир этар.

Атрофни яна айландук. Тур Зито устидан Баҳри Лут кўли кўрунуб турубдур. Қуддус ичинда ва атрофида кўб адад калисолар устиндаги жилолик қубба ва салби илан кўзни ўзига тортар. Мусулмоний диний қуббаларининг устинда қўюлган ва аломати ислом бўлган ҳилол – ярим ойлар камоли чиркинликда кўрунуб, занг босуб, мужалло салб муҳобилинда ҳазин бир манзара кўрсатадурки, мундан насороларни(нг) динига ихлослиги ва мусулмонларни лоқайдлиги маълум бўладур.

Рус калисосининг яқинида ҳар тарафи тош девор айлантурулган мусамман – саккиз бурж(л)и бир ҳовлиға кирдук. Ўртасинда бир қубба бор, ичиға сандалиға ўҳшаш катта бир тош борки, ҳазрат Исо алайҳиссалом мунинг устидан осмонға чиқган

дерлар. Ўртаси чуқур бир тошни маҳали асои Мусо алайҳисса-лом дерлар. Мунинг яқинида йигирма қадар зинадан чуқур бир даҳмага кирилурки, Робиатул адавия ва Мұхаммад бин ал-Ҳасан разияяллоҳу анҳунинг зиёратлари дур.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 27 ноябрь. №3.

З-ададдан мобаъд

Бу чуқурдан чиқиб, аробага ўлтурууб, бошқа йўл ила яна шаҳарға тушуб, оврупойиларни(нг) төғ парчалари дик мактаб, мусо-фирхона, калисо, савмаъа, кўнсулхоналаридан ва ора-сира бузуқ ва хароба бир ерда аробамиз турди. Ердан 50 – 60 газ баланд бир төғ парчаси ва анинг ости бир танобни(нг) тўртдан биридан зиёда бир мағора. Бу мағоранинг усти якпора уч-тўрт дона катта тош – сахрат ила табиий ёпилгандур. Мағоранинг ости ердан бироз чуқур бўлуб, айвонга ўхшаш, уч тарафи қиёдан, девор, усти сахрат тош ва бир тарафи очуқдур.

Бу мағоранинг бир тарафинда Султон Иброҳим бинни Адҳам жанобларининг турбалари бордур. Мундаги эски асрлардан, вақтинда бу маҳалға катта иморатлар борлиги билинур. Аммо ал-он хароба ҳолиннадур. Агар ҳозирги мусулмонлар бўлсак, бошқа зиёратгоҳларда шунингдек хароба ҳолига келиши муқаррардур.

Мундан чиқиб, шаҳарни бошқа тарафинда бир хейли юруб, арман калисосидан ўтдук. Калисо деганда йигирма-ўттуз таноб ер ва атрофи тош девор ила қалъага ўхшатуб бино қилинган бир қўргонча тасаввур қилинсун. Ичинда калисо, мактаб, ҳаммом, каслхона ва жамияти хайрия идоралари, жимностиқ хоналар, савмаъа ҳар тарафдан келатурган зиёратчи насоролар учун мунтазам уйлар, таомхоналар, ҳатто ичинда ҳунар ва саноатхоналар бино қилингандурки, ёлғуз танбалхона ва бизни(нг) такялардек ишсиз ва гадойхона эмасдур. Темир дарвоза ва анга дарбонлари бордур. Бироз нари кетиб, аробадан тушдук. Равоқлик бир сахловдан ўтуб, бир ҳовличага, ундан пастгина ёпилган чинни ва минокори

бир гумбазға кирдукки, ичи масжидлардек гиламлар ила түшалған ва бул муборак мақом Ҳазрат Довуд алайҳиссаломнинг қабри мубораклари бўлуб, зиёратига мушарраф бўлдум.

Мундан ароба ила яна бошқа йўлларни айланиб, Қуддус ичиндаги қабри Ҳазрат Марям ва Исо алайҳиссаломға мансуб калисо ва бошқа машҳур калисоларни зиёрат ва саёҳатига азимат этдук. Аввалан, Масжид ал-Ақсо ҳарами шарифнинг яқинидаги Қамома калисосига бордукки, насороларча дунёни энг шарофатлик калисосидур. Ичи катта ва кичик бир неча қубба ва мармар иморатлардан иборат бўлуб, ҳазрат Исонинг ҳар нав тарихий ҳолатларини, яъни ҳалқни динга даъват этганлари ва яхудийлар тарафидан изо ва жафо кўруб, салға михланган ва, насоролар эътиқодинча, сулб бўлунган ҳолатлари тасвир қилинган ва кичкина ясалган ва осилган маслуби мужассам суратлари ясалиб қўюлгандур.

Калисо ичинда кўб адад чироғ ва шамлар ёқилуб, доимо зиёратчилари узулмайдур. Мундафи насоро зиёратчиларини(нг) баъзиси биз кирганда ниҳояти хушуъ ила тизланиб, андаги насроният меҳроблариға ва Ҳазрат Масиҳ маслубнинг тарихий сувратлари ҳузуринда саф-саф зиёрат этуб туруб эдилар. Бу калисонинг калиди мусулмон бир шайх қўлинда бўлуб, андан бошқа барча ҳодим ва руҳонийлари насоролардандур.

Мундан чиқиб, аниг яқинидаги рус калисосига кирдукки, мунда ҳам тарихий тош ва тасвirlар кўб бўлуб, бир неча уйдан ибораттурки, бир рус хотун шайхи бизларга кўрсатиб баён этди. Мунда тўрт-беш минг сўм масориф ила қилинган икон (тасвири ҳазрат Марям ва Масиҳ) бордур.

Калисонинг олдинда тошкандлик ёш аттор бор эканки, ҳожи ва завворлар олатурган нимарсалар сотадур. Дўкониға бироз ўлтурдук. Мамлакатдан сўради. Қўлиға бир неча нусха «Ойина» ва «Туркистон харитаси»ни бердим. Аҳли завод экан. Тошканд шаҳрини кўрсатдим. Беихтиёр харита устиндаги Тошкандни ўпуб, кўзиға суртди («Хуббул ватани мин ал-ииман»). Хусусан, ватан ва аҳли диёрни(нг) қадри мусофиратга маълум бўлур. Ҳақиқатан ватан муқаддасдур. Қадрини билмоқ керак. Сотмасга ва ўлгунча айримасга керакдур. Ўғли бор эмиш, Қуддусда русча ва арабча мактабга бериб, мактабни тамом қилдурмоқфа ва сўнгра Русия дорулғунуниға юбормоқиға машварат берилди.

Шаҳарни(нг) четроқиндаги қабри ҳазрати Марям калисосига бордук. Шайхлари тамоман насородур. Асл қалисо ер остинда қолиб 60 қадар зина ила кирилур. Ер остинда 2-3 қубба ва мармар равоқлар ила бино қилинган иморатлар бўлуб, деворларинда тарихий хат ва тасвиirlар бордур. Кўп чироғ ва қандиллар ёқилган ва еости иморати бўлган учун қоронгуудур.

Андин чиқиб, яқинидаги насороларнинг католик мазҳаби аҳлиниң зиёратгоҳига кирдук. Кичкина бир эшикдан киравмиз. Қудрати катта тош – сахралардан пайдо бўлган ва бир-бирга муттасил кичик табиий мағоралардан иборатдурки, мағоранинг товонига баъзан қўл етар ва ичи номунтазам икки-уч ҳужрага айрилиб, Ҳазрат Масиҳнинг бир бола бўйнида сулб қилинган мужассам тасвири бордур. Ва яҳудийлар тарафидан салбға миҳлангандა қонларини оғрани тасвир қилингандур. Бу мақомнинг шайхи католик насородандур.

Мундан чиқиб, шунда яқин Боязид Бистомий ҳазратларининг турбаларини зиёрат этиб, бироз нарироқдаги насороларға тейишили чаҳорбогта кетдукки, анда ҳам ҳазрат Масиҳнинг ҳар нав тарихий ҳолатларининг тасвирини деворларға тортилубдур. Яна бир неча исломий ва яҳудий ва насроният мақомларини саёҳат ва зиёрат этиб, яҳудийларни Қуддус ҳарами деворининг орқасига келиб, ҳар кун йиглаб, дуо ўқийдурган жойларига келдук. Яҳудийлар: ҳарамни мусулмонлардан олиб, аларға бермоқни ва қадим яҳудий ҳукумат ва салтанатига еткурмоқни Оллоҳ таолодан тилаб, ҳарам деморига орқа тарафдан келиб, мутаважжиҳ бўлуб, бўюнларига ридо солиб, эру аёллар соатлар ила тикка туруб, китоб юзасидан ва ё ҳифзан гуруҳ-гурӯҳ дуо ўқийдурлар. Ким билур, аларни дуолари қабул бўлур ё йўқ. Зоҳир ҳолда қараганда, Қуддус ва Фаластин, яъни арзи мавъудға яҳудий мусулмонлардан зиёда тасарруф ва илм жиҳатиндан насоролар тараққийдадур...

Ҳарами шарифдаги Масжиди ал-Ақсо ва Масжиди Саҳротуллоға кириб, яна бир видоъ зиёрат этиб, ушбу шариф мақомларға яна мушарраф қилишини Оллоҳ таолодан тилаб, чору ноҷор ҳарамдан чиқдук. Бозор ва ўтеддан нимарсаларимизни олиб, далил ва шогирд далилга кераклик ҳадяни бериб, алар ила видо этиб, ароба ила вокзалғача мутаважжиҳ бўлдук. Далил жаноблари вокзалғача келмоқчи бўлди, ёлвориб қайтардим, гўёки икки киши

тамом уч күн манга рафоқат ва далолат этдилар. Агарда Оврупени(нг) бир шаҳрига бир таржимон уч күн аларни айтган далолатини қылса, ақлан ўн беш сүм олур. Аммо икки кишига мани борганим оздур. Мaa фийхи берган нимарсам аларни(нг) тахминидан зиёда эдики, хурсанд бўлдилар. Ман дедим: «Агарда икки күн минилган аробани одат бўюнча кира қылса эдингиз, сизга зиёдароқ берар эдим. Азбаски аробачига... гурушни зиёда олиб бердингиз».

Далил жаноблари уялиб деди:

– Одамни тонимоқ мушкул, аксар ҳожиларни 3 күн, 4 күн олиб юрармиз, кетар вақтида бир гуруҳи бир мажидий (160 тийин) берарки, икки кишига на бўлур? Лоилож далиллик зимнига даллоллик ҳам қиласмиз...

Бу күн чаҳоршанбадур. Асрдан сўнгра бир попур Ёфадан Искандарияга кетар. Анга етмоқ учун Қуддусдан оташаробани учинчи синфиға кирдик. Тушганда нимарсаларни чиқарган ҳаммол ҳақини анга бермоқ учун далилга бериб эдим, олганим ийӯқ, деб 2 гурушни яна олди. Вагонда Оврупо ва Амриқо сайёхлари ва ерли араблар, аскарлар тўла бўлуб маҳлут қиёфатлар мавжуддур. Оқ оврупой, мадами, ... ситтиси бир лўнгиға сарилғон иштонсиз жава, ҳинд ҳожиси. Хулоса, бандаи Худонинг ҳар қисмидан бордур. Курраи арзнинг ҳар нав мусулмони, насороу яхудийси мунда келур ва ҳам бир Худонинг бандасидур.

Бу ҳолат ва манзаралар ҳам латиф ва ҳам ажиб бўлуб, инсонни чуқур тасаввурларга кўмар:

*Рафтам ба калисои тарсоу жуҳуд,
Тарсоу яхудро рӯ бату буд.
Дар ёди висоли ту ба бутхона шудам,
Тасбиҳи табон замзамаи ишқ ту буд³⁵.*

Ўрта ёш амома ва машлаҳлик бир араб шайхи Оврупо либоси кийган бошқа бир зиёли араб ила мани олдимға ўлтурдилар. Узум ерлар. Шайх манга: «Домла ака, узум енг...», – Хўқанд лаҗжасиға таклиф этди.

³⁵ Маъноси: «Тарсою жуҳуднинг калисосига бордим, тарсою жуҳуд сенинг қаршингда юзма-юз, сенинг висолингни бутхонада ёдга оламан, тасбиҳнинг ўшал ондаги оҳангига сенга ишқимдандир».

Ман дедим:

– Сиз Хўқанд тарафиға кўбми юрган?

– Ман хўқандийдурман. Беш-олти санадур, Ҳинд, Арабистон, Миср ва Ҳижозга кезарман...

Ҳаж шавқи учун ақчасиз ватандин чиқибдур. Маржон, садаф, тасбеҳ ва амсоли савдо этар ва мазкур айтилган қитъаларни ҳар сана бир дафъа айналур экан. Икки минг сўмча мояси бор эмиш. Мазкур қитъалар тилидан ҳамда урду ва англизий бироз билур... Мадинаи мунавварадан ер ва хотун олмоқ ва боласини низомий мактабга бериш тўғрисинда машварат этдук. Живориндаги ёш бир араб жарида муҳбири бўлуб, анга ҳам маъқул бўлди...

2 июл, ҳануз асрға ярим соат бор. Ёфа шаҳриға оташаробадан тушган ҳамон Ёфада мутаваттин самарқандий ва садаф тужжори Ҳожи Мир афандига йўлуқдук. Бу жаноб даллол ёинки ҳожи сайёдларидан эмас ва, ниҳоят, мусоғирпарвар ва амини мұтамад бир одамдур. Бизни тўғри ҳовлисига олиб бормоқчи бўлди. Ман дедим: «Афв буюринг. Бир дақиқа гойиб қиласурғон вақтим йўқ. Тўғри парахўдга кириб, Мисрға азимат этмоқчиман». Андаги турк жандармасидан парахўдни сўрадук. Деди: «Суръат ила кетсангиз, балки етарсиз». Нимарсаларни ҳаммолға кўтартуруб, денгизға юруб яқинлашдук. Олдимиздан гуруҳ-гуруҳ ҳалқ чиқиб: «Вопур роҳ» («Попур кетди»), сўзи ила бизларға муқобил бўлурлар.

Денгиз лабига чиқиб кўрдукки, попур кетиб турубдур. Денгиз жандармасидан: «Яна қачон попур бор» – деб сўрадук. Зуҳурот бўлмаса, душанба куни, жавобини берди. Ана, Халил ар-Раҳмон йўлиға ароба синиб, 3-4 соатимиз фавт бўлганининг натижаси. Энди Ёфадек кичкина шаҳрда беш кунимизни гўё ҳибс ила ўткарурман. Уйдан чиқғондан бери тузаган фурсат сафар прўграмим бу кун сактага учради. Кайф учди, гүёки мани мунда бир саналик ҳибс этдилар. На чора? Ёфада ҳожихона ва ўтел очган жаноби Ҳожи Бақо Бухорий келиб, мулоқот этди. Ва жаноби Ҳожи Мир ила манга дилдорлик бериб, Ҳожи Бақо очган Миср ўтелига олиб келдилар ва аъло бир нўмер бердилар. Алар хурсанд, ман хафа.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 8 декабрь. №4

Ёфа шаҳри Оқ денгизнинг Шом соҳилинда ва Қуддуси шарифнинг искаласидур. 15 мингдан зиёда халқи бўлуб, аксари мусулмон ва бошқаси яҳуд ва насоро бўлуб, барчасининг тили арабийдур. Атрофи bogча ва баракотлик бўлуб, узум, лиму, тарбуз, шафтолу, хулоса, ҳар нав мевасидан Оврупо ва Мисрға ҳар сана миллиён сўмлар ила сотар. Соҳилига лимон – паражўд турадурган сунъий ҳавзи йўқ. Ва қишида ҳар ойнинг аввал ва охири бир ҳафта қаттиғ фўртсанаси бор. Ёзда бирозгина дengiz мавжи бўлуб, аммо қўрқунч эмасдур. Ушбу сана оврупойи бир ширкат уч санада тамом қилмоқ шарти ила рехтим ва ҳавз қилмоқ учун Туркия давлатидан рухсат олгани сўйланурди.

Шаҳар дengiz бўйинда узунча тушуб, баъзи иморатлари дентизга муттасил, узоги 20-30 газдур. Қадим кўчалари ифлос ва тор бўлуб, охирان ҳукумат 4-5 оврупойи катта йўллар очиб-дурки, тарафайни 4-5 табақагача тошдан овруповорий иморат бўлуб, люкс лампалар ила танвир қилинган ва тижорати яхши бўлуб, ер юзиндаги бутун мусулмон, яҳудий ва насороларни(нг) зиёратгоҳи Қуддуси шариф ҳожиларни(нг) ўтадургон еридур.

Шаҳарга муттасил ва дengiz бўйинда ҳамда темир йўли маҳтаси ҳамсаоялигиндаги баъзан зироатлик ва баъзан қумзор ерларни Туркия давлати рухсати илан яҳудий миллиёнчиларидан иборат бир ширкат-компания халқдан аввалан, йўқ баҳосига олиб, кичик бир шаҳар бино этиб, яҳудий муҳожирлариға керакли иморатларни қилиб, 10-20, ҳатто 50 сана мұхлат ила берарлар ва беш мингдан зиёда яҳудий муҳожирлари дунёни ҳар тарафидан мунда жам бўлубдурлар. Овруповорий тош иморатлар, ибодатхона, дорулфунундек катта мактабхоналар «артезиан» сув бергучи қудуқлар, нумралар. Хулоса, йигирманчи аср тириклигига ва яҳудий майшатига керакли мukammal иморатлар бино этубдурлар. Ўз ароларинда иттифоқлари том бўлуб, бу яҳудий шаҳринда содалавҳ ва фикрсиз турк давлатидан на пўлис бор, на мудир.

Яҳуд миллиати ва ҳар бир кўзи очиқ миллат манбаатлик ишға пулни қизғонмайдур. Бу иш учун биргина Рўтшилд бой 4 миллиён сўм берибдур. Масалан, бир яҳудий дунёни бир учидан анда ҳижратни қарор бериб хатлашса, ўшал ширкат анга керак ҳов-

лини муҳожир планича бино этиб, 50 саналик берар ва ҳар сана ижорасини ярми қадар пул бериб, ҳовлиға эга бўлур.

Ушбу яҳуд шаҳрининг ерини ўн сана муқаддам бир кишига мажоний берса, олмас экан ва яҳудийлар бошлиб иморат қилганидан сўнгра атрофни бир мураббаба гази бир гуруш – 7,5 тийин экан. Ал-он гази минг гурушдан фазладур. Яна қиммат бўлуб, тараққий этар. Азбаски, дунёга яҳуд халқини(нг) мустақил шаҳри йўқ. Ва Ёфанинг бир тарафи чўл бўлуб, бу чўл бора-бора Туркиянинг ҳуррият ва ҳимояти ва, ёинки, содалавҳлиги соясинда дунёмизда бирдан-бир яҳуд шаҳри бўлур. Яҳудийларни ҳозирги дорулфунун мактаблари ва идораи баладиялари турклар назоратидан озод, на унга турк инспектор-муфаттиш илмияси ва на пўлиси қарайдур.

Ёфа яҳудий шаҳрининг кўзга кўрунмас идораси ўзлари учун марка бостурубурларки, яҳудийлар бу маркани сотиб олиб, хатнинг ичига ёпуштуарлар. Албатта, бир кун келурки, бу маркалар лирофани устига чиқар. Оре, умид лозимдур. Дунёга ҳар ким умид ила яшайдур. Аммо умидга иш қўшулса, натижа берар. Ёфада ўн минг қадар мусулмон ва 6-7 минг қадар яҳуд ва насоро бор. Аммо катта савдолар ва катта магазинлар, синематограф ва катта мактаблар ҳамма(си) яҳуд ва насоро қўлиндадур. Муқаммал франсуз ферар мактаби мунда мавжуд бўлуб, Франса миссионерлари тарафидан яхши бир ерда бино қилинган ва боғчасиндаги кўшқдан қаралса, бутун Ёфа боғчалари оёқ остинда кўринур.

Туркларнинг бир сultonий ва бир неча ибтидоий мактаблари бўлуб, Ёфанинг ўн минг мусулмонлари бизни Самарқанднинг 80 минг мусулмонидан ўқимоқ тўғрисинда аълодур. Азбаски, сultonийда юз қадар талаба бўлуб, арабий, туркий, франсавий ўқийдур. Франсуз миссионер мактабига ҳам мусулмондан 20 қадар талаба бор. Самарқанддаги ҳукумат мактабида нуфуси Самарқанддан унинг ярми қадар ҳам мусулмон боласи йўқдур. Мундан маълум бўлурки, Ёфанинг у чиркин араблари бизни бу озода мусулмонлардан кўра тараққийдадурлар. Ҳолбуки, аларни(нг) бу тараққийси яҳуд ва насорога қараганда ҳечдур. Ёфада насоролар тарафидан уч жарида араб тилинда ва яҳудийлар тарафидан бир жарида араб тилинда ва бир жарида иброний тил ва хатинда чиқиб, аммо бечора мусулмон тарафидан бир дона ҳам йўқдур.

Шаҳар ўртасиндаги жомеъга бордим. Бир мударрис бир неча талабага тафсир ва ҳадис дарс бериб турибдурки, бироз қулоқ осдим. Фикри ва таддиси яхши бўлуб, бизни Бухоро ва Туркистондан аълодур. Ҳамшаҳримиз садаф тожири жаноб Ҳожи Мир афандини(нг) уч ўғли борки, онаси арабдур. Каттаси ҳукуматнинг султонийсини тамом этиб, франсуз ферарини ҳам шу сана тамом этибдурки, тавзеи мукофот куни ферар идораси тарафидан бизга ҳам даъватнома ва билет келди. Бордим. Тошдан бино қилинган икки табакалик мадрасадек катта бир мактаб. Биринчи, тиши Туркия ва Франсия байроқ ва аломатлари илан зийнат берилган. Бир тарафда султон ва Туркия ҳам Франсия акобирларининг тасвири осилгандур. Юздан зиёда насоро, яҳуд ва мусулмон боласи синф-синф чиқиб франсузча, арабча аబётлар ва нутқ ўқудилар. Мактаб боғинда тўрт юз қадар мухталиф халқ бор. Мукофот учун берилатурган китоб ва албўмларни(нг) устига болани нумраси илан исм ва куняси ёзилган ва келтуруб мактаб попослари тарафидан ҳар болани яқин одамига берилур. Бола келиб, сафларни ичидаги ақрабосини қўлидан баҳшишни олар. Саҳнадаги баланд ерга чиқиб, таъзим этар. Араб муаллимлари араб либосига, яҳуд муаллимлари яҳуд қиёфасига, франсуз муаллимлари тамоман руҳоний (пўп) қиёфатинда бўлуб, бўюнларига салб осилгандур. Пўпларни оёқларинда маҳси ва этик-да йўқ. Балки арабдек оёқлангдур. Расми мукофот тамом бўлди. Араб талабалар тағирири қиёфа этиб, арабча тарихий ва муҳорабалар суратинда бир фожиа театр кўрсатдилар. Арабий шеър ва қасидалар ўқуб, андаги ҳар синф ҳалойиқ тарафидан мазҳари тақдир бўлиндилар. Шом соҳили франсуз нуфузида, дерлар. Дарвоҳе, франсуزلар Порисдан қопчуқлар ила олтун келтуруб, мусулмон ва араб болаларини мажоний ўқутуб ва, ҳатто, у чиркин, иштонсиз араблар боласига либослар бериб, ҳиллдор китоблар баҳшиш этиб, устига нон ҳам бериб, яна ҳар сана дунё жаннати ҳисобланган Порисга мажоний саёҳатлар қилдируб, ҳамда франсуз пули илан араб ва турк еринда очилган мактабга арабий ва, ҳатто, араб динини пул бериб араб муллосидан ўқутдурса ва андан чиқган болаларни восита илан ва минг йўл илан Туркияниг давлат маҳкамалариға маъмур қилиб сўқса, албатта, Сурия ва Фаластин ҳалқини франсузыпаст бўлушки лозим келур. Биз-

ни Туркистан ва Бухоро ҳалқидан кўра, араблар қобил ва муста-ди маданиятдурлар.

Арабларда либос, сочу сақол, қадим ва жадид, театр ва мусиқий масалаларининг ҳаром ва ҳалоллиги қачонлар ҳал бўлуб кетгандур. Бизга энди бошлайдур. Биз Русияга тобе бўлуб туруб, Туркистанни ҳеч бир шаҳриндаги бир ҳукумат мактабига ўн нафар мусулмон талабамиз йўқ, мусулмон тили ва мусулмон дини ўқитмоқ нари турсун...

Ҳожи Мир Бақонинг Миср ўтелидаман. Бир неча кун муқаддам Бухоро шайхулисломи жаноблари ҳам шунда турган эканлар. Қуддус, Ёфа ва Халил ар-Раҳмондаги шайх ва мискинларға кўп-кўп ҳадялар бериб, бир неча қурбонлар сўюб, ҳалқга тарқатибдурларки, ҳар ким мадҳ этар.

Ёфада ҳамроҳлари илан маъян ва ҳам танҳоли суратларини олдуруб эканлар. Муборак сийратларини Шоми шарифда бориб кўруб әдим. Бизларда баъзан таассуб йўқ. Агарда татар шайхулисломи бўлса әди, балки суратни гуноҳ биларди. «Шўро» маҷалласиға сурат қўймоқ гуноҳ, деб татар муллолари бир неча вақт мубоҳаса этиб әдилар...

Миср ўтели олдидан бир мусулмон жанозаси ўтди. Нардбонсиз бир тобут. Тобутни(нг) бош тарафинда бир газ қадар яғоч ўтқурулғон. Агарда майит эр бўлса, устиға амома ва аёл бўлса, рўймол ўрайдурлар. Тобут қумош ила ўртган бўлур. Тобут кўтарғанлар ва ақраболар ва орқадан кетатурғонлар дод-фигон ўрниға «Ла илаҳа иллаллоҳ, ла илаҳа иллаллоҳ»ни якбора ва баланд овоз ила айтиб кетмоқдадурлар. Ман ҳам нўмрадан тушуб, орқаларидан кетдим. 200 қадамдан сўнгра қабристонга кирдукки, шаҳарни(нг) марказиға бўлуб, икки тарафинда бозорга қараб катта дўқонлар бино қилинибдур. Бир тарафи маҳалла йўли ва бир тарафи ҳовлилар бўлуб, ораси бир неча таноблик қабристони муслиминдур.

Ўлук кўмилуб, Қуръон ўқулди, йиртиш йўқ. Қабристонни(нг) икки тарафиндаги икки катта йўлдан эшиги ва орасидан пиёдагузар йўли бор. Қабристонни(нг) бир тарафиндаги ҳовлиларни(нг) ҳар биридан қабристонда бир эшик ва теразалари бор. Ҳар нав кишилар, ҳатто Ёфа олдида турган икки англис ҳарбий парахўдини(нг) сарбозлари даста-даста мазкур ҳовлиларға кириб чиқмоқдадурлар. Ҳайрон-ҳайрон ман-да эшикларини бирин-

да яқин бордим. На кўрайин, оврупойи ва яҳудий ва араб фоҳиша хотунлари тўла ва ҳар бири муштарий тортмоқ учун изҳори жилва этмоқдадурлар. Тукларим урпайди. Субҳаналлоҳ, бу на расволик. Мунда мусулмон борми? Ҳукумат борми? Во, осафо, ҳар бири бор.

Аммо маънан ҳақиқийси ила ҳеч бири йўқ. Бу фисқхоналарнинг олдига муттасил қабрлар кўпдур, яъни бу хоналарни(нг) девори, хона ичиндагилар ила қабрлар орасинда ёлғуз восита дур. Мунда киратурган хабислар қабрларни устидан ўтуб кирад.

Ҳожи Мир жаноблари мани зиёфатга таклиф этиб эди. Қабристондан чиқиб, денгиз бўйиндаги саодатхоналарига бордим. Шаҳар мўътабаронларидан бир неча турк ва араб бордур. Фавран қабристон ҳолатидан сўз очдим. Ўз мақоминда дедиларки: «Ундаги «корхона»дорлар ажнабий табааси ва яҳуд насоролардур. Биз бир неча дафъа аларни кўчиримоқ учун ҳаракат этдук, кўнсуллар мудоҳала этди. Ҳукуматимиз заъф кўрсатди. Баладия ҳам аларға тараф бўлди. Тўғриси, ақча кучлук этди. Ҳоло иш юқори маҳкамаларға кетди. Жавоб келган йўқ».

Дедим: «Ҳеч ерда мундай разолат ва зиллатни кўрмадим. Дунёда муқаддас қабристонни бу қадар таҳқиқир этган бир шаҳар бўлмаса керак. Бизни Туркистон қабристонимизга ит ва эшак ўлуб ётар, пору тўкулур, боболаримиз устига от чопамиз, бузуб йўл қиласиз... Аммо қабристонда расмий фоҳишахона қилгани миз йўқ. Бу кўнсулларни(нг) айби эмас. Сиз мусулмонларни ва ҳар нимарсаға бепарво ҳукуматингизни(нг) айбидур. Бизни(нг) Туркистонда расмий мусулмон фоҳишахоналари ҳар шаҳарда кўп эди. Аммо мусулмонларни(нг) саналар ила талаб ва рижосини Русия ҳукумати диққатга олуб, ушбу сана барчасини беркитди. Айб бўлсун, сиз, мусулмонларга...»

Ҳожи Мир Самарқандийни(нг) уч ўғли бор. Бири бу сана Истанбул ва, ёинки, Оврупо дорулғунунинг юборилур. Иккиси ҳукуматнинг сultonий мактабига ўқиийдур. Ёзган ва ўқуган дарслари, чизган расм ва пиланларини болалар кўрсатди. Ниҳоятда қувондим. «Ойина»лардан ва «Туркистон харитаси»дан бердим. Падарларини ватани Самарқандни харитаға кўруб суюнарлар. Оллоҳ ривож берсун. Кошки, ҳар бир муҳожир Ҳожи Мир афандидек ҳаракати маданиятга бўлинса эди.

Зиёфатдан чиқиб, Бухорий Ҳожи Мирзо ал-Бақо афанди хонасига бордук. Грамафунда Туркистон ва Бухоронинг машҳур хонандалари лавҳасини қўюб, мамлакатча бир мажлис этдук. Ҳожи Мирзо ал-Бақо афанди Ёфада икки ҳожихона ва бир Миср ўтелини тутар. Қуддус зиёратифа боратурғон ҳар ҳожи 11 сўм берса, Ёфадаги паракхўддан қайиқга ва андан ҳожихонада ва андан вокзалға ва темир йўл ила Қуддус ва Қуддус вокзалидан ароба ила Қуддус ҳожихонасинда ва андан Халил ар-Раҳмон ва Байтуллаҳмға ароба ила Ёфага ва Ёфадан қайиқ ила паракхўдға масорифсиз юруб чиқарки, бул ҳожиларға ниҳоятда фойдаликдур.

Ёфа ва Қуддусга бир ой турса ҳам, ҳожихонаға ижара ва сув учун ақча бермайдур. Ҳулоса, на ҳаммол ва на қайиқ ва на темир йўл ва на аробага бир пул бермайдур. Далилларни(нг) назру рўзини таоми бошқадур. Ҳожи Бақо ушбу хизматига темир йўл ва паракхўд идорасининг ҳар биридан ҳар ҳожи бошиға ярим сўм қадар комиссия олурки, агарда ҳар сана беш минг зиёратчи мусулмон Қуддусга ўтса, тўрт-беш минг сўм комиссия ҳақи бўлиб, икки ҳожихона, Ёфа ва Қуддусдаги йигирма қадар вакил ва хизматкору котиб ва югурдакларига шу ақчадан вазифа берур. Ушбу машғум муҳораба ул ҳодими миллиатга кўп заарлар этди. Ҳожиларни ўз ҳолига қўйса, бу 11 сўм эвазига 20-30 сўм, балки зиёда масориф этарлар. Ҳожи Мирзо ал-Бақо афанди бу ишни кўп ҳаракат ва тадбирлар ила қўлға киргизубдурки, узун бўлмаса, ёзардук. Тўрт кечагина, тўрт кундузни Ёфада ўткармоқ кўп гарон эди. Мaa фийҳи ҳампаҳрийларни навозишлари соясинда хафа бўлмадук ва бекорликда саёҳатнома мактубларидан бир нечасини ёзиб, «Ойина»га юбордук. Ҷаҳоршанба Ёфага келуб эдук. Душанба, аср паракхўдни З-даражасига билет олиб кирдук. Иккинчи билети тамом бўлган, биринчисига кўз қиймади. Аммо З-синфга ўлтурганимизга жазо чекканимизни Пўрт Саидга кўрарсиз.

Паракхўдимиз шомға яқин ҳаракат этди. Иншооллоҳ, эрта соат 8 Мисрнинг Пўрт Саид шаҳрига чиқармиз.

(Бақиаси бор)

«Ойина». 1914 йил 18 декабрь. №5

Попур Ёфадан Пўрт Сайдга қараб ҳаракат этди. Фуруб яқиндур. 2-даражани устига чиқдим. Бир гуруҳ араб ва Оврупо либоси кийган араблар бор. Сажжода солиб, асрни ўқуб, давра этиб, имомлари вазъи сиёсий сўйлаб ўлтурубдур. Мисрни англис ва туркларға бор муносабатидан ва туркларға яқинлашмоқни мисрийлар учун нафълигини исбот этмоқға зўр берадур. Баъзилари савол ва эътиroz этар, гўё анда йигирма-ўттуз нафар аъзолик бир парламент мажлиси миллат очилгандур. Ман ҳам таҳорат олдим. Офтоби жаҳонтоб денгизимизга ботиб, гарбимизни қонға бўятди. Бир араб шайхи азони Мұхаммадий ўқуди. Параҳўддаги мусулмонлар аzon ниодси муқобилиға: «Оллоҳ, Оллоҳ жалла жалолуҳу, самиъна ва атоъна»³⁶ жавоби илан фазони тўлдуарлар эди. Ҳар тарафимиз сув ва анинг бухоридан пайдо бўлган осмондур. Мундан бошқа олам йўқ. Бу поёнсиз денгиз устинда писта пўчогидек маркаби баҳриямиз солланадур. Бу губорсиз ва муаттар уфқни холиқига ибодатга муқайяд бўлдук.

Араб шайхи важдға келди. Намози шомни икки аввалги ракатиға «Тоҳа»дан Қиссаи Ҳазрат Мусо ва Фиръавнни охиригача ўқуди³⁷. Намоздан сўнгра такбир ва таҳлиллар, таслия ва тарзиялар ўқулди. Ва олами ислом учун дуолар айтилди. Мундай важдлик бир ибодатни мундан аввал кўрганим ёдимға йўқ. Атрофимизни олойиши дунёдан поклиги, уфқимизни муаттарлиги ва шайхни руҳафзо оҳанг қироати асбоби важидан эди.

*Чу хуи аст савти Қуръон зи ту дилрабо шунидан,
Барахти нazzора кардаи сухани Ҳудо шунидан³⁸.*

Уфқимизни зулмат босди. Осмоний шабчироғлар зоҳир бўлуб, Оқ денгизнинг ла яътинача мавжларини кумушдек жилолантирар эди. Араб мажлиси миллати ҳануз баҳсу жидолда, араб шайхи ҳануз сўзу гудоздадур. Ҳавонинг салқинлиги оёқим

³⁶ Азон айтилган пайтда биринчи «Оллоҳу акбар» тақбиридан сўнг намозхонлар томонидан жавоб ўрнида талаффуз қилинадиган тасбеҳ-зикр.

³⁷ Қуръони Каримнинг «Тоҳа» сурасидаги оятлар назарда тутилмоқда.

³⁸ Маъноси: «Бу ёқимли оҳанг Қуръоннинг дилраболигидан, бунга назар-эътибор қил, бу – Ҳудо сўзи бўлгани учун гўзалдир».

оғруқини қўзгамоқчи бўлди. Лоилож, хуфтонға туролмай, З-дараҷани(нг) анборига тушуб, жаноби Ҳожи Бақо берган амонат денгиз курсиси (качалка) устига узандим. Анбор бадбўй бўлган эди. Ёнимда Ҳожи Абдуллоҳ исминда шаҳрихоний мискин бор. Юки бир чарх ила З пут келатурган эски-туски латта-путталардан иборатдур. Чархидан бошқа барча либосу латта-путталари ни бизни тўқумдўзлар 50 тийинға олиши маълум йўқ. Ўзи икки ҳаж қўлғон, Ироқ, Бағдод ва Фаластинни икки дафъя жаёв кезгани бир обиддур. Параҳўдда ва Пўрт Саидда нимарсаларимизга қоровуллик ва ҳаммоллик этди. Обжўш келтирадур. Хулоса, мен учун бир ҳамشاҳрий ва аъло ҳамроҳдур. Миср туфроғида чархчилик қилиб, бироз фойда этиб, мавсумда яна Ҳажи шарифға кетар. Заррадек ғами йўқ. Икки юзи қип-қизил, тавоно.Faқат ниҳоятда чиркин, ҳаттоқи либослари кир ила у қадар муҳр(а)ланганки, ҳабашни қаро юзидек ялтирайдур. Хулоса, бу ҳоли илан бир миллиёнердан тинч ва роҳатдур...

Оқшом денгиз курсиси устинда чалқармон ётиб уйқуға кетдим. Параҳўд бироз бешикдек тебратур. «Афандим, турунг, фажр қўлдан кетар. Ва ҳам Пўрт Саид кўрунди», – деб Ҳожи Абдулло афанди уйғотди.

Фажрни сафоси, денгизни шаффоф мавжи, бир тарафдан, шамси жаҳонтобни зиёси илан ҳаво ва фазони касб этган латофати ва денгиз қушларини учупси ва соҳилдаги шаҳарни, денгиз мусофиirlаринча, чимилдиқдан чиқғон бир қиздек латофатини тамошоси тўјатурган ва тавсиф қилиб битиратурган нимарсалардан эмасдур. Оқшомги ибодат лаззатини такорори учун араб намозгоҳига кетдимки, намозни битирибдурлар. Ёлгуз бошимга убудият этдим. Ҳар замон Мисрни ҳақиқий хўжаси англисларни ҳарбий ва фўлодий мудҳиш парахўдларига йўлуқармиз.

Энди Пўрт Саид жомеъларининг ҳилоллик минораси ва салблиқ калисолари ва 3-4 ошёналик иморатлари ва денгиз бўйиндаги симсиз тилгироф маҳаттасининг устуни кўрунмоқга бошлади. Сувайс қанолининг ишбоши муҳандиси франсуз Фердинант Дулисбисни денгиз ичинда тошдан қилинғон ҳайкали мусофиirlарга қанолни кўрсатиб турубдур.

Параҳўдимизга араб дўхтури келиб, ҳаммани бирма-бир кўз ила кўрди. Карантин қайиқлариға юклар тўлуб, ўзимиз ҳам ўлту-

руб, искалаға мутаважжиқ бўлдук. Мундаги қайиқ ва ҳаммоллар карантин идорасидандур. Қайиқ кироси, карантин цули, баҳур шуллари учун бир сўм олиб, панд бердилар. З-мавқеға билет олганим жазоси энди бош кўрсатди. 2-даражадаги одамлар матўрлиқ қайиқ ила кетдилар. Биз аларни карантиндан ўтишларини соатлар ила денгиз ичига мунтазир қолдук. Карантинга чиқдук. Бирин-бирин темир панжара ва ҳалқалардан ўтуб, табиб ва пўлис доиралариға йўлиқуб, ҳар тарафи темир панжара ила иҳота қилинғон бир майдонга чиқдук. З-даражадаги одамларни нимарсаси баҳур бўлур эканки, яна икки соат интизор керак. Баракат берсунки, тоза чамадон ва тоза жойхобларни «начур»га солмадилар. Чиркин кўринган ҳар нимарсасини боғлуқи илан жаҳаннам мисоли баҳур ўчиғига тиқиб, дудлатиб чиқардилар. Бир хил мусофирлар бу замон гўё девона бўлган эди. Мани 4 қитъя нимарсамини баҳур қилмасдан, тоза нимарсалар ичига ажратдиларки, панжарани орқасидан ва узоқдан кўрар эдим. Искандария ўтелинг одами араб Алини ўтелиға бормоқчи бўлдумки, Али мани андаги сиҳҳия доирасига олиб борди. Кимлигимни поспуртсиз сўрадилар. Мисрга қайси хона, қайси кўчага кетишим сўралди. Дедим: «Ўтелга тушарман». Дедилар: «Сиз З-мавқе ила келибсиз, З кун Пўрт Саидда турарсиз, ҳаким муояна этар, сўнгра кетарсиз...» Ҳар на дедим, илож йўқ.

«Искандария» ўтелиға турушим ва Алини(нг) манга З кунгача кафиллигини пўлис ёзди. Хулоса, бандға тушдук. Агарда Мисрда маҳсус бир хона ва кўчасининг нумраси ва хона эгаси оти айтулса, қўяберар эканлар. Ва Миср пўлисига тилигроф берилиб, андаги сиҳҳия ҳакимиға З кун кўргузулар экан. 2-синфдагилар қачонлар Миср вокзалиға кетди.

Бошимдаги Эрон кулоҳи шафоати илан бир эроний келиб, аҳвол сўради, вуқуотни сўйладим. Ул деди: «Мунда «Дор ус-саодат» исминда ўтелим бор. Эртага сизни Мисрга жўнатмоқ қўлимдан келур». Яна пўлис ва сиҳҳия идорасига бордук. Табдили мақон ва кафили жадидни қайди учун энди аввалги кафилим Али қабул қўлмайдур. Лоилож беш куруш бадалиға Алини бандидан озод бўлуб, «Ҳожи Али эроний кафолатига кирдим. Соат 8 парахўддан чиқуб эдук, энди 12 дурки, ҳоло гумрукдан чиқғонимиз йўқ. Соат 2 да Мисрга ароба жўнайдур. 6 соат Пўрт Саидни са-

ёҳат этиб, шу кун аср Мисрға кирмоқчи әдүккі, 3-даражага келганимиз учун ҳибсға тушдук. Гумрукға нимарсаларимиз қаралди. Божлити йўқ экан, чиқиб «Дор ус-саодат» ўтелиға келдик...

«Ойина». 1914 йил 30 декабрь³⁹. №6

ИСТАНБУЛ – БЎСФЎР БЎГОЗИ

Қора дengиз ила Мармара dengизи бир-бирига Истанбул бўғози ила етишур. Қора dengиз соҳиллариндаги давлатлар: Русия, Туркия, Румония ва Булғория бўлуб, Қора dengиз соҳилларини аксари аввалан Русия, сўнгра Туркия тасарруфинда бўлиб, озгинаси Румония ва бир парчаси Булғория ерларидан иборатдур.

Юз сана муқаддам Қора dengиз соҳил бўйларини аксар, балки ҳаммаси турклар тасарруфинда эдики, бепарволикдан ва замонча ҳозирланмаганликдан аксарини қўлдан бердилар. Қора dengиз ила Мармара dengизларини бир-бирига улаштургувчи бўғозни Қора dengиз тарафидаги оғзини Истанбул – Бўсфўр бўғози аталиб, киринтили ва чиқинтили бир сувратда Истанбул шаҳригача шимол-ғарбидан жануб-шарқига мойил бўлуб узайдур.

Истанбул бўғозининг шарқий соҳили Осиё гарбий лаби Оврупо қитъаси бўлуб, бу бўғоз икки dengиз ила икки қитъанинг бир-биридан ойириб ва етишдургувчидур. Бўғознинг Қора dengиздан Истанбулгача узунлиги 30 километр бўлуб, икки соҳил орасидаги энг тор маҳали 550 метр ва энг кенг ери 3 километрудур. (Бир метр 22,5 вершук.)

Бўғознинг энг чуқур маҳали 52 метру даринликда бўлуб, энг саёз ери 27 метрдур. Қора dengизга бир неча ширин ва катта наҳрлар қуюлгани сабабидан Қора dengиз суйи фақат танжир

³⁹ «Ойина» журнали 1914 йил 6 ноябрдан бошлиб иккинчи йил ҳисобига чиқа бошлаган. Шу сабабли иккинчи йилнинг №1 адади 1914 йил 6 ноябрь, №7 адади 1915 йил 14 январь санасига тўғри келади.

ила озаймасдан, ортуқча сувлари бу бўғоз воситаси ила доимий суратда Мармарага ва андан Оқ дengизга оқгани учун бўғоз ичи доимо оқинтилик ва баъзан фўртаналиқдур.

Қора дengиздан бўғозга ўтатурган сувни ҳар сонияга 30 минг мұкаъъаб метр тахмин қилинур. Ва шул оқинти ва фўртанаалар иътилоф паражўдларини ҳужумлариға баъзан моне бўлмоқдаурлар. Бўғознинг икки тарафи төглиқ ва тепалик оrizали ерлар бўлуб, бу ерларни усти ҳар нав мевалик ва бемева дарахт ва сабза ва зироатлар, боғ ва боғча, кўшк ва қаср ва дилнишин манзил ва иморатлардан иборат бўлуб, манзара ва кўруниши ниҳоятда дилфиреб ва ажойибот оламидан бўлуб, бутун сайёҳларни вола этар. Истанбул бўғозининг, Осиё ва турклар истилоҳинча, Анатўли соҳилиндаги шаҳар, қасаба ва кўйларини исми шудир: Ускудор, Қозикўй, Қизилтупроқ, Аринкўй, Чомлича, Булгорли ва бошқа бир неча қасабалар бўлуб, бўғозни тор ерлариндагилари ушбулардур: Қузғунчиқ, Бекларбеги, Чангалкўй, Воникўй, Қандилэли, Анатўли ҳисори, Қоглийча, Чубуқли, Анжиркўй, Баккўз, Анатўли қавоги ва ўзга кўй ва қишлоқдан иборат ва бунлар бир-бирига муттасил бўлуб, Қора дengиз оғзиндан Истанбул рўбарўсидаги Ускудор шаҳригача узаядурлар.

Истанбул бўғозининг Оврупо тарафиндаги машҳур кўй ва қасабалар ушбулур: Ўртакўй, Арновудкўй, Бабак, Рум эли ҳисори, Амиркон, Испания, Янгиқўй, Таробия, Бабакдара, Сориер, Рум эли қавоги ва ўзгалари. Бу қасаба ва кўйларда энг олий бинолар ва яхши музайян боғчалар, тўрт-беш табақалик бинолар бўлуб ва аксар ажнабий кўнсулларининг ёзлик кўшклари шунда бўлуб, бу кўйларда Истанбулга муттасилдур.

Бўғознинг икки тарафиндаги кўй ва боғчаларга кибор халқи бўлганидек дәжқон ва боғчадор халқ-да кўпдур. Истанбулдан бу кўйларда доимо «Ширкати хайрия» ва бошқа ширкатларининг паражўдлари гашту гудоз этмоқда бўлуб, бу кўйлар Истанбулнинг маҳалла ва майсаллари ҳукминдадурлар.

Бўғознинг Анатўли ёқасинда Султон Йилдирим Боязидхон тарафиндан бўғоз мудофааси учун «Анатўли ҳисори» тўпхона ва қалъаси ва Рум эли тарафинда Истанбул фотиҳи Султон Маҳмудхон Соний тарафиндан «Рум эли ҳисори» қалъя ва тўпхонаси бино қилингандурки, бунлар эски усулда ва катта тошлардан хейли

метин бинолар бўлуб, бу кунгача пойдор, аммо мұъаттал әди. Ва ҳозирги муҳораба замонинда яна бунлардан турклар фойдаланиб, тўп қўюбдурлар. Бу ҳисорлардан бошқа янги усулда ер остинда, ҳам устинда маҳфий ва ошкора суратда бўғозни икки тарафинда, баъзан тепалардан ва, баъзан, чуқурлар ичинда кўб адад қалъя ва таъбия ва тўбхоналар бино қилиниб, ҳар нав тўплар қўюлгандур. Ошкора таъбияларнинг тўпи денгиздан кўрунуб, ҳатто баъзи тўпларнинг оғзи ва уни сувдан бир-икки аршин юқори ва сув устига бир аршин қадар чиқиб, паракўд устинда ўтатургандарга ўз даҳшат(ини) берар. Тўплардан бошқа бўғозни тахт ал-баҳр мино ва қайиқ ва портлатқичлар ила муҳофаза этиладур.

Мана шу бўғозни оғзига яқин бориб, Русия ҳарбий паракўдлари Истанбулни таҳдид этмоқдадурлар. Ва ушбу бўғоз Истанбулни шимолий дарвозаси бўлуб, жанубий дарвозаси бўлса, Қалъа Султония – Дарданел бўғозидур. Истанбул шаҳри шимолдан Русия баҳриясиға, жанубдан англис ва франсузларнинг юздан зиёда паракўд ҳам тахт ал-баҳр ва фавқ ал-баҳр, учқуч, сузгучлари ҳужумига ҳадафдур. Бу ҳужумларни(нг) натижаси ва бўғозларнинг чидаши ёинки таслим бўлуши тўғрисинда дунё оқилларининг фикри ҳар нав бўлуб, тирик киши мунинг натижасини яқинда кўрур. Қалъа Султония, яъни Дарданел бўғози ҳақинда келар адад «Ойина»да маълумот берилур.

*Maҳmudxўёса
«Ойина». 1915 йил 2 май. №13*

ТАРИХИ ИХТИРОИ БАШАР – ОДАМЛАРНИНГ ЧИҚАРГАН НИМАРСАЛАРИ⁴⁰

Бугун қўзимизга кўринатурган нимарсалар аввалги замонда йўқ эди. Худонинг одамларга берган ақл ва тадбири соясинда бирин-бирин чиқорилди ва ҳам муни бир тоифа ихтиро қилмади, балки ҳар замонда ҳар ким тарафидан чиқорилди. Тарихдан бехабар баъзи кишилар ва, ёинки, душманлар мусулмонларни аввалдан охиргача нодон, ваҳший кўрсатурлар. Мусулмонлар дунёга ҳеч нима ихтиро қилмади ... дерларки, ул ғалатдур ва ҳар бир шараф ва ҳунармандликни, бу кунги фарангларға иснод бермоқ ҳам тўғри эмас. Чунки дунёдан ўтганлар ўз навбатларинда ишлаб, ҳунар кўрсатиб ўтди ва ушбу кунги ихтиrolар учун асбоб ҳозирлаб қўйди ва ҳозир фаранглар навбатидур. Бир замон келурки, навбат бошқаларга тегар, бул дунёning одатидур.

«Ойина»нинг муҳтарам хонандалариға дунёни аввалидан бу кунигача бани одам тарафидан ихтиро қилинган машҳур нимарсаларни арз қилмоқ учун тарих китобларидан олиб ёзмоқчи бўлдук ва мундан сўнгра «Ойина»нинг ҳар рақаминда пайдар-пай «Тарихи ихтирои башар» унвони ила ёзилур. Мунда ёзилатурган нимарсалар «Тарихи умумий», «Тарихи маданият», «Маданияти исломия», «Коинот», «Тарих ва жуғрофия лугати», «Тарихи тамаддун» китоблари ва бошқа китоб ва рисолалардан нақл қилинур. Ва мунда кўрсатилган тарих уч нав бўлуб, биринчи(си) «Тарихи хилқат» аталурки, «Таврот»ни(нг) баёни бўйинча дунё

⁴⁰ Ушбу маълумотномадаги тарихий шахслар, айрим сўзлар ҳақида имкон даражасида изоҳ ва лугатларда маълумот берилди.

бино бўлганидан ҳазрати Исо алайҳиссаломни тутулгонигача 5594 санадур.

Иккинчиси «Тарихи милодия» ҳазрати Исони таваллудларидан ҳижрати ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо алайҳиссаломгача 626 санадур.

Учинчиси «Тарихи ҳижрия» ҳазрати пайғамбаримизни Маккадан Мадинаға ҳижрат этганларидан бу кунғача 1332 санадурки, «Тарихи хилқат» «х», «Тарихи милодия» «м», тарихи ҳижрия «ҳ» ишоратлари ила кўрсатилур. Яна замоналар «Азманаи қаба ат-тарих», «Азманаи тарихия», «Қуруни ула», «Қуруни вусто», «Қуруни жадида», «Аср» деган исмлар ила баён бўлинадур.

«Азманаи қабла ат-тарихия» тарихи яхши маълум бўлмаган замонларни дерлар. «Азманаи тарихия» тарихи аниқ бўлган замонларни дерлар. «Қуруни ула» хилқати Одамдан Румо давлатининг йўқ бўлишигачадур, «Қабла аз ҳижрат» 146 сана, «Қуруни вусто» Румонинг йўқ бўлишидан мусулмонларнинг Истанбулни олgonигача (баъда аз ҳижрат 731), «Қуруни жадида» фатҳи Истанбулдан замонамизгачадур.

Тарих энг машҳур ва мўътабар ҳодисалардан бошланур. Ҳар юз санани «аср – қарн» дерлар. Чунончи, ал-он тарихи милодиянинг 20нчи ва ҳижриянинг 14инчи асридур.

Энди асл матлабни бошлаймиз.

Зироат санъети ҳазрат Одам алайҳиссалом тарафидан чиқорилгандур. Деҳқончилик учун баъзи асбоблар 2500 (х)да Эрон ва Мисрда ўхшатилиб, кейин машҳур финикияликлар тарафидан ислоҳ қилиниб, 1280 (ҳ)да Оврупода ҳам баъзи мошиналар чиқарилибдур. Ал-он Амриқода оташ ила ҳаракат қилатурган мошиналар ила ерни ҳайдаб, зироат қиладурлар. 200 от қувватига баробар деҳқонлик оташ мошиналари чиқаратургандурлар.

1262 (х)да тошларни тараашлаб, тахтадек қилиб, устига хат ёзмоқ усули ҳазрати Идрис алайҳиссалом тарафидан чиқарилибдур.

2150 (х)да камонча сози учун гиёҳларни терисидан бир нав маҳкам иплар ихтиро қилинибдур.

«Лиз» деган соз, ҳарфлар ила ҳандаса шакллари машҳур Ҳурмуз тарафидан чиқорилибдур. Охирида юнонийлар ҳам ушбуни яхши ислоҳ қилибдурлар.

2241 (х)да Ҳазрати Нуҳ алайҳиссалом тарафидан кема чиқарилубдурким, анинг узунлиги 300, бари 50 ва баландлиги 30 газ бўлуб, уч табақага тақсум бўлган экан. Оташ кема эса 1078 (х) да италияли машҳур Данис Поин тарафидан бир нав сув бухори машинаси ихтиро қилиниб ва кейин Жемс Вайг номлик бир тафандун тарафидан ислоҳ қилиниб, 1114 (х)да яна Дўку деган бир фаранг тарафидан чархнинг бухор қуввати ила ҳаракати тажриба қилинубдур.

1218 (х)да америқоли Қўлтун номлик киши чарх ҳаракатини ислоҳ этиб, Порисда, Сенна наҳрида тажриба қилинубдур. 1222 (х)дан бошлаб парахўдлар ишламоқға кириб, эмди ер юзинда неча юз минглар ила оташ кемалар, ўн минг киши сифатурган катта кемалар ичida босмахона, театрхона ва корхона ва мактабликлари бўлуб, сув устинда кичик бир шаҳар ҳикматиннададур.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 3 май. №28

ТАРИХИ ИХТИРОИ БАШАР – ОДАМЛАРНИНГ ЧИҚАРГАН НИМАРСАЛАРИ

28-рақамдан мобаъд

2245 (х)да Нуҳ алайҳиссаломнинг авлоди Миср ҳудудида ва «Асуфон»нинг жануби тарафида воқе «Ҳалойиб»да энг аввал қишлоқ солмоқ усулини жорий қилибдурлар. Иморат солмоқ, бул тарихдан минг йил илгари ҳазрат Шис тарафидан чиқарилиб эди. Меъморий фани ва юнгдан кийим киймоқ, қудуқ қазиб, сув чиқормоқ, мевалик дарахтлар экмоқ, манжаниқ ва фалаҳмон ила тош отмоқ усуllibарини подпоҳларнинг аввалинчи табақаси бўлган «Пешдориён»нинг бонийси Каюмарс тарафидан ислоҳ қилингандур. Сўнгра «Ҳижр» деган ерда сокин Самуд қавми тарафидан тоғ тошлари илан маҳкам уйлар бино қилингандур.

Мисрлилар биринчи «Рамсис Сазустрис» фиръавилари замонида усули меъморияда шул даража тараққий қилғанларким, ҳозир осори кўриниб тургон «эҳром» ва «декли» тошлари анга бир кофий далилдур. Оврупо музахоналарини зийнат бергон мисрлилар осори атиқасининг аксари мазкур «Ҳалойиб»дан топилиб, Оврупога олиб борилибдур.

2297 (ҳ)да ўт ёқиб таом пишурмоқ усуллари аввалинчи дафъа финикиялilar тарафидан чиқарилди.

2304 (ҳ)да най (дудук) ва бошқа пуфланганда овоз чиқаратурган асбоблар мисрийлар тарафидан ижод бўлинубдур.

1294 (ҳ)да Қатода қитъасида воҳе Нужрзий шаҳрида қутри 30 мил бўлган доира ичидаги аҳолига соатни билдурмоқ учун катта бир нав бухордурки нуй(ни) ўхшатилган эди.

2380 (ҳ)да қибтийларким, 2387 тарих хилқатда Ироқ араб тарафларидан Миср қитъасига келган Сом бин Нуҳ авлодидур. Миср қитъасида папирус аталатурган ўтни топиб, ислоҳ қилиб ва қоғоз ўрнида истеъмол усулини ижод қилдилар.

Қоғоз 88 (ҳ)да ҳунар эгаларидан Юсуф номлик мусулмон тарафидан Маккада биринчи дафъа қоғоз ясалди. Мусулмонлардан сўнгра қоғоз Оврупода ишланди.

1299 (ҳ)да испарту деган ўтдан Лўндунда қоғоз ўхшатилиб ишланди. Қоғоз ўхшататурган корхона 1105 (ҳ)да Амриқода Букуспон шаҳрида ижод бўлинди. Ҳозирги кунда ер юзида ўн мингдан зиёда қоғоз корхоналари мавжуддур.

Қадим юнонийлар Мисрни энг улуг бутлари «Қийбат» ва ибронийлар Миср ҳукумати қадимиясини барпо қилянган Мисраим ибн Сом отига «Мисраим» шаҳри мазкурда, асл ерли бўлган қибтийлар, Сом авлодидан бўлганлари учун «Сомий» аталибдурлар.

2616 (ҳ)да сувда ва қирда овчилик қилмоқ усулини машҳур Фуҳи Чин мамлакатида чиқаргандур.

2420 (ҳ)да китобат ва хат ёзмоқ тариқасини ҳам мазкур Фуҳи ижод қилди. Яна Фуҳи оёғта киймоқ учун кафши чиқарди. 2625 (ҳ)да чинлиларнинг тарих замони ўз подшоҳлиқининг аввалидан бошлаб ва ҳам ҳар олтмиш йилни бир аср эътибор қилмоқларини ҳам Фуҳи чиқарди. Чинлилар ҳозирги тарихларига қараб тарихи хилқатдан ҳам бир неча минг йил илгари дунёда бор эканликларини иддао қилмоқдадурлар.

2791 (х)да ҳатти ҳижо финикиялilar тарафидан ижод қилинди. Оврупо уламосининг раъиига кўра, юоний тилида «Финикия» аталган ушбу ҳижо ҳуруфлари «Қомус» деган бир финикияли тарафидан Мура мамлакатига келтирилуб, анда интишор топибдур.

Финикия ва Яманнинг эски тили бўлган «сурёний» ва «ҳимерий» тилинча баъзи ёзувларнинг борлиги ва финикиялilarнинг шакллари 36 ҳуруф эканлиги ривоят қилинадур.

2854 (х)да ҳайвонот терисидан ўжшатилатурган доира, даф ва наққорадек созлар Мисрда ихтиро қилинубдур. 2897 (х)да Чинда нақди тоир номлик бир навъи қоғоз ақчаси ясалган. Аларнинг 3205 (х)да яна Чинда ясалган бир донаси Петербург музасининг Осиё қисмida ҳозир мавжуддур. Қоғоз ақчаси 440 тарихи ҳижрийда Андалусда мусулмонлар тарафидан ижод бўлгандур.

2925 (х)да гурзи, қилич, пичоқ, найза, тир ва камондек яроқлар Эроннинг машҳур подшоҳи Таҳмурас тарафиндан чиқарилгандур. Яна мазкур шоҳ ҳайвонларга минмоқ, юк юкламоқ ва қарчигайни овфа ўргатмоқ усусларини чиқаргандур.

Темирчилик санъати Андалусдан пайдо бўлуб ёйилгандур. Қилич ила ханжарни Ҳиндистоннинг биринчи подшоҳи «Браҳмаи акбар»ким, ҳайъати афлокни кашф қилиб, темирни конлардан тобган эди, чиқорди, деб айтадурлар.

2960 (х)да осуриялilar, энг азиз маъбуд ажойибот оламидан саналган «Насрух» номлик катта бут ясалгандур. Осурийларнинг бутлари жуда кўб бўлиб, мисрлиларники ила баробар келур экан. Осуриялilarнинг 2954 (х)да Тинво номлик солган шаҳарлари ҳаробаларидан юқорида мазкур «Насрух» деган бут топилиб 1208 (х)да Лўндун музахонасиға олиб борилди.

(Бақияси бор)

*Маҳмудхўэса
«Ойина». 1914 йил 10 май. №29*

ТАРИХИ ИХТИРОИ БАШАР – ОДАМЛАРНИНГ ЧИҚАРГАН НИМАРСАЛАРИ

29-рақамдан мобаъд

2975 (х)да денгиздан дурру гуҳар чиқармоқ усуллари Эрон мамлакатида пайдо бўлинди. 3059 (х)да исфидож дейилган ранг ёш болаларға маҳсус қилиниб, Эронда ясалиб чиқорилди... Шундоқ ривоят ҳам борки, мазкур исфидож 1205 (ҳ)да Мунтақуфлин деган зотнинг тарафиндан ислоҳ қилинибдур.

3121 (х)да мушрик Юнонистон одамлари ҳар нимарса учун бир худо хаёл ва эътиқод қилиб, сувратини тортиб қўяр эдилар. «Покус»⁴¹ номлик шароб худоси, деган бир улуг бут ясадилар. Юнонийлар ул вақт ушбу бутни шароб худоси, деб эътиқод қилганлари учун шаробнинг чиқиши бир неча замонлар мундан илгаридур, деб хотирға келур. Лекин баъзи муаррихларнинг сўзларига қараганда, шаробни чиқаргувчи машҳур Фишогурс Юнони экан. Мазкур Фишогурс мушк, уд ва бошқа нарсаларнинг яхши исини ҳосил қилмоқ усулини кашф қилган экан.

Боғчилик санъати эса 2813 (х)да Италияда чиқарилибдур. Хурмо шаробини андалусилар, Ҳиндистон мавизидан ўхшатулатурган бир нави шаробни ҳиндилар, сутдан шароб қилмоқликни татарлар, банг тухмидан ҳосил бўлатурган шаробни сибириялилар ва олма шаробини 1236 сана ҳижрияда англизлар чиқарибдурлар.

3261 (х)да сақол тараашламоқ усули Мисрда пайдо бўлубдур. Устара окирги вақтларда ислоҳ бўлинниб, Искандар замонида 5262 (х)да Оврупога интишор этилгандур. Қайчи биринчи дафъа эдиким, мазкур замонларда ихтиро қилинди.

Ўтган замонларда Оврупода боғчаларида гулларни кесиб олмоқ учун бир занбарг воситаси ила ҳаракат қилатурган бир нав қайчи ихтиро қилинган эди.

3361 (х)да никоҳ қилмоқ, талоқ бермоқ, яроқ истеъмол қилмоқ одатини юқори Миср ҳукумати жорий қилиб эди. 2600 (х) тарихларида Чиндан ёйилди, деб ҳам айтилур. 3355 (х)да дунёнинг етти ажойибларидан бири бўлган Бағдод вилояти доира-

⁴¹ Бохус – қадим грекларнинг май-шароб худоси назарда тутилмоқда.

сида Ҳила шаҳрининг атрофида воқе Бобил шаҳридаги «Сури ҳайрат» ва «Фараҳи фазо» боғча машҳур Намруд тарафидан ўхшатилгандур.

Истанбулда от майдонида қуруулган тошнинг устидаги нақш бўлинган «ҳируғлуф»⁴² хати 3472 (х)да Миср фузалоси тарафидан ясалиб тасвир қилингандур. Машҳур «Дурафши Ковёний» пешодиён силсиласидан Буюрасб ёинки Заҳҳок деган золим подшоҳнинг асринда Кова деган темирчини шўриши ила Заҳҳок нобуд бўлганидан кейин аниг ўрнига подшоҳ бўлган Фаридун 3500 (х)да теридан тузатибдур. Ушбу байроқға Фаридундан кейин келган ҳар бир Эрон подшоҳи бир донадан гуҳар ўтқўзиб, 8 миллиёнлик жавоҳиротга молик бўлган вақтда, Эрон шоҳларининг сосониён силсиласидан Яздижирд Кисро деган тожи бирлан ўн бешинчи санаи ҳижрияда ислом аскарининг сардори Саъд ибн Бақъос қўлига тушуб, газочи мусулмонларға таҳсим қилинибдур. Мазкур Эрон-араб муҳорабаси машҳур воқеалардан бўлиб, эронийларнинг шарафи исломға ноил бўлушлари ҳам ушбу воқеадан кейиндур.

Одамни осиб ўлдурмоқликни, қалъа солмоқни, тарякни ва «сут» деган қамчини юқорида зикр бўлгон Заҳҳок чиқарибдур.

3509 (х)да ҳайъати фанний Миср уламолари тарафидан чиқарилиб «устурлоб» олати ясалибдур. Ушбу фанний ва ҳируғлуф хати юнон ҳукамолари воситаси-ла Янгишаҳар тарафларида пайдо бўлуб, ўшал вақтларда Фитиютис деган бир шаҳарға доҳил қилинибдур. Охир вақтларға андан Оврупога ёйилибдур.

Зиж амали эса рақамларни чиқарган ҳиндийлар тарафидан иктиро қилинибдур.

3511 (х)да қарз бермоқ ва олмоқ усули финикияликлар тарафиндан расм бўлибдур. Шул замонларда финикиялилар қошуқни ўхшатибдурлар. Прун деган қошуқни ва чангчани 1107 санаи ҳижрияда франсузлар пайдо қилибдурлар. Бир ривоятга қараганда, қошуқни асли саодатга араблар ҳилолдан иқтибос қилиб ясадбурлар.

3563 (х)да тош ва ёғочдан уй ўхшатиб, устини ёпмоқ ва эшик ўрнида юнгдан пардалар ўхшатиб осмоқлик усули финикияли-

⁴² Иероглиф – қадимги битик.

лар тарафидан ижод қилинибдур. Сўнгравалар румолилар ила юнонийлар ва араблар турли бинолар солмоқға бошлаб энг охирда овруполилар, фанни меморийни алардан ахз қилгандурлар.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 17 май. №30

ТАРИХИ ИХТИРОИ БАШАР – ОДАМЛАРНИНГ ЧИҚАРГАН НИМАРСАЛАРИ

30-рақамдан мобаъд

3700 (х)да ҳуруфи ҳижони болаларга ўргатмоқ учун муаллим тайин қилмоқ расмини ҳам финикиялилар чиқарибдурлар. 3730 (х)да «Зор» деган нарсани мисрийлар икки адад сувак ва бошқа нарсадан ўхшатиб истеъмол қилибдур. Бошқа ривоятта кўра, Юнонистон подшоҳининг ўғли Поламад тарафидан ясалгандур. 3894 (х)да финикиялилар мис ила қалъагини эритиб қўшуб, аларни лаъли ва табоқ ўрнида истеъмол қилмоқни топибдурлар.

Маъданият илми франсиялик машҳур Ахюй тарафидан ислоҳ бўлинибдур.

Бул тарихларда юнонийлар «ўпуш»ни худоға ибодат учун бир ишорат қарор бераб, осмонни ҳудонинг макони эътиқод қилибдурлар. Шунинг учун аввал қўлларини осмонга кўтариб, кейин ўпар эканлар. Кам-кам ушбу ибодат халқ орасида саломлашмоқ вақтида ҳам ижро қилинибдур. Ҳазрат Мусо алайҳис-салом бани Исроил тоифаси ила Тур тогининг этагида Худо таолонинг амрига мунтазир турганда, қўрқушлик бир раъд ва барқ орасида зоҳир бўлган икки лавҳим, устида аҳком ашараи илоҳия ёзилган эди. Ушбу лавҳларни ҳифз қилмоқ учун 3949 (х) да «тобути аҳд» деган бир сандуқ ясабдурлар. Муҳаррар тобут 8 санаи ҳижрияда Мадинада чиқарилибдур. Ҳозир Истанбулда от майдонида қурулган «Тоқи зафар»ни 3995 (х)да Миср фиръавнларидан Тутмусисининг тарафидан ўхшатилиб, қуйи Мисрнинг Ҳијупўл шаҳринда қурулгандур. Мазкур тошнинг масоҳаи

ҳажмияси тақрибан 80 метр мұкаъъаб бўлиб, 220 тўнна оғирлигидадур (бир тўн 63 пут). Ушбу тош 389 тарих милодийда Рум императури Туъруснинг амри ила 32 кун ичида Мисрдан Истанбулга келтирилиб, ҳозирги ерига қурилибдур.

4000 (х)да ўн беш минг қиямисдан румолиларнинг энг катта Рудус деган бути ясалибдур. Румолиларнинг ҳамасрлари бўлган мисрлилар ҳам мисни қаттиғ тошлар ила қўшиб кўб бутлар ўхшатибдурлар. 4012 (х)да «Миллат мажлиси» энг аввал Юнонистонда, мисрлик Сақрун деган одам тарафидан ижод қилинибдурким, алар «Миллат мажлиси»ни «Ораупаж» атар эканлар. 4040 (х)да ҳукумати жумҳурият усули энг аввал бани Исроил тарафидан аҳодис бўлинубдур.

4062 (х)да тиётр, яъни тақлид қиладурган ўюн Юнонистонда «Ўлимпиус» деган машҳур саҳрова «Ҳерақлид» деган қаҳрамонлар тарафидан таъсис ва ижод қилинибдур. Яна бир ривоят борким, тиётрни 3375 (х)да машҳур Тесисий ном киши чиқарибдур. 5232 (х)да Румода ҳам қирқ минг киши сиғадурган усти очуқ бир тиётр ўхшалубдур.

4070 (х)да румолилар тарафидан икки ғалтаклик ароба чиқарилибдур. Ҳозирги Туркистонда истеъмол бўлатурган икки чархлик аробани Ўрта Осиё ҳукмдорларидан Ўғузхон ва 4 чархлик ҳўкуз арабаларини эса 57 санаи ҳижрияда Франсия ҳукмдоридан Биринчي Тирий чиқарибдур. Фойтун ва бошқа от арабаларини 1205 ва 1217 саналарда ижод бўлинубдур.

Трисқил деган бухор ила юратурган ароба эса яқин замонларда Франсиянинг Вас шаҳрида Луи Лолмон деган бир ҳунарманд тарафидан ихтиро қилинибдурки, ҳозирги автомобилларни отасидур. 4075 (х)да Испания аҳолисидан Синт деган бир қавмнинг раиси Жиржис асалнинг гизо ва даводек нарсаларда истеъмолини жорий қилибдур. Ҳозир Амриқода Бўстон шаҳри корхоналарида маснуъий боллар ўхшатилиб, Оврупога ҳам юборилмоқдадур. Ҳақойиқи «Зинбузия»ни ҳукамодан Сувамардом ила Ҳантом асарларини исбот қилган Раъумуи қашф ва ташриқ қилибдур.

4082 (х)да сикка зарби усули Миср фирмавларидан Биринчи Рамсес тарафидан чиқарилгандур. Мазкурнинг ўз отига сикка урилган ақчаларидан ҳозирда Лўндун атиқачиларида бордур.

4085 (х)да машхур Потду қабиласинда наҳрнинг Баҳри мұжити Ҳиндийға түкулатурған ериға, яъни Лоҳур шаҳридин бир неча чақирим узоқ, катта бир қасабада күб жилолик тошдан, иккі-уч метр баландлигидә бир неча одам ва ҳайвон суратларини ўхшатибдурлар (алардан ҳар әллик киши бир сувратта парастиши қиласар эканлар). Одам ҳайкалларига ибодат этмоқ фақат раис ва катталарига маҳсус экан, мазкур сувратлардан баъзилари ҳозирда ҳам мавжуддур.

(Бақыяси бор)

«Ойина». 1914 йил 24 май. №31

ТАРИХИ ИХТИРОИ БАШАР – ОДАМЛАРНИНГ ЧИҚАРГАН НИМАРСАЛАРИ

31-рақамдан мобаъд

Ҳиндийлар бул тарихдан кейинроқ Ҳиндистонда, Ганг наҳрининг лабида күб катта бутхоналар ва катта ҳайкаллар ясаган бўлсалар ҳам ҳозирда баъзан маҳъ ва нишонсиз ва баъзилари мавжуддур. Ёлғуз Мадорас шаҳрида 10400 адад катта бутлар бор дерлар. 4105 (х)да «Фойда» деган танбакким тулумни шишириб чолинур экан, юнонийлар тарафидан чиқарилубдур.

Уруш қалъалари (истеҳком) 4150 (х)да Миср фиръавнларининг тўқуузунчиси Рамсис тарафидан Мисрда ижод қилинибдур. Ҳозирги истеҳкомлар усулини 1277 санаи ҳижрияда «Вубон» деган бир донишманд Оврупода чиқарубдур. Фиръавнларнинг ўн иккинчиси Сазвистирис Мисрда, Таб шаҳрида 103 метру тул ва 35 метру арзида бўлган Қортоқ саройини бино қилиб, ҳар йиғирма метр баландликда бир мармар сутун қургандур. 1403 (х)да харита ва нақш тортмоқ усули ҳам мазкур 12-фиръавн тарафидан чиқарилибдур. Ушбу асрда қоғоз мавжуд бўлмагани учун харита ва нақшларни ҳайвонларнинг териси нозик ва инжа тахта ва тошлилар устида тортар эканлар. Ушбу нав хариталардан бир қитъасиким Мисрда 4495(х)да устида бир олтун конини расми

тортилган экан, Италиядаги Турин музахонасида ал-он мавжуддур. Харити табия 1294 сана ҳижрияда чиқарилибдур. Мазкур фиръавн Сазвистирис мамлакатини ваҳший ҳалқлар қўлидан муҳофаза қўлмоқ учун Вилсюм шаҳридан Ҳиопўл шаҳрига қадар бир улуғ девор солиб эканким, ҳануз аниг харобалари бордур.

4160 (х)да Зимнус номлик бир зот Крид отасидаги айри-айри бўлган ҳукуматларни бирлаштуриб, у ерга вергу, яъни солиқ усулинни жорий қилгандур. 4594 (х)да Тибобаъ подпоҳларидан Яман маликаси Билқис ҳам ушбу вергу усулинни мамлакатида нашр қилибдур. Аъшор усули эса 195 сана (ҳ)да вазиъя номи ила машҳур Андалусда мусулмонлар тарафидан чиқарилубдур.

4190 (х)да Алниуз деган юнонйлар «Минару» деган машҳур бутларига ҳурмат учун кўб улуғ жасоматли бир танҳо бино қилиб, ичида мазкур маъбудга ноиб хос қилиб, мисдан икки метр узунликда кўб музайян бир бут ўхшаттандурлар. Ҳозир Истанбулда, «От майдони»да Зулфа қарясида бўлган уч бошлиқ стун Зулф деган машҳур маъбуднинг катта ўғли саналган бир бут учун 4199 (х)да бино бўлубдур. Юнонйлар мұҳорабаларда ғанимат олган нарсаларнинг ўндан бирини мазкур ибодатхона учун жамлаб, ондан бир олтун тож ясаб, мазкур стунлар устида ўтқузуб эканлар. Тожни Фусин подшоҳларидан бири зўрлик ила олган экан. Охирда Қустантин Рум подшоҳи ани Истанбулга олиб келибдур ва андан туркларга қолибдур.

4216 (х)да Понду деган бир фирмә Ҳиндистондан чиқиб, Чин ҳудудига, дунёнинг энг баланд тоғларидан саналган Ҳимолая тоғлари орасида воқе Санабол қитъасининг Платон ва Ағнадун шаҳарларини обод қилиб, мунда бир неча ажиба бутхоналар солиб, энг катта машҳур Касой бутини ясадурлар. Ушбу ҳайбатли бут ҳар нави маъданлардан ўхшалиб олами(нг) ажойиботидан саналур эканким, франсияли машҳур сайёҳ Қустула кўриб, ҳайрон қолибдур.

4217 (х)да Ҳиндистонда Қуру қабиласи Андар ҳайкалини ясадурлар. Ушбу бутда минг адад кўз, тўрт адад қўл, ҳайбатлик бир фил устига ўтқузилган ва шохининг учидаги ваҳшний қуш қўнган экан, ҳиндийлар ҳам тўрт юзлик ва тўрт қўллик браҳма деган машҳур бутни ясаб, соғ қўлларининг бирига китоб ва бош-

қасиға бир қошиқ, сүл қўлларининг бириға тасбех ва бошқасиға офтоба ўхшатибдурлар.

Сабуктегин подшоҳларидан Маҳмуд Газнавий 414 сана ҳижрияда ҳинд мажусийларининг каъбаси ҳукмида бўлган Сумнато шаҳрини истило қилгандан, бир неча минг бутлар ила олтун ва кумуш бирлан ясалган энг улуғ бутларини горат қилибдур. 4217 (х)да ҳиндийлар яна Вишну номида тўрт қўллик катта бир буг ясад, аниңг соғ қўлиға садафлик бир сурнай ва бошқа қўлиға оловлик бир ҳалқа, сүл қўлининг бирига бир байроқ бериб, бир қўлини бўш қўюбдурлар. Яна тўртқўл Сива (Шива – С.А.) номида бир бут ясадбурларким, аниңг ўнг қўлиға асо, сүл қўлиға гуноҳкорларни боғламоқ учун занжир бўлиб, пешонасида учинчи бир кўз ва қулоқларидан бир ададдан илон осилган, бўйнида бир неча одам койлари осилган бўлуб, кўб ҳайбатли ва қўрқушли экан.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 31 май. №32

ТАРИХИ ИХТИРОИ БАШАР – ОДАМЛАРНИНГ ЧИҚАРГАН НИМАРСАЛАРИ

32-рақамдан мобаъд

Жопун бутпарастлари ҳам Погуд номи-ла машҳур бўлган бутхоналарида уч юз минг ҳар хил бутлардан бошқа, Бофуд деган катта бут ясадбурларким, аниңг ёлғуз бир ҳовучининг ичига беш-олти одам сиғар экан. Япунлар ани бутун оламнинг сахлагувчиси, деб эътиқод қилур эканлар. Ўлган япун подшоҳи Муцунинг 130 адад саройи бўлуб, олтун ҳаллик аждар суратлик бутхоналари ва олтун эшиклари бор экан.

4220 (х)да юононийлар дунёни Шарқдан Фарбга узун, Шимолдан Жанубға қисқадур деб фараз қилиб, шул тариқа масоҳат қилинмоқ одатини чиқарибдурлар. Жуғрофия китобларида Шарқдан Фарбгача масоҳат қилинатурган масофатни «тул» ва

Шимолдан Жанубга қараб ўлчанатургон масофатни «арз» демоқ шунда қолгандур. Жуғрофия жадваллари ила доираи жадорияни чиқарип, тартиб берган андалусли Абу Абдуллоҳ бин Мұхаммад ном ҳакимнинг фанни жуғрофияға доира тасниф қилган китоби – Оврупода фан зәтибор қилинубдур.

4228 (х)да «Мажлиси мабъусон» энг аввал Юноистон пойтахти бўлган Атна шаҳрида барпо бўлуб, «Амфиқ путун» атолибдур. 4250 (х)да яғочлардан тахта ўхшатибдур. Мазкур вақтда Эронда сувларни исталган ерларға олиб бормоқ учун Харқ деган ариқлар қазилибдур. 1298 (х)да Франсада Жоқ деган бир киши каростани чурумоқдан сақламоқ учун таркибиға ҳомизлик бир нави собун қўйшмоқликни чиқарибдур. Шамни мазкур вақтда мисрликлар ё чинликлар чиқарибдурлар. 4280 (х)да узоқ мамлакатларға бориб, савдогарлик қилмоқ усули финикиялилар ҳукмдорлари Ажнур деганинг ўғли машҳур Қодимус тарафидан жорий бўлибдур.

96 сана милодиясида Бухоро савдогарлари Чин ва Ҳиндистондан мол-мато олиб румолиларга элтиб, сотарға бошлабдурлар.

4290 (х)да дунёнинг етти ажойибидан Қоҳирада Жиза қарясида воқе бўлган эҳром мисрлилар тарафидан иншо қилинубдур. Эҳромнинг қоидаси мустақим ал-излаъ бўлиб, хориж бир нуқта ила бул қоиданинг залаълари байтида васл бўлинган сатҳ муставийлар иҳотасидан ҳосил бўлган бинолардур. (Бизни Туркистон калапўшларига ўхшайдур.) Бошқа ривоятга кўра, 4190 (х) да мисрлилар ўлуклар жасадини чурумоқдан саҳламоқ учун «умиё» ўхшатиб, мазкур эҳромни ясабдурлар.

4292 (х) мисрлилар 345 кундан иборат бир тақвими шамс тартиб берибдурлар. Мисрийлар ҳар миллиатға истеъмол бўлатурган ҳафтани, ерни ҳаракатсиз хаёл қилганлари учун етти сайёра юлдузларнинг нисбатида ташкил қилибдурлар. Ойлари қамарий, саналари шамс бўлган иброний тарихларинда бўлса, ўн тўққуз йил бир давр зәтибор қилинуб ва бул 19 сананинг 7 санаси 13 ойдан, қолган ўн иккиси 12 ойдан фарз қилинубдур.

Ушбу сабабдин яҳудийлар ушбу етти йилларға кабиса ном бериб, алар дохил бўлган йилда «одор» ойини икки ой қарор беродурлар. 4295 (х)да шарқнинг қадим подшоҳларидан бани Адван (Шаддод) Адан шаҳрида «Боги Эрам» ном ила машҳур бўлган

бир боғни жаннатға намуна қилиб, күб олтун ва жавоҳир ва күб париваш, дилбарлар ила ораста қилибдур. Бобил маликаси Семирамис ҳам Фрот наҳри олдида күб ажойиб бир боғ ясадбур. Анинг аҳолиси соуба динида бўлуб, ойға ва бошқа нарсаларға паастиш қилибдурлар.

4365 (х)да ҳайвонотни забиҳ қилиб, гўштини пишириб емоқлиқ усули бани Исроил подшоҳларидан Яфтоҳ тарафидан жорий бўлибдур. 4493 (х)да фаранглар Франсияда Нем шаҳрида бутпрастликни мазаммат ва ҳақорат қилатурган одамларни яланғоч бир ҳолда ҳибс қилмоқ ва арслонларға тириклай бериб, нобуд қилмоқ учун давра ва бир қалъага ўхшаш йўнулган тошлар ила томошабинлар учун зиналар ўҳшатибдурларки, бинолари ҳозир мавжуддур. Фарангларнинг умумий тиллари аввалдан «лотин» ва кейин ажнабийларнинг күб сўзлари ила аралаш бўлиб ва «румон» исми ила аталинган бошқа бир тил чиқарилиб, мурури замон ила бироз ислоҳ қилиниб, ҳозир улуг давлатлар олдида расман истеъмол бўлиб турган фаранг тилига табдил бўлубдур. Курраи арзда жамъян 860 нав тил истеъмол қилинур.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 7 июнь. №33

ТАРИХИ ИХТИРОИ БАШАР – ОДАМЛАРНИНГ ЧИҚАРГАН НИМАРСАЛАРИ

33-рақамдан мобаъд

4578 (х)да самур ва санжоб ила бошқа ҳайвонотлар терила-ридан пўстин киймоқ, чақмоқ тошини ишлатмоқ, итларни овға ўргатмоқ усуллари Эронда чиқарилибдур. 4634 (х)да машҳур юноний муаррих ва шоир Адмирус 120 қадам узунликда бўлган бир аждаҳо териси устига қаҳрамон ва паҳдавонларға доир бир ҳикоят ёзибдур. Ушбу тери Шарқ императури Валентин замонида Истанбул кутубхонаси ила баробар ёнибдур. 4738 (х)да финикиялилар ила қортожиёлилар олтун ва кумуш маъданларини кашф

қилибдурлар. Маъданчиллик санъати Юнонистоннинг Оқ денгиз оталарида машхур биринчи Демистуклиниң подшоҳлик замонида 5150 (х)да чиқарилибдур. Плотин деган оқ олтунким, бошқа хил тиллолардан оғирроқдур, 1148 (х)да Амриқода топилибдур. Мазкур тарихда денгиз олтинда ишлайдурган одамларнинг нафас олмоқларига хизмат этатурган бир асбоб ихтиро қилинубдур.

4841 (х)да Ўрта Осиёдан келтурилган отлар ва ҳам бошқа минимоқга қобил ҳайвонлар устига румолилар тарафидан кажава ясалидур.

4846 (х)да шамсий йил ила ҳисоб қилмоқ қоидаси Бобил подшоҳи Нобуноср тарафидан чиқарилибдур. Мазкур вақтгача ҳисоблар қамарий йил ила ижро қилинур экан. 4881 (х)да қаҳрабо юонон маъданчилари тарафидан Юнонистонда чиқарилибдур. Қаҳрабодан электрик (барқ) чиқишини юонон ҳукамосидан Думлит 597 ҳижрияда қашф қилибдур. 4929 (х)да Миср улугларидан 12 киши Мисрни 12 аёлотга бўлиб, идорасини ўз уҳдалариға олибдурлар. Бул 12 бошлиқлар бир ерда мутафаққан ҳукумат сурмоқ учун 3 минг уй ва 12 доираға шомил лобиrint номида бир сарой бино қилибдурлар. Ушбу саройнинг эшиклари олтун ва кумуш ва бошқа жавоҳирот ила музайян экан. Лекин 5021 (х)да Осур ҳукмдори Бахтинаср тарафидан ғасб бўлинибдур. 4974 (х)да ер юзи юмалоқ бўлуб, меҳвари доирасида айланатурганилги юонон ҳукамосидан Аноқис Монур тарафидан қашф бўлинибдур. Ерни юмалоқ деб эътиқод қилганларни ул вақт ҳатто 13 милодий аслигача баъзи мутаассисб насоролар бошларини қойишлар ила қисиб, деворларға михлаб ва охирда торва ичи чақмоқ тошлари ила тўла бўлган сандуқлар ичига отуб, баданларининг аъзоси бутун эзилгунча азоб берар эканлар. 4987 (х)да ариғ қазиб сув чиқармоқ фикрини фиръавилярдан Нихуҳ номлиқ зот Сувайшда топибдур. Мазкур ҳукмдор ушбу Сувайш каналини қазимоқ учун анда 120 минг одам талаф қилиб, яна тамом қила олмади. Мусулмонлар Мисрни олгандан сўнгра ушбу канални яна қаздилар, охири Сувайш жадвали 1286 санаи ҳижрияда фарангти ва Миср тарафидан тозаланиб очилгандур.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 14 июнь. №34

ТАРИХИ ИХТИРОИ БАШАР – ОДАМЛАРНИНГ ЧИҚАРГАН НИМАРСАЛАРИ

34-рақамдан мобаъд

4995 (х)да ой ва куннинг тутилиши, ернинг сояси ойға тўғри келгандан ҳосил бўладурганигини юоннинг машҳур ҳукамосидан Толис кашф қилибдур. Қадим ҳиндулар ой ва кун тутилган вақтда доира чалар эканлар ва ақидалари ҳам бул эканки, кун ё ойни бир аждаҳо ютар. Ҳар вақт тонғар-тунғур овози чиқса, аждар ичидан чиқар. Ҳозирги доира, лаъли чалмоқ андан қолгандур. Баъзи мамлакатда мазкур ҳолатда ит, кўпракларни урарлар довушламоқи учун.

5000 (х)да одамларнинг ҳар қайсисига бирон вазифа тайин қилиб, кўрсатмоқ фикрини юон ҳукамосидан Сўлун чиқарибдур. 5015 (х)да юонийлар телеграф усулига мутобиқ баъзи ишоратлар чиқарибдурлар. 5028 (х)да Сижилия ҳукмдорлигини зўр бирлан олган Клариюс гуноҳкорларни оловга ёндиromoқ хаёли ила мисдан бир зарф ясатдурубдур. Ушбуни 5087 (х)да Румо таҳтини ғасб қилиб олган Торкин Супрат майдалаб, аскариға бир хил асбоблар ўхшаттурубдур.

Ҳозирги аскарий қаро доналарни 1288 санаи ҳижрияда исвекрали Мейсел ясадбур. 5031 (х)да китобхонаи умумий Юнонистон подшоҳи машҳур Биймрот тарафидан Афинада барпо бўлибдур. Афиналилар бул вақтларда тижорат ва сиёsat фанларида, тош таращламоқ ва бут ясамоқ ҳунарларида, мусиқий чалиб, рақс қилмоқ санъатларида кўб илгари бориб эканлар.

5069 (х)да Чинда, Шонтулиғ аёлотида Хунҷчу деган бир одам фил терисидан бир хил оёқ кийими-попуш ясаб тикибдур. Ўшандоқ узун (фил) сұяклардан бир боғини ниҳоят юфқа йўниб, дамини тезлаб, бир нав қилич ўхшатибдур.

Искандария шаҳри румолилар тарафидан олинган вақтда попушларини марваридлар ила зийнатландурмоқ расм ва одат бўлубдур. Андан сўнгра Арабистонда хурмо лифларидан бир хил «наълайн»лар ўхшатилубдур. Ҳозирда истеъмол қилинатурган қундра-этукча 17 аср милодийда чиқарилуб, сўнгра яна ислоҳ қилинубдур ва Амриқода илон терисидан ғоят мунгизам ва юм-

шоқ бир хил этукча ўхшатилиб ва Нептун деган бир нави попуш ясайтурган машина ихтиро қилинубдур. Бир неча йил илгари Винад деган бир олмониялик одам дофеъ ул-илал баъзи маъдниятдан мураккаб «эликту потитиқ» номи ила бир турли этукча ўхшатубдур.

5054 (х)да Эрон ҳукмдори машҳур Кайхусрав мамлакатини Басрадан Ҳиндистон, Оқ денгизи атроғигача кенгайтируб, 120 аёлотга бўлуб, пўчта юргумоқ тариқасини ижод ва ижро қилибдур. Шаҳарларнинг вилоят ва ноҳияларга тақсим қилмоқ усули 3350 тарих хилқатида хоқони Чин бўлган Шун тарафидан чиқарилуб, мамолик Усмонияда эса вилоят усули 1281 санаи ҳижриясида жорий бўлубдур.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 21 июнь. №35

ТАРИХИ ИХТИРОИ БАШАР – ОДАМЛАРНИНГ ЧИҚАРГАН НИМАРСАЛАРИ

35-рақамдан мобаъд

Ўшандоқ мазкур тарихда Андалусда «Соҳиб ул-барид», яъни пўчтаци номи ила маъмурлар тайин бўлинниб, назоратини шаҳзода Яъқуб уҳдасига олубдур. Пўчта ижоди фикри, Франсия қироли Ўн тўртингчи Луининг 1164 сана ҳижриясида тафарруж ва таназзуҳ учун пойтахти бўлган Пориж шаҳридан Леон ва бошқа шаҳарга кетганида ҳамроҳи бўлган надимларнинг Порижга юборгон хатлари подшоҳ пўчтасининг қабул этмоқи учун хатларнинг устларига ёпуштургандарни ишоратдан ҳусулга келубдур. Паражўд ила пўчта ишланмоқ қоидаси эса 1253 санаи ҳижриясида австриялик барон Дубругнинг раёсати таҳтида бўлган «Луид» ширкати тарафидан барпо бўлубдур.

5120 (х)да Ҳиндистонда Моюс қабиласи тарафидан ажойиби оламдан саналмоқ даражада ҳайбатлик бир ҳайкал ясалибдур. Ушбу ҳайкални топганда кўрулубдурки: тагидан тепасигача

ужожлик айланма сувратда зиналари бўлуб ва деворлари графит тошидан санъаткорона равишида ўхшатилибдур. Мунинг бир ярим метру олдида бир-бирини мутаоқиб уч қадамдан беш қадам узунлигига бир неча юз агад ва мағораси бўлуб, баландлиги 8 қадам ва ҳар қаюсида бир эшик бўлуб, аммо панжарасиздур. Деворларининг ичкари тарафи «хиероглиф» хати или нақш тазийин қилингани марвидур.

5125 (х)да Мисрда зайдун ва бошқа нимарса ёғи дудидан бир нави сиёҳ ясалубдур. Андан сўнг Истанбулда «Базир» дудидан сиёҳ ясалиб ва бир неча йил муқаддам Берлинда кечаларда шамига ҳожат тушмайдурган даражада бир хил зиёлик сиёҳ тайёр қилинибдур.

5170 (х)да Машоъюн номи или шуҳрат топган ҳукамои юноннинг раиси машҳур Арасту ҳавонинг жисмига маҳсус бир оғирлик борлигини кашф айлабдур. Ернинг бутун атрофини қоплаб олган ва кўзга кўринмайдурган ҳавонинг ғоят жасим бир қувватга молик эканлигини ҳукамои мутааххириндан машҳур Утруриқ кашф қилибдур. Яна баъзи ҳукамо ҳаво насимининг юз минг метр ва ёки 65 километру баландликга молик бир китлаи азим эканин баён қилибдурлар. Ҳукамои мутақоддимин ҳавонинг ёлғуз бир басит унсур бўлуб, ҳадда зотида мухталиф моддалардан мураккаб бўлмаганин баён қилган ҳолда ҳукамои мутааххирин эса ҳавонинг «ўксижин – ҳавои ҳаёти» ва «азут – ҳавои мамоти» унсурларидан мураккаб бўлинуб, ниҳоятда суюқ ва ўлчовни қобил, шаффоғ ва эластик бўлуб, бир сайёл мураккаб эканлигини кашф қилибдурлар.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 28 июнь. №36

ТАРИХИ ИХТИРОИ БАШПАР – ОДАМЛАРНИНГ ЧИҚАРГАН НИМАРСАЛАРИ

36-рақамдан мобаъд

Франсия ҳукамосидан Лодуазия 1191 санаи ҳижрияда ҳавои насимининг «ўксерин ила нитроҗин озут»дан мураккаб бўлганин ва ҳавода ўжсерин мо адо шуъла – оташни учуратурган бошқа бир ҳил гознинг мавжуд бўлганини кашф этубдур. Ҳукамойи мутақаддимин ажсоми баситнинг ҳаво, оташ, сув, тупроқ аносиридан мураккаб эканлитини кашф эдуб, сўнгра қурраи арзининг шимолий ва жанубий табақот ҳавоийясида мутабассим бир чехра ила арз вужуд этгувчи осори табииян мунавваранинг ўзи ила мақно тийнат арз орасиндаги, яъни қутб табақаларида ҳосил бўлган муҳит ҳавосининг мусбат электрик ила қурраи арзни иҳота этган электрик жараёнларининг манфийиси орасидаги муносабатдан пайдо бўлганини баён айлаганлари каби, баъзан ҳавода аргувон рангига зуҳур этган қизилликнинг ниҳоятда ғализ бир буҳорнинг қурраи насимиядан бир қитъани бутун қоплаб ва қитъаи мазкур уфқи тагида 30 даража тушмак ила қурраи насимиянинг ўрта ва юқори табақасидан ҳануз ғуруб этмагани ҳолда, офтоб ёруқининг у ерга аксидин пайдо айладигини кашф этибдурлар.

Франсиялик машҳур Пуанқара ойнинг таъсири борлигини баён айлабдур. Мадораслик мунажжим Бугтун (Жова) ер қимиrlагани ила юқорига отилган ва вулқонлардан ҳосил бўлган олов учқунлари ила губор ва «осид сулфару» гозларининг офтоб юзида турли рангларнинг пайдо бўлушкига сабаб бўлганин мушоҳада ва кашф қилубдур. Фанни табақот ул-арз уламоий мутааххириидан австриялик Фолиб ер қимиrlашининг ер ичидаги маводди мухталифа ва мустаъланинг бир-бировига қаттиғ тўқушиб ёнганидан пайдо бўлганини кашф айлабдур.

5171 (х)да Сивас тарафида катта бир санамхона ила Транси-пул номида муборак саналган бир шахснинг ва баъзи бошлиқ (кардор)ларнинг олтун, кумуш ва мисдан ҳайкаллари ўҳпатилиб қўйилубдур. Мазкур шаҳарнинг аҳолиси ўзлари таниган Маъруф юлдузининг ер юзида бирор вакиллари бор, деб эътиқод

қылғанлари учун зумуррад, ёқут ва бошқа қийматбаҳо тошлар ила ниҳоятда санъаткорона бир сувратда ва бошқа тазийн қилинган катта ва кичик: ҳўқуз, хўрус, товуқ ва бошқа ҳайвонларнинг шаклларини тасвир ва иъмол айлабдурлар. Ушбу катта санамхона тошилуб, баъзи осорлари 1297 санаи ҳижриясида расм кушоди ижро қилингани Истанбул «Ажойиб ва атиқахонаси»га нақл ўлунубдур.

5173 (х)да Юнонистонда сув ила ҳаракат қиладурган бир нав тегирмон ясалубдур.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 12 июль. №38

ТАРИХИ ИХТИРОИ БАШАР – ОДАМЛАРНИНГ ЧИҚАРГАН НИМАРСАЛАРИ

38-рақамдан мобаъд

Тўрт адад қанотдан мураккаб ва сатҳлари моилан шамолнинг эсипига муқобил бир нав ел тегирмони эса 611 тарих милодиясида араблар тарафидан ясалибдур. Қаҳва тегирмони 1243 санаи ҳижриясида Истанбулда тўғангчи Салим деган аҳли маърифат тарафидан ўхшатилубдур.

5190 (х)да тешикли тегирмон тоши ҳукамои юнониядан машҳур Иппократ-Буқрот тарафидан амал ва ижод қилинубдур. 5194 (х)да шакли ўлтурган бир инсондек ва баландлиги 212 қадам бўлуб, ажойиби оламдан саналгон Жупитер исми-ла катта санам Юнонистонда рассоми моҳир Федиос маърифати ила ўхшатилубдур. Ушбу мужассам сувратнинг бир замонда Кридда Идо тоғида иқомат этган бир ҳукмдорнинг исми эканлиги ва Жупитер лафзининг финика тилида Муштарий ёки шамс маъносига келгани марвийдур.

Ҳозирги Ёния шаҳрининг ўрнида тақрибан юз минг хонлик Дудана номида бир шаҳар бўлуб, қадим юноний ва румолилар тарафидан эътиқод қилинатурган неча «илоҳа»лари ва яна жум-

ла бани башарнинг ҳомий ва мураббийи деб танилган ушбу Жупитер санамнинг ибодатгоҳи шаҳри мазкур бўлгани ва бир-бираға ёпушган узун тоғларида тарафи гайб ва ҳотифдан ваҳий ва илҳомот вуқуға келгани затъм ва афкорида бўлинубдурлар.

5195 (х)да юонон файласуфларидан машҳур Суқрот кўп вақтлар қилган тадқиқот ва таъмиқот мушкофонаси натижасидан Худонинг бирлигини тасдиқ этуб, бул хусусда алоҳида бир мазҳаб ижтиҳод айламишдур. Равоқион ёки Иствония деган юонон ҳакимларининг раиси Зенон ҳам 5253 (х)да жаноб Ҳақнинг ҳар ерда мавжуд бўлуб, бутун мукавванотга ҳаёт бергувчи бир асл нори эканлиғига қоил бўлуб, бу хусусда бир тариқ чиқарубдур.

5415 (х)да Ҳилал деган бир зот ҳам руҳнинг бақиясига ва одамларнинг ўлгандан сўнг янадан тирилмоқлариға ва охират азобига доир «Фарисей» номи-ла бир мазҳаб чиқарган экан. Фалосифа мазҳабларидан бўлуб, Бозилдиян номидаги мазҳаб арбоби эса, осмонни 365 табақ фарз этуб ва ҳар табақада Ақл номида бир илоҳанинг борлигин ва бу дунё энг охирги табақанинг худоси тарафидан яратилганин ўйлаб, баъсу баъдал мавтни таносух арвоҳ ила тафсир айлабдурлар. 5210 (х)да машҳур Афлотун Отнада (Ақадемиус) кишининг боғчасида «Ақадемия» номида бир мактаб солубдур. Овруполиларнинг ал-он «Ақадемия – Анжумани дониш» таъбирлари шундан маъхуздур. Мактаби дониш иккинчи мартаба Искандарияда ва макотиби умумия таъсис усули 127 сана ҳижриясида Андалусда волий Үқтаба бин Ҳажжож ал-Қайсий тарафиндан аҳодис этилуб, андин сўнгра бир дорул-фунун ҳам таъсис қилинубдур. 1229 тарих ҳижриясида ибтидо Франсада бар-дорулар ҳозирламоқ мактаби очилуб, «дорихона» эса 920 санаи ҳижриясида Напулида аҳодис қилинубдур.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 14 июль. №39

ТАРИХИ ИХТИРОИ БАШАР – ОДАМЛАРНИНГ ЧИҚАРГАН НИМАРСАЛАРИ

39-рақамдан мобаъд

Франсузлар аъмо (кўр)ларга ҳар хил ҳунарлар ўргатмоқ учун бир мактаб солдурғанлари каби ўргатишга ҳам муваффақ бўлудурлар. Мушорун илайҳ Афлотун мавжудотнинг асли (илоҳ ва модда ила идрокдан) иборат бўлганига доир ўз шогирдлариға дарс таълим этубдур. 5227 (х)да Форс ҳукмдори Ухус 12 қия кумуш ва бир ярим миллиён тангалик жавоҳирдан мураккаб бир дона хуршид (офтоб) расми ясатубдур. Эрон давлатининг бу кунда истеъмол этмакда бўлган байроқлар ила нишонлари устида офтоб суврати нақш ва ҳакк этмоқ одати бу офтобпарастлар замонидан қолубдур. Бу ҳукмдор замонида Ажамистонда уйланмаган (ғайр матоҳил) одамларнинг берган шаҳодати эшитилмас ва бирдан зиёда хотунлик кишиларнинг қасами қабул бўлинмас экан.

5235 (х)да Юнонистонда воқе «акоили» ҳукумати ўз пойтахти бўлган Қўринт шаҳрида олтун, кумуш ва мисдан аралаш тўрт адад мужассам от ҳайкали ясатиб олмишдур. Мазкур отлар ўшал ҳукумат тарафидан эълон қилинган бир урушда жон сипарона майдони муҳорабага кируб, душманларнинг мағлубиятига сабаб бўлган суворийларга бир жамила ва ёки муътақадди бўлингандари ҳарб олиҳасининг минмоқига маҳсус бўлмоқ узра ясатилгани марвийдур. Бу отлар 5347 (х)да Румо генералларидан Муминус тарафидан хейли истоту ва лавҳалар ила Румога юборибдур. Андан сўнг Farb ҳукмдорларидан Жун ила Тарожаннинг бино этилган тоқ зафарлари устига қўйилуб ва охири қадиман Шомда Баалбак қасабасида бино қилинуб, бу кунда харобаси қолган машҳур Шамс ибодатхонасиға нақл ўлинуб ва 329 тарихи милюдияда Шарқ императури Қустантини⁴³ кабир жонибидан Истанбулга келтирилубдур. Ниҳоят тўртинчи аҳли салб тарафидан ахз ва ғасб қилинуб, ал-он Виндикдадур.

5236 (х)да Мисрда кумуш ва маъдани соиранинг жило берилуб, ойина ўрнида истеъмол қилина бошлабдур. Ҳозирги ойина

⁴³ Византия императори Константин.

923 (х)да Виндикда ўхшатилиб, шиша бўлса, 137 тарих мило-дияда, андин кейин (Балур) финикиялилар тарафидан ихтиро қилинубдур.

Франсия ҳукмдори Луи Қотурз 1118 сана ҳижрияда Порижда 114 бармоқ узунлигига 679 бармоқ арзинда катта ва барроқ бир ойина ясатуб олмишdir. Мазкур ойина ал-он Порижда Лувр биносида сахланмакдадур. Ҳозирги ҳолда ер юзида 192 адад шиша ва билур корхонанинг борлиги марвийдур.

5238 (х)да ажойиб сабъя оламидан Эфес шаҳрининг қўш отаси живорида воқе Аёсолуғ деган жойда узунлиги 475 ва эни 220 қадамлик Диёна исмли маъбуд бино қилинубдур. Ушбу ибодатхона 4958 тарих халқатида бино ўлинуб, 5091 (х)да икмол қилинубдур. 5240 (х)да ибқойи номи учун Арустрат⁴⁴ деган хоин бир юон тарафидан куйдурилиб, фақат харобаси ал-он мавжуддур.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 24 июль. №40

ТАРИХИ ИХТИРОИ БАШАР – ОДАМЛАРНИНГ ЧИҚАРГАН НИМАРСАЛАРИ

40-рақамдан мобаъд

5240 (х)да Македония қироли Филип мамоликидаги дохилий иктилоф ва фасодни маҳв этуб, иттиҳод барпо этмоқға муваффақ бўлганинг шукронаси учун соф олтгиндан катта гавдалий бир қуш ҳайкали ясаттирубдур. Мазкур қуш устида Филиппинг на тариқа дохилий шўришни ётқузгани ва мунда Жупитер деган маъбуднинг ҳиммати маънавияси текган сабабли ушбу катта гавдалий қушнинг мазкур санамга махсус ёвар бўлмоқ учун тақдим қилингани ёзилган эмиш. Охири ушбу қуш 22 йил давом этган дохилий урушлар асносида гайб бўлубдур. Юоний шоир

⁴⁴ Герострат – Эфес (Кичик Осиё)даги Артемида ибодатхонасига атайдаб ўт қўйган шахс. Салбий маънодаги шуҳратпарастлик рамзи.

Ҳипазиданинг мазкур қушни ғасб ила Румоға ирсол этдургани ва бу сабабдин марҳумнинг Македония қирол вакили Антипорий тарафидан қатл этдирилгани ҳам марвийдур.

5241 (х)да ажойиби сабъя оламидан бўлуб, Мўсулу номидаги катта турба «Мила» ҳукмдори Мўсулунинг завжай содиқаси тарафидан икмол ва иншо этдирилубдур.

5250 (х)да Оврупо қитъасининг улуг бир ноҳияси ҳукмида бўлуб, ҳозирда Туркия ҳукумати идорасида бўлган Трас, Адирна вилояти савоҳлида Кумилбаҳна ва атрофи аҳолиси Пондис ва Қуқиту номларида мисдан икки дона катта гавдалик санам ўҳшатубдурлар. Ва сўнгра бу кишилар Собоз исмида яна бир санам ўҳшатуб, муни уруш илоҳаси эътиқод этуб, Ромулқирбис деган комилроқ бир одамни бу илоҳалар тарафидан юборилган пайгамбар, деб анинг амридан асло чиқмабдурлар. Бани Аъмун деган машҳур бир қабила ҳалқи ҳам Мулук исмида юзи бужа ва юз ва бошига ўҳшаш бир санам ўҳшатуб, бошига зийнатлик бир тож қўюб, ани катта бир тахт устига ўтқазуб ҳарастиш этубдур. Машҳур Фаластин аҳолиси ҳам боши инсон бошига ва бадани балиқ баданига ўҳшаш Рожун номида катта бир санам ўҳшатуб, анга таъзим ила ибодат айлабдурлар.

5265 (х)да машҳур Искандария шаҳрида дўкон солмоқ ва дўкондорлик ижод қилинибдур. 682 тарих ҳижриясида Франсия қироли бўлган Филип ҳозирги тарзда дўкон ва мағозо бино этмоқ усули чиқарубдур.

5276 (х)да мазкур Искандария шаҳрида татҳири абдан учун ҳаммом бино қилинубдур. Саҳобадан Умар бин ал-Ос мазкур шаҳарға музafferона кирган замонда 4000 ҳаммом ила 400 театрву ва мулаҳҳо борлигини баён этубдурлар.

Ҳаммом иншоси, чодирий усулда ҳам наврўзи явм маъруфини вазъи ва тайин этгувчи, табақаи пешодиёндан фазл ҳукмдори машҳур Жамшид тарафидан чиқарилгани марвийдур. 4670 санаи ҳижриясигача шамс буржи ҳутнинг ярмиға келгани замон наврўз эътибор этилуб ва тарихи мазкурада вазири салжуқий машҳур Низомулмulkнинг амри-ла ҳамал бошига таҳвил ўлинубдур.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 10 август. №42

ТАРИХИ ИХТИРОИ БАШАР – ОДАМЛАРНИНГ ЧИҚАРГАН НИМАРСАЛАРИ

42-рақамдан мобаъд

5294 (х)да ажойиби сабъа оламидан бўлган 205 қадам баландликда Шамс ном машҳур маъбудга махсус инсонга ўхшаган Рудус ҳайкали юононлик Шарс деган бир ҳайкалтарош маърифати-ла хуладан ясалубдур. Бу ҳайкал 22 йилда икмол ўлинуб, 58 йилдан сўнгра ҳаракати арзининг таъсири ила ёрилуб, охири синган вақтда андан тўққуз юз тева кўтаратурган хула чиқорилгани ва аввалларда ўнг қўлида кечалари кимларга йўл кўрсатмоқ учун махсус бир фанор бор эканлиги тарихларда ёзилубдур. Бир неча йил илгари Амриқода Вашингтун шаҳрида ҳукумати муттаҳиданинг муассиси бўлмоқ шарафини олган Жорж Вашингтун номига ажойиби оламдан саналадурган даражада жасим, яъни 530 қадам баландликда янги бир храм бино этилубдурки, баландликда ҳозирғача мисли кўрулмаган ва 2287 тарих хилқатида ҳазрат Нуҳ болалари тарафидан ясалуб, сўнгра икмол қилинган Бобил қулласи ила Порижда 159 метру юксакликларда бўлган машҳур Қулуғ калисосидан ва 460 қадам иртифода бўлган Мисрнинг катта эҳроми ила яна Парижда илми ҳайъатнинг икмол маълумоти учун эҳром шаклида ясалуб, 300 метру баландликда бўлган расадхонадан ҳам баландроқдур.

5305 (х)да табл ва танбур номидаги чолғу олатлари Миср ҳукмдори Локус ном, дигар ном ила Батлимус тарафидан иъмол ижод этилмишдур. 5312 (х)да ажойиби сабъа оламидан бўлуб, Искандария пешгоҳида воқеи Форус ном жазирада баланд бир тош устидаги фанор оқ мармардан бўлуб, мисрийлар тарафидан иншо ўлинубдур. Бошқа қавлда 5332 (х)да ҳозирги ҳолда ер юзидаги денгизларнинг турли жойларида фанорлар иншо ва Ағризна бурнига ўхшаш жойларда маҳрутги ноқис шаклинда уфқи бир стундан иборат бўлган пројектур ном электрик фанорлар ила танвир этилубдур.

5350 (х)да Чиндаги 7 адад мустақил ҳукуматни бир идора таҳтига олган ва Чау ном машҳур уруғдан бўлган Чин шихуваннати Мўгулистан ила Чин қитъалари орасида 3600 метр узунликда

алассавия 7 метру баландликда бир садди азим бино этубдур. Бу узун девор шимолий ҳудуднинг жиҳати тулонисигача Баҳри Ас-фардан бошлаб, Чили аёлотини кесуб, Шимолга мутаважжих ва сўнгра Фарб тарафиға ноил бўлуб, Шонси ва Қонсу аёлотларини давр этган бир садди жасим эканки, харобаси ал-он бутун сай-ёхларнинг ҳайрат ва таажжубига мужиб бўлур.

(Бақияси бор)

«Ойина». 1914 йил 23 август. №44

ТАРИХИ ИХТИРОИ БАШАР - ОДАМЛАРНИНГ ЧИҚАРГАН НИМАРСАЛАРИ

44-рақамдан мобаъд

5432 (х)да Румода сув ила юратурган ва чалатурган соат ясалидбур. (Эндиги чалатурган соат 180 санаи ҳижрияда Бағодда мусулмонлар тарафидан чиқарилиб, Хорун ар-Рашиднинг саройида истеъмол қилинуб ва бир донаси Құддусдаги Қамома калисосининг калиди ила мазкур тарафидан Франсия подшоси Шарлманға ҳадя қилинибдур.)

304 санаи ҳижрияда Италияда қўл соат ва Андалусда бир нави раққослик соат чиқарилубдур. Охир вақтларда ҳукамои машҳурдан Ҳуинкас ҳам осма соатларда раққосни татбиқ усулини чиқарибдур. Кисса соати эса 992 санаи ҳижрияда ихтиро қилинибдур. Ўттан замонларда Амриқода Қунафтитур қасабасида олти таҳтадан иборат бир хил чолғучи соатлар ясалиб ва Бостун шаҳрида ҳам электрик ила юратурган бир нави соат чиқарилибдур.

5480 (х)да румолилар бир хил дарахт пўстидан қоғоз ўрнида ишлатиб, анга муқаддас бир китоб ёзибдурлар. Италиянларнинг энг мўътабар санаган ушбу китоблари энди Вена кутубхонасида сақланадур. Истанбулдаги осори атиқадан саналадурган «Чанбарли тош» румолилар тарафидан ясалибдур. 8 қитъа самоки тошидан мураккаб ва тўқсон қадам баландлигида бўлган мазкур

тош Румо женеролидан машхур Мориос тарафидан қувватлик ва нуфузлик «сиҳир» ва «тутун» деган икки қабилаға ғолиб келгани учун бир аломат бўлсун, деб ясалибдур. Мазкур тош 329 санаи милодияда устидаги баъзи аломатлари ила Қустантини кабир тарафидан Румодан Истанбулга гашти ила келтирилуб, ҳозирги ерига ўтқузилибдур. Султон Фотиҳ замонида баъзи таъмирот ила ҳозирги чанбар темурлари илова қилинубдур.

5532 (х)да Румо маъданчилари муаххирان Осиёда ва Африқо подшоҳлигини олган румо кўнсули, женероли машхур Қрасусса бир жамила бўлсун, деб 180 қирот оғирликда бир қитъа «бріллиант» ўхшатдирилибдур. 1190 санаи ҳижрияда Франсия ҳукамосидан Лодвозия олмоснинг «ўқсиж»ида куюб ва мундан ҳосил бўлган бир нави ғознинг ҳам (ўқсид ва қарбун) навидан эканлигини кашф қилиб, шунинг учун олмоснинг (қарбун) навидан бўлганлигини баён қилибдур. Англис мудаққиқларидан Шопр ила Шонқурту олмоснинг гугуртдек таблар соясида ҳосил бўлишини ва ёлғуз қашроризнинг бухор сувратида ғоят таданий ила «мавлид ал-мөъ» хуружига мусоада бўлган ёриқларида ҳосил бўлушини баён қилибдур.

5536 (х)да мамолики гарбия императури машхур Сезар Фул мамоликина дуҳул ила олдига чиқтан урушчиларни паришон этгандан сўнгра аларни босқунидан келар замонда хотиржам бўлмоқ учун Жанва кўлиндан Жуввой таъбир бўлган ерларға қадар 10400 газ давринда бир қўргон бино қилдурубдур ва бу даврки ҳаробалари бу кунгача бордур.

5560 (х)да ер юзини энг латиф ва фарҳифз ери бўлгани ва ал-он салтанати исломиянинг пойтахти бўлган Истанбул шаҳри аввалан Лигус ёинки Дабибо номида бир юноний тарафидан фақат бир неча уйчадек бино қилинибдур (Яна бу тарихдан кўб илгари бино қилинган, деган хабар-да бордур.) Лигус қасабасини сўнгра Юнонистонда воқе бўлуб, Мағора исмлик кўб қадим бир қишлоқдан келган (Бизан) исмлик бир киши тарафидан сарой беруни тарафларини-да янгидан иншо ва исми «Бизандион» исмига табдил қилинубдур. 195 милодийда Румо императури Сибтимсур тарафидан Бизандионни олиниб ва охиран Шарқий Румо импературлиги ташкил қилинганда, императур Қустантин валади Ҳерақл тарафидан пойтахт бўлуб, шаҳарни

катта қилибдурки, 330 милодия 11 майдан эътиборан императур номига нисбат берилиб, Қустантин аталиб, сўнграпари шаҳарга «кетарман» маъносидаги «Истинбули» иборотидан бузулуб, Истанбул исми ила аталибдур. Шаҳарни Қозикуй қисми 4910 тарих хилқатида «Магор» ном ҳалқ тарафидан бино қилинубдур.

Ускидор қисмининг Ускидор аталганининг боиси «Магор» вақти ила анда Скудор исмидан бир императур боргоҳи бўлганидан ёинки ажамларнинг Эскидор деганлариндан пайдо бўлгандур. Истанбулнинг Фалата қисми ҳам 5325 (х)да раислари Прануснинг амри ила Осиёға ўтмоқ учун Овруподан келиб, мазкур жойда бир муддат турган «фалл» аталган айбар, силтак, балж қавмлариға нисбат берилиб ва «фалл»дан «фалат» бўлуб, «Фалата» аталибдур. Охиран 857 тарихи ҳижрияда Туркистондан борган турк қавмининг доҳийлариндан Султон Муҳаммад Фотиҳ ҳазратлари тарафидан барран ва баҳран ҳужум ила Рум импературларидан олинниб, пойтахти давлати ислом қилинуб, бу кунгача турк мусулмонлари қўлиндадур.

(Бақияси бор)⁴⁵

«Ойина». 1914 йил 30 август. №45

ҲИФЗИ СИҲҲАТИ ОИЛА

«Дар талаб кардан ҳақиқати кор аз худо шарм дор ва шарм мадор», яъни «Ишни ҳақиқатини билмоқ учун Оллоҳдан уял, аммо ҳалқдан уялма (Шариатда шарм йўқ)». Инсон учун энг зиёда азиз ва муҳтарам нимарса сиҳҳати бадандур. Сиҳҳати бадан бир иксир азимдурки, анинг қуввати ила инсон қуввати ла ямутини топадур. Сиҳҳати бадан бир қийматлик дастмоядурки, уламо анинг сабаби ила одам болаларини таълим ва тарбияти учун китоблар тасниф этадурлар ва ахлоқини ҳидоят этадурлар. Сиҳҳати бадан бир асбобдурки, ани осмоний китобларнинг мазмунича бандалар Оллоҳ таолони амриға қиём этадурлар. Яъни

⁴⁵ Кейинги сонларда босилмаган.

сиҳдати бадан бўлмаса, дин ва дунёвий ишлари бус-бутун муат-тал қоладур.

Бадани соғ эмас киши намоз, рўза, ҳаж ва барча диний ва дунявий ишларни қилолмай, охири хорлик ила йўқ бўлар. Дин ва дунё иши фақат сиҳдати бадан ила бўлур.

Касал кишпини кучи ҳатто бир пашша-чибинга етмайдур, яъни ўз чибинини қуволмайдур. Сиҳдати бадандан лозимингча истифода қилмоқ ва они ҳар тарафдан мунтазам тутмоқ на даражай камолига еткурмоқ илмсиз бўлмас. Дунёнинг биринчи зарурий илмий – илми бадан ва ҳифзи сиҳдатдур: «Ал-илму илмани: илм ал-бадан ва илм ал-адён». Пайғамбар алайҳиссалом айдиларки: «Илм иккидур: бири баданларни илми, дигари илми дин». Илми тибдан фойдаланмоқ ва касалларга дору қилмоқ ва иллатлардан ҳазар қилмоқ ва ўзни ёмон касаллардан саҳламоқ тўгрисинда неча-неча амри пайғамбар ҳадис китобларинда бордур.

Биз мунда атибои жадиданинг китоблариндан бир неча сўз ёзармиз ва ўз тажриба ва иловамизни ҳам қўшармиз. Худои зулжалол: «Ўз қўлингиз ила ўзингизни таҳликага отмангиз», деган. Биз ҳифзи сиҳдат қоидаларини билмаганимиз учун ўзимиз(ни) ўзимиз таҳликаларга солармиз. Аҳли ватанини янги очилган гуллари ва истиқбол умидлари бўлган ва бу кунги катталарап ўрнига келар вақтда катталик қилатурган ёшларга ва ҳам катталарап ожизона бир хизмат бўлсун, деб ҳифзи сиҳдат ва тиб китобларидан баъзи нимарсаларни нақл этдук. Марҳум табиб Ҳусайн Рамзий жаноблари «Ҳифзу сиҳдати мутааҳҳилин» ном китобига дер:

ХОТУН ОЛМОҚНИ КЕРАКЛИГИ

Инсонларга хотун олмоқ табиийдур. Хотун олмасдан ёлғуз яшамоқ инсонга мумкин йўқ. Ҳар бир эркак ва аёл бир-бирини ёрдам ва ионати ва бирга яшамогига муҳтожждур. Эркак ила аёл шаръий никоҳ ила эр ва хотун бўлуб рўзгор тузамаса, жамияти башарияни ҳозир ва маданиятни соясига раҳна пайдо бўлуб, инқироз ва ҳароб бўлмоқга йўл тутар. Анинг учун ҳар бир ўғул ва қиз болага лозимдурки, шаръий ва ҳифзи сиҳдат китобларини

таклифиға мувоғиқ уйланиб, бир рўзгор эгаси бўлмоқни доим ўзини ягона мурод ва матлуби тутуб, шариат ва ҳифз ул-сиҳнатни завжият тўғрусиға буюратурган одоб ва шароитини ўрнига келтурмоқ ва ояндаға амал қилмоқ учун билгай. Агарда ушбу тўғриға шариат ва ҳифзи сиҳнат фармойишиға амал қилмаса, дунёға табиатдан, охиратта Холиқи табиатдан жазо кўрадур.

БУЛУФИ ТИББИЙ

Эркак болаларға бачалик⁴⁶ ҳангоми ўтуб, булуг аломатлари бош кўрсаттган замонларға аъзои таносулия – олатларини шакл ва ҳайъатини бошқа ва катта бўлгани ва маний деган оқ нимарсани сийдик йўлидин келиши ва қизларни булуг бўлган вақтлариға келадурган ҳайз исмлик қон, эмчакларини улгайиб, қабаргани ва қиз болаларни қувуқ-қўлтуқларига қил-жун чиқгани, эркак болаларни довушлари йўғон ва юzlари табдил топилиб, мўйлаб ва сақолларини кўрунгани, бу қиз ва эр болаларни бачалардан билкулли айриб бошқа бир ҳол ва сифатга қўяр. Ушбу зоҳирний жисми табдилотлари маънавий ва ботиний жиҳат, яъни фикр ва ақлларига яна таъсир этар.

Балорат ҳангомига ҳосил бўлган янги аломатлар, бу болиг қиз ва ўғул болаларни яқосидан тутиб табиий фикр ва амаллар тарафиға мойил қилас. Бечоралар ўзларини шошуртуб фикр қилмоққа бошлайдур. Қайси дарду орзуға йўлукланларини билмаслар. Оқшом кўзлари уйқуға борар-бормас, уйғоқликларидаги ҳолдан зиёда зеҳнлари ҳар тарафга машғул бўладур. Бечоралар бу янги аломат ва ишларни асири бўлуб, илмсиз ҳавас, фикрсиз қилинган орзу қайси тарафга йўлласа, унда кетар. Алҳосил, бу нав булуг болаларнинг вужудлариндаги пайдо бўлган ва сабаби камоллари бўлатурган янги аломат ва ҳиссиёт, баданларига ҳоким бўлуб, аларни туман ичинда қўяр.

Илгари кўнгулларига асло келмаган фикр ва хаёлларға йўлуктурас. Ушбу ҳиссиёти шаҳвония ва нафсония болаларнинг

⁴⁶ Бачалик, яъни ёш болалик, гўдақлик даври.

бутун аъзосига таъсир этиб, онларға бошқа бир суръати тароват баҳш этар. Кичиклик ва қабла аз булуғ ҳолатларидан баъзиси йўқолиб, хотун ва эрлар ёнига ўлтурмай, аксар ўз бошига ёлгуз ўлтуруб, фикр ва орзуға кетадурлар.

НАСОЙИХИ ТИББИЙ ВА ШАРЬИЙ

Илмлик ота ва оналар бу ҳолларни билиб, масалан, мутамаддин мусулмон ва халқлар, бу янги афкори шаҳвонийлар оқибатини ёмонлигини мулоҳаза айлаб, ёшлиқдаги ҳаракоти шаҳвония ва ошиқона ва гайри машруъадан пайдо бўлган фалокат ҳодисаларни баён қилгувчи китобларни ўқумоқни болаларға таклиф қиласаларлар. Китоб ва дарс ўқийдурган, алалхусус, афкори шаҳвониядан пайдо бўлган ёмон ҳодиса ва ҳикоятларни ўқуган қиз ва ўғуллар илми насиҳат сабаби ила ҳиссисёти жадида ва афкори шаҳвонияни мазкурага, аксар голиб келиб, ўзларини сахлайдурлар.

(Бақияси бор)

Маҳмудхўёса
«Ойина». 1914 йил 13 сентябрь. №47

ҲИФЗИ СИҲҲАТИ ОИЛА

47-рақамдан мобаъд

Илм ва тарбиятсиз болалар бўлса, аксар бул тўғриға шариат ва ҳифз ул-сиҳҳат буйруқларидан чиқиб, ёмон иллатлар ва, ёнинки, гуноҳ ва бадномликға дучор бўлуб, баъзилари, асло кўрсатмасун, охир умрларигача кулфат ва иллати жисмоний, иттиҳом ва пушаймони абадийға гирифтор бўлуб, сабрсизликларидан бадном бўладурлар. Мундай болаларға дунё ва охиратта тиб ва шариат жазо берадур.

Ажабо, ҳаёт ва аломати мазкура бир нимарсаны асаримидур ёинки сабабимишур? Бу маҳалларини ахтарсак, мазкур янги ҳиссиёт ва фикрлар бир нимарсаны сабаби эмас, балки маний деган нимарсаны асариндан эканлигини билармиз. Дохили бадан ва ўз хазинасиға жам бўлган ифрозоти манавия иқлими баданни тағиyr бериб, аввалги ҳолидан бошқа бир ҳолга ўткарар. Бошқа тил или инсонни такмил қиласар. Бу янгидан жам бўлмоқға бошлаган манийларни бадандан чиқармоқ ва инзол қилмоқ керакми ёинки жамланатурган маҳалиға қола берсунми? Бу саволларни шарҳ қилмоқ керак. Манийларни бадандан чиқармоқ яна ўшал маний тайёрлайдурган асбоб дохили или бўладур. Бадандаги ҳар бир узв комил бўлуб, амалга кирса, албатта, фойдалиkdir.

Бадандаги узвлар ўз амалини бажо келтура берса, бизим тириклиқ ва саломатлигимизни сабабидур. Аъзоларни қиллатурган ишиға ҳалал келса, бизни соғлигимиз, бора-бора тириклигимиз йўқ бўладур, ҳам чунонки, ҳар бир аъзо ўз хизматини янги бошлаган замон мукаммал, нуқссиз этолмаз. Дохили бадандаги ифрозоти манавия асбоблари номи дигар или шаҳват мошинасики, ҳануз янгидан ўз ишини бошлабдур, ани комил бўлган мошиналардек иплатилмас, сабр этмоқ керакки, даражай комилиға етсун, ўз хизматига малака ҳосил этсун. Қувват олсун, сўнгра лозиминча шариат ва ҳифзи сиҳҳат фармойиши или инзол қилдумоқ керак. Масалан: янги тугулган бола бир ҳанча кунлар офтоб ва лампа нуриға боқолмас. Янги оёқ чиқарган бола тез юрмас. Бўлак аъзоси бироз комил бўлган болалар аъзосидек хизмат этолмас. Бас, сабр ва тадриж лозимдур. Янги пайдо бўлган қувваи шаҳвония ҳам шу мисол кабидур.

Яна бир мисол дермиз, масалан: бир самоварни мил-жўмаргини очайлук. Ўбир тарафидан сув қилаверсун, бу сувратта аслан тўлмайдур. Тўлмаган учун ичидаги оташ самоварни хароб этадур. Агарда самовар мили берк бўлса, сув тўлар, қайнар, тайёр бўлур, керакича фойда қилинадур. Бас, бу кун дохили баданимиздаги маҳзани манавийға янгидан бошлаб қатралар ҳосил бўлуб, бизни уйготди, ҳануз бу маҳзан тўлмай ва камолига етмай аниңг инзол ва ихрожига саъй қилинса, анбор тўлмай ва асбоблар ка-

молига етмай, балки янги очилган күз ва оёқ каби шол ва ё күр бўлуб, мошиналар бузулуб, ададсиз касал ва балоларга гирифтор бўлмоқға сабаб бўладур. Вақтики сабр этдук, дохилий асбобларимиз даражай камолига етди, маний тайёрлайдурган ва жорий бўлатурган жойлари қувватга кирди. Соили манавийни керагича ишлатмоқ ва сарф этмоқ керак. Ҳам чунонки вақтидан аввал соили манавийни ишлатмоқ ва сарф этмоқ дуруст йўқ, тайёр бўлган вақтидан сўнгра ишлатмай муаттал саҳламоқ ҳам зарарлиқдур. Ани учун ҳадди балогат ва камолга етгандин сўнгра ҳар бир рашид қиз ва ўгулни уйланмоқға тааҳҳул ва тазаввуж этмоқға табиат жабр ва шариат таклиф этарки, мизожи инсоний ўз эътидолини топиб ҳам жамиати башарияни такмил этар. Тааҳҳул этмаган сувратга ҳеч бир инсон керагинча жамиати башарияға хизмат этолмас ҳам вужудига зоҳирий ва ботиний бир неча касаллар пайдо бўлурлар.

ТААҲҲУЛИ ТИББИЙНИ ЗАМОНИ

Табиб Комил афанди «Ҳифзи сиҳҳати издивож» рисоласиға ёзадурки: «Жами ҳифзи сиҳҳат муаллифлари уйланмакға эркак учун 25-30 ёшларини ва хотун учун 20-22 ёшларини тайин қилмоқға муттафиқурлар». Фанни тиб бу ёшларни лозим кўрмаса ҳам инсонларни бу ёшғача такмили фазл ва ҳунарга саъй қилишлари учун уйланмакни таъхир қилишлари лозимдур. 18 ёшиндаги бир эр или 14 ёшиндаги бир қиз болани издивожларидан аксарият или носозлик ва кулфат пайдо бўлуб, голибан талоқға оид бўладур. Ва болалари ноқис ва кажжулқ бўладур. Бу ёшдаги ва ҳануз бачаликдан қутулмаган ва назар басирати очилмаган бир ота ва она ўз тифл болалари қадрини асло билмай ва тарбият қилмай, анинг ахлоқ ва сиҳҳатини бузуб, жамиати башарияға зарар келтурушлари табиий ва оддийдур». Табиб Ҳусайн Рамзий афанди айтадур: «Бир қиз 16 ёшинда ва бир эр бола 20 ёшинда келганда издивождан сиҳҳати баданлариға зарар келмаслиги тажрибалар илия событдур».

ҚИЗ БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯСИ

Бир қиз бола 11-12 ёшига келгандан сүнгра ҳадди булуғи тиббийға яқин етар, яъни ҳайз күрмөңға бошлар. Эр болалар 15-16 ёшларига йўлиқатурган дардисари шаҳвоний ва балои ҳайвонийға, бечора қиз бола 12-13 ёшинда гирифтор бўлар. Қизларни волида ва мураббиялари бу йил вақтларни ниҳоят диққат ила ўткариб, аларни зоҳирий ва ботиний ҳол ва тарбиятларини ҳифзи сижҳат ва шариат таклифиға мувофиқ этмоқлари керак. Бу ҳолда қизлар вужудини қувватсиз этадурган иш ва таомлардан саҳлаб ҳам иссиг либослар кийгузмоқ керак. Атиббони ортуқча таклифи бу бобга қизларни белини боғлаб юрмоғидур. Мундай қизларни тўй ва мавлидларга чиқиб юрмоқлари, ҳаракати бузуқ хотунлар ила аралашмоғи тиббан ва ахлоқан мамнунъдур (эркак болалар ила, албатта, яқинлашмасунлар). 16-17 ёшларига кирганда қизларни келинлик вақти етар. Буларни табиий ҳаракати бузулмаслиги учун яна тадбир ва саъй лозимдур. Яъни ошиқона китоб ва ҳикоятларни ўқумоқ ва эшитмоқларига вақт қолдурмасун, ифрат ва тарбияти баданияларига тадбирлар жорий қилинсан. Хусусан, ёмон ва беқайд аёллар ила ихтилот йўллари боғлансан.

(Бақияси бор)

*Маҳмудхўёса
«Ойина». 1914 йил 20 сентябрь. №48*

УЙЛАНМАСЛИКНИ ЗАРАРИ

48-рақамдан мобаъд

Замони келиб, аммо уйланмай, вақтини мужаррадлик ила ўткаратурган эр ва қиз болалар учун бу мужаррадлик, ниҳоят кўб жисмоний ва ботиний касал ва ёмонликларни пайдо қиладур. Ва табиати башариядан қаттиғ жазолар кўрадурлар. Дунё маҳкамалари ва дўхтурларидан маълум бўладурки, корхонаи оламга

пайдо бўлатурган жиноят, одам ўлдурмоқ ва гуноҳларни аксари уйланмаган эрлардан содир бўлуб, уйлик кишилардан пайдо бўлган жиноят ва гуноҳларнинг олдиға ниҳоят оздор. Эрлик хотунлардан пайдо бўлатурган жиноятлар эрсиз хотунлардан пайдо бўлатурган гуноҳ ва жиноятлар олдиға йўқ ҳукмидадир. Шундайки эрсиз хотунлардан пайдо бўлган жиноятлар, хотунсиз эрлардан пайдо бўлган жиноятлардан икки мартаба зиёдадур.

Дунёдаги девоналарни аксари уйланмаганлардан дур. Чунончи юз девонадан қирқ саккизи уйланмаган, иккиси уйланган, бири уйи синган киши⁴⁷ бўлубдур. Франсия, Голландия ва бошқа мамлакатларга қилинган ҳисоб ва таҳқиқлардан маълум бўладурки, бир тоифа уйлик одамлардан юз киши ўлганда, уйланмаганлардан 169 нафар ва уйи синганлардан 281 нафар ўлубдур. Уйи сингандан сўнгра уйланмаганларга уйсиз турмоқни зарари ниҳоят кўплиги, тажриба ҳам тиб ва ҳисоб ила муайян бўлгандур. Масалан, орзуи шаҳвоний ва мужомаъат, табиатга муставли бўлуб, анга етмаслик, яъни мороқ ва адам иқтидор умрни қисқа этар.

Никоҳсиз ижтимоъдан ҳадсиз касаллар пайдо бўлуб гуноҳи ортуқчадур.

ТИББАН ТАНОСУБИ ЗАВЖАЙН

Уйланатурган эр қизни кўрмоги суннати набавиядан бўлуб, ақлан лозимдур. Бу кўрмоқни фақат қиз чеҳрасини кўруб ёқтурмоқфа ҳамл қилинмаса керак. Чунки ёлғуз чеҳра гулгунасини кўрмоқ ила иш ҳифзи сиҳҳат назарингча битмас. Балки ҳифз ус-сиҳҳат ижоби мундайдур:

Эр ва қиз болани жисм ва гавдаларини бир-бирлариға мутаносиблиги, буня ва аъзоларини қуввати, ҳифз ус-сиҳҳатча матлуб ва машрути завжот ва тааҳкулдур.

⁴⁷ Уйи синган киши – оиласи бузилган, демоқчи.

МУОМАЛАИ ЗАВЖИЯТГА ЭЪТИДОЛ

Үйланмакдан қолмак ва кейин қўймоқ нақадар заарлик бўлса, тез уйланмак ва уйлануб, кўб жимоъ этмак ва ҳарис бўлмоқ андан заарликтур. Қувваи шаҳвонияни ифрат ва тафрити избоз ва имсоки, албатта, заарликтур. Фақат эътидолига истиқомат этуб табиби ҳозиқни насиҳатномасига амал керакдур. Ҳар ҳолда эътидол ила ҳаракат этмоқ лозимдур. Ва, илло, қаримасдан ишдан қолиб, сўнгра охир умригача пушаймон бўлур. Бел, оёқ оғруғи, кўз хиралиги ва бошқа давосиз иллатларга гирифтор бўлур.

Бир одам мускиротни доим ичса, масалан, машработ ё мукайийфоти моиъяи сулбия ё духония истеъмол қилса, ё мушкил дарс ва илмларга бирдан кўб диққат қилса, фикр ва мутолаани кўброқ қилиб мия ва димогни чарчатса, ё аъзои таносуласини кўб ишлатиб доим жимоъга ҳирс қўйса, коҳ эр ва хотун бўлсун, албатта, заиф ва ранжхўр бўлуб, охир ёмон касалларга гирифтор бўлар. Кўброқ ихтилиоли ақл ва фасоди фикрга учраг. Жимоъга кўб мойил кишилар, вақтндан аввал ва қаримасдан мардгирилкдан, албатта, қоладур. Кўз ва фикрига ва барча аъзои баданияга бекувватлик ҳосил бўлур.

Муомалаи завжиядан кўброқ зарар кўратурганлар янги уйланган одамлар ва, хусусан, буняи бадан ва жисмлари заиф ва таҳсили илм ва фан ва хидмоти фикрияга машғул одамлардур. Муомалаи завжияга ҳарис кишиларни бадан ва томирлари заиф бўладур. Иштаҳаси йўқ ва ҳазми кейин қоладур. Бора-бора кўринмайтурган дохилий ва маънавий касалларга гирифтор бўлуб, тирикликтан безор бўлур. Ақли ва фикри заиф қоладур. Аъзои таносулия ва дохилия ва бачадонларга зарар, варам ва иллатлардан ҳосил бўлур. Эр ва хотун орасига бу ҳолатлар сабаби ила совуқлик тушар ва охир уйлари бузулур, болалари ношуд ва ноқис бўлур.

Муомалаи завжиядан пайдо бўлган касал ва заифлар олдини олмоқ учун хушҳаво жойларга юруб, жами аъзолар ҳаракатга келатурган риёзати бадания-меҳнатларини батадриж қилмоқ ила аъзоға қувват бермоқ керак. Хотунидан бошқа ётуб ва кўрпасини кўб қалин ва иссиг қилмасга керак. Ҳаракати шаҳвониясига тобе

бүлуб қолған кишилар баъзан оқшом ва кундуз ихтилом бўла-
дурлар. Қадимги сиҳҳатликни йўқотуб, фаромушотир ва кам-
шуур бир ҳолга қоладурлар. Бу ҳолларға гирифтор бўлган киши
дафъатан бир табиби ҳозиқға бориб, аҳволини ёшурмасдан баён
этисб, табиб насиҳатини камокана қабул этмоқ ва амалға киргиз-
моқ керак. Ва, илло, ҳалок ва талаф бўлар.

(Бақияси бор)

Маҳмудхўёса
«Ойина». 1914 йил 27 сентябрь. №49

МУЖАРРАДЛИКДАГИ ЗАРАРЛИК ОДАТЛАР

49-рақамдан мобаъд

Кабир ва болиг бўлган бир қиз ва ё ўғул бола уч йўл, яъни бир сароҳага йўлуқурки, андин бирини ихтиёр этмоғи табиийдур. Биринчи – ўзини сахламоқ, иккинчи – ишқибозлиқ, учинчи – истимноъ биляд. Энди бу уч ҳолнинг ҳар биридан қисқагина этиб, табибларни мутолааларидан баён қилинур. Мақсадим ватан болаларини ва неча мазлуми шаҳватзадаларни ҳифзи сиҳҳат ва тариқ нажоти шаръий ва тиббийга даъват этмоқ ва ўз парда ва исматларини, сиҳҳати баданларини сахламоқларига рижо ва хизмат қилмоқдан иборатдур. Анинг учун заруратан хилофи адаб ёзилган калима ва сўзларни ҳусни ниятга бахишланмоқини илтимос қиласман!

Табибларни қарорлари: биринчisi, имсок, яъни ўзини соҳламоқ бир даража қадар одамни жисмиға фойдалиқдур. Аммо ўз нафсини кўб йиллар сахлаб, хотун олмаса, аъзои таносиласини касаллиги ва ишдан чиқишиға сабаб бўладур. Ани учун ўзини ёмон ишдан сахлаб, иффат ва истиқомат ила юрган ёшлиарнинг уйланмоқларини кечиктурмасдан соҳиби рўзгор этмоқ лозимдур. Яъни 30 ёшдан ўтмасдан уйланмоқ керак. Ҳар ҳолда шу биринчи тариқдек «ўзини сахламоқ» ёшлар саломатликларига кафил йўл йўқдур. Иккинчи, ишқибозлиқдурки, барча дин ва шариатга бир бало ва гуноҳи азимдур.

Мунга огушта қиз ва эр болалар халқ күзига ёмон күрингувчи ва бадномдурлар. Агарчи ёшлик замонлариға ахли тараб ва нишотдан навозиши күрарлар, аммо бироз ҳарорати баданиялари ва таровати рухсорлари озайғандан сүнгра ҳеч кимдан иссиф сүз әшитмай, охир умрларигача хор ва залил, ох-воҳ ила дунёдан самара ва ҳосилсиз ўтуб кетадурлар. Ҳар нафасга минг пушаймонлик этсалар ҳам суд этмас. Ва умрлари асло дубора келмас ва ортдурган мараз ва касаллари ортуқча балои жондур. Ва ҳам ҳаромкорликдан бир неча дохилий ва хорижий ва ҳар кимға ўтатурган ёмон юқумлик иллат, мараз, шонгир ва бошқа амрози сория пайдо бўлуши табибларни мутаффиқул қавл хабари ила событдур.

Ишқибозлик ҳаромкорликға юрган кишини инсоният ва жамияти башария нақадар зарар еткурганини айтиб адо қилиб бўлмас. Анинг матъун ва антиштмонлиги умрининг охиригача ани кулфатға қолдируб, ҳатто авлод ва ақрабосининг сабаби хижолатлари бўлуши муқаррардур. Хусусан, бир ёш қиз бу ёмон йўлға тушса, ани тортган алам ва жафолари ва бечорани жисмоний ва руҳоний кўрган заарлари ва топган иллатларидан ажратмоқ ниҳоят мушкулдур.

Имсол, яъни ўзини сахламоқ – истимноъ биляд одатига тушмоқ – кубаро – одам шунуда қизларига ва ишқибозликни ихтиёр этмак фуқаро қизларига аксарият ила одат бўлгани, уламои тиб тарафидан таҳқиқ қилиниб, китобларига ёзилубдур.

Фаҳшиёт, ном дигар ила ишқибозлик бир балои мулҳикдурки, жамиати башарияга андан заарлик бир бошқа нимарса йўқдур. Бойбача ва савдогарларни синдируб, давлат ва сомониядин айираттурган будир. Косиб ва ўрта қисм одамларни ватан ва асбоби рўзгорларини йўқ қилатурган будур. Ато ва ано, эр-хотун, қавм-қариндош орасига совуқлиқ тушуратурган яна шу ишқибозликдур.

Ҳибс ва бадарға ёинки қатл ва ружмға сабаб шу манхус ишқибозликдур. Ошна ва дўстларни хусумат ва низоға солиб бадном этгувчи ва неча хорлик, зорлик, қатл ва хунрезликға сабаб шу ҳаром ишқибозликдур. Кўп хонавайронликға ва беватанликға ва кўб иллат ва фақирликға сабаб шул шум ҳаракати шаҳвониядур. Қўрқунч савдо ва девоналий ва зоҳирий ҳам ботиний юзлар ила иллатларға гирифттор қилатурган шу фисқ ва фужурдур.

Зино ва ливот исмлик дунё ва охиратға, жисм ва руҳға зааралык нимарсаны фақшиёт аталаадур. Ҳоло янги кабир бўлганларни баъзиси ливот илан вақтидан аввал шаҳватпарастликга одат қилиб, ўз сихдати баданини ва қуввати ақлия ва муҳофизиятни йўқотиб кундан-кун заифга тушуб, давосиз ранж ва кулфатға гирифтор бўладур. Охири ишдан, илми фанний дарсларни фаҳмламогидан ва фикрни тараққий қилишдан маҳрум бўлур. Қасбу ҳунарга-да кам ҳафсалаликга гирифтор бўлур. Одам бўлуб туруб, ҳайвонотларға бир дақиқалик қазои шаҳват учун ружу қилатурганларни эшак ва ит жуфти дейилса сазодур. Ададсиз иллат ва касаллар бу ёмон феъллардан пайдо бўлиши табиийдур.

Ёшларни вақтидан аввал инзоли манийга ҳар нав хийла ила бўлса-бўлсун, хизмат қилмоқлари силоили манавия деган иллати жонгузорни тайёрлайдурки, оқибат мардгириликдан қолдируб ёинки мундай касалларға мубтало бўлган ёшлар хотун олганларидан сўнгра ишға ярамайдурлар. Нозлик ва суюклу келинларини талоқига мажбур бўладурлар. Ёинки бола бўлмай яна охири иш хонавайронликга келур.

Янги хотун олган ёшларни мусомалаи завжия ва шаҳватронийликга қўб саъи қилганлари ва ҳафтаға бир неча мартаба ишға қодир бўлуб туруб, яна даво ва дору сабаби ила шаҳватронийликга зиёда майл қилгани ҳар хил дохилий ва хорижий касаллар ва ихтиололи фикр ва ақлга гирифтор қиласадур. Вақтидан аввал ва ўрта ёшлик замонига етмасдан, бу сабаблар ила ожиз қоладур.

Эмди, учинчи ҳол, яъни «истимнои биляд» қўл ила маний келтурмоқ зарарини баён этармиз.

(Бақиаси бор)

*Маҳмудхўёса
«Ойина». 1914 ийл 4 октябрь. №50*

ИСТИМНОТЬ БИЛЯДНИНГ ЗАРАРИ БАЁНИДА

*Дар талаб карданы ҳақиқати кор,
аз худо шармдор. Шарм – мадор.*⁴⁸

50-рақамдан мобаъд

Инсонларнинг ҳар бир тоифа ва табақасига неча ва неча ёмон одатлар кўрунадур. Янги кабир бўлганлар ва, ёинки, уйланмоғи кейин қолган мужаррад кишилар ва сўфи нақшлар ва хотуни ила урушуб кўнгилсиз бўлганлар, узоқ сафар қилғувчилар ва хотуни касал бўлганлар ва таҳсилга машғул кишилар... истимноъ биляд одатини келтиратурган ҳадсиз заарларини билмасдан, бу иш сабаби ила мажнун ва девона бўлмагандан заиф, қувватсиз, беақл, қўрқмоқ, ваҳми ва нофаҳм ва шунга ўхшаш муҳлиқ ва давосиз балоларга гирифтор қилмоқини билмасдан гуноҳсиз, кишибилмас, осон, деб инсонни ниҳоят ёмон ва душман бўлган истимноъ биляд одатига гирифтор бўладурлар. Истимноъ биляд деб собун ва, ёинки, балғам истеъмоли ила шаҳват келтурмоқ айтадурларки, кафаки ҳам аталадур. Бора-бора бу одатга шул тариқа одамлар улфатланиб, муқаррар кўкнори, банди ва пиёнисталардек ҳар кун бир неча марта ба бу феъл ва одатни жорий қилмоқга мажбур бўладурлар. Ҳатто табиб ва дўхтурларни ёзишига қараганда, баъзи одамлар кунда 5-10 марта ба қўл ва аъзолари ила ўз аъзои таносулияларини ўйнатиб, маний келтуруб, лаззатланур эканлар. Ва охири мундай кишилар мажнун бўлур ёинки бу сабабдан бир неча балоларга гирифтор бўлуб, оқибат ўзини осар. Ёинки дору ичиб ўлар ва ёмон касалларга гирифтор бўлуб, охири ўлар. Бу одамлардан баъзиси заарини тезлик ила кўрар.

Баъзи одам заарини тезлик ила кўрмай одатини кўпайтурса, сўнгра заар кўрадур. Шундайки, оҳиста-оҳиста мазкур кишини фикри бузулар, хаёлоти, зеҳни бутун бошқа бўладур, батадриж бўлган учун ўзи билмай, балки ҳеч фаҳмиға бормайтурган шуурсиз ҳам бўлуб қолатурган одамлар бўладур. Вужудига, жисми ва руҳи, моддий ва маънавий заарлар кўруна бошлайдур. Ишдан қочатурган бўладур. Одамни ёқтурмайдиган бўлур. Ва ишдан

⁴⁸ Маъноси: «Ишнинг ҳақиқатини талаб қилиш худо олдида шармдир. Шарм – манбадир».

хабардор кишилар анинг ҳолига йиғламоқ даражага келадурлар. Ўзлари бўлса, ҳафсаласиз, иштаҳасиз ва ғамгин... ҳолларга қолур. Кундузлари маний оқураберса, сўнгра кечалари иҳтиломи бўладур. Бечорани юзи сарғаядур ё кўкарар, ранги тағиир топилар, кўзлари тинар, бадани заиф бўлар, жумла асабияси бетоқат бўладур. Ўқумоқга ва ё муқаррар ишни қилмоқга тоқати қолмас.

Агарда иш ва иллат олдини олмаса, аҳмоқ ва танбаллик асири бўлуб қоладур. Охири девоналилк ва ё ўлум. Афсус, бечорани ҳолига! Алҳосил кўб вақтлар истимноъ биляд ила машгул бўлганлар ё девона мажнун ва, ниҳоят, аҳмоқ ва аblaҳ ва хушёқмас, хаёлотий бўлуб қолиши ва бадани сўлуб, тез қариб, хаёлиға келмаган касалларга мубтало бўлуши муқаррардур.

Мундай кишилар янги ўрганган муддатларига ҳар нимарсадан қўрқадурган ваҳми бўладурлар. Танҳо жойларни ахтарадур, чеҳрасидан маълум бўлурки, бу одам бир ёмон иш қилғувчидур. Истимноъ биляд, ливота ва касрати жимоъға гирифтормишиларни носия, яъни манглайи ва юзларига билдуратурган бир неча аломатлари борки, билатурган кишилар билар.

Ливот ва касрати жимоъ ҳам бора-бора истимноъ биляд хосијитини пайдо қилас. Бечора мундай нодон жавонлар, хусусан, талабалар бу балои мубаррам ва номаълум панжасидан ўзларини халос этолмайдурлар. Қувваи баданиялари заифга тушабергандан сўнгра иш бир даражага қўлдан кетиб, ёмон бўлганидан кейин ўз ранжини бошқа ранг ва ҳайъат ила нодонкори афтолаларга баён қилас. Иштаҳаи таомия ва қувваи ҳазмия ва эски маҳорати илмия ва санъатиясини заиф бўлганини дармиён этар.

У нодонкори афтола билмайин на тариқа даволар беруб, яна ишни ёмон бўлишига сабаб бўладур. Касрати жимоъ, ливот ё истимноъ билядга мубтало кишиларни, совуқ ва иссиг тезлик ила баданига таъсир этар. Бўйни ва бошидин бошлиб ҳароммагзи ниҳоят совуқ ер ва муз каби бўлур. Мундан бошқа яна бир неча фазла касалларга гирифтормишилар бўлур. Бел ва оёқ оғруқлари-да аслан шундан пайдо бўлур. Мамлакатимизга давои табиблик қилатургонларга ҳануз истимноъ билядни алоҳида бир касаллиги маълум йўқдур. Баракат берсунки, фиқҳ китобларига бу одатни ҳаром ва гуноҳ қарор берилибдур.

Маъзаллоҳ! Истимноъ билядга мубтало бўлган киши уялмай одатини табибга айтсун. Табибга ҳам лозимдурки, мундай

кишиларни тафтиш қилиб, ақволлариға илм ҳосил қылсун. Ва иш олдини олсун. Мундай кишиларға бир табиб шу ҳолда бир насиҳати падарона қилас. Бечора янги қабир бўлган ёшларни истимноъ биляд балосидан қутқармоқга саъй ва ҳиммат этмоқ барча оталарға лозимдур. Бу сабабдин ёшларға бу одатни ёмонлигидан жисм, руҳ, ахлоқ, ва майшатға зарари куллийси борлигини англатмоқ керак. Маданий мамлакатларға ниҳоят кўб китоблар бу масала ва иллат бобига тасниф қилингандур.

Франсияни машҳур табиб ва доинишмандларидан Типпиу ва Лолуман ном ҳакимлар бу иллат ҳақинда ниҳоят узун тадқиқот ва муолажот баён этибдурлар. Миср ва Истанбул ҳакимлари ҳам арабий ва туркӣ тилда ушбу бобда бир неча китоблар ёзгандурлар. Ва бу иллатлар давосини ҳам топиб ҳақинча хизмат этгандаридан бир мисол баён қилиб, билмаганларни ишдан огоҳ қиласйлук.

(Бақияси бор)

Маҳмудхўёса
«Ойина». 1914 ийл 16 октябрь. №51

ИСТИМНОЪ БИЛЯДГА ГИРИФТОР БЎЛГАН БИР ОДАМ КУЛФАТИ

51-рақамдан мобаъд

Англис мамлакатиға 15 ёшиндаги бир мактаб шогирди истимноъ билядга мубтало бўладур. Танҳо ерларга кунда икки дафъа, уч дафъа одатини изжро қилас. Йилнинг охиринда бадани заиф бўлгани ва аввалги ҳолини йўқотганини фаҳмлар. Меъдаси ва қувваи ҳазмиясиға ушбу сабабдан халал келиб, қабз бўлур, ётганда аксар иҳтилом бўладур. Ўз касалини билмоқ учун тиб китобини ахтарар, истимноъ биляд бобини топиб, мутолаа қилиб, у касалға маҳсус аломатларни ўз баданига кўрар. Бу мубтало бўлган касали жамияти башарияға нақадар душман ва зарар бергувчилигини билиб, дард ва алами зиёда бўлур. Ўзини ушбу ўрганган одатини сахлаёлмай, йиглаб-йиглаб бир табибга

борар. Табиб құвватға киратурған дорулар бериб, иқтилом бўлушини даф қилар. Аммо истимноъ билядни даф бўлишиға ҳиммат қилмас. Мазкур касални ёмонликиға кўзи етиб қўрқуб, мазкур одатни бирдан тарқ қиласадур. Бир ярим йил қадар баданини сиҳдати туруб, қабзиятдан бошқа иллати қолмас.

Яна янгидан құвватсизликға мубтало бўлур. Ўқуидурган илм ва сабоқлариға диққат қилолмас. Чунки яна бадбаҳт истимноъ биляд иллатини хотимаси бу бечоранинг баданиға ҳукм сурар, яъни кундузлари маний ўз-ўзидан оқиб кетармиш. Бу заиф нотавонлик, камҳафсала ва фаҳмсизлик андин экан. Бечора яна табиға кетар, табиб илож берур, суд этмас, яна оқшомлари маний оқмоқта бошлар, бечора йигит қўрқар. Агарчи мактабни имтиҳон вақти яқин келган бўлса ҳам ўқумогини тарқ этиб, аввалги табиға борар. Манийни сахламоқ учун сийдик йўлини дохилий тарафини доғлар. Доғлаган сабаби ила пайдо бўлган аламдан қутулмоқ учун яна бир неча даволар қилар.

Дарҳақиқат, бироз яхши бўлур. Бола бир муддат саёҳат қилиб, яхши бўлгандек бўлур. Аммо уйига келар-келмас яна шу иллат авдат этар, яна оқшомлари иқтилом бўлур. Эски касал аломатлари чиқа борар, қабзияти шиддат этар. Бир йил қадар ҳар кун иссиғ сув ила ҳуқна қилиб ичини ўткарап. Яна табиға бориб сийдик йўлини доғламоқини илтимос қилар. 7 дафъя доғлар. Оҳ бечора мариз, на қадар жафо ва алам, важаъ чекди, бутун кулфатга гарқ бўлур.

Илмдан, мактабдан, саодати дунявий ва ухровийдан маҳрум бўлур. Ҳар хил риёзати бадания ила саёҳат қилар, юрар, фақат ҳеч суврат ила зарьфи ва кулфатидан аrimас ва ўзи тандуруст ҳам бўлмас. Табибларни таҳқиқлариға қараганда, маҳсус аъзосини истимноъ биляд сабаби ила булоқ бўлуб, маҳзани манавияси манийни жам бўлуб турмоқға ярамай, батадриж жам бўлганини батадриж сийдик йўлиға отар эканки, бола ани хуружидан ва оқишидан хабарсиз қолар экан. Бу сабаб ила бечора шогирдни аҳволи оғир бўлур, яъни аъзои дохилиясини истимноъ биляд сабаби ила ўзи бузубдур. Энди жазосини чекар.

Йигитни аввалги фаҳм ва фатонати, фикр ва идроки, ақл зақоси қолмас. Яна саёҳатга чиқар. Ҳифзи сиҳдат таклифиға ва табиблар буйруқиға амал қилар. Яна тузалган каби бўлур. Бир-

оз семизда бўлур, сўнгра мамлакатига қайтиб, бир хорижий тил таҳсили орзусига тушар. Лекин вужуди, ҳаваси зўр ишни қабул этмас. Икки ой қадар ўқуб саъӣ қилар, сўнгра яна уйқуси қочар. Бошқа бир ҳолга йўлиқур. Кўрпаға кирар-кирмас қўрқувга қолур, зўрга 2-3 соат ётар, ёмон тушлар қўруб уйғонар. Боши ва меъдаси атрофиға оғирлик топар, эрта ила ўрнидан турмоқға ҳафсаласи келмас, чарчаган каби бўлар. Оқшомлари яна манийси оқар. Бир китобни охиригача ўқуёлмас, боши ёрилгандек бўлур. Хулоса, яна баданиға футур келиб, ўзи маъюс ва ноумид бўлар. Яхши кўратурган нимарсалари назарифа ёмон кўрунар. Умр ва жонини душмани бўлган бу касални дафъи учун яна саёҳатга чиқар. Агарчи саёҳатдан вақти хуш бўлмас, яна кезмоқ ила фикрини тоза қилар. Икки ой муддатга яхшигина юруб бироз тасалли топар, аммо ўқумоқдан бутун маҳрум қолар. Кундузлари очиқ ҳаво ва каравот устиға ётиб, аммо танҳо жойларға қолмоқни истамас, уйқу элитмоғидан қўрқар. Не вақт кечалари иҳтиломи бўлди, кундузига беқувватлиги зиёда бўлур. Ноумидлик ва маъюслик ва фитрати баданға учраб, бир неча йиллар бу истимноъ биляд касалидан туғулган иллати моддий ва ботиний ила кўрушур. Охири бу ҳолатлардан ўлум яхшилигига қарор бериб, интихор – ўз-ўзини ўлдурмоқ ҳаёли ва савдосига тушар. Вужуди ва жисмининг заифи, қувваи ақлиясини бузуб, фикри ҳаракати жисмонияси каби бузулмоқға бошлар, фақат ҳануз бирозгина ақлидан қолур. У ҳам ўқугани сабаби ила ҳеч истироҳат ва сокин бўлолмай, кўб табибларға учраб, ҳар бир табиб айтганини қилиб, аммо фойда кўрмас. Бу асноға толеи ёрдами ила мисье Лолман ном табибни бир китоби, бу ранжурни қўлиғига тушар. Мутолаа қилиб, дардига фақат табибни иложини даволигига илмий қарор топиб, тўғри Парижга кетар. Мисье Лолман ила мулоқот этар. Табиб мазкур касални таҳқиқлаб қўруб, дардини кетарига ва тузалмоқига башпорат бериб, фақат хотун олмоқ ила бу касалдан қутулмоқни билдирад ва яна таълимотлар берар.

(Бақиаси бор)

*Маҳмудхўжса
«Ойина». 1914 йил 25 октябрь. №52*

ҲИФЗИ СИҲҲАТИ ОИЛА

52-рақамдан мобаъд

Бу бола асл вилояти Англис мамлакатига қайтиб, табибни буюрган васияти, яъни уйланмоги лозимлигини уялиб, ақраболариға айтмасдан яна бир йил вақт кечурар. Охири ўз маҳалласи табибиға мисъе Лолман васиятини билдирад. Табиб кўб фикр ва таҳқиқлардан сўнгра Лолман фикрини қабул қилиб, хотун олмоқиға қарор берадур. Касални ақраболари қўрқуб, қабул қилмасалар ҳам оқибат уйлантурарлар. Аввалги ҳафтага бир дафъа хотунга яқинлашмоқға табиб рухсат берар. Сийдик йўлини доғланганидан кейин пайдо бўлган жароҳатлар ўрнини ва чиқиндиларини асбоб юбориб тузатурлар. Икки ой сўнгра бола ўз вужудига фойда ва сиҳҳатлик кўрмоқға бошлар, тириклиги, умри гўё янгидан бошланар, умидсизлиги йўқ бўлур, аммо фақат бел совуқлигига учрайдур. Моясиға илтиҳоб, таб ва ситам келар. Лекин кейинги иллатлар ҳам дору ила тузаладур.

Яна ўқумоқға бошлар, моддий ва маънавий қувватини топар, фикри ва ботинидаги ғам ва андуҳлар йўқ бўлар кетар. Табиий буз ва жит давосини кундан-кун фойдасини зиёда бўлур. Агарчи ақли, заковати эски ҳолига қайтмаса ҳам керагинча ўрнига келур. Бус-бутун ақли ва дарояти фикр ва закоси комил кишилардек бўлмаса ҳам гўй, тандуруст ва ақдлик бир кишидек бўладур.

Алқисса, бу ёш йигит шу юқоридаги дард, кулфат ва алам ила етти йиллик азиз умрини бу ёмон касал йўлиға сарф этиб, охири уйланмак ва ўлчов ила муоммалии завжия этмоқ, табиблар васиятини парҳез ва давосини шароити ила истеъмол қилмоқ ила тамом 7 йилдан сўнгра шу истимноъ билядни хотимаси ва лозим омадаси бўлган касаллардан қутуладур. Натижай калом шулки, ёшлиар ушбу тариқ ва мунга монанд ёмон одатларга майл қилмасунлар. Вақтича сабр қилиб, вақти етганда, албаттта, хотун олмоқлари лозумдур. Ва, илло, шул тариқа касалларға гирифтор бўлуб, талаф ва йўқ бўлишлари ёхуд мажнун, девона, хаёлотий бўлуб, одамгарликдан чиқишлари муқаррардур.

Жаноб дўхтур Ҳусайн Рамзий ўз китобинда айтадур: 23 ёшиндаги бир кипини вужудига ҳеч бир иллати йўқлиги ҳолига

бирдан-бир сараъ иллатига гирифтор бўлганини кўрдум. Сабаби таҳқиқ қилганимга бечора йигит истимноъ биляд балосига гирифторлигини билдим, ҳатто бу одам бир кун ўз одатини қилиб турган вақтига ўлуб қолганини, сўнгра хабардор бўлдум. Бу одат қизларга ҳам бўлармиш (тариқасини айтмоқдан маъзурмиз).

18 ёшиндаги қувватлик ва жисми соғ бир қиз ниҳоят ёмон бир қувватсизлик ва заифга тушар. Кечалари уйқусиз, қундузлари хаёлотий ва савдоиёна вақтини ўткарап. Бу ҳолда табибга боргана, табиб ани истимноъ биляд – истимноъ биссанъат одатига гирифторлигини биладур. Сўнгра қиз ҳам табибга иқрор бўлар. Табиб даво бериб, қизни бу балодан қутқарар. Яна бир табиб ва ҳаким ўз китобига ёзадурки, ўндан зиёда ўз-ўзини ўлдурганлар аҳволини таҳқиқ қилдимки, илгари истимноъ билядга гирифтор эканлар. Юздан зиёда девоналарни тафтиш қилдимки, истимноъ биляд ва ё касрати жимоъ ва ливотага гирифтор эканлар. Бир неча юз савдои ва дарс фаҳмламайдурган ва хаёлотий ва ақди озайган ва ишға ҳафсаласи кам ва коргурез ва кўзогруғ, бошогруқ, оёқогруқ кишиларни таҳқиқ қилдимки, бу уч илладан бирига гирифтор эканлар. Боласи бўлмайдурган эркак ва аёллардан бир нечасини таҳқиқ қилдимки, ё мазкур уч касалдан бирига гирифтор ва, ёинки, ёшлигидан бир вақт шаҳватпарастликга бошлаган экан.

(Тамом)

*Маҳмудхўёса
«Ойина». 1914 иил 6 ноябрь. №1*

Н.П.ОСТРОУМОВГА⁴⁹

ФАҲОМАТЛУ ЖАНОБИ МУАЛЛИФ ТЎРАФА

1903 йил 2 август

Дилам иззаху

Шукри таборак ва таоло боргоҳидан, Сиз олимни бетаассуб, зоти олиймиқдорни кўп йиллар сарири мансаби муфаввазан-гизга маъавлод ва иттибонгиз саломатлик ва оғиятмандликда биз, аҳли Туркистоннинг тартиби илмиясига барқарор бўлуб, ҳамиша императури аъзам ҳазратларининг илтифотларина ноил бўлмоқларингизни тилаб, дасти дуо қилиб, жаридангизга ишорат этулган оризадан жисми латифингиз шифоёб бўлган, хабари истимоъ ила масрур бўлмисини хоҳлаб, мазиди умр ва иқболингизга мустадъилик жодасига Сиз жаноби азизул-вужудга салом айтарман.

Доимо жанбларини тасарруф ва назоратлари доирасига таҳ-рир мавводи хайрияга машгулиятимни истарман, деб маълу-мингиз фақир ал-жоҳ муфти

Маҳмудхўјса валади Беҳбулхўјса

1903ланчи йил 2ланчи август Самарқанд шаҳридин

(Муҳр)

⁴⁹ Н.П.Остроумов ҳақида маълумот учун иловада берилган тарихий шахслар рўйхатига қаралсин.

УЛУЛ-ЭХТИРОМ ЖАНОБИ МУАЛЛИФ ТҮРАФА

Ҳазрат Исо Рұхуллоқ салавотуллоқ ва саламуҳу алайҳи ва арвоҳу фадалаху жанобларин явми маҳсус шарафи маънуслари ва коғаи олами насроният ва муқарруни нубувват ҳазрат Масиҳнинг муқаддас ад эттүвчи ийди баъид шарафи мазиднинг хулули-ла маъруз илайҳ сизни ва табаъаларин табрик этиб, амсоли касираи далила мушарраф этмоқин жаноби Ҳақдан таманно ва ниёз этдим.

Муборак байрам кунларин ҳузури қалб ва сафои хотир ила кечируб, мундин сўнгра яна давоми умр ва офииятингиз ила бахту саодатингиз учун дуо ва арзи хулусимни ожизона айтдим. Вассалом вал икром.

***Маълумлари Маҳмудхўжса валиди Беҳбудхўжса
1904 йил марта (Муҳр)***

ҲОЖИ МУЬИН ВА ХЎЖА БАҚО ҲОДИХЎЖА МАКТУБИ

**Туркистон Ўлкаси бош назоратчиси
вазифасини бажарувчи Николай Петрович Остроумов
жаноби олийларига**

«Маҳфий

Кеча ёзив юборган хатимизга илова қилиб, яни қўшуб шунида ёзамизки, Сизга аниқ ва равшан маълум бўлсинки, турк муаллими бу йил йўқдур. Балки ўтган йил бор эди. Яъни ўшал Маҳмудхўжа муфти Беҳбудхўжа ўғли Самарқанд губернатўрига ариза берган вақтида бор эди. Ўшал вақтлар бир ой ё ярим ой туруб, сўнгра Маҳмудхўжани аризасини шов-шови чиққандা Абдулқодир мазкур туркни қўрқушидан чиқориб юбориб эди. Яъни бизлар ҳам Маҳмудхўжа қаторида мазкур туркни ўшал вақтлар бир кўрган эдук. Хуласа: Маҳмудхўжани турк муаллими бор деб

берган аризаси рост эди. Аммо Маҳмудхўжани Абдулқодир та-рафдорлари ўргага олиб, кўп қўрқутуб эдилар. Шул сабабдин бечора Маҳмудхўжа мункир бўлиб эди. Бул икки адад Сизға ёзғон хатимиз арза суратинда эмас, балки шундоқ содда ва тўғри хат ва мактуб шаклиндадур. Фақат Сизға бир маълум бўлуб қолсун деб ёздуқ. Шул важҳдан Сиздан илтимос қиласизки, бу тўғридан таҳқиқ қилинг, деб. Самарқанд инспектўрига ё бошқа маъмурга хат ёзмасалар деб. Агар закўн бўйинча мумкин бўлса, ўшал ердан туруб, ўзингиз ҳеч кимга маълум қиласдан буйруқ қилиб, мактабини ёпдурсангиз деб илтимос қиласиз. Ва илло, бу иш ўзи тамом бўлуб, ўтуб кетгандур.

Шунчаки Абдулқодир муаллимни ўзи кўб ёмон, муфсид ва мувоффаттин ва зугуругар одамдур ва ҳам ўзи илмсиздур. Такрор Сиздан Худо ва ҳазрат Исо алайҳиссаломни восита қилуб, илтимос қиласизки, бу қилган хатимизни фақат бизлар иккимиз билайлук ва сиз билинг ва Худо, бошқа ҳеч ким на руслардан ва на мусулмонлардан билмасунлар ва хатни ўқуб англағонингиздан сўнгра йиритиб ташланг. Ва, илло, маълум бўлса, муаллим Абдулқодир ва ани дўстлари фавран нўйой ва Кавказ газетларига ҳам бизни ва сизни ёзадурларки, фалон, фалонлар Абдулқодир мактабини хусусида донос қилибдурлар. Ва фалон тўра главний инспектёр бўлди. Даррав фалон мактабни ёптурди деб хафа қиласурлар.

Сиз жанобни мудаббир ва олим зот деб Сизға кўнглимиз тўлганидан эътиимод қилуб, бул сўзларни ёздуқ. Ва илло, бошқа кишига ёзмас эдук ва айтмас эдук. Масалан, Горячкин⁵⁰ тўра сўраганларида айтмаб, сўйламаб эдук. Чунки ул жанобга эътиимод қилиб бўлмас эди. Бир навъи қилингки, ҳеч бизлардан бадгумон бўлмасун. Кеча ёзиб юборган хатимизга баъзи ноқислик ва нотўғри сўзлар бор эди. Шул сабабдан гўё у хатни ёзгувчи:

Ҳожи Муъин бин Шукрулло ва Бақоҳўжа бин Ҳодижўжа.
28.6.09.»

Пўчта муҳрида сана: 28.6.09. г. Самарқанд⁵¹

⁵⁰ Горячкин А.Ф. – Уфа уезд маориф инспектори. 1909 йилда Фарғона вилояти ва Самарқанд вилояти маҳаллий мактабларини тафтиш қилган шахс.

⁵¹ ЎзР МДА. Н.П. Остроумов шахсий фонди. №1009, 1-рўйхат, 169-ийғимажилд, 95-в. ва 97-в.

ئىنى سىلو خاب مۇولۇق تۈرە غۇ دۆم عەزە

ئىلىكىن تىپكىن و تىقانى بار كا ھېيدىن پىشىم بايدى تعصب دىت ئالىم قىدار ئەتكوبىل
 پىرىز منصب نەخوصىش كېزىغىن مع اولاد و اتباىغىنلىك و عافىت ئەتكىدە
 بىرا ما تىرىلى ئەتكىدە بىت ئالىم سىيغە بىر قىرقىز بولۇس بېمىش ئەتكەن ئەلور خەلم
 جەفرەدرىنىڭ ئەتفات لارىنى ئاسىل بولۇت ئەلدرىنىڭ ئەتكەن ئەتكەن
 جىرىدە كېزىغىز ئاشارە ئىتوكان خارفە دەن جىچىم ئەلپىسىز ئەتكەن بولۇت
 جىرا بىسما ئىدى پىرىز بولۇشىم ئەخورە لاب خىزىدە ئەتكەن ئەتكەن
 كېكىچىدە بىسيغە بىر خەبىز ئەلچىدۇ جىو دەيۋەپىرمۇم ئايامى دەيما جازىلارىنى
 تەرىز و ئەظمارت لارى دا ئىرىھ سىيغە بىر مۇاراد خىزىر خەن ئەتكەن ئەتكەن
 دېب مەعنۇسىكىز فېرەت ئەلچىجى ئەتكەن ئەتكەن و لە ئەتكەن و ئەتكەن



۱۹۰۳ مەورالىدەن
 ۲ دەنلىقى ئەتكەن
 ئەتكەن شەرىدىن

М.Бەقбۇدийнинг Н.П. Остроумовга 1903 йил 2 августда ёзган мактуби,
 дастхат.

الوالداتِنِمْ جَبَّارْدَنْ فَوْرَهْ

حضرت میپی روح رسد صلوٰة اللہ و سلّم


ملیکه و روح اضیان دله جهابدارین یوچ خصوص
 شرفاء نوپر لوری ملاطفه ناصر رئیس
 و مقردان بیوت حضرت مسیح مقدس مقدس
 رسلوپی مید بعد شرف نزدیکی طولیه مرض
 الیک و سبعه لورین تبریک رئیس احوال کشمیر
 بدلیل شرف ایتیاقین جب حق داشت نصر و نیاز
 رئید ببارک بسرم (کوبلارین) خفتو و قلب
 و صفا حاطر رایلے کووروب عویدان پیو مکرونه
 دوچ محروم فتنکز ایلیخ بخت و ریعاد فتنکز (روجوس)
 دعا و خضر خاوسیح ذخایر زرنه رئید داریم
 والدکن (سلیمان لور) خود رکھ داریبو

عده و سیاریه اورط



М.Беҳбудийнинг Н.П. Остроумовга 1904 йил марта ёзган мактуби,
 дастхат.

کوپی یازدیب یو بار کاران خلیفه غلام و قلیب یعنی قوشوب
 مشتوفی ده یا زد امیر که سینز کار اینیق در وشن معلوم بولسونکه ترک متعه
 بولیل یو قدوه بلکه دو تکار ^{این پیشکاره بینه او شال} خمودخوار چفتی بجهود خوار
 سر قند گوینه طوریغه عرضه برکان و قضیده بارادیه ای دو شال و قتلر
 برا آیی یا مری ^{آیی} قورو ب صونکره خمودخوار چفتی عرضه بینی شاو شاده ز
 چققانه عبد القادر نذکور ترک نه قور قوشیده چقار بیب یو بارادیب
 یعنی بزرگ خمودخوار طلاویده نه قود ترک فی او شال و قتلر بروک کاران ^{ایمه}
 نهاده : خمودخوار چفتی ترک معلمی ^{یار دیب} برکان عرضه هی دا سرت ایده
 اما خمودخوار چفتی عبد القادر طوفدار لرس او رته غه آلیب ^{کووب} تو قوتاب
 دیده . شول سیدان پیچاره خمودخوار مصلک بولوب ایده . بولار ^{ایمه} بعد
 سینز یازغا خلیفه وضعه صور تنده اگر بلکه مشونه ادق ساده . تو خوار ^{کو}
 و کتو ب شکنه دوور . فقط سینز برمده بولوب قالسو ^{کاران} دیب
 یازد دوک . شول وجہان سینز دون انتاس قلیل امیر که بوق غیدون تحقیق
 قلینه دیب . سر قند دنیز ^{سینز} تو رایغه یا بشقة نامور خطر یازمه
 از زرگون یونچه هکن بولسه دو شال بودن قورو ب اوزن یلیز ^{یعنی} یغ
 معلوم قلیل دن بوره قلیب ^{کلینز} یا پوره سینز دیب
 انتاس قلیل امیر . ولله بوریش فی او زی تعالی بولوب او قوب کلیکانه دوور .



ئىز قۇقۇچى ئىزلىكلىكىندا

و تەنخىردىن ئەلەملىكىندا

شەپىچىدە سەپان، دەنگەن، نادىر بە يالىن مەن ئەندەنەن، و ئەندر

تەن، دەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن

ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن

ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن،

ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن،

ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن،

ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن،

ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن،

ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن،

ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن،

ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن،

ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن،

ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن،

ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن،

ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن،

ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن،

ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن،

ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن،

ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن،

ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن، ئەنچىن،

Хожи Муын ва Хўжа Бақо Ҳодижӯжа ўғли Н.П. Остроумовга
1909 йил 28 июнда ёзган мактуби дастхати ва манзил жилди.

№ 43
3.

Зе Первоходимовскому Господину
Всевому Губернатору Самарской

губ. Одесским



Оте Масиуха-Ход.
ши Бербук, прошиваю в
Ремонтное.

Продолжение

нашего здания в Самаре 1914 года в городской
кафе на улице Самарской Музейной
и гостиница и бывшая гостиница, на окнах постро-
ены из стекла стеклопакеты. Надпись на них - (Чайная са-
мара чайный салон № 3-го университета и 4-го учи-
лища бывший чайный магазин магазин
стеклопакеты. Окна в здании самарской гостиницы
и гостиницы на окнах построены из стекла и из стек-
ла из стекла пакетами стеклопакетами.

Ремонтные работы были начаты. Ремонт
стеклопакетов и оконных пакетов

Махмуд. Кофти Бекбоди.

Повторюючи ордер Вашего Губернаторства
стока сочинений разрешение на постанову
из винчурданиннис писамъ въ 16го Января 1914г.

Самарқандъ 8го Января 1914года.
(Григорий Григорьевич Григорьев)

Делегатъ земства города Самарканда

~~Надъ объявленіемъ революціи Всеннаго Губернатора
на 100% реописку, ее начальникъ предварительныя съ не-
персонального сбора на 1 руб. 50 коп. и возвратъ
тѣхъ промежъ обратно.-~~

Помощникъ Всеннаго
Губернатора

Совѣтъ

К.....

Января 1914 года
г. Самарканда.

Надъпротивъ однѣтъ

М.Беҳбудийнинг «Падаркуш» асарини саҳналаштиришга рұксат сұраб
Самарқанд вилоят ҳарбий губернаторига ёзған илтимосномаси.

Маҳмудхўжа Беҳбудий замондошлари хотирасида

ВАСЛИЙ

ЖАНОБ МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ БИРОДАРИМ

Маҳмудхўжа биродарим миллати исломиянинг таолий ва тараққииси учун энг биринчи даража чолишатурғон бир зоти ҳумоюнсифат эрди. Марҳум: «Миллат! Миллат!» садоси билан қулоқларга ғулула солур эрди. Мушкинрақам қалами ҳамиша сафҳоқ жарои малоҳатларни мазобини рангин ва монийи матин ила зийнат бера эди.

Хулоса: маслаки, ватанининг маориф, улум ва фанлар ила обод ўлмоғи бўлуб, миллати исломнинг соир милали мутамаддина ўлмагини истаб олами исломда қайси асар бўлса, дигар аносири исломия биродарлари билан биродарона муомалаларга киришиб, ислом нуқтаи назариндан мутамаддин ўлмоқларини хоҳиш эта эди.

Ва ҳар нақадар шакл эса ҳам ҳар қайси надва (курултой)ларда ҳам ҳозир бўлуб, миллат ва ватани тарафиндан нутқлар ирод этиб, умумий манофиалар жалб этмак иста эди. Ва ул зоти маърифатҳамонинг шарҳи ҳоли учун жилллар ила китоблар ёзмоқ ижоб этар. Шундай зотнинг (شاҳодати) зиёи миллат учун Карбало мусибатидек буюк бир мусибатдур.

«Меҳнаткашлар товуши». 1920 йил 8 апрел. №152

БЕҲБУДИЙ РАВОНИФА АРМУГОН

Маҳмудхўжа Беҳбудий бир қаҳрамон эди,
Миллат йўлида доҳийи охир замон эди.
Ислом оламинда гўзал олийшон эди,
Авлоди мактаба падари меҳрибон эди,
Ҳисси ватан тараққийси-чун чолишгон эди.

Во ҳасратки ўлди талаф ушбуо лийшон
Миллат йўлинда тинмай сарф қилди жон
Бу йўлда, они кин ила қатл этди, золимон
Бўлди, у жисми поки ернинг остинда ниҳон.
Маҳмудхўжа Беҳбудий бир қаҳрамон эди,
Миллат йўлида доҳийи охир замон эди.

Аҳволимизни айладинг, эй габни чўқ табоҳ,
Порлоқ жаҳонимизни биза айладинг сабоҳ
Тобон. Оғласак мусибатсан ойла оҳ-оҳ,
Маҳмудхўжа Беҳбудий бир қаҳрамон эди,
Миллат йўлида доҳийи охир замон эди.

Сўз сўйлар эрди мажлиса руҳи равон каби,
Оташфишон сўзлари тан ичра жон каби,
Гоҳ эрди сўзи фола каби, тоҳ фифон каби,
Душман кўзига хомаси эрди ханнон каби.
Маҳмудхўжа Беҳбудий бир қаҳрамон эди,
Миллат йўлида доҳийи охир замон эди.

Ҳаж қасдида чиқиб эди ул зоти хушманд,
Фикри шу сафарда эди, ғолибо, писанд.
Золим ҳасуд кўргузуб анга неча газанд,
Жондан ойирди бўйнига банд ила каманд,
Маҳмудхўжа Беҳбудий бир қаҳрамон эди,
Миллат йўлида доҳийи охир замон эди.

Ё Раб! Анго каромату лутфингни айла ҳом,
Фирдавс ичра ўлсун анго манзили мақом.
Гилмон-у ҳур ила ҳама дам айласун эҳтиром,
Ўлди шаҳид, биз эдариз руҳига салом!
Маҳмудхўжа Беҳбудий бир қаҳрамон эди,
Миллат йўлида доҳийий охир замон эди.

«Меҳнаткашлар товуши». 1920 йил 8 апрел. №152

Садриддин АЙНИЙ

МУФТИ МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ҲАЗРАТЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратлари ким эди

Бу саволга ҳақ жавоб бермак учун газита саҳифалари эмас, жилларча китоб ёзмоқ керак бўладур. Шундоқ ҳам бўлса, бундан кейин муҳлислари томонидан ёзиладурғон муфассал таржимаи ҳолга бир замин ҳозирламоқ учун маросими таъзия муносабати илиа қўлимизга кирган маълумотлардан бу хулосани ясаймиз:

Беҳбудий афанди 1291 ҳижрия зулҳижжа ойининг ўнинда, оҳшом 1873 милодия ҳамал ойига мутобиқ Самарқандда Беҳбудхўжа хатиб талабиндан дунёға келиб, ибтидоий таҳсилини битказгандан кейин Самарқанд муллоларининг олдинда бирор мұқаддимоти илми иншо, таҳрир ва ҳисоб каби нарсаларни ўқуғон.

Маҳмудхўжанинг отаси Беҳбудхўжа оила эгаси ва фақир ҳатиб бўлдуги сабабли Маҳмудхўжа ўз майшатини таъмин қилмоқга мажбур бўлғон. Мунинг учун Самарқанд уезди Кобут бўлустининг қозихонасиға котиблиқ сифати илиа кирган. Бир неча фурсат котиблиқ вазифасиға сабот билан давомат қилиб, фавқулага қобилияти ва хидмати закоси соясинда таҳрири масоили фиқҳ ва тақсими мерос, масоҳат ва фароиз каби қозихоналарға воқе бўладиган ишларға маҳорат пайдо қилғон. Мундан сўнгра

мазкур бўлустнинг таҳрири масоил ва фатво ишлари уҳдасига ҳавола қилиниб, 1907 йилга қадар бу хидматда давом қилғон.

1318 санаи ҳижрияда Ҳижозга сафар қилуб, Истанбул ва Арабистонни зиёрат ва ҳажжи исломни адо қилғон. Ҳижоз сафари Маҳмудхўжага кўб билмайдурган нарсаларини ўргаттан, кўб ибратлар олғон, бориш-келишда ҳар синф кишилар билан кўришган.

Маҳмудхўжа Ҳижоз сафариндан сўнгра гўё дунёга янги келгандек бўлуб, Туркистоннинг илмий-ижтимоий ишларига бошқа бир ўлчак билан қарагон. Лекин муҳитнинг қоронғу ва васоилининг йўқолғонида нима иш қилишини билмасдан неча вақт иккиланиб юрган.

Бул аснода Хўқандда янги мактаблар очилуб, Самарқанддан Мулло Абдулқодир Шакурий Хўқанд мактабларини кўриб келиб, Самарқандда, ўз бοғинда, Ражабамин қишлоқинда 1321 ҳижрий рabi ул-аввал ойинда усули савтия мактаби очган. Шу кундан эътиборан Беҳбудий афанди ҳам ишга киришган. Ҳар куни Шакурий мактабини зиёрат қилиб турғон. Маънавий ёрдамлар берган. 1324 ҳижрий – 1907 милодийда Русияга сафар қилуб, Петербург, Москов, Нижний Новгород ва Қозон каби шаҳарларни зиёрат қилуб, ислом мутафаккирлари билан кўрушиб ва ислом оламининг, билхосса Туркистоннинг жуҳул ва асоратдан тажмиси учун хаёллар юрутуб ...⁵² бературган фикрлар олишган.

1907 йилда Фарғонани саёҳат қилиб, ҳалққа фикр берган. Бухоро, Фарғона ва Туркистоннинг бошқа ёқларинда мутааддид дафъалар саёҳат қилиб, ҳалқға фикр ва руҳ берган.

1914 йил жаҳон муҳорабаси арафасинда такрор Истанбул, Адирна, Сурия ва Мисрни саёҳат қилғон.

Беҳбудий афандининг осори қаламияси

Маҳмудхўжа Ҳижоз сафариндан сўнгра Туркистон ҳалқининг илмий ва ижтимоий аҳволига доир хотирига келган бор фикрларини (бошқа газета йўқлиги учун) «Туркистон вилоятининг газети»да ёзиб турғон. Ёзғон нарсаларини қўтариб мажлисдан-мажлисга бориб ўқуб юрган.

⁵² Аслида шундай.

Япун муҳорабасиндан сўнгра Русияда инқилоб бўлуб, мусулмонча газеталар кўпайгандан кейин ҳар қайсисида мақолалар ёзил турғон. Ўринбурғдан чиқғон «Вақт» газетаси ва «Шўро» мажмуаси воситаси билан баъзан ўз фикрини нашр қилғон. 1908 йил ўз идорасинда бирон газета чиқармоқ фикрига тушуб, 1913 йил апрел ойинда бу мақсадига етишуб, «Самарқанд» газетасининг биринчи рақамини чиқаришга мувофиқ бўлғон. «Самарқанд» газетаси 45-рақами чиқғондан кейин, анинг ўрнига «Ойина» мажалласини чиқариш маслаҳат кўрулуб тўхтатилғон. «Ойина» мажалласининг биринчи рақами 1331 йил шаввол ойинда (1913 йил август) чиқиб, 1333 йил шаъбон 15 гача давом қилғон (1915 йил июнь) бу муддатда 68-рақамда 1720 саҳифалик «Ойина» чиқғон.

Рисола ва китоб шаклинда нашр қилғон асари ўн адад бўлуб, булардан бири тиётр, бошқалари жуғрофия, тарих ва илми ҳол каби мактаб китоблари дур. Булардан биринчisi «Асбоби савод» исминда алифбо китоби бўлуб, 1324-1906 да табъ этилган. Кейингиси «Янги ҳисоб» исминда 1918 йил охирларида босилган.

Маҳмудхўжа осоринда замонинда Туркистонда нашр бўлғон газеталардан узун умрлироқ бўлуб, халқ орасинда кўпроқ фикр тарқатган «Ойина» мажалласидур.

Туркистонда биринчи ўлароқ тиётр китоби ёзғон Маҳмудхўжадур.

Маҳмудхўжа Туркистон майшатиндан олиб 1329 ҳижрийда «Падаркуш»ни ёзди. 1331 да табъ қилди. Маҳмудхўжанинг бу асари Туркистоннинг ҳар шаҳринда такрор-такрор саҳнаға қўйулуб, ҳар дафъасинда рағбат билан тамошо қилинди. Шундан кейин туркистонлилар тиётр олами билан танишдилар. Ҳозир Туркистонда бир неча тиётр китоблари ёзилдиги ҳолда «Падаркуш» ўз мавқеини қўлдан берган эмас.

Маҳмудхўжанинг табъ қилинмаган асари (эълонига кўра) 9 ададдур. Лекин Беҳбудий ҳазратларининг маҳдуми мұхтарами Масъудхўжа билан авроқи паришонларини тафтиш этдигимиз «Фароиз» ва «Ҳайъат»дан бошқа топа олмадук. Ҳолбуки, эълонда тиётр ва ҳикоят китобларининг номи ҳам учраладур.

Самарқанд кутубхона ва мутолаахонаи исломияси

Маҳмудхўжа ҳазратларининг энг муҳим хидматлариндан бири «Самарқанд» кутубхонаси дур.

Маълумдурки, Николай даврида кутубхона очмоқ газета нашр қилмоқдан ҳам қийинроқ эди. Шунинг учун Николай таҳтдан тушганғача Тошканд ва Хўқанд каби марказий шаҳарларда мутолаахона мусассар бўлмади. Лекин Маҳмудхўжанинг саботкорона гайрати билан 1908 йил май ойинда мутолаахона жамиятиning низомномаси тасдиқ қилинуб, сентябрь ойинда расман очилди. Кутубхонада ҳар бир турли китоблардан бошқа Русия, Истанбул ва Миср матбуоти келтирулди. Китобхона 1919 йилга чаҳалқ ионаси билан давом қилиб, мазкур санадан маориф шубъбасининг қўлиға ўтди.

Муфти Маҳмудхўжанинг 1917 йил инқилобигача қилғон хизматларига умумий бир назар

Маълумдурки, 1901 йилларда, умуман Туркистон, билхосса, Самарқанд бутун дунёдан ҳабарсиз қоронғу бир зиндан каби эди. Ҳалқ нодон, уламо мутаассиб, ҳукумат ниҳоят даражада ғаддор ва золим, майшати бузуқ, ахлоқи фасод ... эди. Шундоқки, ҳалқ ичида фикр киргумзак ва амаллар ишламак учун мутааддиди улум ва фунунға мутахассис доҳийлар керак эди. Муҳаррирлар, муаллимлар, диний уламо, улуми иқтисодий ва ижтимоий мутахассис одамлар, сиёсий эрлар лозим эди. Мааттаассуф буларнинг ҳеч бири Самарқандда йўқ эди.

Ана муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий мунтазам бир таҳсил кўрмадиги ҳолда элга хизмат машқининг ўтиға чидай олмасдан, ўзининг сабот ва гайратига таяниб, бутун хидматни ўз бўйнига юклади. Маҳмудхўжа юртнинг эҳтиёжига қараб муҳаррирда бўлди, муаллим-да бўлди, газетачилиқ қилди, мактаб китоблари ёзди, тиётчилик қилди, сиёсий ишларға ишлади, ҳалқға сиёсий фикр берди, ҳалқнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини ислоҳ қилмоқ учун мақсад ва ижтимоий олим бўлиб ҳалқға фикр тарқатди. Фикҳ, ислом, ҳадис ва тафсир билан шуғулланиб, сўй-

лайтурғон ва ёзадурғон нарсаларни шартый далиллар билан таъкид қилди.

Табиий, Маҳмудхўжани юқорида мазкур бўлғон илмларнинг ҳар яқини мутахассиси эди, деб халқға тақдим қилмаймиз, лекин илмий ва ижтимоий инқилоб ҳар нима, неки тиласа, Маҳмудхўжа ҳормасдан, чарчамасдан ани уddeлади ва ишлай олди, деб тақдим қилмиз. Ўйлаб қараганда, бу оддий одамларнинг қўлидан келадурғон иш эмас. Масалан, бир муаллим ўз санъатига мутахассис бўлдиги ҳолда муаллимликдан бошқа ишни қила олмайдур. Аммо Маҳмудхўжа юқоридағи ишларни устозсиз ва шароитсиз ўзиндан-ўзи ўрганди ва халқға ҳам ўргатди. Бир дуо ва саломни тузук ёза олмайдурган, мунинг устига фавқулодда мутаассиб ва мағрур бир халқ ичидан чиқиб, тарих, жуғрофия каби фаний мактаб китоблари ёзиб, ўқувчи йўқлиғига қарамасдан ўз харжи билан бостирди. Мунинг устига ҳар кун бўлаётган так-фирларға қарамади, таҳдидлардин қўрқмади, буюк мақсади, олий аъмолига қараб юргургандан-юргурди.

«Ҳақни талошиб олурлар» жумлаи ҳукмияси, доим Маҳмудхўжанинг вирди забони эди. Ҳақ учун талаша оладурган одамлар етуштурмак учун рус мактаблариға болаларнинг ўқитмоғини лозим била эди. Бу тўғрида ўзи халқға ҳусни мисол бўлди, ўғли Масъудхўжани мусулмонча мактабни биткузганидан кейин кўп ақчалар сарф қилиб, ҳозирлатиб, гимназияга киргズди. Лекин Николай ҳукумати замониндаги мактаблар гайрирусларни тазайқ қила эдилар. Шунинг учун икки синф гимназия ўқиғонидан кейин истибдод интриқалари билан синфдан қолиб, Масъудхўжа шаҳар мактабига кириб, битказиб чиқди.

Маҳмудхўжа халқни русча ўқишга ташвиқ қилмоқ учун баъзан таътил замонинда ўғлини мактаб фўрмаси остинда бирга олиб, Туркистоннинг ҳар тарафиға саёҳат қила эди.

Инқилоб давринда муфти Маҳмудхўжа

Жаҳон муҳорабасининг сўнгги йилларинда муфти Маҳмудхўжа қондан гирифтор бўлдиги асабий хасталиги шиддатланиб, ишлай олмайдирган бир ҳолга келиб эди. Февраль инқилоби билан яна янги руҳ, янги қувват олиб, ишға киришди.

Бухоро амирининг машҳур манифести муносабати билан Сармарқанддан вакил бўлуб, табрик учун Бухорга борди. Уламо ва эски фикрлилар ҳурриятга ўзларича маъно бериб, ўзларича ҳаракат қила бошладилар, ёшлар ҳам ўзларича юра бердилар. Маҳмудхўжа бу кетишини ҳуррият ва инқилоб учун зарарли топди. Шунинг учун халқнинг аксариятини ташкил қилғали уламо ва эски фикрлиларни ёшлар билан ёқинлашдирмақчи бўлуб, «Уламо» орасига кириб ишлади. Мааттаассуф «Шўрои Ислом»⁵³ исми билан юрган у вақтдағи «Уламо» жамияти Маҳмудхўжанинг олий фикрларини ҳеч бирига амал қилмади. Ёшлар Маҳмудхўжанинг насиҳатларини тинглаб, қангча яқинлашсалар, уламо шунча узоқ кетдилар. Тобора ёшлар билан «Шўрои Ислом» ораси бузулди. Оқибат Маҳмудхўжа маъюс бўлиб, яна асабий хасталиги ард этди. Бу вақтларда Октябр инқилоби бошланиб, дунёning ости устин бўлди. Бу инқилоб асносида Маҳмудхўжа «Захматкашлар иттифоқи» жамиятига руҳ ва фикр бериб турди. Қурултойлар, кўнфириналарда раҳбарлик қилди. 1918 йил монупулия масаласи чиқғонда, биззот Тошкандга бориб, ҳукумат арабоби билан кўрушди. Бу ишнинг Туркистонда кўб нотинчизиликлариға сабаб бўлмоқ эҳтимолини англалиди. Монупулия ўрнига ҳар десятинадан ҳукумат ҳисобига қатъий баҳо билан тўрт пуддан ғалла олмоқ лойиҳасини тақдим қилиб, қабул қилдирди. Агар муфти Маҳмудхўжанинг шахсий ташаббуси бўлмаса эди, 1919 йилда монупулия тўғрисиндан Туркистонда турган фасодлар 1918 га нисбатан ортуғи билан воқе бўлар эди. Маҳмудхўжа бу фасодни олдиндан кўрди, чора ҳам қилди.

1918 йил «Иттифоқ» жамияти Маҳмудхўжани мусулмон маорифи шўъбасига мудир тайин қилди. Лекин у вақтдағи тор миллатчи руслар бу ишфа истехゾ билан жавоб бердилар. Маҳмудхўжани ёлғуз кўллегия аъзоси деб қабул қилдилар. Лекин маориф кўллегиясида мусулмон маорифи учун воқе бўлатурган ҳар бир масалани Маҳмудхўжага англатмасдан ўзларича ҳал қила бер-

⁵³ С.Айний нима учундир «Шўрои ислом»ни «Уламо» жамияти деб нотўғри атамоқда. Бу ташкилотга айрим уламолар аралашган бўлсалар да уларнинг сиёсий йўналиши «Уламо» жамиятидан кескин фарқ қилган. «Шўрои ислом» миллий озодлик ва тараққиётни мақсад қилган ҳолда «Уламо» жамияти консерватив ҳокимиятни афзал билган.

дилар. Ночор Маҳмудхўжа истеъло қилди. Лекин гайрирасмий суратда ҳамиша маориф йўлига хизмат қилуб турди. Мусулмонлар учун очилғон курс ва мактабларга ҳамиша бир муаллим ёки бир муршид каби бориб, руҳ бериб юрди.

«Иттифоқ» жамияти бир дафъа Маҳмудхўжани уезд ижроия қўмитаси ҳайъатига киргузди. Лекин тор миллатчилар фирмәсиз, деб эътиroz қилуб чиқардилар.

Осипов воқеасиндан сўнгра Самарқандга кўб талон-торожлар бошланди, ноҳақ ҳисбслар кўпайди. Катта тазминотларга ҳалқ таҳаммул қила олмасдан, ер ва юртларини ташлаб қочдилар. Маориф иши ниҳоят даражада тазиёғга тушди. Халқнинг ҳиссиёти динияси таҳқир қилинди. «Бу ишларга бирон чора топа олурманми?» деб Маҳмудхўжа 1919 йил феврал ойинда Тошкандга борди. Лекин бу сафариндан ҳеч бир натижа қўлга киргузолмади. Шундан сўнгра ҳеч бир кишига англатмасдан, маслакдош ва фикрдошлари мулла Мардонқули Шоҳмуҳаммад ўғли, Муҳаммадқули Ўринбой ўғли билан 25 март ойинда 1919 йилда асрорангиз бир сувратда Самарқанддан ғойиб бўлди. Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин буларнинг Қарши йўли билан сафарга чиқғонлари, Қарши шаҳрида Бухоро ҳукумати тарафиндан ушланиб, ҳибста олингонлари, ҳатто шаҳид бўлғонликлари шоеъ бўлди. Мундан сўнгра муҳталиф хабарлар кўб эшитилди. Лекин расмий сувратда на ҳаётлари, на мамотлари собит бўлмади. Шунинг ила баробар Самарқанд аҳолиси буларнинг шаҳид ўлғонликларига занни ғойиб билан инониб, маросими таъзия ва қадрдонишини ёд этмоқчи бўлди.

Раҳматуллоҳи алайҳим раҳматан васиатан⁵⁴

Маҳмудхўжанинг авлод ва аҳфодлари

Маҳмудхўжадан уч ўғил, бир қиз, жами тўрт ҳалқ қолди. Ўғлининг каттаси Масъудхўжа 27 яшар, оила эгаси бўлиб, мусулмонча ибтидоий мактабни, русча икки синф гимназия билан тўрт синф шаҳар мактабини биткузгандур.

⁵⁴ Маъноси: «Ҳар вақт Оллоҳ раҳмати ва марҳамати ёғилсин».

Иккинчи ўғли Мақсудхўжа 12 яшар, учинчиси Матлубхўжа 8 яшар бўлуб, мусулмонча ибтидоий мактабни давом қилмоқдалар. Мунинг устига Самарқандга бутун ёш фикрлилар Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратларининг маънавий ўгуллари дур.

Беҳбудий афандининг авлоди ва аҳфоди ва маънавий ўғилларининг бутун мусибатларига чин кўнгил билан қўшилиб, шаҳиди муҳтарамни хайр билан ёд қиласиз. Ўрнинг жаннатда бўлсун, муҳтарам устоз!

Маҳмудхўжанинг сўнг сафариндаги рафиқлари Мулло Мардонқули Шоҳмуҳаммад ўғли

Мулло Мардонқули 1882 йилда Самарқандда оддий бир оила ичинда дунёга келган. Отаси қаро Самарқанднинг бир худоми бўлдиги ҳолда Мулло Мардон саъй ва кўшиш билан муслимча хат ва савод чиқарғон, мадрасаларга бориб, дарс ўқуғон, арабча ва диний уламолардан баҳра олғон. Мунинг устига туркча ва форсча адабиёт билан шуғулланган. Тарих билан ошно бўлғон, маърифатга бўлғон модарзод мұжаббатининг иқтизоси русча ўқуғон, мунтазам бирон мактабни биткузган бўлмаса ҳам, мутолаа воситаси илан русчасини ҳейли кенгайтурғон.

1898 йилларда бир йўлини топиб, Истанбулни саёҳат қилғон. Дунё ташвишлари ва тириқчилик жанжаллари орасида ҳеч вақт улум ва фунунга доир китоблар мутолаасиндан айрилмогон. Хуносас: Мардонқули модарзод закои мужассам, модарзод бир инқиlobчи бўлуб дунёга келган. Ҳар вақт сиёсий ва ижтимоий инқиlob ийлига ҳалқға фикр берган.

Русия инқиlobи кабирининг арафасинда сиёсат билан итҳом қилиниб, Николай ҳукумати томонидан Тошканд турмасинда ҳибсга олинғон.

Февраль инқиlobиндан бошлаб, очиқдан-очиқ ишга киришган. 1917 йил апрель ойинда Самарқандда чиқа бошлаган «Ҳуррият» газетасига бош мұҳаррир бўлуб ишлагон. Керенский замонинда «Шўрои ислом» исми билан уламо қўзғолиб, қора ҳалқ орасинда қора фикр тарқатга бошлағач, Мардонқули муфти Маҳмудхўжанинг муъалимо сиёсатини хушламасдан, очиқдан-очиқ уламога қаршу кетган. Керенский ҳукумати мақсад ва маслаки

билина бошлагандын сүнгра Мардонқули «Мардикорлар жамияти» таъсис қилиб, ўшал вақтидан шүролар ҳукуматыга асос ҳозирламакчы бўлғон. Лекин бир-икки митинг ва йигин қилғондан кейин халқнинг қоралиги ва уламонинг қаршулиғи сабабли иш фаолға келмаган.

Бу аснода Мардонқули хасталаниб, табобат ва қимиз ичмак учун Самара ва Русия дохилига сафар қилғон.

Русия сафарида қайтғондан кейин 15-20 кун Самарқандда туруб ўзининг бир хусусий иши учун иккинчи дафъа Москвага борғон. Бу сафаринда иккى ой Москвада туруб, Октябр инқи-лобини бошидан ўткарған. Октябр инқи-лобиндан сүнгра Самарқандға қайтиб, «Иттифоқ» жамиятига кириб, шүролар ҳукумати манфаатига ишлай бошлағон. 1918 йил бошларинда Самарқанд уездининг милиция бошлигинда ноиб сайланиб, уездда ишлаган. Самарқанд бўлусти ва қишлоқларининг ҳар қаюсинда қозон қурдурууб, халқни 1918 йил очлиқ фалокатиндан бир дара-жа қутқазган.

1918 йил баҳоринда Колесов Бухорога ҳужум планини қура-ётганда Колесовни бу фикрдан қайтармоқ ва икки орани ислоҳ қилмоқ учун Бухорога борди. Лекин ислоҳга мувофиқ бўла олмай, Колесов ҳужумидан бурун Самарқандға қайтиб келди.

1918 йил июнь охирларинда хасталаниб, бир ойлиқ рухсат билан Русияга саёҳатга кетди. Бу аснода Оренбург воқеалари ... сабаб, йўл боғланган.

Мардонқул Красновод билан Туркистонға қайтмоқчи бўлуб, Москвадан Кафказга ошган. Лекин Ашқобод воқеаси бошланиб, Красновод йўли ҳам боғланғон. Бутуқуф замонинда истифода қилиниб, бир йўлини топиб, Мардонқули Истанбулға ўтган. Туркларнинг англислар билан муторакка масалалари қўзғолғонда, Истанбулда турмасдан, яна Кафказға ўтган. Сўнгра Кафказдан билан йўлини топиб, Туркистон тупроғига чиқғон. 1918 йил қишининг қор ва бўронларига қарамасдан, тевага миниб, туркман чўлини ошган. Чоржўйдан темир йўлига миниб, Самарқандға етишган.

Бу вақт Самарқанднинг энг таҳликали, энг фожиали кунлари эди. Маазалик Мулло Мардонқули халқ ҳидматига кириб ишлади. Лекин миллатчи руслар ва болшевиклиги угрёқ деб билган

баъзи хоинлар Мулло Мардонқулиниң ислоҳкорона фикрлариға йўл бермадилар.

Сўнгра юқорида муфти Маҳмудхўжа таржимасига ёзib ўтганимиз каби 1919 йил 25 марта Самарқанддан муфти Маҳмудхўжа билан бирга асрорангиз бир сувратда гойиб бўлди.

Мулла Мардонқули бир закои мужассам, модарзод бир инқи lobchi эди. «Муосо» политиқасиндан ҳеч хушланмас эди. Риё ва табҳарисга ҳеч майл қилмас эди, инқилоб йўлиға ўтди. Мундан тўбдан, бўмбадан, пўртанадан, тўфондан қўрқмай, ўзини ҳар бир таҳликага ура эди.

Мулла Мардонқули сахий, карим, ҳалим ва мурувват каби фазоили инсониянинг кўпisisiga муттасиф эди. Шахсий душманлик нимадир, билмас эди. Бу киши, ҳатто шахсигаму қасд қилса ҳам, яна ул кишига яхшилиқ қила эди. Ўзи бир фақир бўлдиғи ҳолда бор ва йўқини инсоният йўлиға сарф қилишдан тўхтатмас эди. Шахсиға душманлик қилғонларға бир холои истеҳзо билан муқобала қилиб, ишни зарофатга ҳамл қила эди. Лекин инсоният душманларига тўб каби, бўмба каби бераҳимона муомала қила эди. Хулоса, Мулла Мардонқули инсоният йўлиға бир оташпора эди. Ҳайфоки, Туркистон шундоқ бекаслик бир чоғинда мисли дунёда оз кўрунадиргон 38 ёшиндаги ёш ва йигит бир ўғлини бўш-бўспина қўлдан берди.

Мулло Мардонқулидан ёдгор ёлғуз икки сагир қиз бола қолди.

Мулло Муҳаммадқули Ўринбой ўғли

Мулло Муҳаммадқули 1891 йилинда Самарқандда мўътабар бир хонадонда дунёға келган. Самарқанднинг эски мактабларинда хат ва саводини чиқариб, тижорат ва деҳқончилик ишлига машғул бўлғон. Самарқандга янги фикрлар кира бошлигоч, муфти Маҳмудхўжанинг олдина шогирд ва муовини бўлиб чиқғон. «Самарқанд» газетаси ва «Ойина» мажалласининг нашрига моддатан кўб ёрдам берган. Самарқанд кутубхона ва мутолаахонасини бир неча қотла моддий таҳликадан қутқазган. Шакурий мактабига ҳар вақт муованат қилғон. 1914 йилдан бошлиб, ўз уйинда маҳсус бир мактаб очиб, муаллим сахлаб, 40-50 нафар халқ болаларини ўқуттган. 1918 йил охирларигача бу мактаб да-

вом қилиб, сўнгра ҳукумат ҳисобига ўтди. 1912 йилда Масков, Варшав, Одес, Истанбул, Вена шаҳарлариниң саёҳат қилиб, яна Варшава усти билан Туркистонга қайтғон. 1914 йил жаҳон муҳорабаси арафасинда Самар, Кафказ, Нижний ва Қозон шаҳарларини саёҳат қилиб келган.

Русия инқолобидан сўнгра бутун халқ хидматига киришган. Керенский замонида «Хуррият» газетаси ақчасизликдан ўлар ҳолға етишганда Мулло Муҳаммадқули бу газетанинг нашрини ўз бўйнига олғон. Газета «Иттифоқ» жамиятининг нашри афкори бўлуб, Керенский замонасида бошлаб шўролар ҳукуматининг манфаатига афкори нашр қилинғон. Муҳаммадқули «Хуррият» газетаси 1918 йил июнь ойинда ҳукумат ҳисобига ўтгунча бу газетанинг масорифи нашриясини берган.

Оқибат 1919 йил 25 марта Муҳаммадқули муфти Маҳмудхўжа ва Мардонқули билан мазкур сафарга чиқғон.

Мулло Муҳаммадқули Самарқанднинг энг ҳимматли ва жавонмард йигитлариндан эди. Ҳар вақт умумий ишлар, халқ манфаати, мактаб ва маориф тўғриларинда олдин сафда турди. Бу ҳусусларда ақчасини ва умрини аямасдан хидмат қилди. Тилидан ва қўлидан бирон киши озор топмади.

Мулло Муҳаммадқулига ажиб бир сифат кўрунди: ўзи Самарқанд сарватдорлари қаторинда ҳисоб қилинса ҳам, ҳамиша «Иттифоқ» жамияти – заҳматкашлар фирмаси билан ишлаб келди. Бу тўғрида кўб ақча сарф қилиб, «Хуррият» газетасини воситаси билан «Иттифоқ» афкорини нашр қилиб турди.

Мулло Муҳаммадқулидан уч қиз (каттаси 10 яшар) ва бир ҳамишира қолди. Мулло Муҳаммадқулининг волидаси ҳануз тирик бўлуб, мусибатларнинг энг огири бу бечора хотуннинг босиға тушди.

Мулло Муҳаммадқулининг оила ва ақрабосининг мотамиға иттифоқ қиласмиз. Билхосса, мусибатзода онасининг сабрини худодан тилайлиқ. Бу жавонмард йигитни Худованди карим раҳмат қилгой эди, деймиз.

Бу фожиали сафарга тасодифий суратда иштирок қилғонлардан бири Самарқандда муаллимлик қилиб юрган Наим афанди, асли турк зобити ва бири кафказли бир мусоғир экан. Абдушукур Абдулҳамид ўғли асли Мулло Муҳаммадқулининг эски хид-

матчилариндан бири ҳам бу сафарда рафиқ экан. Мазкур Абдушукурнинг отаси олти ой ўғлининг мотамиға йиглагандан кейин ўлуб, бутун дунё мусибатлариндан қутулди. Такрор шуҳадои киромнинг руҳлариға фотиҳа юбориб, қавм ва ақраболарининг сабрини Худованди каримдан тилаймиз.

Муфти Маҳмудхўжанинг сафари ҳақинда ўз фикрим

Муфти Маҳмудхўжа ва рафиқлари сафарининг сири ва асбоби ҳеч кимга маълум бўлмай қолди. Булар бу сафардан мақсадлари нима эканлигини ҳеч бир кишиға англатмағонлар. Бу тўғрида халқ оғзига тахминий кўб сўзлар тушди: «Булар ҳажга борар эмишлар» ё «Булар Ҳиндистонга бориб, инқилоб қилмоқчи эмишлар» ёки «Булар болшевиклар тазиқидан қочмишлар» каби сўзларда бу сабаблар аҳволидин ҳабардор одамлар олдида сабаб бўла олмайдур. Буларнинг шахсларига бул зот фалокат воқе бўлғон эдики, Самарқанддан қочсунлар?

Ўзумнинг хусусий фикримча, бундай бўлса керак: болшевик исмидан Самарқандда ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида кўб тартибсизликлар бўлди, баъзи бир ишларни муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий маҳаллий ҳукуматга ё Тошкандга бориб, маъруза бериб, ислоҳ қилдируб турди. Осибуғ воқеасидан сўнгра ҳеч ким, ҳеч бир нарсани тингламайдурган бўлди. Шўролар ҳукуматининг ҳақиқий пругроми ва Москванинг хато ҳаракати Маҳмудхўжа ва Мардонқулларга маълум эди. Эҳтимол, булар Москваға бориб, Туркистоннинг фожиали ҳолларини марказ ҳукуматга маъруза қилиб, ислоҳотни рижо қилмоқчи бўлсалар. Ўренбург йўли боғлиқ бўлғони сабабли Қарши чўли устиндан Кафказга ўтиб, Москваға бормоқчи бўлсалар, зотларни танийдургонга маълумдурки, булар ҳақ ва юрт манфаати учун ҳар бир таҳлиқани кўзга оладурган эрлар эдилар. Ҳар ҳолда бизнинг фикримиз бир зан ва тахминдур.

*«Мөхнаткашлар товуши».
1920 йил 8 апрель. №152*

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ХОТИРАСИ

Белгисиз қабрингни қаро тунларда,
Амалимнинг шамин ёқиб изладим.
Қизил ва пок қоннинг исларин сочфоч,
Кучсиз кўйи юрушимни тизладим.

Амалимнинг юлдузиким, кўз тикди,
Қора, жирканж... Ўлим қони ерларга,
«Савол» бердим: «Йўқотқоним қайда?» – деб,
Ўзимни ҳам ютмоқ бўлғон эрларга.

Қўлиндоги тутам-тутам гулини,
Қабринг топиб, сочмоқ учун тиришди;
Гул ўрнига заҳар тилар муҳитда
Унинг қилғон бу ишлари бўш ишди...

Мен-да отсиз, у муҳитнинг олдида,
Қабринг топиб, кўз ёшимни тўкмакга.
Ҳамда аччиғ ҳиддатим-ла ул ерда...
Оқ каллалик қаро девни сўкмакга...

Шунинг учун юлдуз каби ёрқираб,
Элда қолғон исминг билан турман;
Шу исмни эслаб, чизган йўлингдан
Йироқ кетмай, қимиirlамай юраман.
Азиз отам, қўлимдаги гулларни,
Мотам гули бўлғонини билмайсан;
Шодлик гули кўпдан бери сўлғонин,
Ер остида пок руҳинг-ла сезмайсан.

Ана... сочдим қалбимдаги гулларни...
Термак учун чақираман қулларни...

«Тонг». 1920 йил. №1

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ

Маҳмудхўжа ўлди... (Ул ким эди?)

Маҳмудхўжа Туркистон деган ўлканинг бошлиғи эди. Маҳмудхўжа Туркистоннинг йўлбошчиси эди. Маҳмудхўжа ўзбек Туркистон боласи эканлигин тушунган бир йигит эди. Шунинг учун у бизга Туркистонга ҳар нави эди.

Маҳмудхўжа Туркистоннинг янгилик даври тарихинда ёруғ бир чироғ эди. Маҳмудхўжанинг нияти Туркистон тарихинда зйнатлик мумтоз ўрин олишга муносаб миръотдир.

Эй, Беҳбудий ўғли! Тинч ёт саганангда! Бу кун биз, санинг руҳингроҳати учун дуо қиласиз. Тинч ёт қабрингда, бу кун санинг болаларинг сан учун маросим қиласурлар.

Сан, сан ҳақиқатан масъуд бир одамсан! Негаким: тирик чоғингда қайғу чекканларинг, ўлуминг учун ҳасратлар надирлар? Тирик чоғингда сани сўқмакдан чарчамаганларроҳат ўқушдан чарчамайдурлар. Тирик чоғингда санга тош отқонлар, тош отмоқчи бўлғонларға ота бошладилар. Чунки санинг ким эканингни оз тушундилар: санинг кимликингни билмаганлар ҳам қайғуларга тушғондирлар.

Тинч ёт қабрингда, эй муҳтарам, санинг меҳнатларинг бўшга кетмади, бу кун санинг қадрингни билатурганлар топилди, санинг йўлинг билан кетадурганлар бор, санинг ўрнингни босатурғонлар, Тангрига шукр, кўриндилар.

Биз, ҳаммамиз, санинг болаларинг эрурмиз. Санинг тузган плонларинг – бизим йўлимиздир.

Санинг кўрсатган юлдузинг бизим нишонимиздир. Сан бу дунёдан кетган бўлсанг-да, тупроқ ичинда кўмилтган бўлсанг-да, хафаланма! Чунки санинг гавданг тупроғга кўмилди.

Оҳ, санинг фикринг, мақсадинг бизда, бизим юрагимизда ўрун топди... Бизга санинг гавдангдан фикринг кераклик эди.

Сан ўлмадинг ва ўлмазсан, яшамакка ҳақинг бордир!

Яшагин, муҳтарам Устоз!

АЙ ДОХИЙ⁵⁵

Бу кун дунёда бир маҳшар қўпубди,
Бу ер юзини титратма тутубди.
Кўк бўлса, қоп-қоронғу чодирини
Бошига ўраган, йиғлаб ётибдир.
Кун сайин чиқатурган қуёш бўлса,
Бу кун чиқмай, қоронгулик сочибдир.
Мана мадрасалар, юксак минорлар
Бўйин эгид, таъзим билан турубдир.
Кишиларни демайсанми? Нимага
Йиги бирлан сурон ва оҳ айтадир:
«Бу кун Маҳмудхўжа Беҳбудий ўлмиш»,
Шунинг-чун бутун ўзбек куядир.

В.М. (Вадуд МАҲМУД)

МАҲМУДХЎЖА

Қайси қулоқким:
«Чекил, кет, эй қора булут:
Кўтар бошингни ёстуқдан!»
Дебон қичқиришларингни
Эшитмасами, сончилсун!

Қаю кўзким:
«Мана бу кун чиқди бу ёқдан
Юқорига кўтарилди», –
Дебон кўрсатмакингларни
Кўролмаса сўқур (кўр) бўлсун!

⁵⁵ Шеърни Баҳодир Каримов нашрга тайёрлаган.

Қайси юрдингким,
Фигону оҳлар тортиб
Таҳсирлар билан инграб
Йиғларингни сезмаса
Түёқлар остида қолсун.

Қаю оёқким
Қора тунда ёлгузлиқда
Үйғотмоқ-чун тебратканда
Санинг бошингга урмишса
Тамомиси қуруб битсун.

«Мәжнүаткашлар товуши». 1920 йил 8 апрель. №152

Хожи Мулло НОДИР

ОЛАМНИ ХАРОБ ЭТДИ

Фигонким, зулми истибдод оламни хароб этди,
Ки Беҳбудий афанди доги бағримни кабоб этди.

Мунаввар эрди Турон ичра ул зот муқаддаским,
Тараққий маҳзанин бизлара ул фатҳи боб этди.

Ки ул «Ойина»си ва хайр бўлуб кўрсатди олама,
Гар истибдод давийий доим они печу тоб этди.

Ки Туркистон аро доҳий лафз эрди ҳар фандан,
Ки ислоҳот шаръи гоясин доим житоб этди.

Тамаддун оламини билдируб ислом аҳлиға,
Сағолатпешалар бир баҳсига ул минг жавоб этди.

Тушуб бошиға савдои саёҳатнинг ҳулвига,
Наим юзбоши ва Мири билан азми шитоб этди.

Мұҳаммадқул билан Мардонқули анго рафиқ ўлди,
Саёҳатдир, сафоҳодат дувлат явмин ҳисоб этди.

Жағолар айлабон ул қотил бебок раҳм этмади,
Ки ислом аҳлининг кўз ёшини мавжи саҳоб этди.

Гўё шўр лаъин авлодидандир жаллоди зулмандиш,
Худо ҳукмини анго балобон ул носавоб этди.

Булар умурот әмасдир гар ҳақиқат кўзи-ла боқсангиз,
Булар марзуқи ҳақ даражотининг кори мавот этди.

Қандай дину миллат ўлдилар бу зотлар баробар,
Бу янглиғ достоним зуфунун аҳли китоб этди.

Ки олам мавти олам сиртидек бўлсундур таҳқиқ
Ки ибрат аҳли гафлат уйқусидан тарки хоб этди.

Ки Нодир мотами Беҳбудийни хотирга келтурдим,
Тамом банд-банди устухоним изтироб этди.

«Меҳнаткашлар товуши».
1920 йил 8 апрель. №152

Фахриддин РОЖИЙ

ЁДОВАРЛИК

Беҳбудий эди Турон элининг билга отаси,
Эрди бу ватан боғини ангуштнамоси.
Раҳмат сана! Бўлдингми биз, авлод фидоси?
Турон элининг бир буюк ўғлони йўқолди,
Лекин буни-ла саҳнада авлоди чуғолди.
Миллат фами жисмингга асар этдими, бирдан?
Қон ўлдими кўнглинг ватанингни хотиридан.
Доим эди фикринг ватан аҳли зафаридан.

Турон элининг бир буюк ўғлони йўқолди,
Лекин буни-ла саҳнада авлоди чуголди.
Сан ҳангि далил ила ватандан сафар этдинг!
Ҳинд аҳлиноми ёки саросар назар этдинг!
Миллатга шаҳодат шарафидан хабар этдинг!
Турон элининг бир буюк ўғлони йўқолди,
Лекин буни-ла саҳнада авлоди чуголди.
Ҳайрат-ла нурим хадамингни қатъиким эдар ифо!
Мумкинми унутмоқ сани, эй аъни боло!
Бу миллат мазлумами, номинг эдар ийро?!

Турон элининг бир буюк ўғлони йўқолди,
Лекин буни-ла саҳнада авлоди чуголди.
Ким ўлмас, ўлар ҳар ким ўлурса бу фазода,
Ким ҳукм ўламаси, ҳар ким ўларса бу фазода.
Бу шарбати ҳар ким ичиюр базми сафода.
Турон элининг бир буюк ўғлони йўқолди,
Лекин буни-ла саҳнада авлоди чуголди.
Эй саҳнаи тарихга қадам қўйди вужудинг,
Мақбул эди ҳақ инидина нақбили вужудинг.
Бор ўл! Яша! Тарихга нузул этди сужудинг.
Турон элининг бир буюк ўғлони йўқолди,
Лекин буни-ла саҳнада авлоди чуголди.
Жисминг сани ҳарчанд уфул этди жаҳондан,
Руҳинг яна бир дур олиюр ушбу замондан.
Бир руҳ мужассам ҳур нурисан ҳама ёндан.
Турон элининг бир буюк ўғлони йўқолди,
Лекин буни-ла саҳнада авлоди чуголди.

**«Меҳнаткашлар товуши».
1920 йил 18 апрель. №153**

БЕХБУДИЙ ҲАЗРАТЛАРИ ТҮГРИСИДА ХОТИРАЛАРИМ

1907 йилдан бошлабоқ Беҳбудий ҳақида дўст ва душманларидан ҳар турлик сўзлар эшига бошлаган эдим. Ушбу йилларда Самарқандда Демуров босмахонасида ишлагувчи бухоролик Қори Абдулвоҳид котибдан унинг тўғрисида маълумот сўрадим.

Қори Абдулвоҳид: «Ора-сира босмахонага келадир, мутакаббirona вазияти бор. Кўришмакка жасорат қила олмадим. Салом бердим, илтифот қилмади», – деб жавоб берди.

Биринчи кўриш

1908 йилда дарс шерикларимдан бўлғон Мирзо Абдулвоҳид билан Бухородан Самарқандга келган эдик. Ушбу саёҳатимизда мулла Абдулқодир Шакурий, мулла Исламатullo Раҳматуллозода ва бир қанча Самарқанд маърифатпарварлари оқшом мажлиси учун бизни бир ерга чақирғон эдилар. Мазкур мажлис бўлатурғон кун Мирзо Абдулвоҳид билан бирга Янги шаҳарга бораётганимизда чашма йўли билан Абрамов кўчаси орасида ёш бола билан отға мингашиб келаётган маҳобатли бир кимсага учраб танимасак ҳам одоби ислом иқтизосинча салом бердик. Бу одам ғоят илтифот билан жавоб қайтариб, ушбу оқшом сұҳбат қилишармиз, деб ўтиб кетди.

Гурубдан кейин ваъда қилинғон уйға бориб, ҳозир бўлғонлар билан танишгандан сўнгра ушбу маҳобатлик одам Маҳмудхўжа, ёш бола унинг ўғли Масъудхўжа бўлиб чиқди. Табиий, ушбу мажлиснинг гули Маҳмудхўжа эди. Бу кечада Маҳмудхўжа, кўпинча, фанний масалалардан сўз чиқариб, ердан, кўқдан, ойдан, юлдуздан, қисқаси, ул вақтгача биз эшитмаган нарсалардан кўпгина сўйлади. Ярим оқшомларда мажлис битди. Маҳмудхўжа ўз ўғли Масъудхўжани отига мингашибтириб кетди.

Мана бу Маҳмудхўжа ҳазратларини биринчи кўришимиз ва танишпимиз бўлди.

Иккинчи күриш

Вақти аниқ әсімда қолмағон, бир кун Абдулқодир Шакурий афанди билан янги шаҳардаги уйынга зиёфатта бордиқ. Маҳмудхўжа бошиға кигиз қалпоқ, уста ва мардикорлар билан бирга ўз уйининг иморатиға ишламоқда эди. Шакурий афанди мазах йўли билан: «Муфти бўлғон бир одамга ажнабийлар қиёфати ярашмайдир; дасторни нима қилдингиз?» – деб тегишиди. Беҳбудий ҳазратлари кигиз қалпоққа ишора қилиб: «Бу ажнабийлар кийими эмас, мажусий боболаримизнинг ёдгоридур», – деб кулишиди. Ишни ташлаб, чой буюриб, боғчада кўклам устиға бизни ўтқазиб, икки соат чамаси суҳбат қилишиди. Музокара мавзуи Туркистон ва Бухоронинг илмий ва ижтимоий аҳволларидан эди. Бу мажлисда Хўқандбой Абдухолиқ ўғли ҳам бор эди.

Мундан сўнгра ҳар дафъа Самарқандга келганимда, мани ўз уйынга чақирап ва муҳаббатидан мамнун қилдирап эди. Беҳбудий афанди билан Бухорода икки қатла кўришдим. Биринчи саратор ойи (йили хотирамда йўқ) Қорақўлга туз билан даволаниш учун бораётқанида бир кунлик фурсат билан Бухоро шаҳрига кирган эди. Йўлда тасодиф қилиб, фурсатни борича рафоқат қилиб, шаҳарни кездирдим.

Учинчиси

1912 йил куз фасли эди. Беҳбудий афанди Бухорога бориб, Эски шаҳарда Убайдуллахўжа саройида самарқандлик Мирзо ҳожи ҳужрасида манзил қилди. Ўшал кун Кўкалдош мадрасасига келиб, мени тоғди. Ҳужрамга кириб, бир чойнак қайноқ сув ҳозирлатиб ичди. Ушбу сафарида кундузлари тамом мен билан юрар ва шаҳарнинг ҳар бир ўрнин кўрар ва оиласи учун керакли нарсаларни бозордан олар эди. Ушбу сафарида, бир куни Баҳоуддин зиёратиға бордиқ. Фотиҳа ўқуб, супада бироз сукут қилиб ўтириди. Сўнгра манга қараб: «Айний афанди! Ушбу бузруквордан икки сўз ривоят қиладурлар: бири «Сафар дар ватан!», иккинчиси «Хилват дар анжумандир». «Сафар дар ватан»нинг маъноси: олам аҳволиға илм пайдо қилмоқ, табиатнинг жузъий ва куллий ҳодисалариға воқиғ бўлмоқ: майшатлар, шаҳар-

лар, чўллар ва тоғларнинг аҳволини билиб турмоқдур. Қисқаси, олим, том маъноси билан олим бўлмоқдур.

«Хилват дар анжуман»нинг маъноси: зикр ва фикр билан тасфихан ботин қиласуриб, ҳалқ орасига аралаш бўлмоқ, ҳалқ билан ишламак, ҳалқ билан бирга тирикчилик йўлини кўтаришмак, қўлдан келгунча ҳалққа ёрдам қилмоқ, ҳеч бўлмағанда бошқалар бўйнига юк бўлмаслиkdir.

Шайх Баҳоуддин ҳазратлари ушбу икки қисқа сўз билан жоҳил ва мутаассиб кишиларга, шикорпаст, танпарвар, назрхўр, хонақонишин эшонларга қаттиқ ва буюк бир сад чеккан. Мутаассиб боёғи мулло ва эшонлар мазкур ҳикматлик сўзларнинг маъноларини таҳриф қилғон. Ҳалқни ушбу бузрукворнинг маърифатидан маҳрум қилиб, ўз нафсларина ором берганлар.

Агар ушбу сўзлар Оврупо файласуфларидан содир бўлғон бўлса эди... Овруполиклар катта ва кичик шаҳарларида қавллар ясаб, мазкур сўзларни олтин билан ёздириб қўяр эдилар», деди.

Ҳожа Баҳоуддин турбати атрофида солингон қабатма-қабат масжидларни кўриб кўп қизди. «Намоз учун бир ерда бир масжид ва суппа кифоя қилар эди. Бошқа масжидлар ўрнига мактаб солиниб, бунда йигилғон фақир ва йўқсулларнинг болаларини ўқитсалар эди, шунча сафил кимсалар ўрнига ўз кунини ўзи кўратургон бир тўда фаол одамлар етишар эди», – деди.

Амир Дониёл мадрасасининг харобаларини кўриб, гоят хафа бўлди. Ҳалқнинг бор-йўгини еган билан тўймасдан ўз боболаридан қолғон вақфларни ҳар томон мусодара қилиб, мадрасаларини қабристонга айлантириб ташлаган амирларга лаънат ўқиди (бу тўғрида «Шўро» мажалласида бир мақола ҳам босдирған эди⁵⁶).

Беҳбудий ҳазратлари билан кейинги мулоқотларим

1917 йил Бухородан Самарқандга ҳижрат қилганимдан кейин бир йил муддати касал эдим. Фурбат, хасталик, кимсасизлик вақтларимда марҳум ҳар вақт йўқлаб турди. Маънавий оғирлик-

⁵⁶ «Шўро» журналининг 1912 йил 23-сонида босилган «Амир Дониёлнинг қабрдан ёзмиш мактуби» мақоласи назарда тутилмоқда.

ларимни енгиллаштиришда саъйлар қилди. 1918 йил муаллимлик билан шуғулланган замонларимда меним мактабимга кўп келар, талабаларни ташвиқ этар эди.

Муаллимлар мажлисидан ва бошқа илмий мажлислардан ҳеч бир қолишимас эди.

1919 йил февраль ойида Тошкентга бориб қайтди. Мактаб программа ва Тошкентдаги илмий ҳоллар билан Самарқанд муаллимларини таништирум оқ учун муаллимлар мажлисини чақиришга буюрди. Лекин ўз ҳолатининг хилофинча ушбу мажлисга келмади. Шундан кейин кўчада кўруушуб, мазкур мажлисга нима сабабдан келмаганини, иккинчи мажлис учун қайси кун тайинланса, кела олишини сўрадим: «Ҳозир бироз хастаман, кайфим ва фурсатим бўлса, хабар берарман», – деди.

Мана бу охирги кўришимииз бўлди. Орадан бир неча кун ўтар-ўтмас сафарга чиқуб кетганлигини ҳам, шул сафарда Қарши шаҳрида шаҳид бўлғонини эшлитиб, ҳайрат ва ҳасратда қолдим.

Беҳбудий ҳазратлари ҳақида таассуротим

Беҳбудий ҳазратлари кўринишда фоят маҳобатлик ва салобатлик эди. Аҳволига воқиф бўлмағон кимса мутакаббир деб гумон қилур эди. Лекин ҳақиқатда мулойим суҳбатлик, такаллувфисиз бир одам эди. Ўз моли ҳақида бўлсин, халқ моли бўлсин, иқтисодга кўп риоя қиласар ва ижтимоий аҳволимизнинг тузалиши учун иқтисодга риоя қилишни биринчи шартлардан билар эди. Шунинг учун тўй ва азаларга бўлатурғон истрофларни ўзи бутун тарқ қилғон ва сўзига қулоқ солатурғонларни ҳам тарқ қилдирғон эди.

«Зарафшон». 1923 йил 25 марта. №32

БЕҲБУДИЙ ҲАҚИДА ХОТИРА ВА ТААССУРОТИМ

Ахлоқи урф ва одатга муҳаббатнинг нақадар таъсири бор эса, одоб ва камол соҳибларининг-да зуҳурига замоннинг шул қадар дахли бордур.

Муҳитимизнинг соир мұхитларга назаран маорифдан бебаҳра бўлғони учун ҳар он ва ҳар қадамда мухталиф жойларда тарбияланган инсонларга тасодиф этганимиздек замон бизга баъзан тарбиялик адаб ва файласуфлар ҳам берадур.

Фаззолий, Абул Ало, Ибн Сино, Форобийлар замонига кўра, олам фалсафага зуҳур этиб, қувваи илмия ва вусъати фикриялари билан шуҳрат топғонлар. Олами инсоннинг ақлиға келмаган ва замонлардан бери кўруб кечирмакда бўлдиги одоб ва одоти эътиқодияларига бус-бутун мугойир сувратда динларнинг бир-бир зуҳур ва интишорига ким таажжуб этадир?

Ҳар бир бузғуналиқнинг тўғриланиши ва ҳар бир жаҳолатнинг ниҳоятланиши бордур. Аммо шул ерда таажжуб этарлик ва инсонни ҳайратда қолдираплиқ нарса бор эса усул ҳам бузғуналиқ ва жаҳолат заарларин тушунуб, унинг ислоҳ ва дафъига жасорат ва ҳамият сарф этатурғон зотнинг зуҳур этишида қандай интибоҳ ҳосил этганидур.

Ҳар томони жаҳолат булатлари билан иҳота бўлунғон бир муҳитда хурофт ва авҳомоти ботила билан миялари қотғонлар орасида жаҳолат ва жаҳолатнинг заарларин англаб, унинг ислоҳ ва дафъига жасорат қилиб ва сарфи ҳиммат этмак ҳар бир кимсага насиб бўлмас.

Маорифдан бебаҳра ватанимизда ва жаҳолат уясига ўхшағон муҳитимизда Беҳбудий афанди каби зотнинг этиши ва жасорати ғаюронаси билан ватанимизни маориф нури билан нурлантириш учун урунгандиги ҳар бир қалам эгаларига, айниқса, матбуот оламида яхшигина маълум ва машҳурдур.

Шунинг учун Беҳбудий афандининг мадҳ ва тавсифи тўғрусида ортуқ ёзишга лузум кўрмайман. Фақат шул қадар сўзламоқға тўғри келадурким, 1912 йилларда Беҳбудийнинг раёсати ости-

да «Нашри маориф» учун урунмоқда бўлғон зотларнинг самари ижтиҳодлари бўлуб, ман ҳам ўзумда бир интибоҳ ҳусулини ҳис этмакка бошладим. Маълумотимни юксалтмак учун Оврупога сафар этмакчи бўлдум. Ватанин тарк этмасдан бурун Беҳбудий афанди каби маорифпарвар матълумотлик зотлар билан машварат этишини лозим кўруб, Беҳбудий афандининг ёнига бориб, махфий равишда фикримни сўйлаб ва унинг маслаҳатини сўрадим.

Беҳбудий афанди меним сўзимни эшитганидан кейин нақадар суюнганилигини ҳеч бир йўл билан тақрир эта олмайман. Бир қадар меҳмоннавозлиқдан сўнгра қайси томонга ва қайси ерга қадар боришимни сўради. Мен ҳам ўз фикр ва мақсадимни баён этдим. Беҳбудий афанди меним фикримга қарши шундай бир баёновтда бўлди: «Истанбулда доимий сувратда хидматингиз зарур әмас. Чунки ҳозирлиқда у ернинг инсонга әмас, пулга эҳтиёжи бор. Инсонга эҳтиёжи бўлган ҳолда ҳам сизнинг хидматингиз билан масала ҳал бўлмас. Ўзингиз билан олиб боратургон икки юз сўм уч ой ичидаги тамом бўлур. Сўнгра сизга ул ерда ҳеч ким ёрдам этмас, ортиқ даражада машаққат ва заҳматларга дучор бўларсиз ва муддаоингиз ҳам ҳосил бўлмас, фақат мен айтганимдек ҳаракат қилингиз, олий мақсадингизга етиша олурсиз, деб умид этаман.

«Сиз меним кўрсатганимдек, Истанбулдаги Боязид живоридаги талабалар жамиятига борингиз, маним ва Фаспринский Исмоил афандининг салом ва мактубини у ерга етказингиз, сўнгра жамиат сизга хидмат ўрнини кўрсатар ва хидматдан форуғ бўлганингиздан кейин сизга Миср таҳсилини таъриф этиб ва ҳар бир жиҳатдан сизга ёрдам ва маслаҳатлар берар», – деб ўз либослариндан менга сафар либослари тайёрлаб, Истанбул ва ёхуд Мисрга бориб адрес юборганимдан кейин доимий равишда таҳсил масорифи юбориб туришини ваъда бериб, Богчасарой – Севастопул ва Истанбулга тавсия қофозлари бериб узотди.

Богчасаройда Исмоилбек Фаспринский афандининг зиёратига мушарраф бўлганимдан кейин Истанбулга бориб, Беҳбудий ва Фаспринский афандилар томонидан берилган тавсиф когозлари воситаси билан «Ҳилоли аҳмар»га ёзилиб, бир неча ой хизмат қылғонимдан сўнг Мисрга бориб таҳсилга шуруъ этдим. Беҳбудий афанди таҳсилим асносида турлик йўллар билан таҳсили

масорифни таъмин учун у ёқдан-бу ёқдан иона тўплаб юбориб туруб эдиким, бул бир кўб ватандошларга маълумдур.

1914 йилда Беҳбудий афанди ўзининг машҳур саёҳатида Мисрға келган эди, у ерда маориф доираларини таҳқиқ этгандан кейин Миср фирмавнларига оид осори атиқаларни кўздан ўтказиб, асрларга оид тарих ва хатларни ўз дафтарига қайд ва таҳрир этиб, ватанимиз мактаб ва маориф доираларига ярар умиди билан хариталар ва янги табъ бўлингон арабий ва оврупо тиллариндан таржима этилган китоб ва расмларни тўблаб, сандуқига жойлашдириб, Мисрда машҳур матбаа соҳиби китобфуруш Халбий воситаси билан Русияга юборғон эди. Китоблар дengiz каноринда Искандария дейилган ерга келиб етганидан кейин ҳарби умумийнинг эълони муносабати билан паракхўд юришининг мумкин бўлмоғони учун китоблар тақрибан уч йил сўнгра мазкур Халбийга қайтарилғон. Китоб, харита ва расмлар ҳозир ҳам Мисрда Халбий қўлида омонат турадур.

Хулоса: «Нашри маориф» тўғрисида ватанимизнинг биринчи қаҳрамони Беҳбудий афандидур.

Тараққий ва такомул ҳам фазоили башария тўғрисида жисмонан ва молан фидокорлиқ кўрсатган йўлбошчидур.

Беҳбудий афанди бутун қуввати фикрия ва молиясини тараққий ва такомул йўлида сарф этгани каби ва ўзини-да ҳалқи учун қурбон этди.

«Зарафшон». 1923 йил 25 марта. №32

Абдулҳамид АЗАМАТ

БЕҲБУДИЙ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАРИМ

Самарқанд ёшлиари ўртасида Беҳбудийни билмаган одам йўқдур. Мустабид ҳукуматнинг қаттиғ назорати, марҳаматсиз тафтишлари ҳукм сурғон бир вақтда ул эски шаҳардаги ўз ҳовлиси ни муаллим Абдулқодир Шакурийнинг усули жадид мактабига бериб, ўз ҳимояти остида уни бир неча йил ёшатди. Самарқанд-

да етишган ёшларнинг барчаси деярлик мазкур мактабдан баҳра олдилар.

Қора идоранинг 1906 йилги зулми замонида мактабға ўрус муфаттишлар келиб кирган чоғда жуғрофия, тарих ва ҳисоб – китобларини отхоналарнинг охури тагида ёшируб юрган вақтлардаги азоб ва масъулиятлар Абдулқодир афанди билан баробар, албатта, Беҳбудийға ҳам тушрондур. Мустамлакачилик даврида Туркистоннинг истиқболи учун бирдан-бир умидлик билим ўчогини ўз ҳовлисида тутқони сабаблик Беҳбудийга күпрак қийноқлар кўришга тўғри келгандур. Лекин Туркистоннинг ёруғлигига қаҳрамонона кўкрак бериб, иш қилғувчи бу жамоат ходими олдида булар ҳеч нима эмас эди.

Ул ўзини ҳам ўшал мактаб ичидаги ишлатар эди. Юқори синф талабаларига баъзан ўзи жуғрофия ва тарихдан дарс берар эди. Мактабнинг йиллиқ имтиҳон вақтларида бу муҳтарам отанинг юзида шодлиқ ва руҳлик аломатлари кўринар эди. Келгуси кунларнинг турмушини гуллантирувчи умидларнинг бу вақтларда тоғин бир қадам илгари босқонин ўз кўзи олдида халққа кўргазганига суйинар ва шодланар. Унинг билан бирлашиб, бу вақтда ўқитгувчилар ҳам ўқигувчилар улуғ байрам этар эди.

Беҳбудий афанди ёлғиз мактаб ичидагина эмас, кўп вақтда мактабдан ташқари маориф тарқатиш ишларини ҳам баробар қилиб борди. Халқ ўртасида унинг қилғон ишларини тариқа бўлғондур. Ул вақтда мен ёш ўқуғувчи бўлғонимдан очиқ ёза олмайман. Лекин шундан кейингисини биламанким, 1906 йилларда Ички Русияда бўлиб ўтган миллий қурултойларнинг босилиб чиқғон маромнома ҳам қарорларини, Туркиядан турлиқ йўллар билан яширин суратда келтирган ҳар хил рисола ва мажмуаларни ўз кўнгли тўлғон одамларга ва мактабда юқори синфдағи ўқувчиларга ҳам муаллимларга тарқатиб, ўқишларини ўтинар ва булар тўғрисида маълумотлар олиш керак бўлса, ўзига мурожаат қилишни сўрар эди.

Кўп қийноқлар билан Эски шаҳар ўртасида бунёдга келтирган қироатхона ва кутубхона моддий ва маънавий ёқларин мумкин қадар таъмин этулуб, қаримасдан яшаб келди.

Ҳар кун деярлик бир мартаба кириб, унинг бориши ҳаққинда сўрашиб, мутолаачиларнинг ҳисобини билишиб чиқиш ода-

ти эди. Лекин бу вақтларда халқ бу қироатхонаға мутолаа учун әмас, балки чой ичишиб, чақчақ қилишиб (гаплашиб) ўтурмоқ учунгина йигиларлар. Газета, журнал ва китоб ўқийтурғонлар эса жуда оз күринар эди.

13-йилларда чиқариб турғон газета ва журналларни бир ёқдан ҳұкуматдорларнинг қисиши, иккінчи томондан шу ...халқнинг матбуот тушунмағонлигидур.

Беҳбудий афандининг халқ орасыда ман билған хидматларинан әнг яқини Туркистанда ерлик халқ театрини туғдирішдур. Бу ишда уни Туркистан театрининг отаси демек ҳам бўладур. Бу кунларда Самарқандда ташкил топқан театру труппаси ўзига «Беҳбудий» исмини қўйиб, гоят муносиб иш қилибдур.

Беҳбудий афанди, бир ёқдан ўзининг «Падаркуш» отлиқ китобини ёзип, Туркистанда янги адабиётта негиз қўйғонидек, иккінчи ёқдан, шул асар билан ерлик халқнинг ўз орасидан саҳна оламига ишлагувчи кучлар етишириуб, Туркистан театрини туғдирди.

13-йилнинг охирларида «Падаркуш» босмахонада босилиб ётқон вақтларда уни саҳнаға қўюб ўтказиш масаласи жуда қизғин суратда кўтарилиб, иш бошлаб, чоралариға киришилган ва рўлларға ярарлиқ кишилар ахтарилиб турғонда ёшларнинг кўписи(га) маҳалла... ёмон кўз билан қарар ота-оналарнинг «оқ» қилишларидан чўчуб, ўзларини четга тортарлар эди. Ниҳоят арслон юраклик йигитлар топилди. Репетицияларга киришилди, иштиёқ қилгувчиларнинг кўписи ерлик халқ ёшлари бўлуб, бариси-да эркак эди. Аммо ерлик халқ хотун-қизларидан бу ўртада ҳеч ким йўқ эди. Хотунларнинг ролини ҳам эркаклар ўйнашға тўғри келди.

Ерлик халқнинг ўз турмушини ерлик халқ ёшлари биринчи маротаба ўзлари турмуш кўзгуси бўлғон саҳнаға қўйиши учун қиласатурган репетициялардан бирини Beҳbудий афанди ўз ҳовлисида, ўз қарамоги остида қолдириуб, иштирок қилгувчиларға театрнинг аҳамиятини халқда хидмати, ўйналатурғон асардаги қаҳрамонларнинг табиат ва хулқлари ҳақида сўзлаб ўтказди.

Биринчи театр эски шаҳардан йироқ ерли халқдан четда бўлғон рус шаҳри ўртасидаги «Халқ театрри» биносида қўйилғон бўлса ҳам, томошачиларнинг кўплиги кутилгандан аллақанча

ортук бўлуб келган халқнинг барчаси ерлик халқ деярлик эди. Билетлар етишмаганлигидан ташқарида қолғон халқ фақат театрнинг ичига кириб олмоқ учунгина қанча ақчаларини кассада қолдирдилар. Театру вақтига қарагонда яхшигина ўйнали. Халқ кўп мамнун бўлди. Ушбу театрнуни қўюб ўтказган ёшлар бу ишдан яхшигина руҳланиб, тарқалмасдан Хўқанд шаҳрига ҳам бориб, ушбу асарни муваффақият билан ўйнаб қайтдилар. Бу театрулардан сўнгра Самарқанднинг эски шаҳар қироатхонаси ва кутубхонаси моддий ёқдан бироз жонланиб қолди. Шунинг билан Туркистонда театру санъати дунёга келди. Уюшғон саҳна ходимлари бўлмаса ҳам йилда 3-4 марта ҳаваскорлар уюшиб, театру қўя бошладилар. Театру асарлари («Падаркуш»дан сўнгра) бир-бирларининг кетларидан босилиб чиқа бошладилар. Бу вақттаги қалам аҳллари Беҳбудий афандининг ерлик халқ учун театру тўғрисида тутқон фикр ва мақсадини яхши тутқон бўлсалар керакким, майдонга қўйғон асарлари бариси деярлик ерлик халқнинг соф ўз турмушидан олиниб ёзилғон асарлардур. Чунончи, Ҳожи Муъин Шукруллонинг «Мазлума хотун», «Эски мактаб, янги мактаб» ва «Кўкнори»си, Абдулла Бадрийнинг «Жувонмарг» ва «Аҳмоқ»и, Нусратулло Қудратулло ўғлининг «Тўй» рисоласи. Буларнинг барисида «Падаркуш» изидан борғонлар.

Мана шундай асарларни саҳнада кўруб, бир турлук тутулғон тўғри йўл билангина театрнуни яхшигина, енгилгина тушуниб келган халқ инқилобдан сўнг келиб чиққон ҳар турлик англашилмайтурган мағжумаларда турлук миллат турмушларидан олиниб ёзилғон асарларни бирдан кўз олдида кўруб шошиб қолди. Бирорлар икки соат ичидаги бир нарса ёзиб, саҳнага қўюб ташласалар, бирорлар Туркистон театрининг иккинчи давридагина керак бўлурлиқ «Абу Муслим», «Чин севиш», «Зажҳоки морон» каби ҳозирги кунда Туркистон учун ҳазми жуда оғир нарсаларни бериб, театруга янгигина ўрганиб келган ёш ҳам кўб эрка томошачилар табақасини оғир бир ҳолда қолдирдилар. Бу асарларни бирдан тугал йўсинда кўрсатурлиқ ерлик халқнинг театри, саҳненини асбоблари керагича бўлмағонлиқидан, иккинчидан, ерли халққа ёт бўлғон миллатларнинг турмушини ўзича кўрсата олурлиқ куч ва иқтидорга молик маълумотлик артист ҳам артисткаларнинг орамизда йўқ даражада оз, бир неча-

гина бўлғонлиғидан бу қўйилғон нарсалар. Шунинг учун халқ асарнинг чин маъносини тушуна олмай, сарсон бўлуб, томошадан бўш қайтиб кетиб, иккинчи мартаба келишга ҳавас этмайди (1922 йилнинг ёзида Туркистон матбуотида кўтарилиган театру масаласи ва унга халқнинг муносабати бу ҳолларни жуда очиқ кўрсатадур).

Инқилобгача Беҳбудийдан сўнгра театру матбуоти майдонида хидматлари кўрилуб, бу кунларда тўхталиб қолғон қалам аҳлларининг янгидан ўз вазифалари бошига келуб ишларига киришишлари матлубдур. Туркистоннинг илгариги драматурғалиридан Ҳожи Муъин Шукрулло ўзининг моҳир ва ўтқур қалами билан театру матбуотимизда яхшигина умидлар боғлатқон эди. Ҳозирги кунда Ҳожи Муъин афандининг юзага чиқмоғи Туркистон театру олами учун жуда зарурдир.

Абдулла Бадрийнинг ёзиг бостурмасдин тутқон кўбгина асарлари борлигини эшитамиз, буларнинг иш майдонига қўймоқларига ерлик халқ театру олами сувсаб турса керак.

«Зарафшон». 1923 йил 25 марта. №32

Ҳожи МУЪИН

БУЮК УСТОЗИМИЗ БЕҲБУДИЙ АФАНДИ

Бутун ислом дунёси, бохусус жаҳолат қоронгулигинда қолғон Туркистон ўлкаси муршид ва раҳбарларига ниҳоят даражада муҳтоҷ бўлдиги бир замонда Туркистон халқига меҳрибон ота ва устоз манзаласинда бўлғон муҳтарам муҳарриримиз муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратларининг табиий ажали билан эмас, балки золим, таассуб ва жаҳолат манбаи бўлғон Бужоро тупроғинда, золимлар қўлинда ваҳшиёна бир суратда ўлдурулганлиги бутун Туркистон ўлкаси ва туркистонлилар учун ғоят зўр бир зиёндир. Беҳбудий афанди Туркистонда бошлаб қўлига қалам олиб, халқнинг тараққий ва таолийси учун фойдали мақолалар ёзғон буюк раҳбаримиз эди. Беҳбудий афанди Туркистон-

да янги мактаблар учун бошлаб алифбо ва жуғрофия китоблари ёзғон улуг устоз ва муршидимиз эди.

Беҳбудий афанди Туркистон тараққийпарварлари ичинда энг аввал мутаассиб уламонинг ҳақсиз ҳужум ва тақfirлariга учрагон ва шундай тақfirлар ила руҳини тушурмай, ўз маслакиндан қилча айрулмай, йигирма йил мутамаддин ватан ва ҳалқга хидмат этган бирдан-бир фаол йўлбошчимиз эди.

Ман бу ерда, бу кичкина мақолада Беҳбудий ҳазратларининг муфассал таржими ҳолини ва ҳалқга қилғон хизматларини ёзмоқчи эмасман(ки, бунинг учун неча жилд китоб ёзмоқ керак бўлур), балки аниг баъзи яхши сифат ва хислатлари ила аниг ҳақиндан хотираларимдан бир нечасини ёзмоқ истайман.

Беҳбудий афанди ила бошлаб танишдигим 1321 санаи ҳижрияда бошлаб домла Сайид Аҳмад Васлий афандининг ҳужрасинда ва мазкур йилда бир-икки келиб-кетдиги учун Беҳбудий афанди ила кўрушган ва танишған бўлсан-да, ул чоқда ҳақиқатан Беҳбудий афандининг муфтилигиндан бошқа қандай фазлу камоли борлигини ва аниг ўзи яхшими-ёмонми – қандай киши эдигини билмаган эдим. Сўнгра 1324 йилда Беҳбудий афанди ўзи ёзғон «Мухтасар жуғрофияи умумий» исмли асарини бостуруб чиқарди ва шунинг ила баробар Самарқандда мутаассиб уламо ва талabalар оғзиндан Беҳбудий ҳақинда тақfir ва таҳқир сўзлари эшитила бошлаб, бу сўзлар бутун ҳалқ орасинда тарқалди: «Маҳмудхўжа ер айланадур ва ер тарбуздек юмалоқ, дея экан, ул киши коғир бўлғон» каби сўзлар ҳар ерда сўйлана бошлади. Демакки, Беҳбудий афандининг бошлаб мутаассиб уламо ва қора ҳалқдан тақfir сўзи эшитганига мазкур жуғрофия рисоласи сабаб бўлди. Мен шул хусусда ўзимнинг Самарқандда биринчи даражада олиму фозил кишилариндан деб топдигим бир устозим оғзиндан Беҳбудий афанди ҳақинда тақfir сўзи эшитганимдан ҳайратда қолиб, мунга чидай олмай дарҳол мазкур китобдан бир донаси ни сотиб олиб, диққат ила мутолаа этдим. Кўрдимки, Беҳбудий афанди бу китобинда ўз тарафиндан ҳеч бир нарса ёзмай, балки жуғрофия, ҳайъат ва татбиқоти диния хусусинда эски ва янги мўътабар муаллифларнинг сўзларинигина нақл ва таржима этган. Сўзларини-да ақлий ва нақлий далиллар ила исбот этган. Мен шул китобни диққат ила яна иккинчи дафъа ўқуб чиқғоч,

мазкур китобда «такфир»га сабаб бўлатурғон хилофи шаръий сўзларнинг йўқлигига бутун қаноат ҳосил этдим ва ўшал кундан эътиборан Беҳбудий ҳазратлариға чин кўнглимдан мухлис бўлдим ва аниг ким эканлигини том маъноси-ла билиб олдим. Шуни ҳам ёзмасдан ўтолмайманки, мазкур тарихдан эътиборан ўзимнинг аввалги биринчи фозил деб билган устозимдан бутун ихлосим қайтди. Аниг қошига бундан сўнг бормайтурғон бўлдим. Бошқа эски устозларимдан ҳам юз ўтирудим. Шуни ҳам унутмайинким, мазкур жугрофия китобининг «Татбиқоти диния» фаслинда: «Баъзи эски хурофот ва исроилият сўзлари бизнинг тафсир китобларимизгача кириб кетган» мазмунидаги жумлалар ўшал вақтда маним фикримда зўр ўзгаришлар ясади, яъни ўшал жумла мени биринчи дафъа фикрий инқилобга учратди. Мен ўшал кундан эътиборан ҳар бир эски ва янги китобларни диққат билан, муҳокама илан ўқуйтурғон бўлдим.

Мана шунинг учун мен айта оламанки, менинг тавсеи мавълумотимга турк-татар матбуоти сабаб бўлғонидек, мени биринчи мартаба фикрий инқилобга учратғон ҳам Беҳбудий ҳазратларининг мазкур бир-икки жумла сўзиidor. Мен мазкур тарихдан эътиборан Беҳбудий афандига чин кўнгул илиа мухлис бўлдигимдек, ўша вақтдан бошлаб мавқеи келганда, ҳар ерда ани мудофаа этатурғон бўлдим. Ҳатто 1325 йилда шул такфирчиларға қарши бир мақола ёзиб, «Туркистон вилоятининг газети»да нашр этдирдигим ҳануз хотиримда бордур. Ўшандан бери мен ҳар вақт Беҳбудий афандининг ҳузурига боратурғон ва аниг илмий, ижтимоий ва сиёсий фикрлариндан истифода қиласурғон бўлдим.

Беҳбудий афандининг ўз мусоҳиблари ила муомаласи

Беҳбудий афанди ҳалим, зийрак, ғоят заковатли ва қувваи ҳофизаси зўр бўлдигидек, сўзга-да ниҳоят даражада уста эди. Ул ҳар сўзига қаноатлантирумак учун турли мисоллар келтура, мавқеи келганда оят ва ҳадисдан далиллар кўрсата эди. Шунинг учун аниг сұхбати ғоят лаззатли ва истифодали бўлар эди. Беҳбудий афанди ҳар вақт «калом ун-нос ъала қадри уъ-

қулиҳим»⁵⁷ мазмунича мусоҳибларининг ҳолига ва ақлига қараб ўшланга муносиб сўйлаша эди. Баъзан мутойиба ила мажлисдошлирини кулдурга эди. Анинг суҳбатинда бўлғон киши руҳлана, шодлана ва анинг олдиндан асло тургуси келмас эди. Беҳбудий афанди аксар вақт мақолаларинда ёзиб турдигидек, суҳбат ва мажлисларда ҳам «Бизга икки турли киши керак, бири диний илмларни фалсафалари ила комил билатурғон зотлар, иккинчиси дунёвий илм ила ҳунарларни яхши билган зиёлилар» сўзларини сўзлаб тура эди. Бир вақт (1908 йилда) «Таржумон» газетасининг муҳаррири Исмоилбек афанди Фаспринский (25 йиллик юбилейсиндан сўнг) Самарқандга келганида, Беҳбудий афанди йиғлагон ҳолда ул зот ... қучоқлашиб кўрушушиб, «Бу кун сизнинг ҳузурингизга келиб, суҳбатингиздан истифода қилатурғон зиёлиларимиз йўқ», – деди. Исмоилбек афанди анга жавобан: «Беҳбудий афанди! Йиғламанг! (Мажлисдаги кишиларни ишора қилиб) Мана булар озми?! Яна сизлар тиришсангиз, оз фурсатда миллатга кераклик кўб одамлар етишдира олурсиз», – деди.

Ҳасму душманларига қарши муомаласи

Беҳбудий афанди шахсий душманлиқни хоҳламас ва ҳеч кимнинг шахсиға ва шахсий ишларига тил еткузмас эди. Ўшандоқ ўзини такфир ва таҳқир этатурғон ҳасмларига-да қарши ёмон ва ҳақоратомуз сўзлар сўйламас эди. Балки шундай сўзларни эшитганда: «Зотан, мундай дин ва дунёдан хабарсиз кишилардан яхши сўзлар-да кутмак абасдур», – деб кулар эди. «Мундай такфирларни ёлғуз мен кўрган эмас, балки ўттан уламо ва улуг кишилар ҳам ўз муосирлариндан шундай ҳужум ва такфирларни кўриб кетганлар», – деб ўзига тасалли берар эди. Беҳбудий афандида яна бир хусусият бор эдики, ҳасм ва душманлари анинг кетиндан ҳар қанча ҳақорат этсалар-да, анинг ҳузурига ўтурғонда ҳеч бир беҳуда сўз айта олмасдан, анга тамлиқ ва мадора этарга мажбур бўлалар эди. Беҳбудий афанди ҳар вақт ўзининг шахсиға тегиб сўйлайтурғон ҳасмларига: «Ажабо! Булар на

⁵⁷ Маъноси: «Сўз инсонларининг ақлларига яраша бўлади».

учун манинг шахсимға тил еткузалар? Мен ўзим яхши-ёмонми ҳар на бўлса-да, ўз миллатимға зарар еткузмайман, балки халқфа тўла ва фаол фойда еткузмак учун қўлимдан келгунча чолиша-ман», – дея эди.

Тааддути завжот ҳақиндаги фикри

Мен 1916 йилларда «Мазлума хотун» исмли рисоламни ёзиб турдигим вақтда (бу рисоланинг мавзуи тааддути завжот бўлдигиндан) бирдан зиёда хотун олиш тўғрисинда фикрини билмак учун Беҳбудий афандининг қошига бордим ва ондан шул ҳақда фикрини сўрадим. Беҳбудий афанди жавобан шу сўзларни сўйлаган эди: «Мен бирдан ортиқ хотун олишга бутун муқобилман. Зотан, иккинчи хотун олиш учун қўйилғон шарт (адолат)ни ҳеч ким риоя қила олмайди. Шунинг учун агар мен мужтаҳид бўлса эдим, бирдан зиёда хотун олишнинг нодурустлиги тўғрисинда фатво берган бўлур эдим».

Беҳбудий ҳазратларининг авсофи олияси ва анинг ҳақиндаги хотираларим кўб эди. Шояд фурсат бўлғонда яна бошқа бир вақтда ёзарман.

«Меҳнаткашлар товуши».
1920 йил 8 апрел. №152

Хожи МУЪИН

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ

Маориф ва маданият жиҳатдан кейинда қолғон ҳар бир миллатнинг бир кун интибоҳ даврига етиши табиийдур. Янгигина уйгона бошлиғон миллатларнинг уйғониш даври қизиқ воқелик бўлғонидек, ул даврнинг йўлбошчилари ҳам ибратлик можарога молик бўладурлар.

Бизнинг Туркистонда уйғониш даври 1901 йилдан бошлигадур. Биз ҳануз уйғониш давридамиз. Биздаги уйғониш ва

янгилик раҳбарларининг бири ва балки биринчиси шубҳасиз Маҳмудхўжа Беҳбудий афандидур. Беҳбудий афанди уйғониш даври ва ўзбек адабиёти тарихида биринчи ўринни олурға мувофиқ бир зотдур. Ул йигирма йиллик хидмати чоғида турлик ёқдан турлик тўсиқларга йўлуқуб, кўб қийинчилиқлар кўрди ва охири ўзининг тутқон эзгу маслаги йўлида қурбон бўлди.

Беҳбудий афанди 1901 йилдан бошлаб қўлига қалам олиб, ҳалқни уйғотишга киришган ва умрининг охиригача Туркистоннинг янгилик ва юксалишига ҳормай-тинмай, талашиб-тортишиб хидмат қилғон бирдан-бир фидокор йўлбошчимиз эди.

Насаби, валодати, таҳсили

Маҳмудхўжа Беҳбудхўжа ўғлининг биринчи бобоси Солиҳхўжа ва иккинчи бобоси Ниёзхўжадур.

Беҳбудий афандининг юқори боболари туркистонлик машҳур Хўжа Аҳмад Яссавийга мансубдур. Беҳбудийнинг иккинчи бобоси бўлғон Қори Ниёзхўжа Урганждан бўлуб, XII асри ҳижрий ўрталарида Амир Шоҳмурод томонидан қорилар етиштуруш учун Самарқандга келтирулган. Ул модарзод кўр (сўқур) бўлуб, умрининг охиригача қорилиқ билан машғул бўлғон. Беҳбудийнинг ота-боболарининг ҳаммаси қори (ҳофизи Қуръон) бўлуб, қорилиқ ва баъзи вақт имоматчилик билан умр ўтказгандар.

1868 йилда руслар Самарқандни забт этгач, Маҳмудхўжани отаси Беҳбудхўжа ўзининг оиласини олиб Самарқанд уездининг Сиёб бўлусидаги Бахшитепа қишлоғига кўчуб чиқғон ва шунда 7 йил чамаси имом ва хатиб бўлғон. Беҳбудий афанди шул қишлоқда 1291 ҳижрий йилда 10 зулҳижжа ойида оқшом (1874 йил март) дунёға келгон.

Беҳбудий афанди 6-7 ёшга кирғач ўзининг катта тоғаси бўлғон Муҳаммад Сиддиқ ҳузурида ўқуб хат ва савод чиқарғон, сўнгра қори бўлмоқ учун отаси ҳузурида ўқуб, 3-4 йил ичida Қуръонни бутун ёдлағон. Бунинг билан ҳам қаноатланмай, ўзининг кичик тоғаси бўлғон муфти мулла Одил ҳузурида дарс ўқурға киришган. Арабча сарф, наҳвдан «Кофия» ва «Шарҳи мулло»ни, мағтиқдан «Шамсия»ни, фиқҳдан «Мухтасар ал-виқоя»нинг биринчи дафтарини ва бироз «Хошия»ни мазкур зотнинг ҳалқай

тадрисида ўқуғон, ҳисоб илмини ҳам (масоҳатгача) шул кишидан ўрганган.

Беҳбудий афанди ёшлиқ чогида ўткур зеҳнлик ва ўқишига жуда ҳаваслик бўлғон. Устозининг бир қатла ўргатиши билан сабоқини ўрганар экан. Ўзи ғоят ҳалим, адаблик, оз сўзлик, ўй-ин-кулгуни севмайтурғон бўлғон.

Мирзолик, муфтилиқ даври, ҳаж сафари ва фикрининг очилиши

1311 ҳижрий йилида отаси ўлғоч, Беҳбудий афанди ўқишини тарқ этиб, бирон касб-кор қилишга ва ўз машнатини ўзи таъмин этишга мажбур бўлди. Самарқанд уезднинг Чашмаиоб бўлусида янгигина қози бўлғон тогаси Муҳаммад Сиддиқнинг қошида мирзолик хизматига кириб ишлади. Бунда қилғон икки йиллиқ хидмати чогида ул қозихона ишлари билан ошно бўлди.

Масоили фиқҳия, мерос тақсими ва бошқа муфтиликка тегишилик нарсалардан хабардор бўлди. Икки йилдан сўнг тогаси қозилиқдан бекор бўлғонда Беҳбудий афанди Кобуд бўлусининг қозиси Мулла Зубайрнинг⁵⁸ қозихонасиға мирзоликка кириб, бунда 1-2 ой ўтмай муфтиликка ўтди. Неча йиллар шунда муфтилик билан кун кечирди.

Беҳбудий афанди 1317 (1899)да ўзининг дўсти бухоролик Ҳожи Бақо билан ҳаж сафариға чиқди. Бориш-келишда йўлда Истанбул, Миср⁵⁹ каби катта шаҳарларга кириб, улардаги баъзи янги-эски мактабларни, айниқса, Мисрдаги «Жомеъ ал-Азҳар»-ни зиёрат этди. Қайтишда Миср ва Истанбулдан турлик янги китоблар келтурди. Бу муборак сафар Беҳбудий афандига анчагина ибрат ва интибоҳ берди.

Ҳижоз⁶⁰ сафаридан кейин Беҳбудий афанди Богчасаройда чиқатурғон «Таржумон» газетасини олдируб ўқуй бошлади. Ик-

⁵⁸ Мулла Зубайр (Мулла Зубайр Яхшибой ўғли) – 1894 – 1895 йиллардаги Кобуд волости қозиси.

⁵⁹ Муаллиф мамлакат номини шаҳар маъносига янглиш кўллаган. «Жомеъ ал-Азҳар» мадрасаси Мисрнинг пойтахти Қоҳира шаҳридадир.

⁶⁰ Ҳижоз – бу мамлакат 1932 йилдан бошлаб «Ал-Мамлака ал-Арабия ас-Саудия» (Саудия Арабистони) деб атала бошлаган.

кинчи ёқдан турлик илмий, фаний китобларнинг мутолааси билан маълумотини кенгайтурди. Оз вақтда дунё сиёсатидан ва замон аҳволидан хабардор бўлди.

Беҳбудий афанди бир неча йил (1901 – 1905 йилларда) фикрий инқилобга⁶¹ учраб, эътиқодсизланиб юрган бўлса-да, лекин сўнгра кўб мутолаа соясида ва ҳар бир диний-фалсафий масалаларни текшириш натижасида эътиқодини тасҳиҳ ва таъдил этди. Тараддуд ва шубҳалардан чиқиб диндор ва маҳкам эътиқодлиқ бўлди.

Хидмати қаламияси

Беҳбудий афандининг халқга қилғон хидмати кўбдур. Биз бундан фақат унинг хидмати қаламияси тўғрисида қисқагина ёзиб ўтмак билан кифояланамиз.

Туркистон ўлкасинда миллий газета йўқлиги ва «Таржумон» газетасининг шеваси оғирлиги ҳам Туркистонда керагинча тарқалмағонлиги учун Beҳbuдий афанди 1901 йилдан эътиборан Тошкандда чиқмоқда бўлғон миссионер Остроумовнинг «Туркистон вилоятининг газети»да мақола ёза бошлади. Бу газетада доим ижтимоий, илмий мақолалар бостируб, 1905 йил 15 октябр манифестиғача халқда янги фикрлар бериб турди.

Бешинччи йил ўзгаришидан кейин Русия ва Туркистонда турлик миллий газета ва журналлар чиқа бошлади. Beҳbuдий афанди бу газеталарнинг кўбисида ҳар мавзуда мақолалар ёзуб, халқга раҳбарлик этар эди. Дума ва сайлов масаласи қўзғолронда шул мавзуга оид керак оғзаки ва керак матбуот орқали халқга фойдалик маълумот ва таълимот бериб турди. 1321 (1903) йилда Самарқандда янги мактаблар очила бошлиғоч, Beҳbuдий афанди, бир ёқдан, халқни мактаб ва маорифга ташвиҳ этганидек, иккинчи ёқдан, бу мактаб учун форсча ва ўзбекча турлик китоблар ёзди ва уларни ўз масорифи билан босуб тарқатди. Биринчи мартаба ўз тилимизда харита ва тиётр рисоласи ёзиб, табъ ва нашр этди.

⁶¹ Фикрий инқилоб, яъни фикрий ўзгариш, тафаккурда янгиланиш.

1913 йилда Самарқандда биринчи дафъя «Самарқанд» отлиқ бир газета чиқарди. Бу газета моддий жиҳатдан торлиқда қолиб 44-сонидан кейин ётишға мажбур бўлди. Бунинг ўрнида «Ойина» исмида ҳафталик бир мажмуа чиқара бошлади. Бу мажмуа керак Туркистонда ва керак дунё мусулмонлари орасида яхшигина шуҳрат ва эътибор қозонди. «Ойина» мажмуаси икки йил чамаси давом этгандан сўнг моддий ёқдан сиқилиб тўхтади. Бу мажмуа тамоман 68 нумер чиқди.

Беҳбудий афанди Кафказ – Татаристон ва Туркистонда чиққан матбуотда доим адабий, илмий, ижтимоий ва сиёсий мақолалар ёзиб турар эди. Унинг мақолалари «Самарқанд» ва «Ойина»дан бошқа тубанда отлари ёзилғон газета ва мажмуаларда босилғон эди: «Туркистон вилоятининг газети», «Тараққий», «Тужжор», «Хуршид», «Шуҳрат», «Осиё», «Турон», «Хуррият», «Межнаткашлар товуши», «Улуг Туркистон», «Нажот», «Тирик сўз», «Таржумон», «Вақт», «Шўро», «Улфат», «Иршод», «Тоза ҳаёт».

Бу 18 газета ва мажмуаларда Беҳбудийнинг икки юзга яқин мақоласи босилғондурким, улар бир ерга тўпланғонда 5-6 юз бетлик бир китоб бўлур. Беҳбудийнинг мазкур газета ва мажмуаларда босилғон мақолаларининг кўбиси муҳим мавзуларда ёзилғон бўлуб, ҳануз эскирган эмас ва бу кунларда ҳам биз учун дастуруламал бўлатурған фойдалук сўзлардур.

Беҳбудий афанди Феврал ва Октябр ўзгаришидан сўнгра ҳам қўлдан келатурғон хидматларини ҳалқдан аямади. Октябр инқиlobидан кейин расмий хидматларга киришни истамаган бўлса ҳам, лекин қўлидан келганча ишлади. Ҳалққа яхши фикр ва маслаҳатлар бериб турди.

Беҳбудий афанди 1919 йил 25 марта йўлдошлари Мардонқули ва Муҳаммадқули билан сафарга чиққанда (Бухоро тупроғида) Қарши шаҳрида Бухоро амирининг золим беклари томонидан қўлга олиниб, ваҳшиёна суратда шаҳид қилинди, ёши 45 да эди.

«Зарафшон». 1923 йил 25 март. №32

БЕХБУДИЙ

Туркистоннинг узоқ мозийси қанча порлоқ кўринса ҳам, XVIII асрдан кейинги маданий ва иқтисодий ҳаёти тубанлашгандир. Бу даврда илм ўрнини хурофот, адолат жойини зулм, тараққий ерини таназзул олди. Ўрта Осиёдаги бу ҳолатни кўруб турғон ва ўзининг молига янги бозор қидириб юрган Русия чорлиғи бу вақтдан истифода этмакка кириши ҳам жуда енгиллик ила бутун Ўрта Осиё ўлкасини қўлиға киритди. Шу вақтда Русияда саноат сармоясининг энг юксалган даври бўлғонлиқдан Ўрта Осиёга тезликда темир йўллар солинди.

Русиянинг сармоядорлари рус маъмурлари ила биргалашиб туриб, ерли «ваҳший» халқларни ҳар ёқдан эза бошлади. Ерли халқда ҳам савдо сармоясининг ўсиши, ишчи-деҳқоннинг иқтисодий ва ижтимоий ёқдан сиқилиши «ваҳший» халқлар димогида ҳам инқилоб ясади. Унинг натижаси бўлуб, Туркистоннинг ҳар ёғида чорлиқ сиёсатига қарши исёнлар кўтарила бошланди. (Масалан: 1893⁶² йилдаги Тошкентдаги «Тош отар» воқеаси ҳам 1898 йилдаги Дукчи эшон воқеалари...)

Мана бу ҳаракат XX аср бошидан жиддий бир шаклланиб, муайян бир қолибга туша бошлади. Агар бу ҳаракатта синфий ва ижтимоий ёқдан боқсан, маҳаллий буржуванинг жонли тус олиб, тажассум этишининг биринчи кўриниши эди. Бу давр (уйғониш даври) дарабеклик (феодализм)нинг эски одатларин тузотди. Илмга, маданиятга кенг йўл ҳозирлади. Маориф масалаларин замон эҳтиёжига кўра ислоҳ этди. Мана, Беҳбудий шу давринг кишиси, тарихнинг маълум бир босқичида ва тарихий ўсишда муҳим хизмат қилғонлардан биридир.

Беҳбудийнинг хизмати франсузларнинг Жан Жақ Руссо, русларнинг Ломоносов, Чернишевский ва Писаревлари, Кафказ туркларининг Фатҳали ва Нажафбеклари, татарларнинг Маржоний ва Носирийси ила бирдур.

⁶² Янглиш. Қўзғолон 1892 йилда бўлган.

Ўзбекнинг миллий адабиёти ҳам Беҳбудий ила бошланиб, янги бир йўлга кирадир. Беҳбудий Туркистонни энг аввал чор ҳукумати қўлидан қутқармоқ фикрини элга талқин қилғувчилардан, аҳолининг ээилганлигини биринчи дафъа сезганлардан ҳам бу ҳақда нурли уста йўллар ила халқни истиқбол курашига қақириб ёзғувчилардандир.

Туркистоннинг⁶³ уйғониш даврин уч қисмга – маориф, матбуот ва жамиятга бўлуб, шу даврда рўйл ўйнағонларни текшира бошласак, бу ҳаракатларнинг бошида Беҳбудийнинг тургонини кўрамиз. «Жуғрофия» исмини халқ тузуккина эшитмаган чоқларда ул ўзининг «Жуғрофия»си ила уламо ва халқнинг сўкишига қарамасдан майдонға отилғони каби саҳна адабиётилизнинг бобоси ҳам Беҳбудийдир. Биринчи дафъа ерлилардан иншоға, тарихга тегишли асар ёзиш Маҳмудхўжага насиб бўлғони каби ўзбек тилининг ислоҳи тўғрисида жон куйдируб қалам қимирлатғонлар ичида энг кўб ёзғон ҳам Беҳбудий бўлди.

Унинг энг ёмон кўрган нарсаси истибодд ҳукумати ва истибодд идораси эди. Шунинг учун ул ҳар вақт ўзининг мақоласида рамзлар ила чор ҳукуматини сўкар, баъзи вақтларда очиқ, баъзи чоқларда яширин ташвиқотлар ясар ва Бухоро ҳукуматига ҳужум қиласи эди.

Беҳбудий иродасининг кучлилиги, муомалада фавқулода усталлиги, диалектиклиги, назариётчилиги ила баробар амалиётчилиги, ҳар ишни ҳаётдан олишилиги ва иктисадға аҳамият бериши ила ўз замондошларидан айрилиб, ўзига маҳсус муҳим бир ўрун оладир. Ул ўзи Туркистоннинг эски мадрасасиндан чиққан бир кипи бўлғони ҳолда Гарб дорулғунунларини битириб келган кипиларнинг қўлмағон хизматларини адо қилиб кетди.

Тарихимизда бу кунгача харита чизиб, майдонда кўринган бир кипи бўлса, у ҳам ёлғуз Беҳбудийдир. Мана шу муҳтарам сиймоппинг кўзимиздан йўқолиб, Бухоро амирининг қўлида ўлдурилишига 7 йил тўлиб келаётидир. Шу вақтгача матбуотда ёзилғон мақолалардан ва икки-уч марта қўйилғон театрлардан бошқа ҳеч бир нарса қилинмади. Ҳолбуки, бу иш биз учун тарихий бир доғ-

⁶³ Беҳбудийнинг хизмати Туркистон миқёсида бўлғонлиқдан Ўзбекистон демасдан Туркистон деб олинди (*Лазиз Азиззода изоҳи*).

дир. Бизнинг унга эҳтиромимиз маълум бир даврда ул ўзининг бошига тушган тарихий вазифасини ўтағони учундир.

Бу кунда Лондонда Хайём исмиға клублар бор. Навоийнинг адабий хизматига беш юз йил тўлиши муносабати ила франсузлар байрам қилиб, Навоийнинг хизматлари тўғрисида узун-узун мақолалар ёзалар. Кўб узоққа бормасдан татар ўртоқларимизга бир қарасак, Маржоний ва Носирий учун неча юз саҳифалик китоблар нашр этганларини кўрамиз⁶⁴. Албатта, бу асарларнинг тарихий аҳамияти буюқдир. 7 йил жим турдик, бу ҳақда сира тебранмадик, шу етар. Энди, унинг исмини абадий қолдирмоқ учун, ҳеч бўлмаса, унинг номига мактаблар солмоқ, талаба тарбияси учун сармоя (фонд) ташкил этмак, босилмағон асарларини босдирмоқ, таржимаи ҳолин ёздириб, чоп этдирмак, муҳим асарларини тўплаб бостируммоқ вақти етгандир. Агар Ўзбекистонда Навоий ва Улугбекдан бошқа учингчи бир кишига ҳайкал қўйиладиргон бўлса, шубҳасиз, у Беҳбудийнинг ҳайкали бўлгусидир. Унинг асарини бостиришда яқин мозийдаги тарихий инкишофимизни билмак учун Беҳбудий эмас, беҳбудийлар хизматлари заминлари ҳам ўрунлари ила танишмогимизнинг ҳозирдағи ҳам келгусидаги аҳамиятин эсдан чиқармаслик керак.

«Маориф ва ўқиттучи». 1926 йил март. №2(14)

ЭРТУРК

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ (Ўлимининг 31 йиллиги муносабати билан)

Туркистоннинг атоқли, илмий, адабий ва миллий сиёсий ходими бўлган буюк сиймо Маҳмудхўжа Беҳбудийни русларнинг истаклари билан Бухоро амири томонидан ўлдирилганита бу йилнинг 25 март ойинда 31 йил тўлди. Бул кунда бизлар миллий

⁶⁴ Шу кунларда яна Қаюм Носирийга бағишлаб бир китоб босилиб чиқғонлиги Татаристон матбуотида ёзилди (*Лазиз Азиззода изоҳи*).

озодлиқ курашимизнинг берган шаҳидлари қаторинда буюк маорифчимиз ва миллатпарваримиз Беҳбудийни кўпроқ ёд этурмиз.

Беҳбудий Самарқанд шаҳринда буюк бир диний оиласда туғилиб, ул биринчи ўқувни Самарқандда ва юқори таҳсилни Бухоро мадрасасинда кўрган эди. Ул ўзининг мадраса ўқуви давринда Туркистон «қоронгу кечаларининг ёруғ юлдузи» бўлган Аҳмад Махзум⁶⁵ (1816 – 1896)нинг қўлёзмаларини кўпроқ мутолаа қиласар эди. Бундан ташқари ул Бухоро уламолариндан Икром домланинг тараққийпарвар тушунчаларига тарафдор бўлган ёш уламоларимиздан бири эди. Шунинг учун ҳам Beҳbудийда 1910 йилгачаёқ мамлакатимизда ўсиб бормоқда бўлган жадидчилик ҳаракатларига қизиқуви бошланган эди. Бухорода жадидчилик ҳаракатининг ўсиб боруви, Beҳbудийда мамлакатнинг келгуси тақдирига қизиқишини кучлантирди. Бунинг натижасинда ул 1910 йилда «Бухоро маориф жамияти» қаторига кирди.

Бухоро уламолари ўртасинда топдиги ишончи ва билими натижасинда ул 1911 йилда «муфти»ликка сайланди. Бироқ ул бу буюк ўринда кўп узоқ вақт қола олмади, Бухоро қадимчиларининг фитнаси остинда қолди ва Бухородан Самарқандга қочиб келишга мажбур бўлди. Beҳbудий Самарқандга қочиб келар экан, мамлакатимизнинг келажаги унинг янги усулда тараққиётгина келажак миллий истиқололимизни еча олади, деб ҳосил қилган миллий мафкурачиларимиздан бириси эди.

Beҳbудий рус тилини яхши билганидан Абдурауф Фитратнинг Истанбулда 1911 йилда форсча ёзган «Сайёҳи ҳинди» номли асарини 1912 йилда русчага таржима қилди⁶⁶. Бунинг билан унинг Самарқандда биринчи фаолиятлари бошланди. 1913 йилда ул «Самарқанд» газетасини чиқарди. Бул газета воситаси-ла Туркистон миллий ҳуррият масалаларини ёритиб борди. Газета 1914 йилда уруш олдидан рус сензураси томонидан ясоқ этилди. Beҳbудий «Самарқанд» газетасидан ташқари, Самарқандда икки ҳафтада бир дафъя «Ойина» (1913 – 1915) адабий мажму-

⁶⁵ Аҳмад Дониш кўзда тутилмоқда (нашрга т.).

⁶⁶ Фитратнинг асарини чор шарқшунос зобити А. Кондратьев таржима қилган ва Beҳbудий нашриётида чоп этилган, бевосита Beҳbудийнинг таржимаси ҳақида манбаларда маълумот учратмадик.

асини чиқарып турди. Руслар газетаны ёптилар, бироқ Беҳбудийнинг қаламини синдира олмадилар. Ул «Ойина» мажмуаси руслар томонидан таъқиб этилгунча бул мажмуя орқали адабий фикрларини Убайдулла Хўжа томонидан чиқарилмоқда бўлган «Садои Туркистон» газетаси орқали сиёсий фикрларини ёзиб борувга мусассар бўлди.

Беҳбудий 1917 йилгача Туркистоннинг ҳуррияти халқимизнинг миллӣ туйғусини юксак кўтарувга боғлиқ, деган фикр этаси эди. Бунинг учун ҳам ул миллӣ маорифни юксалувини миллӣ қуртулушимизни ҳал этувчи асосий омили дея ўртага қўйди. Беҳбудий ўзининг бул фикрини 1917 йил Феврал инқилобидан сўнг тамоман ўзгартди. Миллӣ маорифни юксалтув учун энг аввал миллӣ ҳуррият зарурлигини англади. Шунинг учун ҳам Беҳбудий Керенский ҳукумати давринда Туркистонга миллӣ ҳуррият лозимлигини тарғиб қила бошлади.

«Ҳуррият» газетасинда, бир томондан, русларнинг Туркистонда юргизган ва юргизётган сиёсатлари халқ учун зулмдан бошқа нарса эмаслигин баён қиласа, иккингчи томондан эзилувлардан, хорлиқлардан ва «русили хўжайинлар»дан қутулишнинг биринчи поронаси ўлароқ Туркистон мухторияти зарурлиги устинда фикрлар юрутар эди.

Беҳбудий «Туркистон миллӣ марказий шўроси»нинг аъзоси эди. У Керенский томонидан 1917 йил апрелда тузилган «Туркистон муваққат ҳукумат қўмитаси»нинг бошида ўлтирган 9 аъзосиндан 6 таси рус бўлуви Беҳбудийда ниҳоят ғазаб ҳосил этар эди. Беҳбудий «Ишчи, дехқон ва аскарлар шўроси»да Чўқай бей, Убайдулла Хўжа, Шоҳислом⁶⁷ ва бошқа сафдошлари билан бирликда Туркистон халқини ҳимоячиси эди. Унинг ҳар бир сўзи Туркистондаги русчилиқ сиёсатига қарши қаратилган эди. Зотан, ул 1917 йилгача мафкурада, айниқса, Туркистон адабиётинда «Остроумовчилик оқими» деб аталган рус таъсирининг ёйилувига қарши чиққан бир адабий, сиёсий мафкурачимиз эди. Рус таъсирига қарши кураш жараёнида унинг энг яқин Му-

⁶⁷ Мустафо Чўқаев, Убайдулла Хўжаев, Шоҳислом Шоҳағмедов – Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзолари.

наввар қори, Абдуллоҳ Авлоний, Аҳмад Васлий⁶⁸, Баҳромбек⁶⁹, Ашурали Зоҳир ва Ҳожи Шукруллоҳ⁷⁰ сафдошлари бор эди. Беҳбудий русчилликка қарши узил-кесил чиққанлигидан унга иш бошида ўлтирган руслар «Рус демократик инқилобининг ички душмани» деб боқар эдилар.

Беҳбудий октябр инқилобидан сўнг ҳам Русияга бўлган кўз қарашларини ўзгартмади ва ул большевиклар билан муносабатларда-да бўлмади⁷¹.

Туркистонда беклар ҳаракати (босмачилиқ)ни бошланиши Beҳбудий учун руҳий озиқ берди. Қуролли кучлар билан мамлакатимиз озод бўлувига ишонч ҳосил қилди. Beҳбудий 10 январь 1919 йилда Тошкентда бўлајак қўзғолонга Туркистон бекларини(нг) Чотқол тагида бўлган бир бўлагини ёрдамга келувини уюштириш вазифасини олган эди. Қуролли кучлар етиб келмасдан аввал Тошкент қўзғолони бошланган эди. Қўзғолон енгилди. Тошкентта томон ҳаракатда бўлган Чотқолдаги Туркистон қуролли кучлари Beҳбудийнинг истаги бўйича ўз юрушларини тўхтатдилар. Beҳбудий большевиклардан қочиб, Бухоро ҳудудига кечди. Унинг учун бул ер ҳам хавфсиз эмас эди. Чунки Бухоро амири ўзининг қадимчилик сиёсати билан жадидчилар ҳаракатини тамомила синдиromoқ фикрида бўлдигидан Beҳбудийни ҳам ўзининг қўрқунчли душманларидан бириси, деб ҳисоб этар эди.

19 январь 1919 йил Тошкент қўзғолони⁷² мағлубиятга учраганда, Beҳбудий қандай бўлса-да, Тошкентни руслар қўлинидан озод қилиш учун кучлар тўплаш ҳаракатига бошлади. Ул бул ҳаракатини мубаффақиятли ўтказиш учун ул вақтда уч имконият борлигини ҳисобга олди. Булардан бириси Фарғона ва Чотқол бекларининг Тошкентта ҳужум этувларини тайёрлаш, иккинчиси Бухоро амирини аскарий кучларини Тошкентта юрувларини

⁶⁸ Аҳмад Васлий – шоир Саййид Аҳмад Васлий.

⁶⁹ Қоровулбеги Баҳромбек Давлатшоев назарда тутилмоқда.

⁷⁰ Ҳожи Муин Шукруллаев назарда тутилмоқда.

⁷¹ Beҳбудий 1918 – 1919 йилларда большевиклар ҳукумати билан ишлапшга уриниб кўрган, аммо уларнинг мунофиқлигини кўриб, ҳафсаласи пир бўлган.

⁷² Туркистон ҳарбий нозири Осипов фитнаси назарда тутилмоқда.

таъминлаш ва, ниҳоят, учинчиси 1918 йил август ойидан бери Каспийбўйи вилоятини ишғол қилиб турган англиз кучларини ёрдамга чақиришдан иборат эди. Биринчи имкониятдан фойдаланувда Беҳбудий ул қадар қийинчиликларга учрамаслитига ишониб, Қарши шаҳрига келди. Ул иккинчи имкониятни юзага чиқарув қийин бўлувига қарамай, умидсизланмасдан, Бухоро амири саройинда обрў қозонган дўсти Баҳриддинни амир билан музокара юритувига инонган ва унинг воситаси-ла амирнинг қуролли кучларининг ёрдамини олувга умид боғлаган эди. Учинчи имконият, яъни англизлар ёрдамини уюштириш устинда ул 1918 йил куз ойларинда англизлар билан бир неча марта-ба музокаralар юрутган эди. Беҳбудий англизлар Туркистонга аскарий юриш қилишиликдан бош тортаётганликларини англа-ди. Ул агар Туркистонда турган англизлар Туркистон озодлиги мужодаласинда ёрдам бермасалар, қуролли қурашларнинг устун чиқишлари мумкинлигини ўйлаб яна қайтадан англизлар билан сиёсий масалалар устинда музокаralар бошлишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди.

Беҳбудий ташабbusларидан хабардор бўлиб турган Туркистон миллий ташкилоти ўз умидларини унинг ҳаракатларини мудавафақиятли чиқуви томон қаратдилар. Иш ва истаклар Беҳбудий кутганича келиб чиқмади. Ул Қарши шаҳринда ўз олдига қўйган вазифаларини ўринлов ҳаракатида экан, қизил Русиянинг Бухоро элчихона хизматчиси Уткин⁷³ воситаси-ла амир томонидан тутилди. Беҳбудий амирнинг Қарши шаҳриндаги волийси Нуриддин Оғалиқ томонидан 25 март 1919 йилда ваҳшиёна ўлдирилди. Беҳбудий «жадидчи» дея айбланиб, амирнинг буйруги-ла ўлдирилди. Бул эса ниҳоб эди. Ҳақиқатда эса Беҳбудийни амир воситаси-ла ўлдириш большевикларнинг совет кўмиссарияти томонидан уюштирилганлиги аниqlанди. Буни собиқ «Туркистон жумҳурияти»нинг ҳарбий министри Осипов 1919 йил Бухорога

⁷³ Уткин – Когон фирмә қўмитаси котиби, 1918 йилда Колесов томонидан амир аскарларини қуролсизлантириш гуруҳи аъзоси, номаълум сабабларга кўра, у қутулиб қолган, шериклари амир аскарлари томонидан ўлдирилган. Тарихчи М.Гейнс маълумотига қараганда, В.Уткин 1918 йилда ўлган.

қочган вақтінда «Ёш бухоролилар жамияти» да берган баёноти-да билдирган зди.

Түркістон халқы бул усулда бундан 31 йил аввал ўзининг буюк жамоат ва сиёсат ходимидан айрилди.

Большевиклар Беҳбудий номидан гайриузвий равишида фойдаланыб келурлар. Улар 1934 – 1935 йилларгача Беҳбудийни Туркестонда «коммунизм мағұрасининг бошланғич ходими» деб күрсатыб келдилар. Ҳатто уннинг адабий фаолиятини мактабларда ўз күз қараашларыча ўргатууга қадар йўл қўйиб келдилар. Халқни советта томон хайрихояларини ҳозирламоқ учун Қарши шаҳри Беҳбудий шаҳри деб аталувигачайин «ташаббускорлик» күрсатдилар.

Беҳбудий номи 1935 йилгача большевикларнинг оғизларинда ҳар күн зикр қилинишгача бориб етди. Қачонки большевиклар «мағкура майдонида енгиги чиққан күч» бўлиб ўртага чиққанларидан сўнг Беҳбудий номини сўзлашликдан воз кечдилар. Сўзланилса-да фақат «совет душмани», «буржуа миллатчилар мағкурачиси ва намояндаси» ва, ниҳоят, «Англиз империализмининг агенти» дейиilibгина қўйиладирган бўлди. Уннинг исмига берилган шаҳар ҳам яна ўзининг эски исмими қайтариб олди. Большевиклар Беҳбудий чалтан сознинг оҳангини бузмоқ учун янги ҳуррият ҳаракатларини йўқ этмоқ учун курашмоқдадирлар. Туркестонда бул буюк сиймо Беҳбудий истаклари яшамоқда ва яшаб қолажаклигига шубҳамиз ийӯқдир. Большевиклар Беҳбудий каби буюкларимизни ҳақорат қилурлар. Бироқ бул ҳақоратларнинг ҳам сўнги келур.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ёш авлодга қолдириган насиҳатлари миллатимизни қалбинда шон ва шараф-ла ҳар доим сақланиб қолажакдир.

*«Миллий Туркистон» журнали.
1950 йил март. №66*

У САМАРКАНДСКОГО ЖУРНАЛА
«ОЙНА» И ЕГО РЕДАКТОР – ИЗДАТЕЛЬ
МАХМУДХОДЖИ БЕГБУДИ

Мне давно хотелось познакомиться с Бегбуди, известным народным мусульманским деятелем новой складки. Имя Махмуд Ходжи не только хорошо известно в Самарканде, но и по всему Туркестану и далеко за его пределами.

Еще во время ревизии графа Палена имя Бегбуди фигурировало в первых подписках петиции, поданной туземцами Самаркандинской области об упразднении некоторых статей Туркестанского Положения. Конечно, и редакция составленной петиции всецело принадлежала перу г. Бегбуди.

Прошлым летом на съезде инородческих деятелей в Петрограде Туркестанское мусульманское общество набрало уполномоченным от Туркестана Махмуд Ходжи, но он дипломатично отказался. После этого во многих наших местных туземных газетах высказывались сожаления по поводу отказа Бегбуди.

Махмуд Ходжа первый в Самарканде стал издавать туземную газету «Самарканد», а сейчас и журнала «Ойна», несколько юмористического характера.

Его же перу принадлежат так много нашумевшая среди мусульман Туркестана первая пьеса «Падар-Куш», поставленная на сартовском языке сначала в Ташкенте, а потом и в других городах.

Конечно, я давно интересовался личностью этого туркестанского деятеля. И вот на днях мне пришлось познакомиться с Бегбуди.

В большой редакционной комнате в собственном доме Бегбуди на Решетниковой улице меня встретил сам хозяин.

Высокого роста, с желтым болезненным лицом и глубокими вдумчивыми глазами с характерно по турецки подстриженной, седеющей бородой, в широком черном бешмете, он скорее походил на интеллигентного турка, чем на сарта или таджика.

Я назвал себя. Познакомились.

— Присаживайтесь, присаживайтесь, — каким-то глухим голосом тихо сказал он мне, указывая на стул.

Большая редакционная комната с окнами на улицу, двумя большими письменными столами по середине, вся увешана картами, анатомическими таблицами и картинами с портретами персидской и турецкой царствующих династий. Все турецкого издания. На полу всюду груды готовых к отправке №№ журнала и старые оставшиеся от подписки газеты.

Махмуд Ходжа уселся против и вопросительно уставил на меня своими большими глазами.

— Много слышал о вас, вы едва ли не первый Туркестанский туземный деятель, ваша недавняя пьеса наглядно показала, что вы в достаточной степени обладаете и талантом драматического писателя, — начал я с обычных любезных комплиментов. Теперь, вот приехав в Самарканд, почел своим нравственным долгом увидеть вас и засвидетельствовать вам свое почтение.

По лицу Бегбуди забегали какие-то светлые тени, а глаза стали шире и чище. Он поклонился, приложив руки к сердцу.

С того момента беседа наша из части официальных вопросов перешла в дружескую, душевную. Конечно, больше всего говорил Бегбуди, а я лишь подавал реплики и старался натолкнуть его на интересующия меня темы.

— Дяди мои были арабами, — начал спокойным, утонченным, красивым слогом Бегбуди. — Это было конечно, давно, лет по крайне мере 100-200 тому назад. Теперь в нашем роду ничего не осталось арабского. Учился в наших самарканских мадрасах, в Бухаре, а также жил долгое время в Турции и Египте. Побывал лет 15 тому назад в Мекке, родине св. пророка, да будет над ним благодать Бога. Был долгое время муфтием у народного судьи в ст. Самарканде, теперь это оставил, а только иногда езжу в пригородный кишлак, где правлю дела народного судьи. В Русский Самарканд переехал я с тем, чтобы учить своих детей по-русски. С этой целью купил дом на этой Решетниковской улице. Но с учением мне не повезло. Отдал старшего сына в гимназию, а он на экзаменах получил двойку, пришлось дать в городское училище. Теперь готовлю в гимназию, вот его, — указал он мне на

небольшого мальчика в цветном халатике, удивленно уставившагося на меня подслеповатыми детскими глазенками.

— А что вас натолкнуло на издание газеты и журнала, — прервал я Бегбуди, интересуясь узнать его по этому поводу умовоззрения.

— Как что? — возвысив голос ответил Бегбуди, и в его мутных глазах заблестели какие-то белячки. — Разве мы не русские подданные? Следовательно, как и все подданные культурного государства, должны стремиться к яркому свету просвещения. А самый лучший способ к прочищению пути к свету культуры есть пресса. Вот почему ваш покорный слуга впервые в Самарканде взялся за издание газеты «Самарканда», — уже спокойно закончил он.

— Мои номера газеты несли с собой в нашу мусульманскую темную среду свет образования. Я писал о том, что пора ханских времен, времен рабства и невежества, навсегда миновала. Теперь каждый свободно может заниматься тем, чем он желает, каждый по-своему свободно может молиться Богу. Я писал, что русские не на час покорили нас, а навечно. Посему необходимо изучать русский государственный язык в kraе, без знания которого почти невозможно обойтись. Я говорил что сила не в одежде, а в сущности. Можно носить и европейское платье, но уметь вместе с тем быть настоящим мусульманином, ибо одежда не может изменить сущность верования одевшего ее.

Но муллы и старое поколение, воспитанные по всем традициям ханских времен, фанатично объявили меня, за мое стремление пробудить инертную туземную массу к свету, руссофилом, неверным, стремящимся подорвать основы шариата и святой старины, по которым жили их деды и прадеды. За малым числом подписчиков газету через год её существования пришлось закрыть.

Через несколько времени начал издавать еженедельный журнал «Ойна» с иллюстрациями. Сущность взглядов журнала аналогична с прекратившейся газетой «Самарканда». Но путь к свету я здесь избрал другой. И из обличительной тактики перешел на сатирически — юмористическую, думая, что злым смехом можно больше пробрать, чем бранью и громкими словами проповеди.

Но и этот журнал также не пошел. В прошлом году я насчитывал до 300 подписчиков, а к началу второго года издания их осталось только 200.

Да и то больше всего подписчиков дает Фергана (больше ста), наша Самаркандская область около 50. Таким образом, мне приходится терпеть на первых порах лишь одни убытки.

– Почему вы малое место посвящаете войне? - снова прервал я Бегбуди. – В последнем номере журнала 2-года издания вы посвятили ей лишь несколько сухих слов. А, кажется, тема очень благородная в настоящее военное время.

– Видите ли, – замявшись несколько ответил Бегбуди. «Время тревожное и писать приходится с большою осторожностью. Тем более, что я не знаю русского языка и, следовательно, мне приходится довольствоваться сведениями из туземных газет. Из-за экономии, а также за отсутствием подходящих сотрудников в журнале я сотрудничаю исключительно один.

Главным образом, в последней своей статье в недавнем выпуске журнала я советовал населению сохранить то прежнее спокойствие, которое оно имеет с начала европейской войны. А главное не слушать глупых слухов, исходящих от владетелей нашего народного невежества и тьмы – ишанов, имамов, мулл и всех к ним приенных. Ибо безусловно глупо и опрометчиво повторять историю андижанского глупца-ишана⁷⁴. Тем более, что ни в одной стране мусульмане не пользуются такими привилегиями и так хорошо не живут, как в России. Отсюда понятны те восторженные порывы патриотического энтузиазма сознательных мусульман – татар Средней России и Кавказа, еще теснее сплотившие воедино инородцев с коренной Россиею.

На недавнем параде 21 октября в Самарканде, на площади в своей речи к г. губернатору я, между прочим, высказал пожелание, чтобы скорее туземцев Туркестана брали в солдаты.

Этим туземцы воочию доказали бы свою патриотическую готовность сложить свои головы за честь своего великого русского государя. Отбывание же воинской повинности туземцами скорее бы пробило брешь в косность и темноту туземной массы Туркестана.

⁷⁴ Бу Гр. Андреевнинг жумласидир.

О причине войны России с Турцией я лишь упомянул, что в этом, главным образом, виновата Германия, заставившая слабую Турцию идти по дороге своего личного разрушения.

— Видите ли, мне самому прекрасно известны все эти закулисные причины. Еще во время объявления европейской войны я путешествовал настоящим летом по Турции, был в Иерусалиме, я видел, что кучка немецких офицеров захватила в свои руки верховную власть и сильно потянуло Турцию по пути своих желаний и вожделений. И Турция, потеряв свою самобытность, очутилась, боясь быть раздавленной, между двумя буферами встертившихся поездов... Как же об этом писать темному народу? Не поверят, да и слухов нежелательных много будет. Лучше совсем не писать об этом.

— Как, по вашему, будет ли рационально для сведения туземного народа об известиях с театра военных действий еженедельно надавать на туземном языке летучки и бесплатно раздавать их среди грамотных туземцев, — спросил я Бегбуди.

— Безусловно это хорошая мера для искоренения пустых слухов и верное средство для правильного оповещания туземной массы о происходящей войне. Но кто-же это предпримет? Для этого нужны деньги и знающие люди.

Мы еще долго беседовали. На прощании Бегбуди дал мне один томик начальной географии на персидском языке для новометодных школ Туркестана.

— Не расходятся, — с сокрушением указал он на целую груду связанных книг. — Издал 1000 экземпляров, а разошлась в течении 10 лет не более половины. Только раздаю на память почетным лицам, посетившим меня. Легче, кажется, нам Заравшан вычерпать ложками, чем просветить светом европейского учения наш дикий край, — тяжело вздохнул он, подавая еще на память свою пьесу «Падар-Куш» и изданную книжку Фитрата («Индийского путешественника из Бухары как она есть») в переводе А. Кондратьева.

Мы молча расстались...

«Туркестанские ведомости»
17(30) сентября 1915 г., №205

МАХМУДХОДЖА БЕГБУДИ

(к 3-х летию трагической кончины)

Бегбуди родился в Самарканде в 1873 году в семье муфтия. На 27 году своей жизни, после паломничества в Мекку, так же стал муфтием, но вскоре отправился в путешествие в Казань и Уфу, где посетил видных татарских ученых и публицистов, оказавших на него огромное благотворное влияние. По возвращении домой Бегбуди посвятил себя публицистической работе в прогрессивной печати.

Ряд статей его в изданиях туркестанских и оренбургских, и казанских вскоре завоевал ему заслуженную популярность пламенного борца за духовное и политическое раскрепощение его родного народа. Одновременно с этим Бегбуди предпринял издание учебников для узбекских школ по литературе, арифметике, географии, истории в его обработке и много работал по вопросам религии, много трудов которые не напечатаны еще до сих пор.

Известен Бегбуди как драматург. Пьеса его «Отцеубийца» пользуется популярностью среди мусульман. Издавал газету «Самарканд», вскоре прекратившую свое существование за недостатком средств, и в 1912-1913 г.г. совместно со своими друзьями издавал также популярный прогрессивный журнал «Айна» («Зеркало»), который на 45 номере постигла участье его газеты.

В 1914 году путешествовал по Турции и Египту, и привез с собой много ценной литературы и учебных пособий для библиотек и школ Самарканда.

В 1919 году, направляясь из Самарканда в Баку, Бегбуди с двумя своими друзьями остановилась в Бухаре, где он был весьма популярен и имел много друзей среди бухарских революционеров, арестован эмирскими жандармами в Шахрисябзе... После двухмесячных пыток были доставлены в г. Карши, где Тагайбек подверг его нечеловеческим истязаниям. Свирепый Тагай и его придворные обвиняли Бегбуди в поддержке революционных элементов Бухары и приговорили его и друзей к смерти. Истерзанных и полуживых, их заставили вырыть себе могилы, у которых им отрубили головы и тут же зарыли.

За несколько дней до смерти Бегбуди перед сочувствовавшими ему бекских придворных, передал своим друзьям на воле прощальное письмо, в котором завещал им жить в дружбе и не покладывая рук работать над просвещением широких масс узбекского народа.

«Мы знаем о своей участии и стойко ждём конца, гордые сознанием, что за свою жизнь сделали, что смогли для нашего бедного народа. Лучшей местью за нашу смерть будет свержение деспотического режима и освобождение обездоленных бухарских узбеков».

«Лучшим памятником нам будет возможно большое число школ и не устанная работа на благо и просвещения народа».

Лиць после свержения революцией бухарского тирана Алимхана стало известно о трагической судьбе Бегбуди и его друзей.

Имя страдальца – поэта Бегбуди глубоко чтит весь мусульманский Восток, 20 лет прислушивавшийся к его честному голосу, звавшему все живое и гордое своим сознанием человеческого достоинства на борьбу за свободную жизнь, свет и знание. (ТуркТА)

**«Известия ЦИК Туркестана»,
31 марта 1922 г. №70**

М.Ф.⁷⁵

МАХМУД ХОДЖА БЕГБУДИ

Махмуд Ходжа Бегбуди. 25 марта 1922 года исполнилось 3 года со дня трагической кончины первого узбекского драматурга, поэта-публициста и одного виднейших прогрессистов своего времени Махмуд Ходжа Бегбуди.

Махмуд Ходжа Бегбуди родился в 73 г. прошлого столетия в Самарканде, в бедной семье имама (священника) и кари (преподаватель Корана наизусть), пользовавшегося уважением за сердечное и отдельное отношение к бедному люду.

⁷⁵ Тахаллусни аниқлаб бўлмади.

По окончании медресе, на 20 г. Бегбуди женился, появились дети, семья терпела материальную нужду, так как скучного заработка письмоводителя кази (народный судья) в Кабутской волости Самаркандинского уезда, должность которого занимал будущий публицист-народник Бегбуди, едва хватало на неголодное существование.

В то же время молодой Бегбуди усиленно изучал шариат и вскоре благодаря практике у кази, стал заниматься частной адвокатурой (муфтий), в короткое время завоевал симпатии как своих немногочисленных сначала клиентов, так и населения, сразу отметивших в молодом муфтие любовь к бедному народу и посильную службу ему в отставании баев и манапов.

С 1905 года, когда волна Первой русской революции эхом отдалась и по закабеленному самодержавием Туркестану, Бегбуди вступил на поприще просвещения узбекского народа.

Один без средств, Бегбуди переводит, обрабатывает и издаёт для узбекской школы азбуку, первоначальный учебник, катехизис по Закону Божию, географию и историю. Между прочим, Бегбуди издает и первую географическую карту Туркестана и сопредельных с ним стран на узбекском языке. Появление впервые учебника по географии на узбекском языке создало шум вокруг имени Махмуд Ходжа Бегбуди. В то время, когда молодежь, тронутая жаждой знания и просвещения, с усердием засела за изучение географии, старики, духовенство и реакционно-клерикальные элементы усмотрели в появлении нового учебника ересь, богоотступничество, и отношение к автору стало явно отрицательным, но весь отдавшийся пропаганде и просвещению работе, Бегбуди путем пропаганды среди друзей и молодежи, все больше расширял круг учащихся Самарканда, и популярность его, как прогрессиста и просветителя неизменно упрочивалась и стала известна далеко за его родным Самарканом.

В 1907 г. Бегбуди совершил первую поездку в Россию; побывал в Петербурге, Казани, Уфе, где познакомился с видными, имевшими на него огромное влияние, и по возвращении домой, весь отдался публицистической работе.

В Оренбургских, казанских и уфимских газетах и журналах появились его статьи, посвященные культурно-просветительной

работе среди широких масс узбекского народа, школе и ее задачам, выявившие его недюжинные способности. Одновременно Бегбуди сотрудничал и в выходившей в то время в Ташкенте официозной газете Остроумова.

Журнальная и газетная работа вскоре создали Бегбуди заслуженное имя борца за духовное и политическое раскрепощение его родного народа.

В 1908 г. Бегбуди открыл в г. Самарканде первую в Туркестане бесплатную библиотеку-читальню для узбеков, для которой он выписывал и собирал книги, газеты, журналы, учебные пособия и прочие. Библиотека эта, теперь носящая имя основателя, является самой большой в республике на узбекском языке по обилию ценных в ней книг и библиографическим богатством.

Махмуд Ходжа Бегбуди является вместе с тем основателем узбекского театра. В 1911 г. появилась первая его пьеса на узбекском языке с персидским заглавием «Падаркуш» («Отцеубийца» – по узбекский «Отасини улдирган») в 3х д(ействиях) и 4х к(артинах).

Пьеса была принята сочувственно мусульманской прессой и интеллигенцией, как первое драматическое произведение на узбекском языке; но света... ей долго не удавалось увидеть: в те недалекие времена театральное зрелище посчиталось антирелигиозным поступком; ненаходились и актеры для постановки драмы и впервые она была поставлена лишь в 1913 г.

В этом же году, при поддержке тесного круга единомышленников-друзей, Бегбуди удается осуществить свою заветную мечту – издать газету на родном узбекском языке. Несколько №№ газеты вышло на персидском языке, большими познаниями, которыми Бегбуди обладал, а также и с русским приложением. Хотя газета пользовалось большим авторитетом в интеллигентско-прогрессивных кругах, ресурсы ее были крайне скучны и на 45 № она прекратилась. Вскоре, однако, Бегбуди основывает популярно-научный и литературный журнал «Айна» («Зеркало»). Журнал этот продержался до 1915 г., но за отсутствием средств также закрылся.

Перу Бегбуди принадлежат еще одна пьеса, ненапечатанная, еще большой труд по наследственному праву (по шариату), обнимающий 200 печатных страниц, законченный им за полгода

до смерти, также неизданный. Имеется готовый к печати учебник астрономии, составленный Бегбуди по персидским и турецким авторам, много статей по женскому вопросу, от печатания которых он в свое время воздерживался, хотя в беседах и на собраниях всегда выступал ярым врагом закалебания мусульманской женщины и фанатически – деспотического семейного и бытового уклада, в котором держат ее.

Не чужд был Бегбуди и политической борьбе. Убежденный народник – прогрессист, он являлся вождем Туркестанской прогрессивной интеллигенции. Редкий съезд или собрание обходились без активного руководства Бегбуди. После февральского переворота Бегбуди много работал над объединением всех прочих сил мусульман и допускал даже блок с улемистами, ярыми противниками которых он всегда был, с октябрьской революцией Бегбуди не колебаясь переходил на сторону советской власти, продолжая работу над объединением вокруг последних всех идеинных сил его родного народа. В пресловутом Кокандском правительстве, куда Бегбуди вошел по настоянию своих друзей, он был непримиримым противником националистов и работал в пользу коалиции с большевиками. Но вскоре он отошел от политики и ко времени ликвидации «автономной республики» Бегбуди в рядах ее деятелей уже не было.

В январе 1919 г., по дороге из Самарканда в Баку, Бегбуди со своими друзьями Марданкулы Шахмухаммадовым и Мухамедкул Урунбаевым остановились в Бухаре, где он имел много друзей среди бухарских революционеров.

Проведавшие о пребывании Бегбуди с друзьями эмирские агенты арестовали всех троих в Шахри Сабзи. Через 2 месяца узников перевезли в г. Карши, где бек Тагай подверг их не человеческим пыткам и мучениям. Но кротость Бегбуди и его друзей и их пропаганда тронули даже бекских палачей – придворных, один из которых, Ахмет, решился просить помилование для обреченных, за что также был брошен в подземелье, жестоко избит и проговорен к казни.

25 марта, полуживого, истерженного Бегбуди и его друзей заставили вырыть себе могилы, у которых им отрубили головы и тут же за несколько дней до своей трагической кончины Бегбу-

ди, через Ахмета и его сослуживцев-придворных, передал своим друзьям на воле письмо, в котором пишет об ожидающей его и друзей участи и завещает им жить в дружбе и не прекращать борьбу за духовное и политическое раскрепощение трудящихся масс узбекского народа.

— Мы знаем о своей участии и спокойно ждем конца, гордые сознанием, что за свою жизнь сделали, смогли сделать для нашего бедного народа. Нас обвиняют в том, что мы безбожники, революционеры и ... шпионы большевиков. В первых двух обвинениях мы, конечно, сознались, в третьем же — нет. Ибо это ложь. Мы только прибавили, что день свержения деспотического эмира близок, и эта вера в торжество высшей справедливости и победы над всеми угнетателями трудового народа даёт нам силы сносить наши физические страдания; и если наши жизни нужны, как жертвы за свободу и счастье народа, мы с радостью примем и смерть.

Лучшей местью за нашу смерть будет скорейшее свержение деспотического эмира и освобождение обездоленных узбеков.

Лучшим памятником нам будет возможно большое количество хороших школ и неустанная работа на просвещение и благо народа».

Лишь после свержения революцией бухарского тирана Алимхана, стало известно о трагической судьбе Бегбуди.

Друзья Бегбуди собирают и приводят в порядок все оставшиеся после него литературное наследство, которое будет издано отдельными сочинениями (астрономия, наследственное право, статьи по женскому вопросу и др., а также сборники его статей по народному просвещению и проч.)

По инициативе закончившегося недавно 2-го Всестуркестанского съезда по просвещению узбеков, Тахтапульская улица Сибзарской части названа именем Бегбуди. Кроме того, старейшая в Старом городе Ташкента женская узбекская школа «Рахимия» также названа именем незабвенного Махмуд Ходжа Бегбуди.

«Наука и просвещение». 1922 г. август-сентябрь. № 1

Бу қиши оқшомлари эртаю кеч, кундузлари таҳрирот ила утрашмоқда ҳам рамазони шарифдан бир «Амалиёти исломия» унвонинда «Мухтасар илми ҳол» рисоласи, бирда «Мухтасар жуғрофия», яна «Мухтасар тарихи исломия» ва ҳам илмий ва фаний мажмua – ҳама ўзбаки рисолалар таҳрир этиб, баъзи матбаа котибиға тавфиз этдим. Бу рисолалар мактаблар учун тартиб топилур.

Буларни тартибидан ҳусулим олинган сўнгра жарида ва маҷаллаларни кўздин кечураман. Ўғлим Масъудхўжа ҳузуримга бўлса, они форсий, туркий, русий ва фаний дарсларини мутолаа қилурмиз. Оҳ, мундан-да табиат истикроҳ этар, «Муфассал илми ҳайъат, илми аҳвол ул-жў» ном форсий китобларимни таҳрир ва истеъмолига кўшиш қилурман. Уфф, бир замон заиф ва касал кўзим бус-бутун мандан безор бўлуб, истаюрга оромгоҳ беоромидан фариллаб ерми-да бўлсун, лекин қодир бўлмаюр.

Бу ора кўз ила мия, димог орасида, дигар тарафдан таҳрир ва таъмақ бобиндаги иқтизо ва қаҳолат табиатим қуввалари орасинда бир садит ва кашмакаш ҳис этиб, лол қолурам. Лол ва ҳайрон қолурам-да яна живоримдаги мутанавви китобларима яна илтижо этарман. Бошқа фан ё усул ё илмга муштамал бир китобра қўл узатурман. Олиб мутолаа этарман, дея аъзо ва азобим кашмакашпидан бир замон бехабар қолурман. Сўнгра безор бўлуб, бозорға мутаважжиҳан ҳануз пеш тафаккурда ҳуш ва фикр, у китоблар мундарижотига асирудур.

Ҳол бўйла экан, бир ошно, бир таниш муллоқи ўлур. Сўйламоқға тоқат йўқ, табиат монда ёхуд ишда жабри нафсқа қувватда йўқ. У шахс муҳтарамга муносиб суратда тамлиқ таъзим этмак қўлдан келмайдур ва ноқис бир суратда адо қилинур. Лоилож бечора мусофиришимиз у бадфеъл мутакаббир, каж халқ демоқдан ўзини сахлая билмаз. Эй на қилайнин, вусъат ва тоқатдан ортуқча ишланилмас. Агарда тоқатим бўлса эди, у маҳбуб китоблар

⁷⁶ Ушбу дебоча «Оқ елшигичлик чинли хотун» таржимасига киришсўз сифатида эълон қилинган. Ўқувчиларнинг эътиборини чалритмаслик учун иловага олинди.

ёнидан айрилмас эдим, на китобларға бизимча азл илаabd орасындаги вүқуоти мозия ва ониядан хабар берар. Ҳар нафас санга бир шай билдурапар, ҳалқни азаматидан (фаззан алайхияни вусъат ло яътиносидин ва у авзони ...) ва маоя маҳлуқоти Худонинг талотуми такомили таҳрик ва танвуъидан, тарихидан, таваллуд, таназзул ва тараққийисидан аслиға ружуъидан, хулоса, ҳар шайидан.

Ана оламлар ила томоша дунёлар ила баҳт ва ҳайрат (Субҳоноллоҳ, сумма Субҳоноллоҳ). Бу сабоҳ наҳори мутолаанинг вақт хотимаси етди. Нафсимға дедим: «Кўчага чиқма-да, инжима ва инжима». Бу карра табиатим фавқулода суратда манга байъат этди. Такрор қўлумни китобларға узотдим, бу яқинларға келмагани келди. Очдим, шу зердаги ҳикоя чиқдики, хейли сана муқаддам кўздан ўткариб эдим. Бу карра қаламдан ўткариб, муҳтарам қориларға ҳадя этдим.

Ўзун қаро ва совуқ қиши оҳшомлари ва тароватсиз кунилар эмасми, меба оташин канорида, гулхан норин живоринда шоядки ўқиорсиз. Хайр, ҳикоя заминини, мавзуини хоҳламадингизми ёки тарзи ифода ва таркиб жумлалари ҳушингизга ёқмадими, йўқ, истамасалар, ўқимасунлар, ҳикоя будур.

*Маҳмудхўјса бин Беҳбудхўјса
ТВГ., 1909 йил 5 феврал, №10*

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ҲАЁТИ САНАЛАРИ ВА АСАРЛАРИ

1874 йил 30 январь (1291 йил 10 зулқижжа) ойида Самарқанд шаҳар, Ёминий маҳалласида Султонхўжа мутахаллис Беҳбудхўжа Ниёзхўжа ўғли оиласида дунёга келди.

1894 йил январь ойида отаси Беҳбудхўжа хатиб дунёдан кўз юмди.

1880 – 1885 йилларда кичик тогаси Мулла Одилдан араб тили нахв-сарфини ўқиб-ўрганди.

1891 йилдан бошлаб қози Мулла Одил Яхшибой ўғлиниг қўлида (қозихонада) мірзо бўлиб ишлай бошлади ва мадрасада иккинчи тогаси Мулла Сиддикдан таҳсил кўрди.

1896 йилдан бошлаб Татаристон, Қrim, Арабистон, Ҳиндистон каби мамлакатларда нашр этилган газета ва журналларни ўқишига киришиди.

1898 – 1899 йилларда тўнгич фарзандининг вафоти туфайли пайдо бўлган ғаним унугтиш учун бухоролик дўсти Ҳожи Баҳо билан ҳаж сафарига киришади ва шу вазифани адо этиб келади. Айни пайтда Миср ва Туркия мамлакатларида мактаб ва маориф тизими ҳамда даврий нашрлар билан танишади.

1900 йилгача Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олади.

1903 йилдан эътиборан «Туркистон вилоятининг газети»да мақола ва таржималари билан иштирок эта бошлайди.

1903 – 1904 йилларда Москва ва Петербург шаҳарларига саёҳат қиласди.

1903 – 1905 йилларда «Бир вафодор заифа ҳусусида», «Оқ елшигичли хоним» ҳикояларини ўзбекчага табдил қилиб, ўзбек ўқувчисини илк бор франпуз адабиёти намуналари билан таништиради.

1905 йил 23 августда Россия мусулмонлари I съездидаги делегат.

1906 йил декабрдан бошлаб «Таржимон», «Улфат», «Вақт» газеталарида мақолалари билан иштирок эта бошлиайди.

1906 йилда Ражабамин қишлоғида А.Шакурий ташкил этган усули жадид мактабини ўз ҳовлисига расман кўчириб келади ва шу мактаб учун программалар тайёрлаб, дарсликлар ёзади.

1907 йилда Туркистанда диний ва ички ишларни шаръий йўл билан ҳал қилиш учун «Идораи руҳония ва дохилия» ташкилотини очиш ва Туркистан халқлари манфаатини ҳимоя қилувчи сиёсий ислоҳот лойиҳасини Россия Давлат Думаси мусулмон фракциясига топширади.

Шу йили империя тафтишчиси граф К.К.Пален билан учрашиб сұхбатлашади.

1907 йилда Оренбург, Москва, Петербург, Нижний Новгород ва Қозонга саёҳат қиласди.

1908 йилда Самарқандда «Беҳбудия» номидаги кутубхона ва қироатхона очилади. М.Беҳбудий кутубхона раёсатининг раиси, Н.Назридинов ўринбосари этиб сайланадилар.

1908 йилда Кобуд волостида қози лавозимига сайланади.

1908 йилда Туркистонга келган Исмоилбек Гаспринский ва Абдурапид Иброҳимов билан учрашиб, сұхбатлашади ва дўстлашади. Шу йили Россия Давлат Думаси аъзоси Садри Мақсадий билан Самарқандда учрашади.

1910 – 1912 йилларда «Шўро» журналида асарлари чоп этилади.

1911 йилда илк ўзбек ёзма пьесаси «Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли» драмасини ёзади.

1912 йилда Истанбулда «Шоҳинпошо» ўтелида И.Гаспринский билан 7 соат сұхбатлашади.

1913 йил октябрь, декабрь ойларида Тошкентда «Падаркуш» драмаси А.Авлоний, У.Хўжаев томонидан саҳналаштирилади.

1913 йил «Самарқанд» газетасини нашр этади ва муҳаррирлик вазифасини бажаради.

1913 йил 20 августдан эътиборан М.Беҳбудий «Ойина» журналининг ношири, муассиси ва муҳаррири.

1913 йил. «Падаркуш» драмаси «Матбуот ишлари Тифлис цензурасининг Кавказ ўлкалари саҳналарида қўйинш мумкин» деган 1913 йил 23 март, №19940 сонли ружсатига мувофиқ шу йили Самарқандда Газаров ва Слиянов матбаасида чоп этилади.

1913 йили «Беҳбудия» нашриётини ташкил этади.

1914 йил январда Самарқандда ва 1914 йил 27 февралда Тошкентда «Падаркуш» драмаси илк бор профессионал режиссёр А.Аскаров томонидан саҳнага қўйилди ва «Турон» труппаси ўзининг биригчи мавсумини бошлади.

1914 йил 29 майда сафарга чиқади; сафар давомида Байрамали – Ашхабод – Красноводск – Одесса – Истанбул, Адирна – Истанбул – Қуддус, Байрут – Ёфа – Хебрун – Порт Said – Шом – Қоҳира – Макка – Миср – Истанбул – Европа – Одесса орқали ҳаж сафарини адо этиб келади.

1915 йилда «Ойина» журнали иқтисодий танглик туфайли ёпилади.

1916 йилда Кобуд волости қозихонасида муфти вазифасида ишлайди.

1917 йилда А.Шомансур, М.Ўринбоев, М.Шоҳмуҳамедов, С.Ажзий ва бошқалар билан бирга «Зарафшон» ширкатини очади.

1917 йилда номлари зикр этилган шахслар ва Абдурауф Фитрат билан бергә «Хуррият» газетасини ташкил этади.

1917 йил – М.Беҳбудий «Нашри маориф» жамиияти муассиси. Самарқанд шаҳар очларга ёрдам кўрсатиш қўмитаси аъзоси.

1917 йил апрел – «Шўрои ислом» жамиияти аъзоси.

1917 йил ноябрь-декабрь. М. Беҳбудий Қўқонда очилган Туркистон мусулмонлари IV съездиде президиуми аъзоси, «Турк адам марказият» партияси аъзоси ва программаси муаллифларидан бири.

1917 йил декабрь. Туркистон Мухториятининг норасмий нозири.

1918 йил. Тошкентда Туркистон Миллатлар комиссияси аъзоси.

1918 – 1919 йил. Туркистон «Миллий иттиҳод» махфий ташкилоти президиуми аъзоси.

1918 йил. Самарқанд шаҳар халқ маориф комиссари. Самарқанд шаҳар Ижроия қўмитасининг иккинчи раиси.

1919 йил март ойида М.Беҳбудий икки нафар шериги билан Истанбул ва ундан Парижга бориши учун ўйлга чиқади. 1919 йил март ойининг 25 куни Шаҳрисабз шаҳрида шўро агентлари иштирокида Қарши беги навкарлари томонидан қўлга олинади.

1919 йил таҳминан июль ойларида Бухоро амири Олимхон розилиги ва амирлик қозилари фатвоси билан ўлим жазосига ҳукм қилинади. Ҳукм Қарши беги Тогайбек ва унинг ходимларидан Нуриддин оғалиқ иштирокида ижро этилади.

1923 йилда Беҳбудий шаҳодатининг 5 йиллигини нишонлаш муносабати билан Тошкентдаги Тахтапул маҳалласига ва Раҳимия қизлар макtabига Беҳбудий номи берилди.

1929 йилда Қарши шаҳрига Беҳбудий номи берилади.

1936 йилдан бошлаб Маҳмудхўжа Беҳбудий номи совет матбуотида миллатчи сифатида тилга олинади, асарлари йигишишиб олиниб, ҳаёти ва ижодини ўрганиш тақиқланади.

1989 йилдан бошлаб Маҳмудхўжа Беҳбудий номи тикланиб, асарлари қайта чоп этила бошланди.

М. БЕҲБУДИЙНИНГ УШБУ НАПРДАН ЎРИН ОЛМАГАН АСАРЛАРИ

Дарсликлар

1. «Рисолаи жуғрофияи умроний», 1905.
2. «Рисолаи жуғрофияи Русий», 1905.
3. «Рисолаи асбоби савод алифбои мактаби исломия», 1906.
4. «Мадхали жуғрофияи умроний», 1907.
5. «Мухтасари жуғрофияи Русий», 1907.
6. «Мунтаҳаби ба хабари иҳёи умумий», 1907.
7. «Тафаккур ул-атфол» (ҳикоят ва ахлоқ рисоласи), 1908.
8. «Китобат ул-атфол», 1908.
9. «Амалиёти ислом», 1908.
10. «Китоби мунтаҳаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофия», 1908.
11. «Тарихи ислом», 1909.
12. «Татбиқоти диния ва фанния», 1908.
13. «Алифбои мактаби исломия» (форсча), 1908.

БОСИЛМАГАН ИЛМИЙ АСАРЛАРИ

14. Мерос ҳуқуқи (200 саҳифа).
15. «Аёллар масаласи».
16. «Илми ҳайъат».

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ АСАРЛАРИДА ЗИКР ЭТИЛГАН ТАРИХИЙ ШАХСЛАР

A

Аббос (Аббос Абдулбаҳо) – XIX аср охири ва XX асрдаги бобий мазҳабининг етакчиси.

Аббос (Аббос ас-Саффоҳ) – биринчى аббосий халифа.

Абдураҳмон (Абдураҳмон Марвазий) – мусулмон тиб олими.

Абул Аббос (Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний (797 – 865) – математик, физик олими.

Абул Аббос (Абул Аббос Шиҳобиддин) – VIII аср ҳижрийда яшаган олим.

Абу Али (Абу Али ибн Сино (980 – 1037) – файласуф, табиб, астроном ва шоир.

Абу Жаъфар – Абу Жаъфар Хоразмий (ўрта аср) юонон тилини билган географ олим.

Абу Ҳомид (Абу Ҳомид ал-Ғаззолий, 1058 – 1122) – мутасаввиф олим, «Иҳёи улум ад-дин» муаллифи.

Абул Фарож (Абул Фарож Бар Эбрей Бағдодий, 1226 – 1286) хулагулар саройида яшаган табиб, астроном, адиб.

Абдо (Шайх Муҳаммад Абдуҳ, 1848 – 1905) – Миср муфтийси, ислоҳотчи.

Абдуллабек (Мулло Абдуллабек) – XX аср биринчى ярмида яшаган фарғоналик журналист.

Абдулҳайхўжа – Беҳбудий замондоши бўлган самарқандлик қози.

Абдураҳмон (Абдураҳмон Хоразмий) – IX аср ҳижрийда яшаган буюк ҳаттот.

Абдурашидхонов (Мунаввар қори Абдурашидхонов, 1878 – 1931) – Туркистон тараққийпарварлик ҳаракати бошлиқларидан, ношир, педагог, янги усулдаги мактаб асосчиларидан бири, «Миллий иттиҳод» ташкилоти раиси, талайгини дарсликлар муаллифи.

Абдулҳақ (Абдулҳақ Ҳомид, 1852 – 1937) – туркиялийк шоир ва драматург.

Абусаидов (Қози Ҳайдарбек Абусаидов, 1875 – 1937) – жамоат арбоби, «Миллий иттиҳод» ташкилоти Самарқанд бўлими бошлиғи, қози, тараққийпарвар зиёли.

Адриан (Рим императори, э.а. 76 – 138) – Туркиядаги Адирна шаҳри асосчиси.

- Адҳам** (Султон Иброҳим бин Адҳам) – мутасаввиф шоир.
Азрақиј (Ҳаким Азрақиј Марвий) – ўрта аср тиб олими.
Айюбий (Султон Салоҳиддин Айюбий, 1169) – Сурия ҳукмдори, «Салб юриши»ни тор-мор этган султон.
Айний (Садриддин Саидмурод ўғли, 1878 – 1954) – тожик адабиёти намояндаси.
Аёз (Ибн Аёз) – Султон Маҳмуд Газнавий давлат маслаҳатчиси.
Ажзий (Сайийд Аҳмад Сиддиқиј, 1864 – 1927) – шоир ва таржимон.
Акрам (Ризоизода Маҳмуд, 1847 – 1914) – туркияллик ёзувчи ва таржимон.
Али Қушчи (Мавлоно Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчи, 1403 – 1474) – Мирзо Улугбек шогирди ва издоши, буюк мунахжим ва математик.
Ализода (Сайийд Ризо Ализода, 1887 – 1945) – «Ойина» журнали мувакқат мұҳаррири, журналист.
Амир ирий (Амир Умархон ибн Норбўтакон) – XVIII асрда яшаган хон ва шоир.
Амир Музаффар (Амир Музаффар мангитлар сулоласи вакили, 1821 – 1885) – Бухоро амири.
Амир Абдулаҳад (Амир Абдулаҳад ибн Музаффар, 1859 – 1910) Бухоро амири, «Ожиз» тахаллусли шоир.
Амир Олимхон ибн Абдулаҳад (1880 – 1944) – сүнгти Бухоро амири.
Анвар (Анвар пошо, 1881 – 1922) – «Ёш турклар» ҳаракати намояндаси, жасоратли саркарда.
Арабий (Шайх Муҳиддин Арабий, 1165 – 1240) – мутасаввиф араб олими.
Аристотель (э.а. 384 – 322) – Юонон файласуфи, «Сиёсат», «Риторика», «Метафизика», «Поэтика» асарлари муаллифи.
Аттор (Фаридиддин Аттор, 1145 – 1221) – форс мутасаввиф шоири.
Афоний (Жамолиддин Афоний, 1839 – 1905) – афғонистонлик ислоҳотчи, таждидчи уламо. Унинг диний ислоҳотчилик ва мустамлакачиликка қарши қарашлари бутун ислом оламига ёйилган.

Б

- Бакрий** (Абу Убайд ал-Бакрий) – ўрта аср мусулмон олими.
Балхий (Абу машъар Балхий) – ўрта аср мусулмон олими.
Балхий (Абу Язид Балхий) – ўрта аср мусулмон олими.
Барқуқ (Малик Зоҳир Сафиддин Барқуқ, 1382 – 1390) – Миср ҳукмдори.
Батута (Абу Абдулло ибн Батута, 1304 – 1377) – араб сайёхи ва географи.
Баҳодир (Абдулкарим Ялангтӯш Баҳодир) – XVI аср Самарқанд волийси, «Шердор» мадрасаси муассиси.
Баҳодирхон (Абулғози Баҳодирхон, 1644 – 1664) – Хоразм хони, табиб, «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» асарлари муаллифи.

Баҳоуддин (Баҳоуддин Мұхаммад бин Бурҳониддин Мұхаммад ал-Бухорий, 1318 – 1389) – нақшбандия тариқати асосчиси.

Бахшиллахон (Иноятуллахон Баҳшуллахон ўғли, 1898 – 1937) – «Ёш бухоролилар» ҳаракати аъзоси.

Бегиев (Мусо Жоруллоҳ Бегиев, 1875 – 1949) – исломшунос олим, «Узун кунларда рўза», «Ислом асослари», «Ислоҳот» асарлари муаллифи, Ҳофиз Шерозийнинг «Девон» ва Абул Ало ал-Мааррийнинг «Ал-Лузумиёт» асари таржимони.

Бедил (Мирзо Абдулқодир Бедил, 1644 – 1721) – Ҳиндистонда яшаган мутасаввиф шоир.

Беринг (Витус Ионассон, 1681 – 1741) – денгизчи, Осиё ва Америка қитъаларини боғловчи бўғоз кашфиётчisi. Шу боис бўғоз унинг номи билан аталган.

Беруний (Абу Райҳон Мұхаммад ибн Аҳмад ал-Беруний, 973 – 1053) – астроном, математик, фармаколог, ҳиндшунос олим.

Беҳбудхўжа (Султонхўжа Ниёзхўжа қори ўғлининг таҳаллуси, 1894 йилда вафот этган) – қори, имом хатиб, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг отаси.

Бобур (Захирiddин Мұхаммад Бобур, 1483 – 1530) – атоқли давлат арбоби, буюк шоир, Ҳиндистондаги «Бобурийлар империяси» асосчиси.

Боязид (Боязид Бистомий, 874) – мутасаввиф олим.

Боязид (Йилдирим Боязид, 1389 – 1402) – турк сultonни.

Бухорий (Мұхаммад Ҷағманий Бухорий) – ислом олими.

Бухорий (Ҳожи Мирзо ал-Бақо Бухорий) – XX аср бошида Суриядага яшаган асли бухоролик тужжор. М.Беҳбудий билан 1914 йилда учрашган.

Г

Гаспринский И smoилбек (1851 – 1914) – «Таржимон» газетаси носири ва мұҳаррири, Россия мусулмонлари ўртасида ёйилган жадидчиллик ҳаракати асosчиларидан, усулии савтия мактаби асосчиси.

Герцфильд (Соломон Герцфильд, вафоти 1918) – самарқандлик савдо-гар, Туркистан Мухторияти молия вазири.

Гескет (И.Д. Гескет, вафоти 1907) – Самарқанд ҳарбий губернатори.

Д

Давлатшоев Баҳромбек (1873 – 1933) – Каттақўроннинг Миёнкол шаҳрида туғилган. Бухоронинг сўнгти амири Олимхоннинг таржимони, унвони қоровулбеги; «Миллӣ ашъори Таржимон» шеърлар тўплами, «Шўро», «Вақт», «Туркистан вилоятининг газети» нашрларида чоп этилган талайгина мақолалар муаллифи.

Е

Екатерина I (Петр I нинг хотини, 1684 – 1727).

Екатерина II (Петр III нинг хотини, 1729 – 1796).

Ермак – казак атамани, 1585 йилда Күчумхон томонидан ўлдирилган.

Ё

Ёқут (Ёқут Ҳамавий, 1179 – 1229) – араб сайёхи ва географи.

К

Куропаткин (А.Н. Куропаткин, 1848 – 1923) – Туркистоннинг сўнгги генерал-губернатори.

Л

Лапин (Серали Лапин, 1866 – 1919) – XX аср бошидаги қозоқ жамоат арбоби, таржимон, адвокат, рус-тузем мактаби ўқитувчиси, «Уламо» жамияти аъзоси.

Логофет Д.И. – рус шарқшунос олими.

М

Мақдуний (Александэр Македонский, эр.ав. 356 – 323) – македониялик фотиҳ.

Маъмун (Халифа Абдулла ал-Маъмун бин Хорун ар-Рашид, 813) – машҳур халифа ва олим.

Маржоний Шиҳобиддин (1818 – 1889) – татар диншунос олими ва тарихчиси.

Марҳитий (Абулқосим Марҳитий, 390 ҳижрий) – «Таъдид ал-кавқаб» асари муаллифи.

Масъуд (Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Умар, ? – 1346) – бухоролик риёзатчи олим.

Мардонқул (Шомаҳмуд ўғли Мардонқули, 1881 – 1919) – Беҳбудийнинг сафдоши, «Ҳуррият» газетасининг муҳаррири.

Машраб (Бобораҳим Машраб, 1610 – 1711) – мутасаввиф шоир.

Маҳмуд (Маҳмуд Шавкат) – XX аср бошида яшаган турк сиёсий арбоби.

Маҳмуд (Маҳмуд Тарзий) – афғонистонлик сиёсий арбоб, «Сирож ул-ахбор» газетаси муҳаррири.

Муҳаммад (Муҳаммад бин ал Ҳасан ибн Ҳавқал) – X аср араб сайёхи.

Муҳаммад Абдул Раб Барқ – 1919 – 1920 йилларда фаолият кўрсатган «Ҳинд инқилобчилари жамияти» раиси.

Миллер (Александр Яковлевич Миллер, 1860 – 1940) – Россия империясининг Бухоро амирлигидаги сиёсий агенти.

Мирбадалов (Ҳидоятуллахўжа Мирбадалов, 1849 – ?) ўзбек зиёлиси, кўпроқ Татаристонда яшаган.

Мирза Абдулвоҳид (Мирзо Ҳамдам Мирзо Абдулвоҳид, 1908 – ?) – бу-хоролик педагог.

Можур (Шайх Маҳмуд Али бинни Можур) – мусулмон олими.

Можур (Шайх Маҳмуд Али бинни Можур ўғли Ҳасан) – фикҳ олими.

Музаффарзода (Абдурауф Музаффарзода, ? – 1938) – публицист, маърифатпарвар, «Садои Туркистон» газетаси ходими.

Мұйтасим Бухорий (Шарифжон Мұйтасим Бухорий, 1878 – 1934) – бу-хоролик тараққийшарвар қози.

Муҳаммад (Муҳаммад Асламхон) – Афғонистоннинг 1919 йилда Туркистонга юборган элчиси.

Н

Нажибек Ҳусайн – Самарқандда 1918 йилда саҳналаштирилган «Мазлума хотин» спектакли режиссёри.

Нажибиддин (Нажибиддин Самарқандий) – тиб олими.

Нажифбек Вазиров (1854 – 1926) – озарбайжон драматурги.

Насрулло қўшибеги – Бухоро амирининг бош министри (1918).

Ниёзбек – XX асрдаги машҳур турк қўймондонларидан бири.

Ниёзов (Абдусалом Ниёзов) – самарқандлик журналист, Беҳбудий муҳлиси.

Нобий (Юсуф Нобий, 1640 – 1712) – турк шоири.

Нозим пошо – XX аср бошидаги турк саркардаси.

Ножий (Муаллим Ножий, 1850 – 1893) – шоир. «Адабий истилоҳлар» асари муаллифи.

Носирий Қайтом (1825 – 1902) – татар педагоги ва адаби.

О

Одил (Ҳожи Одил) – Адирнанинг 1914 йилдаги волийси.

Омонуллахон (1892 – 1960) – Афғонистон амири.

Остроумов (Н.П. Остроумов, 1846 – 1930) – рус шарқшуноси, миссионери, «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири, Туркистон маориф инспектори, статс маслаҳатчи.

Охундов Фатҗали (1812 – 1878) – Озарбайжон адиби.
Оқчӯра (Юсуф Оқчӯра, 1891 – 1951) – Россия Давлат Думаси аъзоси, Туркияда яшаб, рус империясига қарши курашган татар сиёсий арбоби.
Оқилий (Мирзоҳид Миробид Оқилий, 1899 – 1931) – қўёнлик маорифходими.

П

Писарев (Д.И.Писарев, 1840 – 1868) – рус адабий танқидчиси.
Платон (эр.ав. 428 – 427) – Афлотун номи билан машҳур юонон файласуфи, «Пир», «Федр», «Тимей», «Сүқротнинг хатоси», «Давлат» асаллари-нинг муаллифи.
Преображенский (М.А.Преображенский, 1890 – ?) – РСФСРнинг Бухоро амирлигидаги комиссияси раиси (1919), большевик.
Поин (Дионис Поин) – европалик кемасоз.

Р

Ризоиддин (Ризоиддин қози бин Фахриддин, 1859 – 1936) – татаристонлик дин арбоби, САДУМ раиси, «Шўро» журнали муҳаррири.
Рожий (Фахриддин Назридинов – Рожий, 1875 – 1937) – самарқандлик шоир ва журналист.
Романов (Петр I, 1672 – 1727) – Россия императори.
Рошид (Хорун ар-Рашид, 809 м.) – аббосий халифа.
Руссо (Жан Жак Руссо, 1712 – 1778) – француз файласуф адиби.
Рушд (Ибн Рушд, 1126 – 1198) – араб файласуфи.

С

Сайид Муҳаммад (Муҳаммад Сайид) – 1913 – 1916 йилларда Туркистон матбуотида фаол қатнашган озарбайжонлик журналист.
Сайид Аҳмад Васлий (1869 – 1925) – шоир.
Сайид (Муҳаммад Сайид Аҳорорий, 1897 – 1931) – шоир, драматург, педагог, «Миллий иттиҳод» ташкилоти аъзоси.
Сайид Карим (Сайдазимбоеv Сайдкарим) – «Тужжор» газетаси (1907 – 1908) ношири.
Салим (Мулло Салим) – Мирзо Улугбек мадрасасининг (1913 – 1914) мударриси.
Самарқандий (Абу Лайс Самарқандий) – «Мухтасар ал-виқоя» китоби муаллифи, «Салоти масъудий» китоби таржимони.

- Самарқандий** (Мулло Абдуллахайхўжа) – XX аср бошларида яшаган қози.
- Самарқандий** (Мулло Абдужалил) – мударрис.
- Самарқандий** (Абдураззоқ Самарқандий) – тарихчи олим.
- Самарқандий** (Хожи Аҳмад) – мударрис, қози.
- Самарқандий** (Бадридин Самарқандий) – ўрта аср шоири.
- Самарқандий** (Шамсиддин) – олим (ҳижрий 600).
- Самарқандий** (Хожи Эшонтурахўжа, ? – 1922) – мударрис, қози.
- Самарқандий** (Гиёсиддин Самарқандий) – олим.
- Самарқандий** (Мулло Муҳаммад Исоҳўжа Ширин ўғли) – қози, «Шўрои Ислом» раиси (1917).
- Саъдий** (Муслиҳиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Мушриф Шерозӣ, 1203 – 1292) – машҳур форс шоири.
- Самъоний** (Абу Саид Самъоний) – ҳижрий 562 санада яшаган, 30 дан ортиқ тарихий асар муаллифи.
- Саноий** (Абдул Маждмаждуд ибн Одам, 1070 – 1150) – шоир.
- Сераҳсий** (Аҳмад бин Табиб Серахсий, 283 ҳ.) – тарих, география, тиб ва мусиқага оид асарлар муаллифи.
- Сироҗиддин Бухорий** (Мирзо Сироҷиддин ибн Ҳожи Мирзо Абдулрауф Ҳаким, 1878 – 1914) – Швеция дорулғунунини туттаган табиб, «Турон», «Бухорои шариф» газеталари мұҳаррири.
- Собит** (Зайд ибн Собит) – пайғамбаримиз саҳобаларидан бири.
- Содиқий** – «Иқбол» газетаси мұҳаррири.
- Солиҳ** (Амир Муҳаммад Солиҳ, 1445 – 1535) – шоир, «Шайбонийнома» муаллифи.
- Сомий** (Шамсиддин Сомий, 1850 – 1904) – драматург, машҳур «Қомус ул-аълом» муаллифи.
- Субҳибек** (Ҳамдуллоҳ Субҳибек Тангриовар, 1885 – 1966) – шифокор, ёзувчи, сиёсатчи, Беҳбудийнинг истанбуллик журналист дўсти.
- Султон** (Султон Мурод I, 726 – 791) – турк султони.
- Султон Мурод II** (1446 – 1451) – турк султони.
- Султон Салим** (870 – 926 ҳ.) – турк султони.
- Султон Сулаймон Қонуний** (900 – 974 ҳ.) – турк султони.
- Сүкрот** (Сократ, эр.ав. 470 – 399) – юонон файласуфи.

Т

- Тавалло** (Тўлаган Ҳўжамёров, 1897 – 1937) – шоир.
- Тевкелев** (Қутлуг Муҳаммад Баҳтгани Тевкелев, (1850 – 1920), Россия Давлат Думаси депутати, мусулмон фракцияси фаолларидан бири.
- Темур** (Соҳибқирон Амир Темур ибн Тарагай Баҳодир, 1336 – 1402) – темурийлар империяси асосччиси.

Тоболин (И.О.Тоболин, 1885 – 1940) – Туркистон совет автоном республикаси ҳукумат ва партия бошлиги.

Тұғчибашев (Алымардон Тұғчибашев) – Россия Давлат II Думаси мусулмон фракцияси аъзоси, озарбайжон сиёсий арбоби.

У

Убайдуллоқ (Абулқосим Убайдуллоқ) – 290 ҳижрийда яшаган олим.

Улугбек (Мирзо Улугбек Мұхаммад ибн Шоҳруҳ, 1394 – 1449) – буюк астроном ва давлат арбоби.

Ф

Фадлон (Иbn Фадлон) – X аср араб сайёхи, тарихчиси.

Фарғоний (Мұхаммад Фарғоний) – ўрта асрларда яшаган олим.

Фарқодов Абдурағим – 1907 – 1914 йилларда Россиянинг Ҳизқоздаги консулхонаси ходими, Афғонистондаги Россия ҳарбий госпитали шифокори, Беҳбудийнинг қадрони.

Фаҳриддин (Хожа Фаҳриддин) – 868 ҳижрийда яшаган араб олими.

Фирдавсий (Абулқосим Фирдавсий Тусий, 940 – 1020) – машҳур форс шоири, «Шоҳнома» муаллифи.

Фитрат (Абдурауф Абдураҳим ўғли, 1886 – 1938) – шоир, драматург, давлат арбоби, олим, таржимон.

Форобий (Абу Наср ибн Мұхаммад Форобий, 870 – 950) – файласуф, музикашунос олим.

Форсий (Салмон Форсий) – саҳоба.

Фузулий (Мұхаммад Сулаймон Фузулий Бағдодий, 1494 – 1556) – машҳур озарбайжон шоири.

Х

Ғиёсиддин Абулфатқ Умар бин Иброҳим Хайём Нишопурий (Умар Хайём, 1048 – 1131) – шоир, математик, астроном.

Халилов (Фұлод Халилов) – самарқандлик Россия Давлат Думаси депутати (1907).

Халдун (Ибн Халдун, 1332 – 1406) – X аср араб сайёхи ва тарихчиси.

Худойбердиев (Хожи Мурод Худойбердиев) – 1920 йылда Беҳбудий ва шерилари ҳақидаги ноаниқ маълумотларни тарқатган қызил аскар ва «Маърифат қурбонлари» пьесаси муаллифи.

Хўжа Аҳрор (Хўжа Аҳрор Убайдуллоҳ бин Носириддин аш-Шоший, 1404 – 1450) – машҳур мутасаввиф олим.

Ч

Чернишевский И.Г. (1822 – 1889) – рус адабий танқидчиси.

Чертов (Игор Чертов) – 1918 – 1919 йиллардаги Россия агентлиги ходими.

Ш

Шакурий (Абдулқодир Шакурий, 1875 – 1937) – Самарқандда усули жадид мактабини ташкил этган муаллим.

Шахтахтинский (Муҳаммад оға Шахтахтинский, 1846 – 1937) – Россия Иккинчи Давлат Думаси аъзоси, профессор.

Шаҳристоний (Ҳожи Абдуллоҳ Шаҳристоний) – ўрта аср мусулмон олими.

Шиҳобиддин (Абул Аббос Шиҳобиддин) – ҳижрий VIII асрда яшаган олим.

Шоҳмансурзода (Акобир Шоҳмансур ўғли, 1886 – 1924) – асли ўшилик, Самарқандда япаган, «Зарафшон» ширкати муассиси, «Ҳуррият» газетасининг биринчи муҳаррири.

Шукрулло (Ҳожи Муъин ибн Шукрулло, 1883 – 1942) – журналист ва драматург.

Ҷ

Ўринбоев (Муҳаммадқули Ўринбоев, 1878 – 1919) – Беҳбудийнинг сафдоши, «Ҳуррият» газетаси муассиси.

Ҳ

Ҳавқал (Муҳаммад ал Ҳасан ибн Ҳавқал) – X асрда яшаган араб сайёҳи.

Ҳиротий (Абдураззоқ Ҳиротий, 987 ҳ.) – тарихчи.

Ҳифс (Сироҗиддин Ҳифс) – XVI асрда яшаган фикр олими.

Ҳофиз Абрўй (Ҳофиз Абрўй Ҳиротий, 834 ҳ.) – тарихчи олим.

Ҳусайн (Ҳусайн Камол пошо) – 1900 – 1914 йиллардаги Миср волийси, сўнгти сultonи.

A

Або – енги калта қылбар либос

Иъвіжак – эгилма, букма

Авто – эвли, ўринли

Ассоф – васфлар, сифатлар

Адрес – асосан либосга ишлатиладиган ипаклик мато

Аёлот – тобе ерлар, умуман ҳукуматта ва бир ижтимоий қисмга таал-
лукلى ерлар, қишлоқлар

Ажала күйфрук – тез, шошилинч қурилган, яғни солдан ясалған күп-
рик

Ажалай шайтон – шошқалоқлик шайтоннинг иши

Ажр – мукофот, эваз, савоб

Акобир – шаҳар катталари

Аккос – фотограф, нусха олувчи

Аlam – байроқ, тымсол, ташвиш

Ал-он – ҳозир, айни пайтда

Алоқиң рүзгор – рүзгорга боғланиб қолиши, «ичкари» масаласи билан
банд бўлиш

Алқо – қўзғатиш, жилдириш

Амлок – мулклар

Амлокдор – мулк эгаси, Бухоро амирлигига амирлик амалдори

Аъмо – кўрлик, сўқирлик

Анбиё – набийлар

Анбиёи иъзом – улут набийлар

Анボъ – навлар, хиллар

Аносир – унсурлар

Анфоси қудсия – покиза нафаслар

Анқарис – қисқа вақтда

Анқо – афсонавий қуш, симурғ

Арз – ер, масофа, эн

Арзи маъъуд – вайда қилинган жой

Асаф – таассуф, қайғу

Асаф буржи – ҳасрат буржи

Асиф, асифал – қайгули, афсусланарлы
Асном – санамлар; абди асном – санамлар қули
Асобат – ҳақиқат, тұғрилик
Асарланмоқ – таъсирланмоқ
Асқалон (исқолон) – денгиз соҳилидаги кема тұхтайдиган жой, русча пристань

Атиббо – табиблар
Ота – орол (ярим ота – ярим орол)
Атрошом – хүш бүй таратувчи
Атф – яна бир карра
Атфол – болалар
Афъоли қабоиқ – ярамас, маккор ишлар
Ахуз (ахз) – олинган, құлға киристилган
Ашроф – эътиборли, шарафли, сарой ва эл-корт орасыда обрўли кишилар

Ашъор – шеърлар
Аъқора – күчмас мулк
Ақво (қавий) – энг кучли, қудратли
Ақрабо – қариндошлар
Ақсои сафар – узоқ сафар
Ағниё – бойлар
Аҳиббо – ҳабиблар, дўстлар
Аҳодис – ҳодисалар

Б

Баввоб – қоровул
Бадавий – саҳро, чүл кишиси, асосан саҳрода яшовчи араб қабилалари
Байтул мол – давлат хазинасига тегишли
Байъат – тан олиш, бўйсуниш, итоат
Байона – бай пули
Баладия – шаҳар ҳокимияти
Бандаргоҳ – порт, катта савдо ва ҳарб кемалари тұхтайдиган жой
Барзақ – яриморолнинг қуруқликка тушган жойи
Барроқ – ялтироқ, жильвагар
Барқаво – портлатиш
Бас – демак
Баъда аз ишо – хуфтондан кейин
Баъда аз зуҳр – туш пайти, пешин вақти
Баҳри абязи мутавассит – Ўрта ер денгизи
Баҳсу жидол – тортишув, келишмовчилик
Белжукълар – белгияликлар

Бизанс – Византия, қадимги Шарқий Рим империяси номи
Биноан алайҳ – шунга кўра, шунга биноан
Бенаволик – ғамгиналик, иложсизлик
Бемуҳабо – тортина маслиқ, иккилан маслиқ
Бидъат – янгилик, ҳар даврда пайдо бўлган маший янгиликлар
Бидъати ҳасана – жамиятта фойдалик янгиликлар
Билло шак – шак-шубҳасиз
Бир рубъи – тўртдан бир
Бир сулс – учдан бир
Боди Кубо – Боку шаҳрининг қадимги номи
Бодғўя – кема
Ботил – бузук, бекор қилинган
Буйруқратияни мустабид – мутлақ монархия, бюрократик монархия
Бурдан убудият – хоккор қул
Бут – мажусийлар иқтидо қиласидаган тош, қуш, санам, ҳайкал каби пар-салар
Бутпараст – буттга сигинувчи
Бухтий – нортуга
Буқъя – туман, бино, хонақоҳ, сарой, жой
Буғро – икки ўркачли түя
Бўғозичи – Босфорнинг туркча аталиши

B

Важд – ҳис-ҳаяжон
Важҳа – эътиборли
Вазъ – паст, тубан, оддий
Вазифа – маош, стипендия, ойлик, маош
Вазни каффа – тарози палласи
Ва илло – лекин, аммо, агар
Валад – бола
Валиям – кун
Волий – ҳоким
Варажга – иситма, шақ-шақа
Вараса – ворис
Варасан анбиё – пайғамбарларнинг вориси, яъни олимлар
Васат – ўрта
Васий – вояга етмаган етим болаларга ғамхўрлик қилувчи шахс
Васоят – васийликни қабул қилиш
Ваъид – қўрқдиши, таҳдид, дўқ, пўписа, огоҳлантириш
Визр – оғир юқ, оғирлик
Вирд – вазифа

**Вузу́ – таҳорат
Вуқу́т – воҳеалар**

Г

**Г.Дума – Государственная Дума, яъни давлат мажлиси
Гарон – оғир
Гиреҳмӯ – нақш хили, мураккаб тутунли (геометрик шаклли нақш)
Гитий – олам, жаҳон
Гулла – замбарак ўқи
Гумрук – божхона**

Д

**Далил – йўл бошловчи, даллол, етакчи-гид
Далоили ақлий – ишончли ҳужжатлар, доно маслаҳат
Дасиса – шахслар, оила, жамоат ўртасидаги тинчлик, тотувликни бузиш мақсадида атайлаб амалга оширилган маккорона жанжал
Дафъ – раддия, ҳимоя
Дироят – бирор муаммони кузатиш, тажриба йўли билан англаб етиш, тушунча
Доро – эга
Дорулқазо – қозикона
Дорулжизин – ожизлар, яъни етим, қашшоқ, беморлар уйи
Дорулайтом – етимлар уйи
Дохилия – ички
Ду боло – икки бор, яна, такрор
Дуватилса – тутатилса
Дуттиклар – қўллаш, ушлаш, қоидалар
Дужина (дюжина) – ҳажм ўлчов бирлиги
Дўрага – хона**

Ж

**Жабали Лубнон аёлоти – Лубнон (Ливан) тоғлик вилояти
Жабали ат-Ториқ – Гибралтар бўғозининг асл номи
Жазира – орол
Жалий – равшан, очиқ, кўзга кўринарлик
Жалис – сұхбатдош, бирга ўлтирувчи
Жало – ватандан айрилиш**

Жаложил – құнғироқча, күпинча раққосалар илгиге бөлгейдіган құнғироқчалар

Жам, Жамшид – афсонавий Эрон шохи

«Жамияти имдодия» – «Ёрдам» хайрия жамияти

Жамод – жонсиз нарсалар

Жанб – ён томон

Жарыда – газета

Жароид – газеталар

Жарқ – эътиroz

Жаҳли мураккаб – ўзи билмаган нарсаны биламан деб даъво қилиш

Жимнастиқ – гимнастика, жисмоний ҳаракатлар

Жобулсо ва Жобулқо – Шарқ ва Фарбнинг энг узоқ жойларидаги афсонавий шаҳарлар

Жойхоблар – ўрин-кўрипа

Жода – катта кўча, қоида, низом

Жозибаи қамар – ойнинг тортилиши

Жоний – ҳаётий

Жонхароп – жон азоби

Жуҳдол – жоҳиллар

3

Заввор – зиёратчи

Завжай мутахҳира – жуфти ҳалоли

Зужож – щишалар

Зарина – олтин, сариқ ранг

Зарф – идиш

Зарфинда – вақт оралигига

Заъф – заифлик, кучсизлик

Зер – қуий; зерда – қуийда, зер назоратинда – қуий идоралар назоратида

Зимма – мастьулиятга олиш

Зироат – қишлоқ хўжалиги, дехқончилик

Зоил – йўқ бўлувчи

Зомин – кафил

Зовия – бурчак

Зоиқ – завқли

Зоти студа – зоти шарифи

Зуафо – аёллар, хотин-қизлар

Зулжалол – Оллоҳнинг сифати; азamat ва буюклик эгаси

Зухурот – кўриниш, намоён бўлиш, майдонга чиқиш

Й

Йиль – «ийий» – яхшининг қисқартма шакли

Йаъс – маъюслик, умидсизлик, қайғу

Йадуллоҳ маъал-жамоа – Оллоҳнинг қўли жамоат билан

И

Иброний – яхудий (иврит)

Ийий тараққий – яхши ўсиш, интилиш

Ижмол – хулоса, фикрни қисса сўз билан ифодалаш

Ижтиқод – ҳаракат

Ижтимоҳона – одамлар мажлисга тўпланадиган хона

Икки хатлик – икки излик

Иксун – қора рангли ипак кийим

Илтизом – лозим

Имдод – мадад, кўмак, ёрдам

Имтисол – мисол тариқасида

Имтиаа – мато

Ийро – ижро, ифода

Интибоз – огоҳлик, ғафлатдан уйғониш

Интисоб – нисбат, алоқадорлик

Интишор – кенгайиш

Инфиол – ғам чекиши, ташвишланмоқ

Инфиоли даруний – ички ҳаяжон

Иргифо – баландлик, юксаклик, ҳосил

Ионат – ёрдам, мадад

Истибдод ройитъ – зулм ўтказиш

Истифода – фойдаланиш

Ихвон – биродарлар

Иншоот – мактублар

Иштибоз – шубҳа, гумон

Иштирокиони омиyon – халқ социализми, яъни коммунистик фирмә

Иқноъ – ишонтириш, қаноат қилиш

Иқомат – тураржой, ўрин

Иқор – мулк, ҳовли-жой

Иқтидо – эргашмоқ, суюнмоқ

Иқтизо – тақозо

Иҳтисоб – ҳисоб-китоб, текшириш

Иҳё – тирилиш

К

Калом илми (илми калом) – эътиқод илми, оят сўёларига суяниш илми
Калобаи тун – бир калава арқон, иш
Касолат – ялқовлик, дангасалик
Кафили хирадманд – донишманд кафил
Кибор – жамиятнинг пешқадам кишилари
Крошка (русча) – увоқ, нон увоқ, кичкинагина жой, ер
Комписа – компенсация, товон
Курраи арз – ер юзи
Курраи маснуа – глобус
Курраи мусаттаҳа – ер доираси сатҳи, юзи
Кўй – қишлоқ
Кўтоҳбин – калтабин, фаросати заиф

Л

Лайли – кечки
Лайлу наҳор – эртаю кеч
Латиф ул-ҳамим – қайнарбулоқ
Лигофа – конверт
ЛА ЯЛЬТИМУ – тутанмас
ЛА ЯНҚАТИЪ – тинимсиз, тўхтовсиз
«Ла ҳавла...» – қўрқандаги ўқиладиган дуонинг биринчи сўзи
Лиҳаза – шу сабабли
Лузум – лозим, керак
Лукс – «люкс» (ҳар жиҳатда қулай) сўзининг бузилган шакли
Лугз – сўз

М

Маа – сув
Мааттаассуф – афсус, надоматли
Маа фийхи – ундаги
Мааташаккур – миннатдорлик, раҳмат айтиш
Маввод (мавод) – моддалар
Мавоҳаза – танбек
Мавсуф – васф этилган
Мавқиф – бекат
Мавқуф – тўхтатилган
Мадоҳил – даромад, кирим, бухгалтерия

Мадор – давр, даври маҳаллий, яъни айланиб, ўзгариб турадиган жой
Мадор жадий – Жадий юлдузи даври
Мадрон – қарздор
Мадфун – қабр
Мадфун – дағн этилган
Маджал – кириш, сўзбоши, муқаддима
Мажалла – журнал, тўплам
Мажлиси мабъусон – муассислар йигилиши, парламент
Мажоний – текин
Мазбут – қайд қилинган, хотирда сақланган
Мактаби саноеъ – санъат, ҳунар мактаби
Макотиб – мактаблар
Мукаъъаб – куб, батъан квадрат маъноларида ишлатилади
Мамнӯъ – ман этилган
Мамнун – рози бўлмоқ
Манбат ҳат – узоқдан ўқишига мўлжаллаб ёзилган ҳат
Манбит – кўкаломзор, унумдор ер
Манзарфириб – эътиборни жалб қилувчи манзара
Манҳий – тақиқланган
Мансух – бекор қилинган
Малзум – зарур, муносиб
Маода – бошқа; маода дигар овруларда – бошқа дардлар билан оғри-
гандা

Марбут – борланган, туташ
Маржуъ – ўринли
Маррат – марталар
Марсаби баҳрия – дengиз улови, кема, қайиқ ва бошқалар
Маслуби мужассам – чормик, Ҳазрат Исо (а.с.) салбга михланган тас-
вири туширилган нишон

Масруф – сарфланган, харажат
Масмуот – эшитилиш
Масоҳат – ўлчов
Матлаб – эҳтиёж, талаб
Матин – мустаҳкам
Машруъ – шариатта хос, шариат рухсат этган йўл, нарса
Маъбад – ибодатхона
Маъданиёт – минералогия
Маъсум – гуноҳсиз, гўдак
Маътал – кутиб қолиш, зориқиш
Маъхаз – манба, хазина яширилган жой
Мақдұқ – таҳқирили
Мақзуф – кераксиз
Маҳал – жой, вақт

Махв – ўўқ қилинган, ўлдирилган
Миз – стол
Мил – қувур
Минокори – сирланган, мойбўёқ берилган
Минтақаи мұттадила – ҳарорати ўртача минтақа, ер қисми
Модар – она
Моддатан – аслида
Мозий – ўтмиш, тарих, кечмиш
Мойс – май (ой номи)
Моний матин – аслан гўзал, чиройлик, ҳақиқатда гўзал
Морпеч – нақшнинг бир тури
Мо ҳаза – бу нима
Муаххаз – дашном берилган
Мубораза – қураш, олишув
Мубошир – бошқарувчи
Мудаввар – юмалоқ, айлана
Мужаррад – бўйдоқ, ёлғиз
Музоқака – култили, комик
Муза – музей
Музоқ – мозаика, гул ёки сурат тасвири туширилган кошин
Муллаҳадмаоб – гўр, лаҳадга сазовор, ёвуз
Мумтақан – синовдан ўтган
Муованат – қўллаш, ёрдам бермоқ
Мулки эъдодий – давлат тайёрлов мактаби
Мулкияи рушдия – давлат ўрта мактаби
Мунқариз – инцирозга учраган, тутатилган
Мурабба – тўртбурчак, квадрат, мурабба ўтириш – чордона ўтириш
Мусаввар – тасвири
Мусанииф – ёзувчи
Мусовот – тентглик
Мустаид тамаддуни – маданиятга тайёр
Муталло – қўйма; муталло нақши – тилла суви юритилган нақш
Муттағиқ – иттифоқчи
Мутаъаддид – ададлар, кўп, рақамлар, аллақанча, бир неча
Мутадайин – диндор, руҳоний, диёнатлилар
Мутамаддин – маданиятли, илгор
Мутаназзил – тушкун, пастта туширилган
Муташарриъ – шариат бўйича иш тутувчилар
Муфаттиш – тафтишчи, текширувчи
Муфтхўр – текинхўр, порахўр
Мухтариот – ихтиrolар
Мухталиф – турли-туман
Мушрик – ширк келтирувчи

Мушорун илайқ – мазкур; унга кўра
Муштағилат – машгулотлар
Мушаххис – артист, тақлид қилувчи, ҳис этувчи
Мушовара – маслаҳат, кенгаш
Муқарнас – қуббали нақш
Муқояса – қиёслаш, солиштириш
Мұхаррири маъроз – воқеаларни баён қилувчи
Мұқаққиқини киром – буюк ҳақиқатчилар
Мұховара – савол-жавоб
Мұхтавий – ўз ичига олган

H

Навоқис – нуқсонлар
Надва – йигин, мажлис
Назарфиреб – жозибали, жалб қилувчи
Намози фажр – бомдод намози
Насс – баён этилган; ҳикоя
Насоро – христиан динига эътиқод қилувчилар
Нусус – матнлар
Нафсимга – ўзимга
Нафсуламр – нафс буйруги, ҳақиқий ҳол(ни айтганда), моҳият
Нақша – харита
Нимча мулло – чаласавод мулла
Нимкола – ярим-ёрти
Номашруъ – шариатта хилоф
Носиқ – насиҳат қилувчи
Ноҳудойи – иймонсизлик
Нофеъ – фойдалы
Ноҳалаф – авлодига тортмаган, номуносиб
Нуктадон – сўзамол, ўзига хос тарзда сўзловчи
Нуфуси Туркистон – Туркистон ҳалқи
Нуфуз – таъсир
Нуқуд – нақдиналар

O

Обчакорлик – жилдиратиб, яъни оз сув билан сугориладиган ер, экинзор
Овиза – осма
Одина – жума

Ойин – урф-одат
Оёт – оялдар
Омбури ҳукумат – ҳукумат бошқаруви
Оре – ҳа, худди шундай
Оризади – сунъий ўрмон
Оромак – йигмоқ, тўпламоқ
Осима – марказ, пойтахт
Осиёи Вусто – Ўрта Осиё
Осонсур – элеватор, эскалатор
Оти – қуайи
Оянда – келувчи, келажак

II

Попур – кема
Попуш – хитой маликалари кийган кавиш
Пўстхўрда – янги тери, хомтери, текинхўр маъносида ҳам ишлатилган

P

Рабт – боргламоқ
Расоил – рисолалар
Рижоли гайб – гайб, кўзга кўринмайдиган эр (киши)лар
Рижоли тарихия – тарихий арблар
Рико – илтижо, ёлвориш
Риёзий – математика фанига тегишли
Рин – царвосиз
Риоят – эътиборга олиш
Рифоҳ – фаровон, омадли
Ришват – пора
Рой – фикр, кўнгил
Роқим – ёзувчи, кўчирувчи, битувчи
Роқими ҳуруф – муаллиф
Рубъи маскун – ер юзининг тўртдан бири
Рухом – мармарнинг бир хили
Рушдий – ўрта, ўрта мактаб

C

Савқ – табиат, қилиқ, даъват
Савқут – тийн-ершунослик
Савм – рўза

Савт – қамчи
Саждаи убудият – мутеликни, тұла қарамликтан олиб бош эгиш, сажда қилиш

Сажжода – жойнамоз
Сажин – рус узуулык ўлчови, 3 газ ёки 2,13 м.
Сайфийя – далақовли, ёзги дам оладиган манзил
Сакарот – мастилик, ҳұшсизлик
Салб – чормих, хоч
Саловат – тасалли, тасалли учун ўқыладиган дуо
Салохият – қобиляйт, қуроллик
Салоқ – яхшилик
Самт – сукут, жимлик
Самақдин самокга – ердан осмонгача
Самоқ – үй деворининг пастки қисмігінде ишлатылады оқ тош
Самти хориж – ташқари
Санам – бут, гүзәл
Сарват – бойлик
Сариқ – очиқ, аниқ, равшан
Сарроф – олтин-күмуш пулларни алмаштирувчи, майдалаб берувчи
Сағолат – пасткасплик
Сағоқат – ақлсизлик, нодонлик
Саҳрат – қоятош, катта җажмли тош
Сақо – сув ташувчи
Сақобан бузургвор – буюк сақобалар
Саңдор – сеңрлар
Сибён – болалар
Сиво – халос
Сиёсат – бошқарув, дүйк-пүлиса
Сил ар-рия – ўшқа сили
Синаматограф – кинематография; кинотеатр
Сингир – асаб
Синоат – ҳунар, санъат, касб-маҳорат сири
Синод – олий черков маңқамаси, Россияда 1772 – 1917 йилларда фаолият күрсаттын диний ишлар бүйічі башқарма
Сироят – таъсир
Сирланган – мойбүёқда бўялган
Сиҳҳия доираси – тиббий кузатув
Содот – саййидлар
Сомий – Мисраим ибн Сом авлодлари
Сомон – бойлик
Сориб олмоқ – ўраб олмоқ
Савмаъа – ибодатхона; ҳужра
Суқут – таслим

Тааммуқ – ўй, фикр
Таарруз – ҳужум
Таассуби ҳуқуқ – ҳуқуқ ҳимоячиси
Таассуф – афсус, надомат чекиш
Табъ – нашр қилиш, чоп этиш
Табдил – ўзгартириш, мослаш, таржима, алмаشتариш
Табийз – оқартырмоқ
Табъалик – фуқаролик
Тобеин – тобелик, қарамлик
Таваққуф – тұхталиш
Таваңдым – ваҳима
Таваңдым келтирмоқ – ёввойилашмоқ
Тавоно – құватла, күчли
Тавхид лисон – тіл бирлигі (ягона адабий тіл)
Тадриж – аста-секін
Тадрис – дарс ўқиши
Таждид, тажаддуд – янгилик, ислоҳот, ўзгариш
Таждид – Құръони карим имлосини ва фонетикасини тұғри ўқиши ва талаффуз қилиш, қироат билан ўқиши
Тазайин – зийнат, безак
Такфир – коғирға чиқармоқ
Талоғ – қароқчи
Талъин – лаънатлаш
Тамаддун – маданият
Тамбоку – тамаки
Танзил – тушиш, қўниш
Таовун – ёрдам
Таоло – баланд, юксак
Тарсим – расм
Тард этмоқ – четлаштиримоқ
Тардиқ – эзиш, майдалаш
Тароз – келишув
Тасаллут – ҳукмронлик қилиш
Тасвид – қора
Тасниф – тартиб бериш, ёзиш, иниш
Тасфия – софлаш, тозалаш, тиниклаштириш
Татаббуъ – ўхшатма, назира
Таттоҳири абдан – баданларини покловчилар, яъни чўмилувчилар
Тафриға – ажратиши
Тафсир – Құръони карим оятларига шарқ берши
Тафтиш – текшириш (ревизия)

Тафтишот – текширишлар
Ташхис – эътироф этиш, касалликни аниқлаш, диагноз
Таҳт ал-баҳр – денгиз ости
Таҳт ал-Жабал – Жабал тоги ости
Таҳтипо – оёқости
Таҳтиповинлик – оёқости бўлиш
Таганий – нагма, мусиқа
Тагийири қиёфа – қиёфани ўзгартириш
Таҳзиб – безанмоқ, қўлга хина боғламоқ
Таҳфим – тушунтириш
Таҳқиқ – бирон нарсанинг ҳақиқатини излаш, текшириб кўриш, ҳақиқат қилиш
Таъбия – пистирма
Таъвия – сўзни бошқа маънога буриш
Тезоб – азот кислотаси назарда тутилмоқда
Тек – битта
Темир тўр – темир панжара
Тириклик касали – тирикчиликка берилиш, пул топишга киришиб кетиш
Тул – узунлик
Тулуъ – кун чиқиши
Турба – қабр
Турма – кема трюми
Тульма – таом

У

Убудият – бандалик
Ужра – ижара ҳақи
Умрон – воҳеалар, ҳодисалар
Усули савтия – алифбони товуш усулида ўқитиш
Усули фиқҳ – шариат қонунлари усули
Уфоин – ёқимсиз, сассиқ
Урафо – орифлар
Уққол – оқиллар

Ф

Фавқ ал-баҳр – денгиз усти
Фазла – ортиқча
Файсал – ечим

Фано – йүқлик, күз күрмайдыган, ҳиссий, ақлан ва қалбан ишониладыган олам

Фароиз – 1. Фаралар, мерос тақсимлаш қоидалари; 2. Мерос илми

Фарр – жилва, ҳашамдорлик

Фарш – майдалантан, тұшалған

Фурусь (фурууыт) – құшимча, мавзуга яқын талқынлар, фикрлар

Фигор – оғир ақвол

Фимо баъд – ундан кейинги

Филя – токи

Фуйузот – хайр, фаровонлик

Фосила – оралиқ масофа; узилиш

Фунун – фанлар

X

Хабис – иблис, ёмон, бузуқ

Хавла – итшумурт деган ўсимлик; мақолада ҳашак маъносида олин-
ган

Хавос – амирликка ёки подшоликка тегишли хос, дахлсиз ер

Худдом – ходимлар

Хадим – таъзия күнлари (пайшанба, якшанба)да ис чиқариш, худойи

Хайрияттан лиссагир – етим учун хайрия бериш

Хайс – мұмсик, зиңға

Хаёли фосид – бузуқ хаёл, беҳуда хаёл

Хамула – йўловчи, пассажир

Хамр – маст құлувчи ичимликлар

Хартухар – пароканда, тартибсиз

Хатти истиво – экватор

Хидмати ноғеъи маъмул – фойда келтирувчи хизмат

Хинзир (ханзийр) – тўнғиз гўшти

Хон – стол

Хориқа – фавқулодда, кутимаган ҳол

Худдори – сақланмоқ, ўзини ўйловчи

Хуср уд-дунё – мол-дунёсини йўқотиши

Хушуъ ила – итоаткорона, тиз чўкиб

Ч

Чаҳор ҷашм ила – тўрт кўз бўлиб, яъни қаттиқ интизор бўлиб кутиш

Чаҳортак – тўрт қирра

Чинчикча – санчқи, вилка

Чодир – рўмол
Чошт – чошттоҳ

III

Шабака – жимжимадор панжара
Шабакаланган – гулдор панжара билан тўсилган
Шай – нарса
Шакий – ёвуз, қаҳри қаттиқ одам
Шарр – ёмонлик
Шаррот – ёвузлик
Шахис – атоқли
Шодиравон – фонтан
Шогил – банд этувчи
Шимди – шундай, энди
Шуаро – шоирлар
Шуруъ – бошламоқ, киришмоқ

Э

Эвет – ҳа, тўгри
Эҳмол – қийинчилик
Эъроз – эътиroz
Эътидол – мўътадил
Эътимод – ишонч, ҳурмат, келишув
Эътимоди нафс – ўз кучига ишонмоқ
Эътино – эътибор, аҳамият бермоқ

Ю

Юонний – тор маънода «иониялик», кенг маънода грекияликлар, умуман қадимги греклар ва македонияликлар

Я

Ярминка – ярмарка (бозор)нинг бузилган шакли
Янги кабир бўлғон – энди катта бўлган, ўспирин

Қ

Қаблал-исломият – исломдан олдин
Қабла аз аср – аср намози олдидан
Қавлан – оғзаки, сүзда
Қазаф – дашном
Қазо – қози
Қазо – тасодиф, бирор воқеанинг содир бўлиши, кечикиш, мўлжалдаги ишни кечиктириб бажариш
Қазои осмоний – тақдирнинг кутилмаган ҳодисаси
Қалъагий – қалай
Қанодил – қандиллар
Қарагаса ер – қора тупроқли ер
Қуруни вусто – ўрта асрлар
Қасаба – қўргон
Қаср намози – сафар пайтида қисқартирилиб ўқиладиган фарз на-
моз
Қитор – поезд
Қутр – қўндалант, дол
Қаё – қоя (қиё шажли ҳам учрайди)
Қиловун (қалъаовуннинг бузилган шакли) – қалъа бошлиғи, комен-
дант
Қоли, қолин – гилам; патли қолин ва патсиз, текис, сидирға қолин
Қонуни мусовот – тенглик қонуни
Қофила – карвон
Қувваи дофеъа – мудофаа қуввати
Қўрис – азобланган, жабр кўрган

F

Фалат – нотўғри, ўринсиз ишлатилган
Фалати фоҳиш – қўпол хато
Фанимат – ўлжа, ғанойям – ўлжалар
Физо этмоқ – тамадди қилмоқ
Фуруб – кун ботиши

X

Ҳаво – мусиқа
Ҳаводор – ҳавас, чолгучи ва ўйинчиларга берилиувчи эҳсон
Ҳавоижки диния – диний эҳтиёжлар
Ҳавондор – қуюқ, кўкаламзор
Ҳаворий, ҳаворийин – насоро руҳонийлари, ҳазрати Исо (а.с.) тараф-
дорлари

Ҳавос – ҳислар

Ҳажж (араб. қалъажж, ўзб. қалҳамаж) – саҳро ва чўлда яшовчи, ўзи йигиб-терган нарсани остида қолиб маҳв бўлувчи ҳашарот, одатда моддий бойликни тўплаб, ундан ўзи кераклигичча фойдалана олмайдиган зиқна одамлар шаънига айтиладиган тасмия.

Ҳажр – бирор нарса, мулкни вақтингча ҳибс этиш (арест)

Ҳажар ул-асвад – Каъбадаги қора тош

Ҳазиз – тубан

Ҳайвони хотиқ – одамлар

Ҳайъат – астрономия

Ҳамият – ор-номус ва уни сақлаш

Ҳаммор – майхўр

Ҳанжор – йўл, усул

Ҳасир – бўйра

Ҳаққулабад – абадий ҳақиқат, Оллоҳ

Ҳизб – бўлак, қисм, мазҳаб, партия

Ҳирифт – ҳунар

Ҳосилхиз – серҳосил, унумдор

Ҳошокалло – шошилинч, шу заҳоти

Ҳувият – шахсият

Ҳудус – тасодифлар

Ҳулё – безак, зийнат

Ҳунжор – тартиб

Ҳўмож – ёввойи, ярамас

Адабий-танқидий мақолалар

Эски фикрлардан	3
«Мунозара» ҳақында	5
Мұхтарам Мусо афанди шарафина	9
«Беңбүдий күтубхонаси».....	14
Тиётр наадур	15
Танқид – сараламоқдур	17
Исмоилбек қазратлари ила сұхбат	19
Исмоилбек қазратлари	21
Тиётру, мусиқий, шеър.....	23
Тиётр	26
Тил масаласи	27
«Сарт» сўзи мажҳулдур.....	34

Иймон-эътиқодга оид мақолалар

Кийим ва ташабба масаласи	45
Құръони Карим тарихига бир назар	47
Аввали мусулмонларда маданият.....	50
Таҳсил ва сафар замони ва таом	55
Дағғы таарруз ва шубҳа ажнабий таоми ҳақында.....	61
Сагирлар ҳақында	64
Туркистонда мактаб, жарида ва уламо	68

Саёҳат хотиралари

Қасди сафар	71
Истанбул – Бўсфўр бўгози.....	160

Туркум мақолалар

Тарихи ижтирои башар – одамларнинг чиқарган нимарсалари	163
Ҳифзи сиҳҳати оила.....	190
Уйланмасликни зарари	196
Мужаррадликдаги заарарлик одатлар	199

Истимноы болиднинг заари баёнида	202
Истимноы болидга гирифтор бўлган бир одам кулфати.....	204
Ҳифзи сийҳати оила.....	207

Хатлар

Н.П.Остроумовга	209
Фаоматлу жаноб муаллиф тўрага.....	209
Улув эҳтиром жаноб муаллиф тўрага.....	210

Маҳмудхўжа Беҳбудий замондошлари хотирасида

Васлий. Жаноб Маҳмудхўжа Беҳбудий биродарим.....	218
Сайид Аҳмад. Беҳбудий равонига армуғон.....	219
Садриддин Айний. Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратларининг қисқача таржимиҳо	220
Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўшон. Маҳмудхўжа Беҳбудий хотираси.	232
Вадуд Маҳмуд Самарқандий. Маҳмудхўжа Беҳбудий	233
Вадуд Маҳмуд. Ай доҳий.....	234
В.М. (Вадуд Маҳмуд). Маҳмудхўжа	234
Ҳожи Мулло Нодир. Оламни хароб этди	235
Фахриддин Рожий. Ёдоварлик	236
Садриддин Айний. Беҳбудий ҳазратлари тўғрисида хотиralарим....	238
Абдусалом Азимий. Беҳбудий ҳақида хотира ва таассуротим	242
Абдулҳамид Азамат. Беҳбудий ҳақида хотиralарим.....	244
Ҳожи Муъин. Буюк устозимиз Беҳбудий афанди	248
Ҳожи Муъин. Маҳмудхўжа Беҳбудий	252
Лазиз Азиззода. Беҳбудий.....	257
Эртурк. Маҳмудхўжа Беҳбудий	259
Гр. Андреев. У Самарканского журнала «Ойна» и его редактор – издатель	265
Махмудходжи Бегбуди	270
Махмудходжа Бегбуди	271
М.Ф. Маҳмуд ходжа Бегбуди	253
Тасодуф	276

Иловалар

Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаёти саналари ва асарлари	278
М.Беҳбудийнинг ушбу нашрдан ўрин олмаган асарлари	281
Босилмаган илмий асарлари	281
Маҳмудхўжа Беҳбудий асарларида зикр этилган тарихий шахслар .	282
Лутгатлар.....	291

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

*II
жилд*

Напиҳ учун масъул: Сайдмурод ХОЛБЕКОВ

Муҳаррир: Абдулла ШАРОПОВ

Бадиий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ

Техник муҳаррир: Дилшод НАЗАРОВ

Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ

Мусаҳҳих: Отабек БОҚИЕВ

Нашриёт лицензияси: АI №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 10.11.2015 й.

Босишига ружсат этилди: 10.05.2018 й.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$.

SchoolBook гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Ҳисоб-нашриёт т.: 13,7. Шартли б.т.: 19,4.

Адади: 1 000 нусха.

Буюртма № 26

**«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.
100156, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А-мавзе, 42-үй**

Тел.: (+99871) 217-16-77.

e-mail: akademnashr@mail.ru

web-site: www.akademnashr.uz